



Р

УҲНИНГ
ТИКЛАНИШИ

*Руҳнинг шифо топишида
Муқаддас Ёзув ва ибодатнинг кучи*

СТОРМИ ОМАРТИАН

С. О М А Р Т И А Н

*РУҲНИНГ
ТИКЛАНИШИ*

*Руҳнинг шифо топишида Муқаддас
Ёзув ва ибодатнинг кучи*

*Маънавий хаста, умидсизликка тушган ва
ҳаётдан қониқмаганларга.*

*Ушбу китоб орқали Худо сизнинг қалбин-
гизга тинчлик ато этсин, сизларга умид
ҳадя қилсин, ижодингизга ривож ва руҳан
тикланишингизга ёрдам берсин.*

МИННАТДОРЧИЛИК

Умр йўлдошим Майклга — Худога ва менга бўлган са-
доқати учун.

Ўғилларим Кристоферга ва Жон Дэвидга, қизим Аман-
дага — менга ҳадя қилган ва ҳадя қилаётган қувончлари
учун.

Қавмбоши Жек Хейфордга — менга Худо Каломини
ўргатгани ва Худо Каломи ҳаётимни ўзгартиргани учун.

Жанет Томга, менинг ноширимга — ўткир ақли, қўл-
лаб-қувватлагани ва ёрдами учун.

Холам Джин Девисга — мени доимо тушунгани ва бош-
лаган ишларимни маъқуллагани учун.

Бирга ибодат қилувчи дўстларим Сюзан Мартинес,
Рон Томпсон ва Кэти Стюартга — севгилари ва дўстона
ёрдамлари учун.

РУҲ ШИФОСИ ТОМОН ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМЛАР



«Сенинг қўлингдан ҳеч иш келмайди, калтафаҳм, — дерди ойим мени зинопоя тагидаги хужрага қамаб эшикни устимдан қулфлаб қўяр экан. — То эшикни ўзим очмагунимча шу ерда ўтираверасан!» Шундай деб у тор йўлакча орқали ошхона томонга йўл оларди, аста-секин унинг қадам товушлари эшитилмай қоларди.

Мен айбимни билмасдим, жазога лойиқ бирон иш қилдим, деб ўйламасдим, аммо юрагимда ўзимнинг нокералигим ҳақидаги туйғулар пайдо бўларди, нима бўлганда ҳам ойим ҳақ, мен шунчалик ёмондирман, унинг мен ҳақимда айтганлари, эҳтимол, тўғридир, деб ўйлардим.

Менга каттакон кутини эслатадиган хужрадаги саватларда ифлос нарсалар сақланарди. Мен полда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган сичқонлардан қочиб, саватларнинг энг юқориси устига чиқиб олардим. Зина остидаги қоронғу хужрада ўтириб, мен ёлғизликдан, қўрқувдан, ҳеч кимга керак эмаслигимдан ва ҳеч ким мени яхши кўрмаслигидан азоб чекардим. Қачон ойим мен ҳақимда эслашини, бандиликдан мени озод қилишини кутардим. У эса мени доимо отам ишдан келишидан сал олдинроқ озод қиларди. Мен хужрада ўзимни тириклайин кўмилгандай, ҳамма мени эсидан чиқаргандай сезардим, хужрадан чиқиб эса бу туйғулардан халос бўлардим.

Ҳикоямдан кўриниб турибдики, мен даҳшатли болалигимнинг жуда кўп қисмини қоронғу хужрада асирликда ўтказганман. Мени ана шу руҳий хаста аёл тарбиялашидан, унинг бундай хулқидан кўплар хабардор эдилар, аммо



онамга руҳий хаста деб мен ўсмирлик ёшидан ўтганимдан кейингина ташхис қўйилди. Болалик ва ўсмирлик йилларимда онамнинг ғазаби мени қайғуга, умидсизликка солар, мен ўзимни ожизу нотавон ҳис қилардим. Катта бўлганимда ҳам мен ўзимни олдингидай тор хужрада деб ҳис қилардим, фақат энди мен ўзимни тўрт девор орасида эмас, балки ички дард билан боғлиқ қўрқув ҳисси эзарди. Қўрқув туйғуси менинг ҳар бир нафасим билан ўсиб борар, мени борган сари кўпроқ умидсизликка соларди. Ана шундай чорасиз ҳаётни ўз-ўзини емиришдан бошқа ҳеч нима деб бўлмасди.

Ички бир дарддан халос бўлиш истаги мени турли воситаларни синаб кўришга етаклади. Мен шарқ динларига, руҳий шифога, оккультизмга мурожаат қилдим. Мен тасодифий учраган эркаклар билан алоқа қилардим, хаттоки кўп ўйлаб ўтирмасдан турмушга ҳам чиқдим, аммо турмушим бахтсиз бўлиб, узоқ давом этмади. Бу воситаларнинг биронтаси ҳам менга ёрдам бермаслигини тушунганимда, мен яна ҳам кўпроқ тушкунликка берилдим. Мен гиёҳванд моддалардан ва спиртли ичимликлардан ўзимга тасалли қидирардим, тез орада бу нарсаларга кўникиб қолдим. Ниҳоят, мен руҳий оғриқлардан кутулишнинг бирдан бир йўли — ўзимни ўлдиришим керак, деган қарорга келдим. Бир неча марта мени мўъжиза ўлимдан қутқариб қолди. 28 ёшимда мен ўзим учун ягона йўл — ўз жонимга қасд қилиш деб ҳисоблаган эдим.

Мени ўлимга бошлаган илгариги ҳаётимни ва руҳий оғриқлардан кутулиш йўлидаги ҳаракатларимни ўзимнинг «Сторми» номли афтобиографик китобимда батафсил тасвирлаб берганман. У нашрдан чиққандан сўнг, мен жуда кўп хат олдим. Уларда одамлар меникига ўхшаган кўнгил яралари ҳақида ёзган эдилар.

Ана шундай аёллардан бири менга қуйидагича хат йўллабди: «Мен шифога муҳтожман. Сиз туфайли мен биринчи марта кўнгил ярасидан даволаниш кераклигини тушундим. Энди дилимда умид учкунлари пайдо бўлганда, ҳозир мен шифо топишим учун нима қилишим кераклигини айтинг». Бу каби саволларни менга жуда кўплаб одамлар



беришади, ҳар сафар мен ҳар бир кишига жавоб беришга ҳаракат қилардим. Аммо ҳар кимга батафсил ёзма жавоб қилишга менда имконият йўқ эди. Бунинг устига, телефондаги гап-сўзлар ва шахсий суҳбатлар кўп вақтимни оларди. Шундан сўнг мен билимларимни китоб орқали ўқувчиларим билан ўртоқлашишга қарор қилдим. Сиз эса доимо бу китобдан фойдаланишингиз ва унга суянишингиз мумкин. Мана, китоб кўлингизда.

РУҲИЙ СОҒЛИК НИМА?

Кўп одамлар: «Ҳеч нарсани энди ўзгартириб бўлмайди» ёки «Энди шунга кўникиш керак! Ҳамма нарса шундай ўзгаришсиз қола қолсин, фақат бундан ёмон бўлмаса бўлгани», деб ўз руҳий соғликларига анча бепарволик билан муносабатда бўладилар. Бошқалар жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин эканлигига ишонадилар, аммо бунинг учун ё жуда катта руҳий куч-қудрат, ёки юқори малакали мутахассисларнинг ёрдами керак бўлади, деб ўйлайдилар. Бир куни бир қиз менга: «Руҳий соғломлик — бу жуда кўпчилик интиладиган олий мақсаддир, аммо жуда кам одамлар бунга эришадилар», деб айтган эди.

Мен руҳий соғломликка қуйидаги таърифни бермоқчиман: руҳий соғломлик — бу ўзимиз ҳақимиздаги ҳақиқий билимларни, ким эканлигимиз, нима билан машғул бўлишимиз, қаерга боришимиз ва фақат бизгагина тегишли бўлган ўзаро муносабатларни топадиган ягона дунёдир. Бошқача айтганда, руҳий соғломлик деганда ўз ўтмишини, ҳозирини ва келажагини хотиржам қабул қилиш, шунингдек, Худо бизга белгилаб берган сўнгги мақсад билан мутаносибликда яшаётганимизга бўлган ишонч тушунилади, биз ана шу билимлар орқали тўлақонли ҳаётга эга бўламиз. Агар бизнинг қалбимизда ана шундай дунё бўлса, агар бизни руҳий оғриқлар қийнамаса, демак, биз мақсадимизга эришган бўламиз.

Кўпчилиكنинг фикрига қарши шун айтмоқчиманки, руҳий соғломлик жисмоний соғломликдан кам аҳамиятга эга эмас. Агар биз ўзимизни сифатли емакдан маҳрум қил-



сак, касал бўлишимиз ва ўлишимиз мумкин. Бизнинг шахсимизни таркиб топтирадиган руҳий, маънавий ва ақлий қисмлари ҳам яхши озуқага ва парваришга муҳтождирлар, бўлмаса, бизнинг «мен»имиз аста-секин ҳалок бўлади. Тўғри машқлар бизнинг ақлий ва ҳиссий ҳаётимизга танамиз учун қилинадиган жисмоний машқлардан кам таъсир қилмайди. Аммо кўпчилик бу муаммо ҳақида жиддирок ўйлашни ёқтирмайдилар.

Мен ўзимнинг Greater Health God's Way («Худо кўрсатган шифо топиш йўли») номли китобимда ўзим шифокор ва соғлом овқатланиш бўйича мутахассис бўлсам-да, баданга тўғри муносабатда бўлиш ҳақида фикр юритганман. Мен ҳаётимнинг 28 йилини муҳтожликда ўтказган оддий бир аёлман, аммо кейин мен ўзим учун янги йўлни, ҳаёт йўлини кашф қилдим. Бу китобда мен руҳий соғломлик сари қўйилган етти қадамни айтиб ўтдим ва ўқувчиларга ўз ҳаётлари давомида қилишлари керак бўлган шу қадамларнинг тартибини кўрсатиб берганман. Бизнинг руҳий соғломлигимиз учун ҳар бир қилмишимиз ҳақидаги ҳақиқат қанчалар муҳим эканлигига мен ишонч ҳосил қилдим, чунки у ҳаётимизни ё узайтиради, ё бизни ўлимга яқинлаштиради. Мен на руҳшунос, на психиатр, на мутахассис маслаҳатчи, на қавмбоши бўлмасам-да, ўзимнинг жисмоний ва маънавий шифо топишим учун режа ишлаб чиқдим. Ҳаётимнинг ҳар кунини мен кўркув билан, руҳий оғриқ ва тушкунликда ўтказдим. Ўз-ўзимни ўлдириш ҳақидаги фикр энди мен ҳеч қачон тарк этмай қолди. Бугун эса мен буларнинг баридан озодман. Менинг китобим руҳий шифо ва шахснинг тўла тикланиши томон қўйиладиган етти аниқ қадам ҳақида ҳикоя қилади.

РУҲИЙ СОҒЛОМЛИК ТОМОН ҚЎЙИЛАДИГАН ЕТТИ ҚАДАМ

Бизнинг танамиз тўғри озиқланишга, тозалikka ва парваришга, машқларга ва фойдали малакаларнинг мустаҳкамланишига, тоза ҳавода дам олиш ва сайр қилишга эҳтиёж сезгани каби, ақлимиз ва туйғуларимиз ҳам турли



ҳаяжонлардан халос бўлишга муҳтождир. Мана, ана шу мақсадга бизни олиб келувчи етти қадам.

Биринчи қадам: ўтмишингиздан озод бўлинг

Худованд олдида барча муваффақиятсизликларингиз ва кулфатларингиз учун тавба қилинг, одамларнинг сизга қилган ёвузликларини айтиб беринг, уларни бутунлай кечирмоқчи эканлигингизни Унга сўзлаб беринг.

Иккинчи қадам: итоаткор бўлиб яшанг

Худо Ўз қонунларини сизнинг фойдангиз учун берганини тушунинг, Унинг иродасини бажариб яшаш учун барча кучингизни сарфланг, итоаткорлик томон қўйилган ҳар бир қадамингиз сизни тўла шифо топиш томон яқинлаштиришини билинг.

Учинчи қадам: руҳий озодлик томон интилинг

Душманингизни таний олишга ўрганинг, сизни Худодан узоқлаштирадиган ёки сизнинг Худонинг бандаси бўлишингизга ҳалақит берадиган барча нарсадан узоқлашинг.

Тўртинчи қадам: Шахсиятингизнинг тўла тикланиши томон интилинг

Худо сиз учун тайёрлаганидан камига рози бўлманг ва шифо жараёни узлуксиз жараён эканлигини эсдан чиқарманг.

Бешинчи қадам: Худодан ҳадялар қабул қилинг

Худо сизга ҳадялар берганини тан олинг, уларни қабул қилиш учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қилинг.

Олтинчи қадам: шайтон қопқонларидан нари юринг

Сизнинг ҳаётингизни барбод қилиш учун шайтон қўядиган қопқонлар ва салбий вазиятларни ажрата олинг, улардан сақланинг.



Еттинчи қадам: ҳақиқат учун қатъий турунг

Сиз Худони деб қатъий турар экансиз ва енгилмас экансиз, ғалаба қилишингизга ишонинг.

Агар биз шу етти қадамни бажарсак, ҳаётимизни уларга мутаносиб равишда курсак, улар фақат бизга фойда келтирадиган табиий қоидалардир. Агар биз ҳақиқат қонунларига асосан яшасак, унда ким эканлигимиз ва вазиятимиз қандай эканлигидан қатъий назар, биз ҳаётга эришамиз. Аксинча, ёлғон қонунларига биноан қурилган ҳаёт бизни ўлимга бошлайди.

Бу етти қадамга бир ҳафтада ўрганиш мумкин эмас, чунки улар бизнинг ҳаётимиз тарзига айланишлари керак. Агар сиз уларни ақл билан қабул қилсангиз, сизнинг юрагингиз ҳолатини ўзгартиради, бу эса ўз навбатида сизнинг туйғуларингизга ва бутун ҳаётингизга таъсир қилади. Сиз яна шуни ҳам билиб олингки, мен ҳам бунга бирданига эришмадим, сизга ҳам анча вақт керак бўлади. Тўғриси айтганда, мен ҳалигача худди жисмоний соғлигим каби, руҳий соғломлигим устида ишлайман. 30 йил давомида мен яна бир марта бу қадамлар менинг ҳаётимга ва бошқа кишилар ҳаётига ижобий таъсирига ишонч ҳосил қилдим. Муваффақият сизнинг барқарорлигингизга ва ишни охиригача етказишингизга боғлиқ. Сизнинг маънавий соғломлигингиз томон босиб ўтиладиган йўлни мен сиз билан худди ўзим ўтгандай босиб ўтаман. Биз биргаликда қадамларни кетма-кет қўямиз.

СИЗНИНГ СЎНГГИ МАҚСАДИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Ушбу китобдан сиз турли маълумотларни топасиз. Биринчидан, сизга олдиндан *таниш* ва шубҳасиз бўлиб туюладиган маълумотларни. Аммо алданиб қолмаслик керак, чунки таниш нарсалар аниқ бўлгани учун ҳам сизнинг фикр доирангиздан четда қолиб кетади. Сиз дарҳол шундай дейсиз: «Мен кечиришим кераклигини биламан». Аммо муаммо сизнинг кейинчалик *жараёнга* айланадиган



қадамингиз ҳақида қарорингиз қанчалар қатъий эканлигидадир. Агар қалбингизнинг бир бурчагида шафқатсизлик қолган бўлса, сиз ҳеч қачон шифо топа олмаслигингизни биласизми?

Иккинчидан, ўзингиз илгари *эшитмаган, нотаниш* маълумотларга дуч келасиз. Ёки агар сиз эшитган бўлсангиз ҳам, унинг ҳаётингиз учун ёки руҳий соғломлигингиз учун муҳимлигини англаб етмагансиз. Руҳингиз шифо топиши учун баъзи бир нарсалар — салбий мазмунга эга туйғулар ҳалақит беришини тушунасизми? Худди шу сингари, дўстингиз ёзган хат беихтиёр қалбингизда ғамгинлик уйғотиши, қалбингизни оғритиши ёки тушқунликка солиши мумкин. Шунга ўхшаш маълумотлар сиз ахтараётган тинчлик ва қониқиш йўлида тўсиқ бўлиши мумкин.

Учинчидан, сиз *ноқулай* деб атаса бўладиган маълумотларга дуч келасиз, чунки уларни эшитгингиз ҳам келмайди. Эҳтимол, унга жавобан сиз бундай дерсиз: «Мен бу ҳақда билишни ҳам хоҳламайман, чунки мен бундай қилмоқчи эмасман». Қилишингиз керак бўлмаган ишнинг қийинчилигини тан олиш қанчалар қийин бўлганини эсланг. Менга ишонаверинг, мен ўзингизга ёқмайдиган нарсаларга рози бўлиш қандай қийинлигини ҳам биламан. Аммо агар бор ҳақиқатни сизга айтмасам, мен сизга қанақа ёрдамчи бўла оламан? Агар мен бирон нарсани тушириб қолдирсам, сизнинг шифо топиш режангиз тўлиқ бўлмасди, сиз йўқолган ҳалқани топишга уриниб, ҳаётдан кўнгли совиб яшашда давом қилаверардингиз. Шунинг учун мен гапнинг асосийсини гапираман: буни қандай амалга ошириш керак? Чунки мен нима деяётганимни биламан. Аммо буни сиз қиласизми ёки йўқми, ўзингизга ҳавола. *Танлаш — сизнинг ҳуқуқингиз, буни эсдан чиқарманг, Сиз Худога ҳаётингизни ўзгартиришига қанча ихтиёр берсангиз, У шунча сизда Ўз ишини бажаради.*

Бу етти қадамни амалга ошириш учун вақт талаб қилинади, чунки бу оддий қадамлар эмас, балки сизнинг янги ҳаёт йўлингиздир. У қанчалар узун бўлади — сўнги мақсадингизни амалга ошириш ишига ўзингизни бағишлаб

РУҲИЙ СОҒЛОМЛИК ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМА ДЕЙДИ

Режалар одамнинг юрагида, тилдаги
жавоб эса Эгамиздан.

Ҳикмат. 16:1

Ғанимларинг сен ҳақингда: «Сиондан ҳамма
юз ўгирган, ҳеч ким унга ғамхўрлик қилмайди»,
деб айтишади. Мен эса сени соғайтираман,
ярангга шифо бераман», дейди Эгамиз.

Ерм. 30:17

Силлам қуриб, эзилдим тамом,
Юракдаги аламдан қиларман нола.

Забул 37:9

Менга У қайта куч бахш этар. Ўзининг
номи ҳақи-ҳурмати, Мени тўғри
сўқмоқлардан етаклар.

Забул 22:3



тайёргарлигингиз даражасига ва руҳий ярангизнинг жиддийлигига боғлиқдир. Бугун сизнинг қалбингиздаги жароҳатнинг чуқурлиги, сизга ўтмишда етказилган шикастга ва ўшандан буён ўтган вақтга боғлиқдир. Бу воқеа қанча олдин юз берган бўлса, сизнинг қалбингиз шунча кўп жароҳат олган бўлади, шифо топиш йўли ҳам шунча қийин бўлади. Нима бўлганда ҳам, сиз бу дунёга фақат наридан бери яшаш учун келмагансиз — сиз бу дунёга онгли ҳаёт кечириш ва муайян бир мақсадга етиш учун келгансиз. Сизнинг ўтмиш ҳаётингизда нима воқеа бўлганлигидан, қачон бўлганлигидан ва сиз неча ёшда эканлигингиздан қатъий назар, сиз тўла шифо топишингиз мумкин. Бундан камига ҳеч қачон рози бўлманг.

Мен руҳ шифосига эришдим ва шахсиятим тўла тикланди. Сиз ҳам эриша оласиз. Руҳий жароҳат сизга ёшлигингизда етказилганми ёки сизни азиз кишингиз шу ҳафтанинг ўзида хафа қилдими — бундан қатъий назар, сиз албатта шифога ва қайта туғилишга эришасиз. Сиз доимий кўркувда ва тушкунликда, ўзингизни ақлсиз, ҳеч нарсага эриша олмайдиган ва ҳамма рад қилган инсон бўлиб яшай олмайсиз. Сиз ўзингизни таъқиб қилувчи руҳий жароҳатга кўникмаслигингиз керак. Буларнинг баридан озод бўлиш кўлингиздан келади.

Аммо шифо топганингиздан сўнг барча қийинчиликлар ортда қолди, деб ўйламанг. Бу ундай эмас, чунки қийинчиликлар бизга ердаги ҳаётимизнинг доимий ҳамроҳларидир. Биз уларнинг оғирлиги остида ё эгиламиз, ёки бошимизни баланд кўтариб уларга қарши юрамиз, қийинчиликлар бизнинг фойдамизга ишлашига мажбур қиламиз. Шунинг учун оғриқли туйғулардан халос бўлиб, шифоловчи воситаларни давом қилдиришни эсдан чиқарманг.

Руҳий тушкунликдан то тўлақонли ҳаётгача бўлган йўлим дарров пайдо бўлмади. Мен то оғриқлардан халос бўлиб, бошқа азоб чекувчиларга ёрдам бергунимча ўн тўрт йил ўтиб кетди. Агар мен нима қилиш кераклигини олдинроқ билганимда бу анча илгари содир бўлган бўлар эди. Менинг ушбу китобим сизга ана шу жараёни тезлатишга ёрдам беради, деб умид қиламан.



Сизнинг қалб шифосига эришиш йўлингизда мен сизга Муқаддас Китобдан олинган ибодатлар ва парчалардан фойдаланишингизни таклиф қиламан. Улар менга мақсадимга эришишда катта ёрдам берган.

Бир босқичдан иккинчи босқичга ўтинг. Шошилманг. Руҳий шифонинг биринчисини тугатганингиздан кейин, дарҳол кейингисига ўтманг. Энг оддий йўлларни танламанг, аммо улардан бирданига ўтишни ҳам ўзингиздан талаб қилманг.

Қалбингизнинг шифо топиш жараёни — бу фикрлаш ҳолатингиз, туйғуларингиз ва хулқингизнинг ўзгариш жараёни эканлигини эсдан чиқарманг. Етти қадамни қисқа вақт ичида босиб ўтиб бўлмайди, бу сизнинг ички моҳиятингиз ўзгарадиган анча узоқ жараён. Бу учун эса вақт керак бўлади.

БИРИНЧИ ҚАДАМ: ЎТМИШИНГИЗДАН ОЗОД БЎЛИНГ



— Мен шифокор қабулига ёзилмоқчи эдим, — дедим телефон трубкасида шифокор ёрдамчисининг жиддий овозини эшитганимдан кейин.

Бундан беш йил олдин коллежни тугатганимдан сўнг мутахассисдан руҳий ёрдам сўраб қўйган биринчи қадамим шу эди.

— Қандай муаммонгиз бор? — сўради у ишчан оҳангда.

— Биласизми, бу ҳақда мен шахсан шифокорнинг ўзи билан гаплашмоқчи эдим, — телефонда вазиятимни тасвирлаш қанчалар қийин эканини тасаввур қилиб қўрқарипса жавоб қилдим мен.

— Энг аввало сизнинг муаммонгиз билан мен танишишим керак, — деди у расмий тарзда. — Бўлмаса, сизни шифокор қабулига ёза олмайман.

— Тушунаман. Гап шундаки, мени шафқатсиз она тарбиялаган. Унинг менга бўлган нафрати ҳозирги тушкунлик ҳолатимга ва нормал ҳаёт кечира олмаслигимга сабаб бўлди ва...

— Биз қийинчилик билан ўтган болалик ҳақидаги ҳикояларга ишонмаймиз, — гапимни бўлди у. — Биз уларни болалик тасаввурларидан бошқа ҳеч нарса эмас, деб ҳисоблаймиз, бизнинг вазифамиз эса сизнинг фикрингизни ҳақиқатга мослаштиришдир.

Кутилмаган бундай жавобдан мен сўзлаш қобилиятимни йўқотдим, биров юзимга тарсаки ургандай ҳолатга тушдим. Мен ниҳоят обрўли мутахассисга мурожаат қилишга жазм қилганимда, менга қандайдир болалик тасаввурлар ҳақида гапиришяпти.



— Сиз айтмоқчисизки, буларни ўзим ўйлаб топганман-да? — тошиб келаётган ғазабимни босишга ҳаракат қилиб сўрадим мен.

— Келинг, буним мана бундай атаймиз: сиз ўзингизни жабрланган деб биласиз. Сизнинг фикр доирангизни ўзгартириш бизнинг қўлимиздан келади.

— Ҳа, тушунарли. Раҳмат. Мен ана шуни билмоқчи эдим, — нариги томондан келаётган жавобни ҳам кутмай трубкани қўйдим.

Томоғимга бир нарса келиб тикилди, мен батамом умидсизликка тушиб бир неча дақиқа ўтириб қолдим. Руҳий тушкунлик пайтида мен ҳар доим йиғлаб юборишдан, ўлиб қолишдан қўрқардим. Шунинг учун юрагим тубидан тошиб келаётган ўкирик ҳиссини сезиб, ўзимни босдим.

Мен янада кучайган қалб оғриғидан ўзимни идора қила олмай, каравотга йиқилдим. Бу шифокор ҳақида ҳеч қачон эшитмаганимда яхшироқ бўлар эди! Бир куни танишларим билан бўлган суҳбатда онам билан ўзаро муносабатларим ҳақида сўзлаган эдим. Улар менга шу мутахассисга мурожаат қилишимни маслаҳат беришди. Сўнгги йилларда мен турли шаҳарларни кезиб, уйимда деярли яшамаган бўлсам-да, ҳаётимга онам ўтказган таъсирдан қутула олмаган эдим. То мен ўзим ўтмишимдан қутулишнинг бирон-бир йўлини топмагунимга қадар, у мени таъқиб қилаверадиғанга ўхшаб туюларди.

Энди озодликка бўлган сўнгги умидим ҳам сўнди. Мен ёрдам сўраб мурожаат қила оладиган ҳеч ким қолмаган эди. Шунда мен, барча мутахассислар бир хил, деган хато хулосага келдим. Шунинг учун энди ҳеч қачон уларга мурожаат қилмасликка қарор қилдим. Шу пайтгача мен кўп руҳшунослар ва психиатрларнинг қабулида бўлганман, аммо уларнинг бирортасига ҳам онамнинг менга нисбатан шафқатсиз муносабати ҳақида сўзлаб бермаганман. Бу ҳақда гапиришга мен уялардим, улар мени «жинни» деб ўйлашларидан қўрқар эдим. Мен яна ягона қутулишнинг йўли — ўз-ўзимни ўлдириш деган хулосага келдим.

Тез орада дугоналаримдан биттаси менга «Йўлдаги ибодатхона» жамиятининг қавмбошиси Джек Хейфордга



учрашишимни маслаҳат берди. Сухбатимиз асносида у, агар сен Исони ҳаётига таклиф қилсанг, хотиржамликка эришасан, тўлақонли ҳаёт кечирасан, деб сўзлади. Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ шуни хоҳлардим, шунинг учун мен Исони ўз Қутқарувчим деб тан олишга рози бўлдим. Бу менга ёрдам берадими ёки йўқми, билмасдим, аммо мен ҳамма нарсани синаб кўришга рози эдим. Нима бўлганда ҳам Исога ҳали мен мурожаат қилмаган эдим. Мен тасаллини оккультизмдан, гиёҳванд моддаларидан, спиртли ичимликлардан, шарқ динларидан, тасодифий алоқалардан қидирдим. Бу воситаларнинг ҳар бири менга вақтинчалик хотиржамлик келтирар эди, аммо сўнг мен ўзимни илгаридан ҳам ёмон ҳис қилардим.

«Исо ҳақидаги ўй» менга шубҳали бўлиб туюлаверди, аммо ягона йўлни ўз-ўзимни ўлдириш деб билган менинг вазиятимда мен ҳеч нарса йўқотмас эдим. Агар қавмбоши Джек ҳақ бўлса, мен кўп нарсага эришаман. Унинг хонасида мен илк бора Исо номини тилга олганимда шунча пайтдан бери биринчи мартда юрагимда умид туйғуси уйғонгани мени ҳайрон қолдирди. Бу менинг шифо топишим учун қўйилган биринчи қадам эканлигини кейин тушундим. Мен жамоатхонага боришни, Муқаддас Китобни ўқишни, ҳар куни ибодат қилишни бошладим ва қоронғу туннель охирида ёруғлик кўргандай бўлдим. Якшанба кунларининг бирида орқамда ўтириб ибодат қилаётган киши билан танишдим. Биз тез орада турмуш курдик.

Биз Майкл билан турмуш қурганимиздан сўнг, ўзимни анча ҳимоялангандай сездим, унга болалигим ҳақида сўзлаб бердим. Майкл менга жамоатхонамиз қошидаги маслаҳат марказига мурожаат қилишимни айтди, ишонса бўлади, деб ҳисоблайдиган руҳшунос аёлга учрашишимни айтди. Мен илгари ҳам чексиз тушкунлик ҳолатим сабабли бир неча маротаба руҳшуносларга мурожаат қилган эдим, аммо уларнинг биронтаси ҳам муаммомнинг моҳиятини тушунтириб бера олмади. Шундай бўлса-да, улар менинг шифо топишимга ўз ҳиссаларини қўшдилар, ўтиб бўлмайдиган қалин деворга зарба бердилар. Янги руҳшуносимнинг



исми Мэри Энн эди. У Худонинг қўлларидаги қуролга айланди, унинг ёрдамида ўтмишимдан халос бўлдим.

ТАВБАНИНГ МОҲИЯТИ

— Тез-тез тушкунлик ҳолатимнинг хуружи тутиб туради, у баъзида икки ҳафтача давом қилади, -чиройли, раҳмдил, юзи, менга ишонавер, дегандай бўлган Мэри Эннга сўзлардим мен. — Мен нормал яшаб, ишлай олмайман, чунки менинг фикрларим ягона йўл сифатида қайта-қайта ўз-ўзимни ўлдиришда тўхтайдди. Мен ҳатто жуда зарур бўлмаса, эрталаб ўрнимдан ҳам туролмайман. Тааж-жуб, менга нима бўлди? Худо мен билан, яхши эрим бор, умримда биринчи маротаба моддий қийинчиликларсиз яшаяпман. Мен Худованд Каломини ўқияпман, ибодат қилапман. Нега бундай воқеа айнан менда содир бўляпти?

— Менга болалигинг ҳақида сўзлаб бер, Сторми, — мулойимлик билан таклиф қилди у. — Болалигинг қандай ўтган эди?

Унинг ёнида мен ўзимни беҳавотир ҳис қилар эдим, унга бошимдан ўтганларни очиқ айта бошладим. У баъзан-баъзан саволлар бериб, ҳикоямни охиригача тинглади. Ярим соатдан сўнг мен ҳикоямни тугатганимда, у қатъиятлик билан шундай деди:

— Сторми, сенда мутелик бор, ундан озод бўлишинг зарур.

«Менда нима бор? Мен нима қилишим зарур?» — мен ҳеч нимага тушунмай унинг сўзлари устида ўйланиб қолдим, эҳтимол, тушунмаганим юзимда акс этган бўлса керак, Мэри Энн дарҳол қўшимча қилди:

— Сен ҳеч нимадан қўрқмаслигинг керак. Мутелик — жуда оғир кишан, биз нотўғри яшаганимизда улар бизни босиб туради. Агар биз улардан халос бўлсак, бу кишанларни узган бўламиз.

Шундан сўнг у уйга боришимни, Худо менинг ёдимга туширадиган барча гуноҳларимни ёзишимни тавсия қилди.

— Худодан сўра, токи У ҳаётингдаги ҳар бир воқеани ёдингга солсин, ёзаётганимда эса: «Раббий, бу гуноҳим



учун Сенинг олдингда тавба қиламан, Сендан кечирим сўрайман», деб айтгин.

— Мен Масихга келганимда, барча гуноҳларим кечирилди, деб ўйлаган эдим, — дедим унга қаршилиқ қилмасликка ҳаракат қилиб.

— Бу тўғри. Аммо жуда кўп ҳолларда бизни Худо озод қилган нарсалар ўраб туради. Исонинг хочдаги ўлими У биз учун белгиланган барча нарсани Ўзига олганлигидан далолат беради. Унинг ўрнига эса бизга Ўзи учун белгиланган нарсаларни беради. Бу абадий ҳаётдир. Уни қабул қилиб биз ўлим кишанларидан озод бўламиз. Аммо ҳар бир гуноҳимизга ҳамроҳлик қиладиган мутелик занжири ибодатнинг таъсири остида аниқ бир жойларидан узилиши мумкин. Худованд олдида ҳар бир гуноҳимизга қилган тавбамиз шу гуноҳга ҳамроҳлик қиладиган кишанлардан бизни озод қилади. Шундай экан, уйингга бор, бир ҳафтадан сўнг қайтиб кел, биз барчаси учун ибодат қиламиз.

«Қандай қилиб у ичимда нималар борлигини шунчалар тез кўра олди! — ўйладим мен унинг тавсияларини эшитиб. — Ҳамма гуноҳларимни қоғозга тушириш учун менга бир ҳафта керак бўлишини у билади». Мэри Энн кейинги учрашувимизда бу гуноҳларим рўйхати менга зарар етказмаслигига ваъда бергани учун рози бўлдим.

Бу пайтга келиб мен «Йўлдаги ибодатхона» жамиятининг аъзоси бўлдим, жамоатхонамизнинг «гуноҳ — бу мақсадга ета олмасликдир» деган таълимотини анча яхши билан эдим. Ўз мақсадига ета олмаган барча нарса гуноҳдир. Шунинг учун нафақат магазинга ўғрилиққа тушиш ёки бировни ўлдириш, якшанба куни карта ўйнаш гуноҳ, балки Худованд биз учун белгилаган нарсаларга мос келмайдиган барча иш ҳам гуноҳдир. Бу эса жуда катта ҳажмдир!

— Бу ерга келишингдан олдин уч кун рўза ҳам тутишинг керак, — давом қилди Мэри Энн.

«У менинг рўза тутишимни хоҳлаяптими?» — савол бердим мен ўзимга-ўзим. Мен рўза ҳақида қавмбоши Джеқдан эшитган эдим. Бизнинг жамоатдагилар чоршанба



кунлари рўза тутишларини билардим, аммо ўзим бунга ҳали тайёр эмас эдим. Ундан ташқари, мени очлик туйғуси даҳшатга соларди, чунки болалигимда мен жуда кўп маротаба оч-наҳор ухлаб қолишимга тўғри келган эди.

— Озод бўлишнинг бу ўзгача усули рўзасиз, ибодатсиз амалга ошмайди, Сторми, — тушунтирди Мэри Энн менга. — Рўзанинг маъноси шундаки, сен ўз-ўзингдан кечасан, Худони ўз ҳаётингда биринчи ўринга қўясан, натижада шайтоннинг сени ўраб турган кишанлари узилади, шу гуноҳдан пайдо бўлган мутелик йўқолади.

«Менга худди шу керак, — ўйладим мен. — Агар рўзасиз ҳеч иш қилиб бўлмаса, буни бажаришга тўғри келади». Мен рози бўлдим ва уйимга жўнадим.

Ўша тушкунлик кунларида мен шунчалар ҳолдан тойган эдимки, менга ҳаёт учун куч етишмасди, шунинг учун гуноҳларим ҳақида эслаш, уларнинг рўйхатини тузиш мен учун жуда қийин ишга айланди. Бу ишга киришиш учун менга ҳар сафар, ҳеч бўлмаганда, қисқа вақтли дам олиш ва уйқу керак бўларди. Бир куни шундай қисқа уйқудан уйғониб Худодан, яширин гуноҳларимни кўрсат, деб сўрашимдан олдин, мен ҳаётимдан бир нечта воқеани тез эслай олишимни сездим.

Тавба қилинган гуноҳларим рўйхатига бошқа ҳеч нарса қўша олмайман, деб ўйлаганимда мен Муқаддас Китобдан қуйидаги оятларни ўқидим: «Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз ва кўнглимизда ҳақиқат бўлмайди. Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир» (1 Юх. 1:8-9). Кўп гуноҳларимга тавба қилган бўлсам ҳам, ҳаммаси шу, деб ўзимни юпатишга ҳали эрта эканлигини тушундим. Эҳтимол, бир ҳафтада менинг қўлимдан келмаслигини Худо билгандир, шунинг учун эрталаб Мэри Эннинг кабинетига бормоқчи бўлиб турганимда, у касал бўлиб қолганини, маслаҳатга кейинги ҳафта келишимни таклиф этиб, телефон қилиб қолди.

Бу янгилик мени жуда хафа қилди, айниқса мен уч кунлик рўза тутганим, тушкунлик тобора хуруж қилиб, янада



зўрайгани менга алам қилар эди. Аммо қўлимдан ҳеч нима келмасди, мен гуноҳларимни ёзишда, тавба қилишда давом этдим. Йиллар давомида бўлиб ўтган воқеалар тўхтовсиз сув оқими каби хотирамда пайдо бўлар, уларни ёзганим сайин ёзилган варақлар сони кўпайиб борарди.

Мен тез орада тавба қилинмаган гуноҳ елкамизга қўйилган оғир юк сифатида бизни босиб туришини тушундим. Юк қанчалар оғир бўлса, биз унинг оғирлиги остида шунчалар кўп эгиламиз. Мен маслаҳат марказига борганимда бу ҳақиқат аён бўлди.

— Рўйхатни олиб келдингми? — сўради Мэри Энн жилмайиб ва кўришиш учун менга қўл узатди.

— Ҳа, — дедим мен қўрқибгина, кейин унга ёзилган варақларни узатдим. Шу пайтда, у ёзувларни ўқиб, даҳшатли ҳақиқатни билиб олади, деган ўй мени ич-ичимдан ларзага солар эди.

— Яхши, — деди у ва бошқа маслаҳатчини чақиртирди. Мен ўша заҳотиёқ, у бир неча соат давомида менинг барча гуноҳларим учун ибодат қилишга ёрдамчи керак бўлади, деб хаёл қилдим. Мэри Энн ва унинг ёрдамчиси ҳар қайсиси бир қўлини менга, иккинчи қўлини менинг қоғозларимга қўйишгани мени ҳайрон қолдирди, аммо мен энгил тортдим. Улар қоғозларимнинг мазмунига эътибор ҳам қилишмади.

— Сен хотирангга келган ҳар бир гуноҳ учун тавба қилдингми? — сўради Мэри Энн.

— Ҳа, — деб жавоб қилдим мен.

— Энди уларни Худога етказ, буларнинг бари гуноҳ эканлигини тан олгин, Худога тавба қилгин. Худо гуноҳнинг сенинг ҳаётингга етказадиган емирувчи таъсиридан сени халос қилсин, деб биз ибодат қиламиз.

Мен уларнинг ҳамма айтганларини қилдим. Улар ибодат қилар эканлар, бошимни, бўйнимни, елкаларимни босиб турган жисмоний оғирлик олинаётганини, узоқ йиллар давомида менга азоб бериб келаётган бош оғриқларим йўқолаётганини, танамга янги куч кириб келаётганини сездим. Вужудимни ҳеч қачон билмаган туйғулар — ёруғлик, поклик ўраб олаётгандай бўлди.



Тавба қилинмаган гуноҳнинг юки

Агар гуноҳга иқроп бўлиб тавба қилмасангиз, Худо ва сизнинг ўртангизда девор пайдо бўлади. Ҳаттоки сиз шу гуноҳни бошқа такрорламасангиз ҳам, у сизни эзаверади, сиз қутилишга интилган ўтмишга тортишда давом қилаверади. Бу ҳолат менга таниш, чунки ўзим шундай юк билан юрганманки, ҳатто ҳаракат қилишга кучим қолмаган эди. Мен ўзимнинг ахлоқий ногирон бўлиб қолганимни тушунмас эдим. Аммо ўша куни мен гуноҳларимга тавба қилган пайтимда, елкаларимдан оғир юк тушганини сездим.

Ҳарбирқилмишингиз учун сиз жавобгар эканлигингизни кўпинча кўрмайсиз. Масалан, сизни кимдир ҳақорат қилса, бунда сизнинг гуноҳингиз йўқ, аммо сиз шу бўлиб ўтган воқеага муносабатингиз учун жавобгарсиз. Ўз ғазабингиз ёки аламингиз ўзингизга қанчалар адолатли туюлмасин, Худо олдида уларнинг гуноҳ эканлигини тан олишингиз керак, бўлмаса У сиз учун тайёрлаган нарсани олдидан ўтиб кетасиз. Агар сиз тавба қилмасангиз, гуноҳ юки сизнинг елкангизга тушади ва сизни эзиб қўйиши мумкин. Аксинча, сиз тавба қилсангиз, сизни ҳаётга бошлайдиган йўлга қадам қўясиз.

Худога эътиқод гуноҳларга тавба қилишсиз ҳақиқий эмас. «Тавба қилиш» деган ифоданинг маъноси «ақлнинг алмашинуви» демакдир. Бу дегани — сиз ўз гуноҳингизга орқа ўгирасиз деганидир. Сиз гуноҳингиздан қатъий қадамлар билан бошқа қайтиб келмаслик учун узоқлашасиз. Бу вазият фикрлаш қонунларига мос ҳолда бўлади. Албатта, одам ўз айбини англамасдан туриб ҳам тавба қилиши мумкин. Кечирим сўзларини талаффуз қилиб биз яхшироқ бўламиз, аммо ўз ҳаётимизни ўзгартириш истагини ифодаламаймиз. Тавба қилиш қуйидаги мазмунга эга: «Бу менинг айбим. Мен бундан пушаймонман, бошқа бундай қилмайман».

Мен ҳамма гуноҳларимни ёздим, руҳшунос олдига иккинчи маротаба келишдан олдин чин дилдан тавба қилдим. Аммо асосий кечирилиш туйғусини мен учун маслаҳатчилар ибодат қилаётганларида ҳис қилдим. Шундан сўнг Мэри Энн, ойингни кечиргин, деб мени ундади.



ҲАҚИҚИЙ КЕЧИРИМНИНГ МАЪНОСИ

«Менга нафрат билан қараган ва менга озор берган кишини кечириш? Менинг ҳаётимга зомин бўлган ва ўзимни ахлоқий ногирон шахсга айлантирган кишини-я! Бу қўлимдан келармикан?» — ўйладим мен. Энди мен барча гуноҳларимга тавба қилиб бўлганимдан сўнг Мэри Энн мендан, ойингни кечиргин, деб сўради, мен ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога дуч келдим. «Ахир, махсус даволаниш учун ойлар, ҳатто йиллар керак бўладими?» — сўрардим мен ўзимдан.

— Сен кечирганингни айтишинг учун кечиримни ҳис қилишинг шарт эмас, — тушунтирди менга Мэри Энн. — Сен Худога итоаткорлигинг учун бошқаларни кечирасан, чунки У сени кечирди. Сен: «Раббий, мен онамга нисбатан бўлган ғазабимни тан оламан, мени кечиришингни сўрайман. У менга нима қилган бўлса ҳам, мен уни кечирдим. У мени яхши кўрмагани учун, мен уни кечирдим, уни Сенинг қўлингга топшираман», деб айтиш учун ўзингда куч топа олишинг керак.

Менга қанчалик қийин бўлмасин, мен бу сўзларни Мэри Эннинг кетидан такрорладим. Мен онамга нисбатан кечиримни ҳис қилмасам ҳам, уни кечиришни хоҳлардим. «Эй Худо, мен онамни кечираман», — дедим ибодатим охирида. Ҳаётимга таъсир қилаётган илоҳий куч менга ёрдам бераётганини мен билардим. Ўша дақиқаларда мен Худонинг севгисини ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ҳис қилдим.

Мэри Эннинг кабинетида у билан учрашган кунимизнинг эртасига мен тушкунлик аломатлари ва ўзимни ўлдириш хаёлларисиз уйғондим. Бу ғалати эди, чунки тушкунлик мени кечаю кундуз таъқиб қиларди. Яна ҳам ажабланарлиси шу эдики, кейинги кун ҳам, ундан кейингисида ҳам мен тушкунлик нима эканлигини билмадим. Тўғри, вақти— вақти билан унинг арзимаган белгилари пайдо бўлиб турарди, аммо шу кундан бошлаб у менинг ҳаётимда аввалгидай ҳукмронлик қила олмас эди.



Тез орада онамга нисбатан ғазабим қанчалик кучли эканлигини мен тушундим. Бу ғазабдан аста-секин, худди поғонама-поғона қутулиш мумкин эди. Ахир, вазият айни шундай эди: онамнинг ҳар бир ёвуз сўзи менинг юрак торларимни таранглаштирарди. Унинг менга нисбатан айтган ҳар бир лаънат сўзини эслаганимда, ғазабим яна янгиланар, онамга нисбатан нафратим ошарди. Қуйидаги: «Раббим, мен онамни кечиришни истайман. Уни батамом кечиришимга ёрдам бер» деган сўзларини онгли равишда айта олишим учун, бутун иродамни йиғишим керак эди.

Бир неча йил давомида бу сўзларни бир неча бор такрорлашимга тўғри келди. Бир куни Худодан, менга кечира оладиган юрак бергин, деб сўраб ибодат қилаётганимда, беихтиёр қуйидаги сўзлар оғзимдан чиқиб кетди: «Раббий, менга Ўзингникига ўхшаган, менинг онамга қаратилган юрак бер!»

Деярли ўша заҳотиёқ мен онамни ўзим илгари ҳеч қачон кўрмаган қиёфада кўрдим: у чиройли, қувноқ, истеъдодли бўлиб қолди, илгари мен билган аёлга сира ўхшамас эди. Мен кейинчалик кўрган ва билган аёлни эмас, Худо қандай яратган бўлса, шундай аёлни англаганимни тушуниб етдим. Ажойиб янгилик! Бу ҳатто тушимга ҳам кирмаган эди. Олдин чексиз ички бўшлиқ туйғусини айтмаганда, онамга бўлган нафратдан-да кучлироқ туйғуни ҳеч қачон ҳис қилмаган эдим. Аммо энди мен ачиниш ва шафқат туйғуларини ҳис этардим.

Мен онамнинг ўтмишини хаёлан кўз олдимга келтиришга уриндим: у ўн бир ёшлигида онасининг тўсатдан ҳалокатга учраши ва ўлими, бир неча йилдан сўнг сеvimли тоғаси ўзини ўзи ўлдириши, ундан кейин онамни асраб олган отасининг фожеали ўлими, ёлғизлик, айбдорлик ҳисси, ғам-алам, ғазаб — буларнинг бари унинг қалбида рухий хасталик ривожланишига сабаб бўлган. Унинг ҳаёти ҳам, худди менинг ҳаётимга ўхшаб, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бузилганини мен кўра олдим. Бирданига менинг унга бўлган нафратим йўқ бўлди, унинг ўрнини онамга ачиниш туйғуси эгаллади.



Онамга қаратилган Раббий юраги билан алоқа менинг юрагимда шундай чуқур кечириш туйғусини уйғотдики, ҳатто унинг ўлиmidан бир неча йил ўтгандан сўнг ҳам менда унга нисбатан озгина бўлса-да нафрат туйғуси қолмади. Унинг руҳий касаллиги зўрайиб, бизнинг ярашиб олишимизга ҳеч қандай имкон бермаса-да, менда онамга нисбатан нафрат, ғазаб ҳисси заррача ҳам қолмади ва шу кунга қадар ҳам йўқ. Мен уни қанчалар кўп кечирсам, Худо менинг хотирамда шунча кўп эзгу хотираларни уйғотар эди. Мен бундай яхши хотиралар ҳақиқатда ҳам борлигини ажабланиш билан эслайман.

Шифо томон йўл

Кечиримли бўлиш ҳаёт томон етаклайди. Кечири олмаслик эса аста-секин ўлимга бошлайди. Агар кечиримли бўлмасангиз, сиз қутулолмайсиз, жаннатга тушмайсиз дегани эмас. Бу дегани — Худованд сиз учун тайёрлаган нарсаларни ололмайсиз, ўзингизни руҳий оғриқлардан холи ҳис қилмайсиз деганидир.

Кечирим сари қўйилган илк қадам — бу Худо кечиримни қабул қилиши ва турмушнинг туб-тубига шу кечирим моҳиятининг сингишига йўл қўйиб беришидир. Ўзимиз неча маротаба кечирилганимизни тушуна туриб, бошқаларни айблашга ҳуқуқимиз йўқлигини тан оламиз. Барча айбларимиз кечирилиб, улардан халос бўлганимизни била туриб, Худо бизни бошқаларни кечиришга ундаса, қандай қилиб Унга «йўқ» дея оламиз?! Ўзгаларни кечириш қийин иш эмас! Биз ўзимизга алам ўтказган кишига бутун диққатимизни қаратмасдан, доимо эзгу ишлар қиладиган Худога қарашимиз керак.

Кечирим — бу икки томонга ҳаракатланувчи кўча: Худованд сизни кечиради, сиз бошқаларни кечирасиз. Худо сизни тавба қилганингиз зоҳотиёқ бира тўла кечиради. Сиз ҳам ўзгаларни тез, улар ўз айбларини тан олишганидан қатъий назар, ҳеч қандай шартларсиз кечирасиз. Кўп ҳолларда кишилар ўз айбларини билмайдилар, ёки кўрсалар ҳам тан олишни истамайдилар.

Кечириш — бу бизнинг танловимиздир. Қароримиз биз



хоҳлайдиган нарсага эмас, тўғри нарсага асосланиши керак. Мен онамни кечиришни умуман хоҳламас эдим, аммо уни кечиришга қарор қилдим, чунки Худонинг Каломи шундай деб ўргатади: «Бошқаларни ҳукм қилманг, сизлар ҳам маҳкум бўлмайсизлар. Бошқаларни айбламанг, сизлар ҳам айбдор бўлмайсиз. Бошқаларни кечиринг, сизлар ҳам кечириласиз» (Лк. 6:37). Бу оят, агар бизни айблашларини хоҳламасак, ўзимиз бошқаларни айбламаслигимиз кераклиги ҳақида ҳам огоҳлантиради.

Худо менинг онамни мендан кам севмаслигига ишонишим жуда қийин бўлди. Худо бошқа одамларни ҳам, худди мени севгандай севади. У қотилни ҳам, ўғрини ҳам, зўравонни ҳам, фоҳишани ҳам худди бирдай севади. Аммо Худо худди менинг мағрурлигимни, ғийбатчилигимни, кечиришни хоҳламаслигимни ёмон кўргандай, уларнинг қилмишларини — қотилликни, жинсий зўравонликни, ўғриликни, бузуқликни ёмон кўради. Биз: «Менинг гуноҳларим унчалик хавфли эмас», деб ўз гуноҳларимизни бошқаларники билан қиёслашимиз мумкин, аммо Худо ҳар қандай гуноҳ жирканчли эканлигини ўргатади, шунинг учун кимнинг гуноҳи ёмонроқ эканлигини ўйламаслик керак. Энг муҳими бир нарсани эслаб қолиш лозим: кечирим бошқа одамни оқлайди; у сизни озод қилади.

Дилозорни кечириш

Эҳтимол, сиз озод бўлиш ва шифо топиш йўлидаги энг катта тўсиқ — менга озор етказган инсонда, деб биларсиз. Аммо бу нотўғри. Ҳақиқий тўсиқ — бу сизнинг кечира олмаслигингизда. Сиз кимни кечиришни истамасангиз, ундан хафа бўлаверасиз, у билан ярашишни хоҳламайсиз. Сиз бутун журъатингизни йиғишингиз ва: «Парвардигорим, мен бу одамни кечирмоқчиман, уни бутунлай кечира олишимга ёрдам бер», деб айтишингиз лозим. Худди шундай сўзлар билан сизнинг ички покланишингиз бошланади, чунки Худонинг иродаси ҳисоб-китоб қилишда эмас, балки озодлик ҳада қилишдадир.

Агар кеча кечирган одамингизга бўлган аламингиз бугун ўзингизга қайтиб келса, хафа бўлманг. Бунинг барини



қайта-қайта Худога айтаверинг. Шундай вазиятлар ҳам бўладикки, сиз тез кечиришни хоҳлаб қоласиз, аммо одатда сизнинг қалбингизни қаттиқ яралаган кишини кечириш жараёни узок вақт чўзилади. Бу орангизда кечириш мумкин бўлмаган ҳолларда юз беради. Агар сиз чин дилдан дилозорингизга Худонинг энг яхши тилақларини тиласангиз, кечириш йўлидаги мақсадга эришилди, деб ҳисобласа бўлади. Агар сиз бирон — бир киши билан ёмон муносабатларда яшашга мажбур бўлсангиз, ундан қутулишга ҳаракат қилинг. Агар сиз заҳар қабул қилишни давом эттирсангиз, заҳарга қарши дори самара бермайди.

Донна исмли қиз мендан ёрдам сўраб мурожаат қилди.

— Отам бир неча марта мени зўрлади, — кўзларида ёш билан ўз ўтмиши ҳақида сўзлаб берди у. — У менинг қалбимни яралади. Мен уни ҳеч қачон кечира олмайман.

Мен уни даҳшатли хотиралар чангалидан қутулишини бирпас кутдим-да, сўнг гап бошладим:

— Донна, бу ишга сенинг ушбу муносабатинг табиий, сен бунга тўла ҳақлисан. Сен билан юз берган бу воқеа даҳшатли. Сен ўз отанг томонидан шунчалар камситилган, оёқ ости қилингансанки, ҳатто унга нисбатан қўлланган кечирим сўзининг ўзи сенга ғайритабиий туюлади. Аммо ҳаммасини тушунадиган Худога ўз туйғуларингни сўзлаб бер. Унга: «Раббим, мен ўз отамни яхши кўра олмайман, ҳаттоки бу ҳақдаги фикр ҳам мени қийнайди. Мен уни кечиришни ёки у учун ибодат қилишни хоҳламайман. Отам ўз қилмиши учун жазо олишини хоҳлайман. Аммо сен мендан уни кечиришимни сўраётган экансан, мен ундан Ўз марҳаматингни аямаслигингни, у Сени тўла билиб олишига ёрдам беришингни сўрайман. У Сен яратган инсонга айлансин. Отамга бўлган нафратим туфайли унга тобе бўлиб яшашни хоҳламайман, мен уни Сенинг қўлингга топшираман, бугун уни кечирмоқчиман. Эй Парвардигорим, менинг юрагимда тўла кечириш ҳиссини ато қил», деб айт.

Ота-онани кечириш — бизнинг олдимизга Муқаддас Ёзувлар қўядиган талабларнинг энг муҳимидир: «Ўз отангни, ўз онангни ҳурмат қил, ...токи сенинг ер юзидаги



умринг узайсин» (Чик. 20:12). Муқаддас Китоб бизга кечириш туйғусини ота-онага бўлган ҳурматнинг, узоқ ҳаёти-мизнинг гарови деб ўргатади.

Пастор Джек онамга бўлган муносабатимга кучли таъсир ўтказадиган сўзларни айтди: «Агар сен ўз ота-онангдан нафратлансанг, ўзингдан ҳам нафратланасан, чунки улардан ўзингга ўтган ҳамма нарсадан нафратланасан». Агар сиз ўзингиздаги ниманидир ёмон кўрсангиз, бу нафратнинг сабабини ўрганинг ва бу ота-онангиздан бирини эслатмайдими, шунга ишонч хосил қилинг. Агар шундай бўлса, ўзингизнинг кечира олмаслигингиз сабабини ана шундан қидириш керак.

Алам, нафрат ва шафқатсизликни меҳр-муҳаббатга айлантиришнинг энг ишончли воситаси — бу дилозор учун ибодат қилиш эканлигини мен яхши билиб олдим. Сиз ибодат қилаётганингизда Худо юрагингизни юмшатади, ҳаммамиз битта Қозининг олдига боришимизни ва ҳеч ким ўз гуноҳларига жавобдан қоча олмаслигини эслатади. Натижада ҳамма ўз гуноҳи учун ўзи жавоб беради. Сизга қандайдир разил одам ўз разилликлари учун адолатли жазо олмагандай туюлса, шуни эсдан чиқармангки, Худо бизга ўз гуноҳларимизга лойиқ жазо бермайди ҳам.

Агар сиз ўзгаларнинг айблари учун азоб чеккан бўлсангиз, дилозорнинг фақат ўзинигина эмас, унинг сизга нисбатан қилинган ҳар бир ёвузлигини кечиришингиз муҳим, бошқача қилиб айтганда, сизга азоб бераётган ҳар бир нарсани айтиш керак. Онам менга ўтказган ҳар бир аламини майда-чуйда тафсилотларигача эслаб кечиришимга тўғри келди. Ҳар гал мен уни кечирганимда, ўз ўтмишимдан қутулаётгандай, ҳаётим давом этадигандай сезардим ўзимни.

Ўтмишдаги аламлар сизга ҳаётда ўзингиз етишишингиз керак бўлган одамга айланишингизга доимо ҳалақит бераётганини сезишингиз мумкин. Ўтмишдаги аламлар ва камситишларни кечира олмаслик — сизга Худованд истанган инсон бўлиб етишишингизга ҳалақит беради. Кечира олмаслик хусусияти сизнинг ҳам эзгу мақсадларингизга қарамай ёвуз ота-она бўлишингизга олиб келиши мумкин.



Агар сиз ота-она ғазабини кечиришга ўрганмасангиз, кейинчалик ўз ғазабингизга ҳам бас кела олмаслигингиз мумкин. Ўз ҳаётингизни Худога топшириб ва унинг йўлларида юриб, сиз албатта ўтмишингизга қарамасдан, Худованд сизни қандай яратган бўлса шундай бўласиз. Худо сизнинг олдингизга кела олиши ва ҳаётингизни ўзгартира олиш лаёқати туфайли шу юз беради.

Агар сиз ўтмишда кимларгадир ёмонлик қилган бўлсангиз, сизни ҳам улар кечириши лозим. Шунинг учун олдин Худодан, мени кечиргин, деб сўранг, кейин эса Ундан ўша одамларга кечириш қобилиятини ато қилишини илтимос қилинг. У инсонларга сизни кечириш қобилиятини берган. Аммо шуни эсдан чиқармангки, Худо сизни кечиришга доимо тайёр, одамлар ҳақида эса бундай деб бўлмайди, аммо бошқаларнинг қилмишлари учун сиз жавобгарсиз.

Дилозор билан учрашув

Қалбингизга жиддий жароҳат етказган киши билан учрашув сизни кўнгилсиз натижаларга олиб келиши мумкин, хусусан унинг душманларча муносабати ёки батамом душманлашувига. 28 ёшли Линда исмли ёш аёл отасининг олдида келиб: «Ота, сиз мени зўрлаган эдингиз, мен эса сизни кечирдим», — деганини сўзлаб берди. Ушбу сўзларни эшитган ота олдиниға роса хижолат бўлади, кейин эса ғазабланиб, қизини туҳмат қилишда айблайди. Бу Линдани шунчалар хижолатга солдики, у ўзини олдингидан ҳам ёмонроқ ҳис қила бошлади.

«Кел, мен сенга бир нарсани тушунтириб қўяй, — дедим мен Линдага. — Энг аввало, сенинг шифо топишинг — сенга озор етказган одам ўз айбини тан оладими ёки йўқми — бунга боғлиқ эмас. Агар шундай бўлмаганда эди, сен ва менга ўхшаб умидсиз қолганлар қанча бўларди. Сен ўтмишингга мутеликдан руҳшунос ёрдамисиз ҳам қутулишинг мумкин. Агар сен ўз дилозоринг билан учрашувга кечира олмаслик хусусиятингдан озод бўлсанг, натижаси анча яхши бўлади деб ўйлайман. Бу одам сенинг кечиришга тайёр қалбингни, сенинг ярашиш истагингни



кўриши керак. Агар сен ўтмишни эслай бошласанг, ўз дилозорингни жавобгарликка тортсанг, вазиятни янада ёмонлаштирасан, холос. У эса фақат ўзини ҳимоя қилади, бошқа ҳеч нарса эмас. Сенга ёвузлик қилган кишига итоаткорлик билан мурожаат қилгин, ундан ҳеч нарса кутма».

Мен онамнинг олдига бориб: «Она, сиз мени жуда кўп маротаба ертўлага қамаб қўйганингиз, ҳеч қандай сабабсиз юзларимга шапалоқлаб урганингиз, ҳақорат қилганингиз учун мен сизни кечираман» деган сўзларни айтмадим. Аксинча, мен онамдан, мени кечиринг, деб сўрадим ва шундай дедим: «Ойи, мен ёшлигимда жуда ёмон, қўпол, гапга қулоқ солмайдиган бўлганимни биламан, бундан жуда пушаймондаман. Илтимос, мени кечиринг».

Мен: «Албатта, мен сени кечираман, азизим, сен унчалар ёмон фарзанд бўлмагансан, мен ёмон она эдим. Аммо энди ҳаммасини унутайлик. Қара, ҳамма нарса яхшилик билан тугади» деган жавобни эшитмоқчи эдим. Аммо бундай жавобни эшитмадим, яна бир маротаба жуда ёмон фарзанд бўлганимни, онамнинг ҳаётига зомин бўлганимни эшитиб кўнглим вайрон бўлди, холос.

Худони ва ўз-ўзини кечириш

Ўз яқинларини кечири олиш қанча муҳим бўлмасин, биз учун ўзимизни кечириш бундан ҳам муҳимроқдир. Қалблари жароҳатланган кишилар кўпинча ўзлари кутгандай одам бўлмаганликлари учун ўзларини айбдор сезадилар. Ўз-ўзини айблагандан кўра, шафқат кўрсатиш керак. Биз ўз-ўзимизга: «Менинг «мен»им, сенинг барча камчиликларингни мен кечирдим. Раббим, мени ҳозирнинг ўзидаёқ ўзингнинг етук банданг қилганинг учун сендан миннатдорман», деб айта олишимиз керак.

Бошқаларни ва ўз-ўзини кечириш — бу ҳали ҳаммаси эмас. Сиз Худони кечиришга муҳтож эмасмисиз — шуни ҳам англашингиз лозим. Агар сиз қалбингизда Худога нисбатан ғазаб ҳиссини сезсангиз, Унга шундай деб мурожаат қилинг: «Раббим, акам ҳалокатга учраб ҳалок бўлгани учун, мен Сени айбладим, бу учун мени кечир»; «Раббим, мен Сендан ғазабдаман, чунки менинг болам ўлди»;

МУҚАДДАС КИТОБ ЎТМИШДАН ҚУТУЛИШ ҲАҚИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Олдинги нарсаларни эсламанг, Эски нарсаларни ўйламанг. Мен янги нарсани яратяпман, Ҳозир пайдо бўлади — сезмаяпсизми уни? Мен саҳрода йўл қиламан, Чўлда дарёлар яратаман.

Ишаё 43:18-19

Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди [ҳаммаси] янги бўлди.

2 Кор. 5:17

Ҳар қандай ёмон ният ва гина-кудурат, ҳар қандай қаҳру жаҳл, нолиш ва ғийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

Еф. 4:31-32

Кимки биродарини севса, у нур ичида яшайди ва қоқинишга йўл қўймайди. Аммо биродаридан нафратланган киши қоронғиликда бўлади. У қоронғиликда юради-ю, қаерга бораётганини билмайди; чунки қоронғиликда унинг кўзлари кўр бўлган.

1 Юҳ. 2:10-11



«Раббим, менинг акам ва опамни мендан кўра кўпроқ яхши кўрасан». Тўғриси яна гапиринг. Худони хафа қилиб қўйишдан қўрқманг. Юрагингизни бўшатинг, кўз ёшларга эрк беринг, чунки кўз ёшлар сизни озод қилади ва шифо топишингизга ёрдам беради. Шундай дегн: «Раббим, мен Сенга қарши ўз дардимни, ғазабимни, нафратимни айтаман. Мен бошқа сенга нисбатан юрагимда алам бўлишни хоҳламайман».

Кечириш — узоқ жараён эканлигини эсдан чиқарманг. Ҳаттоки, ўз ўтмишингиз билан хайрлашиб, ҳозир ҳам кўнгилсизликларга дуч келаверасиз. Кўпинча ғурурингизга озор етади, ёки бошқалар қўлидаги қурбонга айланасиз. Ва ҳар гал шундай бўлганда, қалбимизда яра изи қолади, агар биз уни Худо олдида айтмасак, бу яра шундайлигича қолади. Бундан ташқари, алам бизни ўзимиз яхши кўрган кишилардан узоқлаштиради. Улар шафқатсизликни кўрмасалар-да, унинг руҳини сезадилар, бизнинг қошимизда ўзларини ноқулай ҳис қилиб биздан узоқлашадилар.

Эҳтимол, сиз шундай фикр юритсангиз керак: «Мен хавотир олмасам ҳам бўлади, чунки менинг қалбимда бировга нисбатан нафрат ҳисси йўқ». Аммо бошқаларни танқид қилмаслик истаги ҳам кечирилишни талаб қилади. Бу борада шуни эсдан чиқармаслик керакки, одамларнинг ўзлари қандай бўлсалар, ҳаёт уларни шундай шакллантиради. Фақат Худогина сабабини билади, бизда эса бошқаларни айблаш учун ҳуқуқимиз йўқ. Ўз яқинларимизни кечирмасдан туриб, ўтмишимиздан озод бўла олмаймиз. Сиз учун Худо тайёрлаган қайта туғилиш қувончидан маҳрум бўлманг, ғазаб ўзингизнинг шифо топишингизга тўсқинлик қилишига йўл қўйманг.

ИБОДАТ

Эй Раббий, Сенинг ваъдаларингни мерос қилиб олишим учун, ўтмишимдан халос бўлишимга ёрдам бер. Сен янгилик яратаётганингни мен биламан. Менинг онгимни ва менинг қалбимни янгилла, токи ўтмишининг ҳеч бир асорати менинг ҳозирги ҳаётимга ўз



таъсирини ўтказа олмасин. Кимни кечиришимни менга кўрсат, шу инсонларни мен бутунлай кечира олишимга ёрдам бер. Ўзинг яратган банданг бўлишимга халақит берадиган аламли хотиралардан мени халос этгин.

ИККИНЧИ ҚАДАМ: ИТОАТ ҚИЛИБ ЯШАНГ



«Қачон мен ўзимни қийнаётган ички дардлардан халос бўлар эканман?» — деб сўрадим мен Худодан Мэри Эннинг маслаҳатларидан бир неча ой ўтгандан сўнг. Мен тушкунликдан халос бўлиб, ҳаётим аста-секин изига тушаётган бўлса ҳам, аммо мен ҳали ҳам ўзимни танг аҳволда ҳис қилардим. Ўша пайтларда мен Худога мурожаат қилиб, Унга фақат бир хил савол берардим: «Мен қачон ўзимни омадсиз сезишдан тўхтайман? Қачон атрофимдагиларнинг сўзлари менга қувонч бахш этади? Қачон мен ҳар қандай кўнгилсизликни фалокат деб қабул қилишдан тўхтайман? Қачон одатдаги ҳаётий вазиятларни қалбимга жароҳат етказмасдан қабул қиламан?»

Ўша пайтда мен Худодан жавоб ололмадим, кейинги куни Муқаддас Китобни варақлаётиб қуйидаги сўзларга кўзим тушди: «Нега сизлар Мени «Ё Раббим, ё Раббим» деб чақирасизлар, аммо айтганларимни қилмайсизлар?» (Лк. 6:46). Яна шу матнда айтилишича, Худонинг сўзларини эшитган, аммо уларга амал қилмайдиган ҳар қандай одам худди ўз уйини пойдеворсиз қурган қурувчига ўхшар экан. Бундай уй бўрон бошлангандаёқ йиқилиб, вайрон бўлади.

Шунда ҳаёлимда қуйидагича савол пайдо бўлди: «Наҳотки мен ўз ҳаётим жабҳаларида Худо буйруқларини бажармаганим сабабли ҳаётий вазият олдида шунчалар ожизман?» Мен ҳаётимни Худога бахшида этганимни ва яхши пойдевор қўйганимни билиб ҳайрон қолдим. Аммо ушбу пойдевор фақат Худовандга итоат қилгандагина мустаҳкам бўлар экан.



Жавоб излаб мен яна Муқаддас Китобга мурожаат қилдим ва ваъда қилинган мукофот ҳақида билиб олдим. Масалан, мана бу мисраларда: «...Худо каломини тинглаб уни бажо келтирганлар бахтлидир!» (Лк. 11:28).

Мен кўп ўқиганим сари, шунчалар итоаткорлик ва Худонинг борлиги орасидаги боғлиқликни аниқроқ кўрардим. «Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал қилади. Отам ҳам уни севади. Биз унинг ҳузурига келиб, Ўзимизга маскан яратамиз» (Юҳ. 14:23). Ниҳоят, мен қалбнинг шифо топиши ва қайта туғилиши Худованд бор жойдагина мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим ва ўзим учун ажойиб бир янгилик яратдим: менинг итоаткорлигим Худо ҳаётимга кириши учун эшик очади.

Менга, шунингдек, итоаткорлик ва Худо севгиси ўртасидаги боғлиқлик ҳам аён бўлди: «...Кимки Масихнинг каломига риоя қилса, у кишида Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Биз Худо билан бир тан эканимизни ана шундан билиб оламиз» (1 Юҳ. 2:5). Муқаддас Китобнинг айтишича, биз Худога итоат этмасак ҳам, ҳатто У айтгандай яшамасак ҳам, У бизни севишни давом эттираверади. Аммо, агар биз Унинг иродасига бўйсунмасак, Унинг севгисини тўлақонли ҳис қилолмаймиз, бу севгидан қувона олмаймиз.

Мен итоаткорлик ҳақидаги таълимотни кўп ўрганганим сайин, ўзимнинг итоатсизлигим ҳақидаги жуда кўп ибодатларим жавобсиз қолганига сабаб топардим. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Қонундан юз ўгирганнинг ибодати ҳам жирканчлидир» (Ҳикмат. 28:9).

«Агар мен нимададир Худога итоатсиз бўлсам, унда ибодатларимга жавоб олишга умид қила олмайман», — деб ўйлардим мен.

Ўтмишда юраги қаттиқ жароҳат олган ҳар қандай одам албатта, қалби Худога итоаткорлик даражасига қараб шифо ва озодлик олади. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Амрларга амал қилган ўз жонини асрайди, ўз ҳаётини хор қилган эса ўлади» (Ҳикмат. 19:16). Сиз қанчалар Худога кўп итоаткор бўлсангиз, шунчалар тезроқ руҳий куллик занжирларидан халос бўласиз. Бу ҳолда сизнинг



Худо иродасига ихтиёрий итоаткорлигингиздан келиб чиқувчи ишонч ҳисси пайдо бўлади. Бу ишонч сизни ўз-ўзингизни қадрлашга, ўз шахсингиз қайта янгиланишига ёрдам беради. Ҳаммаси куйидагича сўзлардан бошланади:

Раббий, мен ҳар бир ҳаёт синовига мағлубият кетидан мағлубиятга учрайдиган одам бўлмоқчи эмасман. Мени Сендан ва Сенинг севгингдан нимадир ажратишини ҳам хоҳламайман. Менинг юрагим чиндан ҳам итоаткор бўлишини хоҳлайман. Сендан илтимос, ҳаётимнинг қайси жабҳаларида итоатсизлик мавжудлигини менга кўрсат ва тўғри йўл тутишимга ёрдам бер.

Итоаткорлик ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлиши керак, аммо бу бобда мен сизнинг диққатингизни руҳий соғлиқ учун энг муҳим бўлган нарсага қаратмоқчиман. Қадам кетидан қадам қўйинг, Худога итоаткорликка ўзимизда яшайдиган Муқаддас Руҳ кучи бизни етаклашини эсдан чиқарманг.

Мен нима қилишим кераклигини тушуниб олишим учун йиллар кетди. Ҳозир эса босиб ўтган йўлимга баҳо бериш учун қайтмоқчиман. Умид қиламанки, сиз бу йўлдан мендан кўра тезроқ ҳаракат қиласиз ва мақсадингизга менга қараганда тезроқ етасиз.

ИТОАТКОРЛИК: ЎЗ ФИКРЛАРИНИ БОШҚАРИШ

— Менда чалкаш, ваҳимали фикрлар пайдо бўлди, — дедим Мэри Эннга озод бўлганимдан сўнг бир қанча вақт ўтгач. — Ҳаммаси яхши эди, бу қандай юз берганини билмай қолдим. Баъзида ақлдан озиб қолаётганга ўхшайман, бу жуда даҳшатли. Мен доимо онамга ўхшаб ақлдан озишдан қўрқардим.

— Сени ишонтириб айтаманки, сен онангнинг тақдирини такрорламайсан, — деди у ишонч билан. — Биринчидан, сен у эмассан; сен умуман бошқа одамсан. Иккинчидан, сенинг ақлинг касал эмас, фақат жуда тушқун ҳолатдасан.



— Сиз нимани назарда тутяпсиз? — сўрадим мен.

— Муқаддас Китобда айтилишича, Осмон Шохлигида туғилиб, биз Масиҳ ақлини оламиз, аммо уни ўзимизда сақлаб қолиш жуда муҳим, — тушунтирди Мэри Энн. — Сен энг асосий тушқунликка солувчи омилдан қутулдинг, энди эса Масиҳ онги сенинг онгингни назоратга олишига имкон беришинг керак. Бунинг ўрнига сен ўзингга ақлингга келадиган бегона фикрларга кулоқ тутишга имкон беряпсан.

Бу мен учун ҳақиқий янгилик эди. Худо бизга ҳаёт тарзини танлаш ҳуқуқини берганини биламан, аммо мен нима ҳақда ўйлашимни танлай олмайман, деб ўйламасдим ҳам. Хулқини беақл фикрлар бошқарадиган она тарбиясини олиб, мен ҳар бир киши албатта ўз ақлининг қурбони эканлигига ишонч билан яшардим.

— Муқаддас Китобда очиқ-ойдин қилиб биз бу дунёда қабул қилинганидек фикрламаслигимиз кераклиги ёзилган, — давом қилди Мэри Энн. У бизни «Худо билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай баланд иддаони қуришиб юбориш керак»лиги ҳақида ўргатади (2 Кор. 10:5). Нима ҳақда ўйлашимиз тўғрисида ҳам Худованд аниқ кўрсатмалар берган: «...нима ҳақиқий, нима тўғри, нима мўътабар, нима соф, нима тўғри, нима ёқимли, нима фахрли бўлса, қандайдир бир фазилат, қандайдир мақтанарли хислат бор бўлса, булар ҳақида фикр қилинглар» (Флп. 4:8). Худо бунга жуда диққат билан қарайди, сен ҳам шундай қилишинг керак.

— Жинсий маънодаги фикрлар ҳақида мен нима қилишим керак? — сўрадим мен. — Мен жамоатхонада ўтирганимда бирдан миямда жирканч жинсий алоқа тўғрисидаги фикрлар пайдо бўлиб қолади.

— Бир нарсани сендан сўрашимга ижозат бер: сен шу ҳолатларни кўришни хоҳлайсанми?

— Албатта, йўқ! — дедим мен ўйлаб ҳам кўрмасдан.

— Унда бундай фикрлар нега пайдо бўляпти?

— Худодан эмас, — дедим мен.

— Албатта. Бу фикрлар сенинг қалбинг душманидан пайдо бўлади. Уларни сенинг ақлингга шайтон соляпти, сен



эса бу фикрларни ўзингники деб ўйлайсан. Мана шунинг учун ҳам ўзингни айбдор сезасан. Худди шу тариқа шайтон сенинг ақлингни ўзига бўйсундириш режасини амалга оширади. У сенинг ақлингга буларни сингдираётганда, унга, мени тинч қўй, деб буйруқ беришинг керак.

— Сиз айтмоқчисизки, агар мен улардан юз ўгирсам, бу фикрлар чекинадими?

— Бирданига бўлмаса-да, ҳа, — ишонтирди мени Мэри Энн.

— Яхши, унда менинг ваҳимали қўркувларим-чи? Ўтган тунда мен жуда даҳшатли манзарани аниқ кўрдим: самолёт бизнинг уйимизга қулаб тушибди-ю портлаб, болаларим оловда ҳалок бўлибди. Шундан сўнг мен бошқа ухлай олмадим.

— У ёки бу вақтда келувчиларнинг ҳаммасида қўркувига сабаб бор, — тинчлантирди мени Мэри Энн. — Аммо болаларинг билан юз берадиган бахтсизликдан қўрқиш учун сенда аниқ бир сабаб борми?

— Йўқ.

— Сен қўркувда яшашни хоҳлармидинг?

— Ҳеч қачон!

— Албатта йўқ. Қўркувлар қаердан келиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Улар ёвузликдан пайдо бўлади. Буни тан олгину у қўркувларни қабул қилма. Шайтон одамларни жинсий кишанлаб, қўркув билан маҳкам боғлаган.

Ажойиб янгилик! Бирдан ҳамма азобли ўй-фикрларим энди қўрқинчли туюлмай қолди. Улар қаердан пайдо бўлишини билганимдан сўнг, мендаги айбдорлик туйғуси ҳам йўқолди. Мендан талаб қилинадиган нарса — улардан Исо номи билан воз кечишим керак.

Мен дарҳол шундай қила бошладим. Менинг миямга қандай фикр келмасин, мен ўша заҳотиёқ унинг Худодан эмаслигини таъкидлаб, баланд овозда шундай дедим: «Менинг миямга салбий фикрлар киришини хоҳламайман. Исо номи билан ҳар қандай жинсий алоқа тўғрисидаги тасаввурлардан воз кечаман. Оилам ва ўзим билан юз бериши мумкин бўлган фалокатлар ҳақидаги ўйлардан ҳам воз кечаман. Худди онамга ўхшаб ақлдан озиш ҳақидаги фикрдан



ҳам воз кечаман. Худо менга қўрқув руҳини эмас, ўткир ақл берган. Менда Масиҳ ақли бор, мен Худодан бўлмаган ҳар қандай фикрни инкор қиламан».

Баъзида бу ибодатни бир неча кунлаб такрорлашимга тўғри келса ҳам, барча салбий фикрлардан воз кечиб, узоқ вақт Худога шукроналар айтганимдан сўнг хотиржам бўлардим. Ўтмишим ўзи ҳақида эслатган заҳотиёқ мен шундай йўл тутардим. «Мен ўтмиш ҳақидаги бу хотираларни Сенга бераман, Исо, кейинчалик бу ҳақда ўйламайман», — дердим мен ҳар гал миямга шундай фикрлар келганда. Ҳаммаси шу ондаёқ тўхтарди. Бугунгача ҳам мен баъзи-баъзида ўзимни ожиз ва тушкун ҳолда сезсам ҳам, бундай фикрлар қаердан пайдо бўлганини дарҳол билиб оламан, улар учун ҳаётимдан жой беришга асло рози бўлмайман.

Бизнинг фикрларимиз ўртасида доимий кураш борар экан, руҳий юкдан тўла озод бўлиш мумкин эмас, айниқса, биз курашда енгилсак. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Мен Раббимиз номидан сизларга қаттиқ буюраман: бундан буён ўзга халқларнинг бемаъни ўй-фистри билан яшаманглр. Уларнинг зеҳнлари ўтмаслашган. Улар жаҳолатда қолиб, юракларини ёғ босган. Шунинг учун Худо берган ҳаётдан маҳрум қолганлар» (Эф. 4:17-18). Биз ҳар куни Масиҳ ақлига эга бўлиш учун тайёрлигимизни кўрсатишимиз, Худо ақли бизни бошқаришига йўл беришимиз керак.

Ақлингиз нима билан яшайди

Бизнинг фикрлаш тарзимиз туйғуларимизни белгилаши сабабли, улар эса ҳаётимизга таъсир ўтказгани учун куйидаги саволлар ёрдамида вақти-вақти билан ўз ҳолатимизга баҳо бериб туришимиз керак:

- фикрларим менда ғамгинлик, маъюслик ва ёлғизлик туйғуларини уйғотади?
- фикрларим менда ғазаб, алам ва ранжиш ҳиссини уйғотади?
- фикрларим менда ўзимга нафрат, ёки ўзимга ишончсизлик туйғуларини уйғотади?



- фикрларим менда қўрқув ва ваҳимани уйғотадами?
- фикрларим менда азобли хотираларни уйғотадами?
- менинг фикрларим менда жирканч жинсий алоқа тўғрисидаги тасаввурларни уйғотадами?
- фикрларим менда нопоклик ва жирканч туйғуларни уйғотадами?
- фикрларим менда хавф-хатар ҳиссини уйғотадами?

Агар сиз шу саволларнинг баъзи бирларига ижобий жавоб берган бўлсангиз, унда билингки, сиз ўзингизни бекорга қийнаёпсиз. Сиз зудлик билан ўз фикрларингизни тартибга келтиришингиз керак. Фақат мен шунақа эканман, деб ўйламанг. Ким ўз ҳаётида кучли изтиробни бошидан ўтказган бўлса, у шундай ҳис-туйғуларга мойил бўлади. Ҳар биримиз хотирамизда пайдо бўладиган ёқимсиз ҳиссиётлар билан курашишимизга тўғри келади ва шайтон ўтмишимиздаги изтиробли хотираларни янгилашдан, бизни қийнашдан ором олади.

Ўз фикрларингизни назорат остига олишнинг энг яхши усули — уларга таъсир қилувчи ташқи омилларни кузатишдир. Баъзи бир телевизион дастурларни кўрганингиздан кейин, ҳатто бир қарашда беозор туюлса-да, қалбингизда хавотир уйғонганини сезганмисиз? Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг. Томоша қилиб бўлганингиздан сўнг қалбингизда кўтаринки руҳ, умид, севинч ва эзгулик қилиш истаги уйғониб, кучингизга куч қўшиладиган кўрсатувлар кўпми? Ишончим комилки, бундай томошалар жуда кам. Одатда биз қалбимизга бўшлиқ, қўрқув, даҳшат ва жирканч ҳисларини туйиб оламиз. Бунинг сабаби шундаки, сизнинг ақлингизга кирадиган ҳамма нарса туйғуларингизга ҳам таъсир қилади. Шунинг учун оладиган маълумотларингизни диққат билан танлаш керак, ҳаёлингизга келадиган ҳар бир фикрни ҳам тўғри баҳолаш лозимдир.

Соатлаб телевизор кўриб ўтирманг. «Мен телевизорга унча эътибор бермайман, у менга фақат товушини эшитиб туришим учун керак» деган гапларни айтмасдан, ўзингизга қандай кўрсатувлар ва бу кўрсатув нима учун ёқиши



ҳақида ўйлаб кўринг. Муқаддас Рухдан доимо: «Бу мен учун фойдалими?» деб сўрашни одат қилиб олинг. Агар бирор кўрсатув сизда маъюслик, кўркув, тушкунлик туйғуларини уйғотса, телевизорни дарҳол ўчиринг. Худодан келадиган барча нарса сизга бундай таъсир қилмайди.

Сиз қандай китоб ва журналларни ўқийсиз? Улар сизнинг ҳаётингизга қувонч олиб кирадими? Ёки Худо ҳадя қилган ҳаётдан қониқмаслик, маъюслик туйғуларини ва айбдорлик ҳиссини уйғотадими? Агар шундай бўлса, ундай китоб ва журналларни четга суриб қўйинг. Сиз кўрадиган бадиий фильмлар ёки ижара олинган кинофильмлар-чи? Улар сизни ўзингиз ҳақингизда, бошқалар ҳақида, ҳаёт ҳақида ижобий фикрлашга ундайдими? Агар шундай бўлмаса, бу каби фильмларни унутинг. Ақлингизга озуқа бермайдиган ҳамма нарса уни қуритади. Агар ақл учун озуқа Худодан келмаса, ундай озуқа юрагингизни шол қилади, Худодан келадиган барча нарсага сиз бефарқ бўлиб қоласиз.

Хаёлларингиз — бу ўзида қандайдир рўёбга чиқмаган истакни яширган манзаралар мажмуидир. Амалга ошмайдиган, хавфсиз нарсалар ҳақида орзу қиляпман, деб ўзингизни алдаманг. Бу ҳақиқат. Инсон хаёлига келадиган ҳамма нарса — бу ҳақиқатдир. Жуда кўп инсонларнинг ҳаётлари фақат уларнинг фикр-ўйлари эгри йўлларга кириб кетганликлари учун изидан чиққан. Мана айни шунинг учун ҳам Худодан келмайдиган ҳар қандай фикрларни инкор қилиш жуда муҳим.

Худди шу йўлни хотираларга ҳам нисбатан қўллаш керак. Шифо топишингиз ва озодлигингиз учун зарур бўлган хотиралардан бошқаси сизнинг фикрларингизни банд қилишига йўл қўйманг, қалбингиз душманига онгингизда сизнинг ўтмишингиз билан боғлиқ бўлган афсусланиш ва ўқиниш уруғларини сочишига йўл қўйманг. Хаёлларингиз бир ёқимсиз хотирадан иккинчисига ўтишига йўл қўйманг. Дарҳол уларни Худо олдида очиб ташланг. Ўзингизни ўзингиз назорат остига олиш учун Худо кучига муҳтожлигингизни тан олинг, Худодан, мени ўтмишнинг барча салбий кўринишларидан озод қил, деб сўранг.



Рухий кураш тактикаси

Рухий курашнинг асосий қуроли — бизнинг онгимизни Худо каломи ва ҳақиқати билан озиқлантирадиган, мустаҳкамлайдиган ҳамма нарсадир. Худонинг буюклиги ҳақида фикр юритинг, ўқиш учун масиҳий китоб ва журналларни танлаб, онгингизни Унинг Каломи билан тўлдиринг. Доимо уйингизда, машинангизда масиҳий мусиқа — Худога ҳамду санолар айтиш ва шукроналар қилиш мусиқаси янграб турсин, чунки бундай мусиқа салбий фикрларингизни босиб кетади. Сизга тўғридан тўғри: «Исо — бу Раббий» дейдиган фильмлар, мусиқалар, китоблар, теледастурлар эмас, балки масиҳий тамойилларга асосланган ва масиҳий руҳга тўла дастурлар керак. Шунинг билан, сизнинг онгингизга кирган ҳар бир нарса сизнинг бир бўлагингизга айланади. Ўз туйғуларингизни бошқара олишингиз учун, аввалам бор, ўз фикрларингизни бошқаришни ўрганинг.

Ҳаётдан қақшатқич зарба еган одамлар ўзларини ақлдан озаётгандай ҳис қиладилар. Агар сизнинг оилангизда ҳам худди менинг оиламдагидай руҳий нотинчликлар бўлган бўлса, сиз ҳам менга ўхшаб, бу касаллик ўзимга ҳам, оила аъзоларимга ҳам ўтади, деб қўрқасиз. Бундай ҳолларда ҳар қандай ақлдан озиш Худодан келмаслигини сиз қатъий билишингиз ва бунга шубҳа қилмаслигингиз керак. Рухий касалликлар ҳам ота-оналарнинг гуноҳлари каби уларда ҳар қандай тобелик занжирини узиб ташлай оладиган Муқаддас Рух кучи ва ҳокимлигига бўлган вазиятларда учинчи ва тўртинчи авлодларга берилмаганлиги сингари, авлоддан авлодга ўтмайди.

Агар сиз қачондир ноқулай аҳволда бўлсангиз, ўзингизда умидсизлик ёки руҳий ожизликни сезсангиз, шундай денг: «Раббий, менга меҳр-муҳаббат, куч ва зийрак фикрлашни ато қилганинг учун сендан миннатдорман». Шундан сўнг то руҳий кўтаринкиликни сезмагунингизча, Худони улуғлаб ибодат қилаверинг. Керак бўлса бу ибодатни кунига юз мароталаб қайтаринг. Мен ҳам: «Худо менга тиниқ ва равшан ақл берди. Худо менга тиниқ ва равшан ақл берди» деб, қайта-қайта такрорлаганман.

**МУҚАДДАС КИТОБ ЎЗ
ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНГИЗНИ
БОШҚАРИШИНГИЗ ТЎҒРИСИДА
НИМАЛАР ДЕЙДИ**

Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши,
манзур, комил иродасининг нима эканини
фаҳмламоқ учун фикрингизни янгилаш
орқали тубдан ўзгаринглар.

Рим. 12:2

Худо билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай
баланд иддаони қуритиб юборамиз. Ҳар қандай
фикрни Масихга бўйсундириб асир қиламиз.

2 Кор. 10:5

Шундай экан, мен Раббимиз номидан сизларга
қаттиқ буюраман: бундан буён ўзга халқларнинг
бемаъни ўй-фистри билан яшаманглар. Уларнинг
зеҳнлари ўтмаслашган. Улар жаҳолатда қолиб,
юракларини ёғ босган. Шунинг учун Худо
берган ҳаётдан маҳрум қолганлар.

Эф. 4:17-18

Башарий табиатнинг мурод-мақсади —
ўлимдир. Илоҳий Руҳнинг мурод-мақсади —
ҳаёт ва тинчликдир.

Рим. 8:6



Менинг хаётим худди онамникига ўхшаб тугайди, деган ёлғонга сира ишонмасдим. Мен доимо хаёлимда ўз ўтмишимни жонлантириб, ҳар куни қўрқувда яшашдан воз кечдим.

Худого эътиқод қилувчиларнинг йўлида оралиқ масофа бўлмайди. Биз ё олдинга интиламиз, ёки орқага чекинамиз; ёки янгиланамиз, ёки мағлубиятга учраймиз. Биз ақлимиз устидан ғолибликни қўлга киритмоқчи бўлаётган душманга қарши жангдамиз. Агар тушқин аҳволда бўлсангиз, шайтон ақлингизга осонгина йўл топа олади, мабодо аллақачон топиб олмаган бўлса. Бир қарич ҳам чекинманг! Худога итоаткор бўлинг, ҳозирнинг ўзидаёқ ақлингизни бошқаришни ўрганинг.

ИТОАТКОРЛИК: ОККУЛЬТИЗМДАН ВОЗ КЕЧИШ

— Сен оккультизмнинг ҳар қандай машғулотларидан воз кечишинг керак, — деди Мэри Энн иккинчи учрашувимизда.

«Оккультизмга оид менинг машғулотларим? Уларнинг нимаси бегона экан?» — тушунмасдим мен. Ғайриоддий кучлар билан мулоқотга киришиш ҳам худди гуноҳ каби тавба қилишга лойиқ эканлиги ҳеч қачон менинг хаёлимга келмаган эди. Бу соҳада менинг билимларим гороскоплардан, номерлашдан ва трансцендент медитациядан бошланган эди. Шундан сўнг мен астрал тажрибалар, спиритик сеанслар, гипноз, сайентология ва шарқ динлари билан шуғулландим. Оккультизмнинг ваҳимага солувчи қобиғига қарамай, мен турли адабиётларда унинг ёрдамида Худони ва абадий ҳаётни топа олишим ҳақидаги ваъдаларни ўқиганим сайин ўзига янада кўпроқ тортар эди.

Оккультизм назариясига қачон мурожаат этмайин, менга руҳий кўтаринкилик туйғусини берарди, аммо тез орада қаттиқ руҳий тушқунлик билан алмашинарди. Уларнинг биронтаси ҳам менга узоқ давом этадиган енгиллик олиб келмас эди. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам, бир оз



вақт руҳий оғриқларни, менинг бесабаб қўркувларимни, бутун кучимни сўриб олаётган бўшлиқни енгил истаги мени гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа етаклар эди. Мен борган сайин бу ботқоққа чуқурроқ ботардим.

— Оккультизм машғулотларидан воз кечишим кераклигини гапирганингизда нимани кўзда тутдингиз? — сўрадим мен Мэри Энндан. — Ахир, мен Худога юз бурганимдан буён оккультизм билан шуғулланмайман-ку!

— Бу жуда яхши, Сорми, аммо кел, Худонинг Каломида оккультизм ҳақида нима дейилганини ўқиб кўрайлик-чи:

«Орангизда ўғли ёки қизини олов орасидан ўтказадиган, сеҳргар, фолбин, афсунгар, жодугар, иссиқ совуқ қиладиганлар, руҳ ва арвоҳлардан насихат оладиганлар, ўликлардан маслаҳат сўрайдиганлар бўлмасин. Эгамиз бундай қиладиганлардан жирканади. Мана шу қабиҳ ишлари учун Худойингиз — Эгамиз ўша халқларни сизнинг олдингиздан ҳайдаб чиқаряпти.

Амр. 18:10-12

— Сен оккультизм амалиёти билан шуғулланмай қўйганинг етарли эмас, — давом қилди у. — Сен улардан Худо олдида воз кечишинг керак, уларнинг орқасида турган ёвуз руҳларни ҳаётингга таъсир ўтказа олмасликлари учун қоралашинг керак.

Оккультизм ҳаёт учун шунчалар хавфли эканлигига ишонгим келмасди, аммо мен Худо Каломининг ҳақиқатлигига ишонардим. Агар Худо уни қораласа, мен ҳам ундан шу заҳотиёқ воз кечишга тайёрман. Мен шундай қилиб ўзимнинг оккультизм машғулотларимдан воз кечдим, уларни қораладим. Мэри Энн бундай машғулотларнинг таъсиридан кутулишим учун ибодат қилди. У ибодат қиладиган пайтда мен худди электр токига ўхшаган қандайдир ҳаракатни бошим, томоғим, кўкрагим, ошқозоним ва ҳаттоки қўлларим орқали ўтганини сездим. Шу заҳотиёқ бутун вужудимда илгари ҳеч қачон сезмаган нотаниш бир енгилликни, хотиржамлик ва оромбахш туйғуни, бежавотирликни ҳис қилдим.



Ғалаба билан иттифоқ бўлиб

Муқаддас Китобда оккультизмга бўлган муносабат аниқ қилиб ифодаланган: агар биз у билан иттифоқ тузсак, Худонинг иттифоқчилари бўла олмаймиз. Қавмбоши Джек Хейфорд бу ҳақда шундай дейди: «Оккультизмнинг кучи ҳақиқий, аммо унинг манбалари хато. У ўз кучини зулмат шоҳлигидан олади». Мана унинг астрология ҳақидаги фикрлари: «Астрологиянинг хавфли томони — вақтнинг ўтишини оддий тушунишда эмас. Инсон оккультизмга бўйсуниб, ҳалокатга олиб борувчи йўлга тушади. Буларнинг ҳеч бири юлдузлар ва фазо таъсирига тамомила алоқасиздир — бу ўлдириш, ўғирлаш, ҳалок қилишнинг яна бир усулини топган шайтон амалга оширадиган дўзахнинг тўғридан-тўғри бошқарувидир».

Менга кўпчилик шундай деб мурожаат қиларди: «Аммо булар ҳақиқат-ку. Менга бир неча бор тақдиримни айтиб беришган ва у тўғри бўлиб чиқди».

Ҳақиқатдан ҳам, башоратлар тўғри чиқади ва баъзи одамлар келажакни кўра билиш қобилиятига эгадирлар. Аммо бунинг орқасида турган куч бутун ҳақиқатни билмайди, чунки Худо онгига у учун йўл ёпиқ. Шайтон муайян ғайриоддий кучга эга, аммо унинг билимлари чекланган, шунинг учун ҳам у доимо мағлуб бўлади. Худованд эса ҳамма нарсани билиш қобилиятига ва чексиз қудратга эга. У бизга ким учун хизмат қилишни танлаш ҳуқуқини беради ва биз Уни танлаймиз. Унинг олдига муҳтожликларимиз билан келганимизда, биз албатта ғолиб бўламиз. Биз мағлуб томон билан иттифоқ тузишни хоҳламаймиз.

Эҳтимол, мунажжимларнинг ўзимиз ҳақимиздаги башоратларини ўқиб, ёки ўз буржу белгимизни ўзгаларники билан таққослаб, сиз бунда ҳеч қандай хавф кўрмасиз. Эҳтимол, сиз спиритизм машғулотларини салондаги беозор ўйин деб ҳисобларсиз, кафтга қараб фол очишни эса оддий овунчоқ деб атарсиз. Агар шундай бўлса, билингки, сиз қаттиқ адашасиз. Бу амалларнинг бари беҳавф эмас, балки ҳалокатга бошловчилардир. Уларнинг ҳар бири сизнинг ҳаётингизга тушкунлик, қўрқув олиб киради, сизни хижолатга солади, қалбингизни эзиб қўяди. Улар доимо



сиз ва сизни кутаётган марҳаматлар, шифо ва озодлик, тўлақонли ҳаёт орасида тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Ана шулар сизга керакми?

Мистицизм доимо ёлғондир. Сиз юз ёшингизгача нилуфар гул ҳолатида ўтиришингиз мумкин, аммо сизда ётган асирлик тавқи лаънатни олиб ташлай олмайсиз. Ҳар куни астрологик картангиздан ниманидир ўрганишингиз мумкин, аммо ўзингизга ўзингиз берадиган ва сизни ҳалокатга бошлайдиган паст баҳодан қутула олмайсиз. Астрал каналлар орқали қадимги гурулар билан мулоқотга киришишингиз, вужудингиздан чиқиб кетиб, ғайри оддий таассуротларга эга бўлишингиз мумкин. Аммо худди олдингидай қалбингизни тилка-пора қилувчи доимий дардлардан азоб чекаверасиз.

Менга ишонинг. Мен буларнинг барини ўз бошимдан ўтказганим учун биламан. Мен шу амалларнинг ҳар бирини синаб кўрдим, аммо улар ёрдам бермади. Бу машғулотлар нафақат фойдасиз, балки хавфли ҳам, чунки улар бизни ўзларининг самарали эканликларига ишонтириб алдайдилар, бизни ботқоғига янада чуқур тортаверадилар. Хавф шундаки, уларнинг орқасида турган куч ҳақиқатдир, у нима қилиб бўлса ҳам сизни ҳалокатга учратишга интилади. Агар сиз бунга ўйин деб қарасангиз, сиздан фарқли ўлароқ шайтон бунга жуда жиддий муносабатда бўлади. Агар сиз сеҳр-жодунинг нопок руҳи билан алоқага кирсангиз, эҳтимол, сиз ўзингиз орзу қилган баланд бўйли, қора сочли нотаниш йигитни учратарсиз ёки ажойиб иш топарсиз. Аммо дўзахнинг йўлига эзгу ниятлар тўшалган.

Дарҳол ҳаракат қилиш керак

Агар ҳаётингизда оккультизмга жой бўлса, сиз дарҳол Худо олдида ундан воз кечишингиз керак. Сиз шайтоннинг иттифоқчиси бўлганингиз ҳолда, Худодан озодлик кута олмайсиз. Сиз: «Мен Худо Руҳи билан эмас, бошқа руҳлар билан алоқам борлигини тан оламан», — деб айтинг. Кейин ўзингиз шуғулланган ҳар бир амал ҳақида сўзлаб беринг: «Мен астрологиядан воз кечаман, тақдирни

МУҚАДДАС КИТОБ ОККУЛЬТИЗМДАН ВОЗ КЕЧИШ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Олган маслаҳатларинг кўплигидан
Ўзинг роса гангиб қолдинг. Қани,
мунажжимларинг, таъбирчиларинг, Ҳар
ойда тақдирингдан башорат қиладиганлар?
Энди олдинга чиқиб, бошингга тушадиган
кулфатлардан Сени улар қутқарсин. Қара,
хаммалари сомонга ўхшар, Олов уларни ямламай
ютар! Жонларини оловдан қутқаролмаслар,
На исиниш учун кўмир, На олдида ўтириб
исинадиган олов бўлади.

Ишаё 47:13-14

Халқлар сизларга: «Оталар руҳига,
фолбинларга, азайимхонларга ва афсунгарларга
бор», деб айтадилару ўз худоларига
бормайдиларми?! Ахир тириклар ўликлардан
насиҳат ва таълимот излаб боряпти-ку!
Мана шуларга ёруғлик бўлмайди.

Ишаё 8:19

Мана, Мен сизларга илону чаёнларни эзиб
ташлаш ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини
оёқ ости қилиш иқтидорини берганман. Ҳеч
нарсасизларга зарар етказмайди.

Лк. 10:19



олдиндан айтиб беришдан воз кечаман. Мен медитациядан, қалбнинг бошқа кучга ишонишидан, номерлашдан, мунажжимлар башоратидан, гипноздан воз кечаман. Мен йог машғулотларини, астрал тажрибаларни, сеҳр-жодуни, спиритизмни, Таро картасида фол очишни, қўлга қараб фол очишни, левитацияни, трансцендент медитацияни рад қиламан. Мен бу машғулотларнинг бари шайтон кирди-корларидир, деб тан оламан, уларни зулмат кучлари билан боғлайман. Исо номи билан мен ўзим билан уларни боғлаб турган ҳар қандай тобеликни бузиб ташлайман».

Агар оккультизмга тобелигингиз аллақачон чуқурлашиб кетган бўлса, қавмбошидан, маслаҳатчи руҳшуноздан ёки этиқоди кучли бошқа дин пешвосидан, мени ўраб олган руҳий кишанлардан озод бўлишим учун ибодат қилинглар, деб илтимос қилинг.

Ҳаётингизда Худодан бўлмаган нимаики бўлса, барини юзага чиқаришини Худодан сўранг, кейин ҳаммасидан Исо номи билан воз кечинг. Барча оккультизм амалларидан воз кечиш истагингизни тасдиқланг. Шунинг эсдан чиқармангки, Худодан бошқа ҳаёт манбаини қидириш — бу оккультизмдир. Агар оккультизм сизга қандайдир таъсир ўтказар экан, руҳингиз ҳеч қачон шифо топмайди.

ИТОАТКОРЛИК: ЖИНСИЙ ГУНОҲДАН ҚОЧИШ

— Ҳаётингдаги ҳар бир жинсий гуноҳни ҳам рўйхатга киритишинг керак, — деди Мэри Энн биринчи учрашувимизда менга гуноҳларим рўйхатини тузишни айтар экан.

«Бу жуда кўнгилсиз иш», — ўйладим мен. Менинг қоникмаган севгим маъқуллаш ва илиқ қалб эгасини топишни шунчалар кучли истар эдики, мен бир гуноҳли алоқадан иккинчисига шошар эдим. Буларнинг ҳаммасини сўзлашим керак экан-да, деб бу фикрдан совуқ терга ботдим.

— Батафсил ёзиш шарт эмас, — қўшиб қўйди Мэри Энн худди менинг нимани ўйлаётганимни сезгандай. — Фақат ўша одамнинг исмини ёз, у билан алоқада бўлган-



ингни тан ол, Худодан, мени кечиргин, деб илтимос қил. Биз кейинги гал сенинг рўйхатингдаги гуноҳлар ҳақида ибодат қиламиз.

Мен унинг хонасидан чиқиб хотирамда шу тарздаги воқеаларни тиклай бошладим, уларни эслаб ич-ичимдан зил кетдим. Шунга қарамасдан, мен қониқиш ҳисси билан гуноҳларим рўйхатини ёздим, уларни Худо олдида очиб ташладим, ҳар бири учун худди Мэри Энн буюрганидай кечирим сўрадим. Шундан сўнг қалбимда худди қўрқинчли сирни очган кишидай енгиллик сездим. Мен Худо олдида гуноҳларимни тан олдим, Худо мени кечирди. Энди менинг гуноҳим ҳақиқий эмас, агар мен унга бошқа қайтмасам, у шундайлигича қолади. Ички покланиш ва янгиланишни ҳис қилиб, мен жинсий муносабатлардаги покликни, муносабатлар учун жавобгарликни, ички қониқиш ҳиссини туғдиришини, ўз ўзига бериладиган баҳони оширишини тушундим.

Шаҳвонийлик — руҳий тобеликдир

Жинсий гуноҳ — бу сизнинг қонуний эрингиз бўлмаган одам билан жинсий алоқага киришишдир. Одатда одамлар жинсий гуноҳ билан доимо шуғулланишади, чунки буни ахлоқсизлик деб ўйлашмайди, ёки ўзларига бўлган ишончлари унчалик кучли эмас. Улар бошқалар билан яқинликка, севгига, ҳурматга шунчалар муҳтож бўлишадикки, ўзларида бу гуноҳга «йўқ» дейиш учун куч топа олмайдилар.

Биз ҳаммамиз севгига муҳтожмиз, баъзида уни топишимиз мумкиндай бўлиб туюлган жойга умид билан ташланамиз. Аммо никоҳсиз жинсий алоқа — биз чиндан ҳам муҳтож бўлган садоқатли, фидойиларча ва сўзсиз севгига сира ҳам ўхшамайди. Аммо Худо риёкор эмас, чунки охиروқибатда жинсий алоқа Унинг ихтироси-ку. Шундай бўлса ҳам, У бу борада бизнинг фойдамизни кўзлаб муайян чеклашлар қилган, чунки ўзаро муносабатларда биз мутлақликка фақат Унинг талабларини бажарсакки эриша оламиз.

Жинсий гуноҳнинг муаммоси шундаки, у нафақат баданимизни нопок қилади, балки энг ёмони, қалбимизни ҳам



яралайди. Жинсий яқинлик одамни одамга бирлаштиради. Муносабатлар бузилганда эса у ёки бу шахснинг бирон аъзоси худди узилганга ўхшайди. Инсон ҳаётида бундай воқеалар қанча кўп бўлса, унинг қалбига шунча кўп жароҳат етади. Бу одам умр йўлдошини топган пайтда, унинг шахси шунчалар тушкун ҳолатда бўладики, у энди ўзи танлаган умр йўлдоши учун қадрли бўла олмайди.

Сэндининг гуноҳли жинсий алоқалари ниҳоятда кўп эди. Қонуний турмушга чиққандан кейин эса турмуш ўртоғи унга хиёнат қилди. Ўзга аёлни деб ўз хотинини эр ташлаб кетганда, Сэнди ҳомиладор эди. Сэнди менинг олдимга биринчи бор келганда рўпарамда ҳаётдан тўйган, бахтсиз, қўрқоқ, тартибсиз жинсий алоқалардан ахлоқсизлигини тушуниб етган аёл турарди. Бизнинг биринчи бор учрашувимиздан бир неча ой ўтгандан кейин, у Исони Нажоткор деб тан олди, гиёҳванд моддалар қабул қилишни бас қилди, оккультизм билан шуғулланмай қўйди. У жамоатхонага бора бошлади, бир неча ойдан сўнг уйкусизлигидан, ёлғизликдан қўрқишидан, собиқ эрига бўлган нафратидан ва ўзига ишончсизлигидан асар ҳам қолмади. Мен ўша пайтда унинг ҳаётига Худонинг қудратли таъсиридан ҳайратга тушдим.

Бир куни у баланд бўйли, келишган, омади чошиб турган эркак билан учрашувга борди. Сэнди тез орада уни севиб қолди, ҳиссиётга тўла севгиси туфайли Муқаддас Китобнинг никоҳсиз жинсий муносабатлар ҳақидаги огоҳлантиришларига аҳамият бермади. Бунинг ўрнига одатда бундай пайтларда айтиладиган: «Биз бир-биримизни севамиз, севамиз... Биз тез орада турмуш кураимиз... Бир-биримизга мослигимизни яна қандай билишимиз мумкин? Биз бу билан ҳеч кимга зарар қилмаймиз... Ҳамма шундай қилади-ку...» каби ёлғонларга учди.

Унинг янги дўсти Сэнди билан бир йилдан ортиқроқ бирга бўлди. Бу вақт ичида Сэнди жамоатхонани эсдан чиқарди, Муқаддас Китобни ўқимай қўйди, ибодатни эсдан чиқарди. Ўша йигит уни ташлаб кетганда қўрқув, тушкунлик ва айбдорлик ҳислари аёлни янада кўпроқ қамраб олди. Сэндини турли касалликлар таъқиб қила



бошлади. Мен уни шу воқеадан сўнг учратганимда зўрға танидим: унинг кўриниши шунчалар қари, эзилган, ночор бир аҳволда эдики, худди ўлим тўшагида ётган одамга ўхшарди. Мен уни яна жамоатхонага қайтардим, у ерда Сэнди яна рухшуносга мурожаат қилди. Аммо аёл қайта шифо топиши учун жуда кўп вақт керак бўлди. У бир неча йиллик ҳаётини йўқотди, руҳан тикланиш имкониятини қўлдан бой берди. Балки у ҳамон Худо томонидан пешонасига ёзилган вафодор умр йўлдошини кутаётгандир. Илоҳим, сиз билан ҳеч қачон шундай воқеа содир бўлмасин.

Агар бунда сизнинг айбингиз йўқ бўлса

— Мен жинсий алоқалар ҳақида эшитишни ҳам истамайман, — деди кўзларида ёш билан Кэролайн исмли ёшгина аёл. — Мен ўзимни жуда нопок ҳис қиламан, бундан баттар азобланаман.

Кэролайн тўққиз ёшга кирганда, отаси у билан доимий жинсий алоқада бўлгани, балоғат ёшида учрашувга чиққанда уни ёвузларча зўрлаганликлари ҳақидаги даҳшатли воқеани менга сўзлаб берди. Ўшандан бери у ўзини ахлоқий покликка ҳеч қачон эриша олмайман деб ҳисоблар экан. У қалбида умидсизлик ва чорасизлик туйғуси билан яшарди.

— Кэролайн, — дедим мен унга, — худди бокиралик қаби, жинсий алоқалардаги покликдан ҳам аёл киши фақат ўз хоҳиши билангина маҳрум бўлиш мумкин: буни сендан ҳеч ким тортиб ололмайди, чунки бундай поклик фақат юракдан чиқади. Кимдир зўрлик билан сенинг танангга кириши мумкин, аммо ҳеч ким сенинг рухсатингсиз юрагингга, қалбингга ва руҳингга кира олмайди.

— Сиз тушунмайсиз! — хўнграб йиғлаб юборди у. — Мен отамга қаршилик кўрсатмадим, ҳатто учрашувга чиққанимда ҳам қаршилик қилишга интилмадим, мени зўрлашларига ўзим йўл қўйиб бердим.

— Қани айт-чи, нега сен қаршилик кўрсатмадинг, уларни тўхтатишга ҳаракат қилмадинг? — сўрадим мен олдиндан унинг жавобини билиб.



— Мен қаршилик кўрсатишга қўрқдим, — жавоб қилди у ўзига нафрат ва афсусланиш туйғуси билан.

— Кэролайн, кел, мен сенга бир нарсани тушунтириб қўяй, — давом қилдим мен. — Сен қўрқиб кетгансан, отанг сени зўрлаган пайтда сен қаршилик кўрсата олмагансан. Кичкина қиз бошидан шундай савдоларни ўтказгандан сўнг кейинчалик тўғри йўлни топиши қийин бўлади. Ҳаётда у интилаётган ягона нарса — бу ҳаёт учун кураш ёки аксинча, ўзини ўзи емириш бўлади. Қалбингни вайрон қилган зўравонлик воқеасидан кейин, бундан бошқа ҳеч нарса қила олмагансан. Сенда танлаш ҳуқуқи бўлмаган, фақат сенинг хаёлингда у бордай туюлган. Аммо Худо янгидан-янги нарсалар яратишга қодир. Бунинг маъноси шуки, сен Исога юрагингни очиб, Унга ўтмишингни берасан, ўзингни ахлоқий покликдаги ҳаётга бағишлайсан. Шунда сен инсон учун мумкин бўлган ички бир покликка эришасан. Гуноҳларга тавба қилиш, кечирим сўраш, озодлик ва Худонинг шифобахш севгиси туфайли сенда ўтмишда қалбингга ёпишган нопокликлардан софланиш жараёни бошланади. Шайтон эса сенинг онгингга «сен ахлоқсизсан» деган фикрни уқтирмоқчи бўлади. Бунга асло йўл қўйма.

Кэролайнникига ўхшаган қалб яралари тез битмайди. Бу учун жуда кўп ибодатлар, маслаҳатлар, меҳр-мурувват керак бўлди. У ички покланишнинг ҳақиқий имкониятларини кўрганда, қалбида умид чироғи ёнди.

Агар сизнинг айбингиз билан бўлмаган жинсий гуноҳ билан яшаётган бўлсангиз, билингки, Худо сизни бу гуноҳ юкидан озод қилмоқчи. Худовандга барчаси ҳақида айтиб беринг, ўтмишингиз сизни эзмаслиги учун ҳар бир воқеа юзасидан Унга тавба қилинг. Кейин Ундан, мени гуноҳ оқибатларидан покла, деб илтимос қилинг.

Мустаҳкам муносабатларни қуриш

Сиз никоҳсиз узоқ вақт давом этадиган ва барқарор жинсий алоқада бўла олмайсиз, жинсий алоқа лаззат бахш этгунига қадар давом этади, холос. «Сизга лаззат бағишлайдиган барча нарсани қилинг» каби фалсафа



таъсирига тушиб қолганимизда, биз доимо қилмишимизга яраша тўлақонли жавоб беришимизга тўғри келади. Аммо жисмоний эҳтиёткорлик келтириб чиқарадиган «ноқулайликлар»нинг ўрнини ҳақиқий дўстлик тўлдириши мумкин. Сиз ўзга киши билан жисмоний яқинликдан воз кечиб, ўз муносабатларингизнинг ҳақиқий характерини билиб оласиз. Ундан ташқари, жинсий яқинликнинг йўқлиги сиз учун унча катта фожеа бўлмайди. Никоҳгача бўлган жинсий алоқа энг аввало сиз ва сизнинг баданингиз ўртасида ҳақиқий дўстона муносабатлар юзага келмаганидан дарак беради. Айнан шу сабабли кўп одамлар бир-бирлари билан тўғри муносабатларни ўрната олмайдилар.

Жинсий гуноҳ инсон қалбида бошқа гуноҳларга қараганда кўпроқ из қолдиради. Бу гуноҳ бошқаларига нисбатан тезроқ инсонни инқирозга олиб келганлиги учун у яралаган қалбнинг тикланиши тез бўлмайди. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...зино қилувчи ўз шахсий баданига қарши гуноҳ қилади» (1 Кор. 6:18). Бу жуда қимматга тушади, табиийки нархи ҳам анча баланд бўлади.

Бундай итоаткорликка қадам қўйиш қийинлигини мен биламан, айниқса, бу раҳм-шафқатга муҳтож, дард-аламни бошидан ўтказган, меҳр топмаганлар учун янада оғир. Бу ёқда эса худди кимдир сиз ҳақингизда ғамхўрлик қилаётгандай, меҳр ҳадя этаётгандай, сизга яхши муносабатда бўлаётгандай туюлаверади, ана шуларнинг бари сизга ўзгача таъсир қилади. Бахтимизга ҳамма нарсани тушунадиган, бизга жуда қийинлигини биладиган Худо бор. У бизни васваса домидан қутқариш учун Ўз Рухини юборади. У биздан кутадиган ягона нарса бу: «Мен имонлининг йўлини тутмоқчиман, Раббий, менга ёрдам бер» дейиш истагидир.

Агар ҳаётингизда тавба қилинмаган зино бўлса, дарҳол Худо олдида бу учун тавба қилинг. Ўзингизни: «Мен қандай қилиб бунини гуноҳ дея оламан, чунки у билан муносабатларим менга қанча лаззат бағишлайди-ку!», «Ўзим йўқотишни хоҳламаган нарсани қандай қилиб гуноҳ деб атайман?!», «Ўзимнинг айбим йўқ нарсани нега мен гуноҳ



деб аташим керак?!» каби фикрлар билан алдаманг. Гуноҳни сиз ўз хоҳишингиз билан қиласизми ёки йўқми, бундан қатъий назар, ҳар қандай вазиятда ҳам гуноҳ сизнинг ҳаётингизни кемиради.

Агар сиз ҳозирда никоҳсиз жинсий алоқада бўлсангиз, Муқаддас Рухдан уларни узиш учун зарур қадамларни қўйишга ёрдам сўраб, шундай денг:

Раббим, Муқаддас Рух мени тўғри йўлга бошласин, қилмишларимни Сенинг йўлларингга солсин. Менинг кўзларимни оч, Худойим, Сенинг Каломинг ҳақиқатини кўришга имкон бер. Доимо тақовдорлик йўлларида боришимга ёрдам бер, жинсий гуноҳларни енгишим учун куч ато қил. Ушбу муносабатларни қуришда Сенинг қоидаларингга риоя қилишни менга ўргат, Сендан бўлмаган барча нарсани инкор қила олишимга ёрдам бер.

Агар шундай ибодатдан сўнг сиз яна йўлдан адашсангиз, Худони тарк этманг, бор кучингиз билан ибодат қилишни давом эттиринг. Агар сиз жинсий алоқага тобе бўлиб қолсангиз, руҳшуносга мурожаат қилинг. Сизнинг муаммонгиз ўтмишингизга томир отиб кетган бўлса керак, Худованд сизга шифо бермоқчи.

Агар сиз жинсий тобеликдан қутулиш учун ҳаракат қилаётган, ҳали сизни шу йўлга бошлаётган киши билан учрашишни давом эттираётган бўлсангиз, шуни билингки, унинг Худовандга ва сизга қилаётган муносабатлари умуман нотўғри. Сиз бундай муносабатларни узиш ҳақида ўйлаб кўришингиз, Худо олдида бу муаммони ҳал қилишни давом эттиришингиз керак. Агар бу одам сизни чин дилдан севса, сизнинг ўзаро муносабатларингиз тўғри бўлса, сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз, ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

Агар сизга шифо келтирувчи Худонинг муқаддаслигини ўзингизнинг олий мақсадингиз деб билмасангиз, жинсий гуноҳлар туфайли вайрон бўлган ҳаётингизни тиклаш учун қилган барча ҳаракатларингиз зое кетади. Агар ҳаётингизда жинсий гуноҳ бўлса, унга қатъиятлик билан «Йўқ!», Худованд шифосига эса «Ҳа!» денг.

МУҚАДДАС КИТОБ ЖИНСИЙ ГУНОҲ ҲАҚИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Овқат қорин учун, қорин ҳам овқат учун
экан, лекин Худо уни ҳам, буни ҳам йўқ қилади.
Бадан эса зино учун эмас, балки Раббимиз
учундир, Раббимиз эса бадан учундир.

1 Кор. 6:13

Худодан туғилган ҳеч бир киши гуноҳ қилмайди,
чунки Худонинг уруғи унинг ичида қолади.
У Худодан туғилгани учун гуноҳ қила олмайди.

1 Юҳ. 3:9

Шундай қилиб, ерга хос нафсингизни тийиб,
фаҳшбозлик, нопоклик, ёмон ҳирсу ҳаваслар
ҳамда бутпарастлик билан тенг бўлган
тамагирликни ўлдиiringлар. Сизлар ҳам бир
вақтлар бу кишилар билан ётиб-туриб, айна
шундай ишлар қилар эдингизлар. Аммо энди
газаб, жаҳл, гиналарнинг ҳаммасини бир четга
йириштириб қўйинлар. Оғзингиздан ҳеч қандай
жеркиш ёки ножўя сўз чиқмасин.

Кол. 3:5, 7-8

Сизнинг орангизда ҳеч қандай зиногарлик,
ифлослик ёки тамагирлик ҳатто тилга
олинмасин. Булар муқаддас кишиларга
муносиб эмас.

Эф. 5:3

Агар биз ҳақиқатни билиб олгандан кейин,
қасддан гуноҳ қилишда давом этсак, энди
гуноҳларнинг кечирилиши учун бошқа
қурбонлик қолмайди.

Ибр. 10:26



ИТОАТКОРЛИК: УЙИНГИЗНИ ПОКЛАШ

Рухшунос хонасида мен озод бўлганимдан сўнг, Мэри Энн, сенинг ички бўшлиғинг Худо ҳақиқати билан тўлиши учун иложи борича кўпроқ Худованд Каломини ўқисин, деб тавсия қилди. Мен Каломни тезроқ ўқий бошлашни хоҳладим, Муқаддас Китобни бошидан охиригача ўқиб чиқишни аҳд қилдим. Ўша пайтда мен ишдан бутунлай озод эдим, эрим ўз иши юзасидан турли лойиҳалар билан банд эди. Бўш вақтим кўп бўлгани сабабли, мен Муқаддас Китобни ҳар куни мутолаа қилардим. Тез орада уни тўла ўқиб чиқдим. Унинг ҳар бир саҳифаси мен учун тирикдай эди, менга ўзгача маъно очарди, Муқаддас Китобни ўқиш эса мени шунчалар қизиқтириб қўйдики, илгари ҳатто жангари китобларни ҳам бунчалик зўр қизиқиш билан ўқимаган эдим.

Амрлар Китобининг 7-бобида итоаткорлик учун бериладиган мукофотлар сифатида ваъда қилинган Худо марҳаматлари ҳақида ўқидим. Мени шу бобнинг охирги ояти ўйлантириб қўйди: «Жирканчли нарсани уйингизга олиб кириб, сизлар ҳам ўшалар каби ҳаром бўлиб қолманглар, ўша нарсалардан нафратланиб, жирканинглар, чунки ўша нарсалар ҳаромдир» (Амр. 7:26).

«Қабихлик? Менинг уйимда-я? Ё Раббий, наҳотки бу нарса менда бўлса? Ундай бўлса, мендаги қабихликни аён қил», — деб илтижо қилдим мен.

Шу сўзларни айтиб улгурмасимданоқ, бирдан оккультизм, спиритизм ва шарқ динлари ҳақидаги ўнлаб китобларим эсимга тушди. Мен Исога юз бурганимдан бери уларни қўлимга олмаган эдим. Оккультизм назариясини қоралаганим билан, бунга оид китоблар ҳамон менинг уйимда сақланар эди. Бир куни аллақандай сабаб билан мен бу китоблар ҳақида эсладим, лекин муқовалари жуда яхши ишлангани учун уларни ташлаб юборишга кўзим қиймади. Мен уларни имонсиз дўстларимдан биронтасига совға қилиб юбормоқчи эдим.

Бирданига бу фикрнинг ўзи мени хижолат қилиб қўйди: ўзим эндигина Худога юз бурганимда, бошқа худоларга их-



лос қўйиш ҳақидаги китобларни танҳо Худоимга эътиқодсиз дўстларимга бераманми? Қандай нодонлик! Ахир, бу китобларда менинг ҳаётимни нобуд қилишига озгина қолган ёвузлик мақталган-ку! Мен эса улар яна бошқаларнинг ҳам ҳаётларига таъсир ўтказишлари учун имкон яратиб берапман. Ўз вазифамнинг қанчалар муҳим эканлигини англаб, мен китоб жавони олдига бордим. У ердаги юзлаб китоблар ичидан оккультизмга оид ва бошқа турли шубҳали нашрларни ажратиб олдим. Кейин уларни олдиндан шу мақсад учун тайёрлаб қўйган сумкаларга солдим.

Аммо мен шу билан чекланиб қолмадим. Уйимнинг поклиги ҳақида қанча кўп фикр юритсам, шунча кўп «жирканч» нарсаларга кўзим тушаверди. Тез орада менинг танқидий назарим бошқа худоларни мадҳ этувчи ҳайкалчаларга, девор безакларига, қўлда безак берилган патнисларга ва жуда кўп бошқа майда-чуйда нарсалар ва сувенирларга тушди. Мен салбий ва шубҳали мавзудаги ҳамма пластинка, плёнкаларни ташлаб юбордим.

«Нега мен шу билан чекланиб қолишим керак?» — ўйладим ич-ичимдан қайнаб чиқаётган ташаббускорлик билан. Кейин кийим-кечагимни кўздан кечира бошладим. Нимаики Худони мадҳ қилмаса, ўша нарсани ташлаб юборавердим: чуқур ўймали кўйлақларни, ҳарир кофталарни, тор жинси шимларни. Шунингдек, мени олдинги ҳаётимни эслатадиган, эркак дўстларимдан эсдалик учун қолган ҳамда бахтсиз ўтмишимдан гувоҳлик бериб турадиган барча нарсадан мамнуният билан воз кечдим.

Эҳтимол, бу хатти-ҳаракатим билан мен жодугарлар овланган пайтлардаги ишқибозларни эслатарман. Аммо мени Худодан ажратиб турган ҳамма нарсадан озод бўлишга қарор қилган эдим. Ўша пайтга келиб мен Худованддан кўпгина марҳаматлар олгандим, аммо У мен учун тайёрлаган ҳамма нарсани олишга қарор қилдим. Ўз яшаш жойимни бутлардан тозалаб бўлгач, ўзимда қувонч, янгиланишни, енгилликни сездим, худди охири кўринмайдиган тўсиқни енгиб ўтгандай эдим.

Ўшандан бери мен вақти-вақти билан уйимни тозалаб тураман. Бу тозалаш биринчиси каби катта бўлмаса ҳам, ҳар



ҳолда ҳеч қандай «жирканч» нарсаларни уйимга кириб олмаслигининг ташвишини қиламан. Худованд билан бирга бўлиш, Унга эътиқод қилиш бизнинг ҳушёрлигимизни кучайтиради. Илгари менга беозор туюлган нарсалар энди асл моҳиятини очади.

Масалан, бундан бир неча йил илгари шундай воқеа юз берган эди, ўшандан сўнг ўғлим Кристофер кечалари алағчалағ тушлар кўра бошлади. Мен бу ҳақда ибодат қила бошлаганимда, ўғлимнинг хонасига кириш ва у ўйнайдиган компьютер дисklarини текшириб кўриш истаги пайдо бўлди. Ўйинлар кўп эди, аммо мен негадир дарҳол ўғлимнинг имонли дўсти бир ҳафтага бериб турган дискни қўлимга олдим. Қутининг устида ҳеч қандай шубҳали нарса йўқ эди, аммо ўйин қўлланмасини ўқиб, унда шайтоннинг жирканч сўзларини кўрдим.

Ўғлим Кристофер мактабдан келгандан сўнг, мен унга топилмамни кўрсатдим. Унинг қўрқинчли тушлари шу ўйин билан боғлиқлигини ҳам тушунтирдим. У ҳам менинг фикримга қўшилди. Биз зудлик билан бу дискни уйдан йўқотдик. Шундан сўнг ўғлим мен ва отаси билан хонасининг поклиги ҳақида ибодат қилди, қўрқинчли тушлар кўришдан тўхтади. Бу тасодифми? Мен бундай деб ўйламайман.

Салбий нарсаларни англай олиш

Ҳаётда Исо билан бирга қадам ташлар эканмиз, қандайдир вақтда ўз турар жойимизни тозалашимиз керак. Эҳтимол, биз жинсий гуноҳларимизни, оккультизм назарияларини эслатадиган ва оккультизмга тааллуқли бўлган ҳамма нарсадан халос бўлишимиз керак. Ахлат челагига бошқа нарсаларни ҳам, эҳтимол, унча хавфли бўлмаган, аммо салбий муносабатларга сабаб бўладиган нарсаларни ҳам ташлашимиз лозим. Масалан, никоҳгача алоқа қилган кишиларингизнинг барча совғалари. Улар қанчалар яхши кишилар бўлмасин, маълум вақт сизни бахтли қилган бўлсалар ҳам, агар сиз никоҳланган бўлсангиз, бу нарсаларга ҳаётингизда жой йўқ. Аслида, сиз Худога тааллуқли бўлмаган нарсаларни, воқеаларни, инсонларни эсла-



тадиган ёки қалбингизда ғазаб, хавотир, қўрқув, тушкунлик уйғотадиган барча нарсалардан воз кечишингиз керак. Уларни бошқа бир кишига — бу нарсаларга дилдан боғланмаган кимсага бериш мумкин.

Сизнинг компьютерингиз-чи? Эҳтимол, сизда шубҳали дастурларга ёки парнографик сайтларга кириш имкониятингиз бордир? Бу маълумот оккультизмдан кўра яхшироқ ёки ундан кам хавфга эга эмас. Интернет орқали бизнинг онгимизга кирадиган ҳамма нарса, у беозор ва бегуноҳ туюлишига қарамасдан, онгимизда қолади, ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказди.

Агар сиз ёвузлик ва эзгуликни фарқлашни ўрганмоқчи бўлсангиз, юрагингизни ва ўз ақлингизни Худованд Каломи билан тўлғазинг. Кўпроқ вақтингизни ибодат қилиб ҳамда Худони улуғлаб ўтказинг. Ундан: «Парвардигорим, менинг уйимда яна қандай жирканчли нарсалар қолаётганини менга кўрсат», — деб сўранг. Шкаф ва шкафчаларнинг ичини қаранг, деворларни кўздан кечиринг, китоб жавонларингизни текшириб чиқинг. Ўзингизда шубҳа туғдирадиган ҳар қандай нарсани ўйлаб ҳам ўтирмасдан ташлаб юборинг. Сизнинг шахсингизни яратишга қодир бўлмаган ҳар қандай нарса ҳаётингиздан ўрин тутишига ҳақли эмас.

Рухий покланиш

Уйингизнинг руҳий покланиши учун ибодат қилиш ҳам яхши фикр эди. Ҳар сафар янги уйга кўчиб кираётганда, биз бир нечта тақводор кишилардан янги уйимизнинг покланиши учун биз билан биргаликда ибодат қилишни илтимос қиламиз. Одатда биз хонадан хонага ўтамыз, ибодат орқали Худодан тинчлик, Унинг ҳимоясини ва бизнинг уйимизда Унинг тўла ҳукмронлигини сўраймиз. Шундан сўнг биз бутун мол-мулкимизни Худованд қўлларига топширамыз.

Агар сиз ҳеч қачон яшаш жойингиз учун ибодат қилмаган бўлсангиз, у уйми, квартирами, хонами — ҳозироқ ибодатни бошланг. Худо ҳимоясидан маҳрум уйда яшаш мумкин эмас. Бундай ибодатда бир ёки бир нечта художўй

МУҚАДДАС КИТОБ УЙИНГИЗНИ ПОКЛАШ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Эй севикли биродарларим, Худо бизга
бундай улуг ваъдаларни берган экан, бадан ва
руҳимизни булғовчи ҳар қандай мурдорликдан
ўзимизни тозалаб, Худодан қўрқиб яшаб,
бутунлай муқаддас бўлайлик.

2 Кор. 7:1

Кўз олдимда ҳар турли жирканч нарсага
йўл қўймасман. Қинғир ишлардан нафрат
этарман, Уларга мен ҳеч қўшилмайман.

Забур 100:3

Эй фарзандларим, бутлардан сақланинглар.

1 Юҳ. 5:21

Фосиқнинг уйи Эгамизнинг лаънатига,
солиҳнинг уйи эса қут-баракага тўлади.

Ҳикмат. 3:33

Кўз олдимда ҳар турли жирканч нарсага
йўл қўймасман. Қинғир ишлардан нафрат
этарман, Уларга мен ҳеч қўшилмайман.

Забур 100:2



кишилар билан бирлашиб, Худодан қўйидагилар ҳақида сўраш лозим:

- У сизнинг яшаш жойингизга тинчлик, осойишталик ва ҳимоя ҳады қилсин;
- уйингизга ҳеч қандай ёвузлик кира олмасин;
- сизнинг уйингизда бор бўлган ҳар қандай душман қобиғи парчаланиб кетсин.

Ўзингиз хоҳлаган осойишталик ва ҳаёт неъматларидан уйингиз тўла покланмагунча фойдалана олмайсиз. Уйингиздаги бўшаган жойларни Худога манзур бўладиган нарсалар эгаллаши ҳақида ташвиш тортинг. Уйимдаги ташлаб юборилган макулатуранинг ўрнини масиҳийча китоблар ва масиҳийча мусиқа ёзилган кассета ва дисклар эгаллади. Яшаш жойим учун мен янги санъат асарларини, ўзим учун эса янги кийим ахтарардим — буларнинг бари озгина бўлса ҳам Худони шарафларди.

Худовандга манзур бўлмаган нарсалардан сиз қанчалар тез халос бўлсангиз, унинг таъсири сизнинг ҳаётингизда шунчалар сезиларли бўлади. Сиз муҳаббат, осойишталик, қувонч нима эканлигини тезроқ англаб етасиз, руҳий шифо топасиз.

ИТОАТКОРЛИК:

ЎЗ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРМОҚ

Ўсмирлик ёшимда ва 20 ёшга кирганимдан сўнг ҳам танамга турли касалликлар бирин-кетин хужум қила бошлади. Бу касалликлар ҳар хил эди: тери касалликлари, бош оғриғи, сурункали чарчоқдан тортиб то турли инфекциялар ва аллергияга мойилликкача бор эди. Худо билан учрашувимгача бўлган вақтдан бир неча ой олдин мен жисмонан шунчалар заифлашган эдимки, ҳатто на овқатлана олардим, на гапира олардим, чунки оғзим йиринглаган ярачақага тўлиб кетган эди. Мен мурожаат қилган шифокор, бунинг сабаби В гуруҳидаги дармондориларнинг етишмаслигида, деб тушунтирди. Кейин ўнг сонимга шу етишмай-



диган дармондорилардан укол қилди. Укол шунчалар оғриқ бердики, мен зўрға ўрнимдан турдим.

«Ҳа, бу укол қаттиқ оғриқ беради, аммо йиринглаган яралар битиши учун улар жуда зарур, — деди шифокор жиддий оҳангда. — То кучга кирмагунингизга қадар менинг олдимга ҳафтасига уч мартадан келиб турасиз, аммо ўзингиз ҳақингизда ўзингиз қайғуришингиз керак: тўғри овқатланиш, кўп дам олиш лозим. Мен сизга ҳаётингиздаги ғам-ташвишларга сабаб бўладиган барча нарсалардан, то улар сизни қабрга тикмасларидан илгарироқ кутулишни маслаҳат бераман».

Шифокорнинг хизмат ҳақини тўлаб, машинам томон кетдим, оғзимда эса ҳамон дармондориларнинг мазаси бор эди. Машинани ўт олдириш учун калитни бурар эканман, бош оғриқларим йўқолганини сездим, машина юриб кетаётганда эса қорнимдаги тутқаноқли оғриқлардан халос бўлганимни тушундим. Ўн дақиқадан кейин машинамни катта йўлда елдириб бораётганимда, умуман бошқа одамга айланган эдим. Кейин қалбимда илгари менга нотаниш ва қалбни тўлқинлантирувчи туйғу — умид пайдо бўлган эди.

Кейинги кунларда мен шифокор берган барча тавсияларни бажаришга ҳаракат қилдим, ҳатто тўғри овқатланиб, жисмоний машқлар билан шуғуллана бошладим. Мен илк бор Голливудга келиб телевидениеда қўшиқчи ва раққоса сифатида ишлай бошлаганимда, рақс синфига доимий равишда қатнашиб турардим. Айни шу ерда жисмоний ҳаракатнинг ўзим учун қанчалар фойдали эканлигини тушуниб етган эдим. Голливудда ёшликни ва гўзал ташқи кўринишни кўпроқ баҳолашарди, шунинг учун мен соғлом овқатланишга ўтдим. Аммо ўша пайтда мен қанчалар ҳаракат қилмай, стресслар юкидан халос бўла олмадим. Барча бошлаган ишларимни жисмоний заифлигим ва азобли тушқунлигим сабабли ташлашга мажбур бўлдим. Дармондори уколлардан кейин йигирма дақиқа ўтгач, ўзимни янги инсон каби ҳис қилдим. Мендаги тушқунлик, умидсизлик ўрнини ҳаётга бўлган ишонч эгаллади. Афсуски, бундай ҳолат тез тугади. Мен бир неча кундан



сўнг яна дармондори укол учун доктор олдига боришга мажбур бўлдим. Мен ўзимнинг жисмоний ва руҳий ҳолатим ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни сира тушуниб етмас эдим.

Худди соғлом руҳий ҳолатга жисмоний соғлиқсиз эришиб бўлмагани сингари, руҳий осойишталиксиз жисмонан соғлом инсон бўлиш асло мумкин эмас. Баъзида бизнинг тушкунлигимизни ёки салбий туйғуларимизни бетоблик деб тушунтириш мумкин. Агар мен хавотирга тушсам, умидсизлик ёки қўрқувни ҳис қилсам, энг аввало, бунинг сабабини ўзимнинг жисмоний ҳолатимдан қидираман. Соғлиғимга бўлган ўз муносабатимни таҳлил қиламан. Кейинги йилларда ҳам муваффақиятсизликларим ва ҳаёт муаммоларига бас кела олмаслигим сабабларини ўзимнинг тушкун кайфиятимдан топаман. Буларнинг ҳаммаси ўзгариши учун баъзида тўйиб ухлаш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машқлар мажмуига қайтишнинг ўзи етарлидир.

Соғлиқ ҳақида қайғуриш — Худога манзур бўлишдир

Ўз соғлиғига безътибор бўлиш — бу нотўғри, шунинг учун вақтинчалик муваффақиятларга қарамай қачонлардир бу енгилтаклик учун тўлов беришга тўғри келади. Мен шифокор-диетолог бўлишидан олдин анча вақтгача амалиётчи психиатр бўлиб ишлаган бир киши билан танишман. У менга шифокорлик амалиётининг бошидаёқ инсонларнинг ақли ва туйғулари уларнинг жисмоний ҳолатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунганини айтиб берди. У, инсонларга салбий туйғуларни енгилда ёрдам бериш учун уларнинг жисмларига таъсир кўрсатиш керак, деб айтарди. Жуда кўп врачларнинг фикрича, ҳаддан ташқари бўлган ақлий зўриқиш ёки кучли асабий изтироблар турли касалликларга олиб келар экан. Аммо баъзи шифокорлар — менинг танишим ҳам шулар жумласига киради — инсонларнинг руҳий хасталиклари давосини уларнинг жисмоний ҳолатларидан қидириш керак, деб ўйлашади. Кимнинг фикри тўғри экан, деб ўйлаб ўтиргандан кўра, Худо



худди бизнинг танамиз каби қалбимиз ва руҳимизни ҳам яратганини, уларга ғамхўрлик қилишни бизга буюришини эслайлик. Руҳий соғлиғимиз ҳақидаги ғамхўрлик жисмоний соғломлик ҳақидаги ташвишларимиздан ҳеч ҳам кам бўлмаслиги керак.

Энг аввало, сиз доимий равишда тиббий кўриклардан ўтиб туришингиз, соғлиғингиздаги муаммолардан кўз юммаслигингиз, балки шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилишингиз керак. Кейин сиз ўз танангизга бўлган муносабатингизни таҳлил қилиб кўришингиз лозим. Шу билан бирга, қалбингизда айбдорлик туйғуси бўлмасин, чунки руҳий муаммоларни бутун организмнинг ҳолати билан боғлаш жуда қийинлиги ҳаммага маълумдир. Аммо сиз бу йўналишда бир неча муайян қадамлар қўйишингиз мумкин, улар туфайли албатта тез орада ўз соғлиғингизни мустаҳкамлаб оласиз.

Мен Исони Қутқарувчим деб тан олганимда, Муқаддас Китобда соғлиқ ҳақида нима дейилгани билан қизиққан эдим. Шундан кейин соғлиғимиз ҳақидаги ташвишлар тўғри овқатланиш ва жисмоний машқлар билангина чегараланиб қолмаслигини тушуниб етдим. Аслида соғлиғи ҳақида ташвиш чекаётган одам ҳисобга олиши керак бўлган еттига омил мавжуддир. Агар мен улардан биронтасини тушириб қолдирсам ҳам, сизни жуда муҳим маълумотдан маҳрум қилган бўламан, шунинг учун уларнинг еттитасига ҳам қисқача таъриф бериб ўтаман. Айтмоқчи, уларнинг батафсил таърифини менинг «Шифо топишда Худонинг йўли» номли китобимдан ўқиш мумкин. Ўз соғлиғимиз учун ғамхўрлик қилиш итоаткорликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлганлиги сабабли, сиз Худодан соғлиғингизнинг айнан қайси омилига панжа орасидан қарашингизни кўрсатишини сўранг. Эҳтимол, фақат у сизнинг кучли эътиборингизга муҳтож бўлади.

1. *Худодан ҳаётингиздаги стресслар манбаини кўрсатишини сўранг.* Стресс — бу сизга кўрсатилган салбий таъсирга нисбатан онгингиз, руҳингиз ва жисмингизнинг жавобидир. Руҳий оғриқлар ва салбий ҳис-туйғулар — ана



шулар стресснинг доимий ва муҳим манбаларидир. Чуқур руҳий жароҳат сизнинг жисмингизни нормал ҳолатдан тўла чиқаришга қодир.

Ҳар қандай ҳўрланганлик туйғуси, алам, душманлик, мурасасизлик, хафалик, ғазаб, ёлғизлик ёки қўрқув аслида бундай зўриқишлар учун жуда оғир юк бўлади. Бу туйғуларнинг ҳар бири биздан ҳаётни сўриб олаётган кучли насосдай ҳаракат қилади.

Стресснинг танангизга таъсир кучи аслида сиз билан бўлиб ўтган воқеалар билан эмас, балки сиз бу воқеани қандай қабул қилганингиз билан аниқланади. Стрессни билиб олиб сиз танлаш имкониятига эгасиз: ё вазиятни ўзгартиришингиз, ёки бор жисмоний, ақлий ва руҳий кучларингизни тирик қолиш учун йўналтириб, шу ҳолатда яшашда давом қилишингиз мумкин.

Баъзида стресс шундай яширин бўладики, унинг ўзимизга таъсирини сезмаймиз ҳам, у эса аста-секинлик билан бизнинг ҳаётимизга кириб олади. Яна шуни билиб олиш муҳим: стрессга нисбатан энг сўнгги жавоб — бу ўлимдир. Шунинг учун ҳаётимизга стресс кучга кирмасдан туриб уни таний билишимиз ва уни ҳаётимиздан йўқотиш чораларини кўришимиз керак.

2. *Худодан, менинг овқатланишим ҳақидаги ҳақиқатни оч, деб сўранг.* Эҳтимол, сиз сунъий қўшимчаларга ва таъмин кучайтирувчи нарсаларга бой консервация қилинган маҳсулотлардан фойдаланарсиз? Агар шундай бўлса, сизнинг танангизда токсик чиқиндилар кўп йиғилади, улар танангизнинг тўғри фаолият кўрсатишига қаршилиқ қилувчи жисмоний касалликларга сабаб бўладилар. Нотўғри овқатланиш танани заифлаштиради, ақлий фаолиятимизни бузади, маълумотларни тўғри қабул қилиш ва тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятимизни издан чиқаради. Сизнинг ҳозирги тушкун кайфиятингиз, ҳатто ўз-ўзингизни ўлдириш ҳақидаги фикрларингиз қандай овқатланишингизга боғлиқ эканлигини сиз англадингизми? Ҳар биримиз бир хил вазиятда гоҳ хотиржам қолганимизни, гоҳ ўзимизни йўқотиб қўйган вақтларни эслашимиз мумкин. Турли



ҳолатларда жавобимиз нимани истеъмол қилишимизга ҳам боғлиқдир.

Агар сиз тўғри овқатланиш ҳақида кам нарса билсангиз ва наридан-бери овқатлансангиз, дарҳол мутахассисларга ёрдам сўраб мурожаат қилинг. Сизнинг организмгингиздаги моддаларнинг нотўғри алмашинуви ва гармонларнинг тартибсиз ҳаракати руҳий соғломлик томон қўйилган ҳар қандай қадамни тўхтатиб қўйиши мумкин. Жуда кўп ҳолларда бўладигани каби, агар сиз овқатланишингиздаги муаммоларни сир сақласангиз, бунинг жавобгарлиги ўзингизда бўлади. Овқатни динга, саждагоҳга, ҳаёт мазмунига айлантириш — уни ўзингизнинг душманингизга айлантиради. Аммо овқатланишдан мақсад бу эмас, сиз бундай ҳолатда яшамаслигингиз лозим.

Зарарли маҳсулотлардан воз кечишга уриниб кўринг: шакардан, буғдой унидан, таркибида сунъий бўёқлари бор ширин ичимликлардан, шунингдек, қовурилган ёки консервация қилинган маҳсулотлардан. Бу сунъий маҳсулотларни турли дармондориларга, минералларга ва озиқ-овқат ферментларига бой табиий маҳсулотларга алмаштиринг: мевалар, сабзавотлар, ёнғоқ ва фойдали дон-дунларга. Тўғри овқатланиш касаллик ёки ортиқча вазн билан курашнинг охириги воситасига эмас, балки одатга айланиши керак.

3. *Худодан, менга жисмоний машқларнинг фойдасини кўрсат, деб сўранг.* Жисмоний машқларнинг асосий вазифаси инсон организмидан токсинларни ҳайдаш, моддалар алмашинувини яхшилаш, мускулларни мустаҳкамлаш ва стрессларни йўқотишдир.

Айнан қандай машқлар кераклигини тушунишингиз учун Худодан ўзингизга қандай машқлар керак эканлиги кўрсатишини сўранг. Гап қўшимча машқлар ҳақида эмас, балки жисмоний машқларнинг мақсади сизнинг кайфиятингизни яхшилаш ва зўриқишларнинг олдини олиш эканлиги тўғрисида гапиряпмиз. Бу ерда ҳеч қандай бежамаликка ўрин йўқ: сиз спорт ускуналари, қимматбаҳо спортзалларга бориш, спортивентарлар, видеоёзувлар ва



бошқа нарсалар учун юзлаб доллар тўлашингиз керак эмас. Сизнинг танангиз, интеллектингиз ва туйғуларингиз учун энг ажойиб машқ — бу оддий юришдир. Ўзингизнинг ҳар кунги сайрларингиз учун, майли, улар қисқа, ўн— ўн беш дақиқа бўлса ҳам беҳавотир жой танланг, юриш натижасида танангизга кўрсатиладиган ижобий самарани белгилаб қўйинг.

Тўғри танланган жисмоний машқлар ёрдамида сиз турли хасталикларга бас кела оласиз, чунки уларнинг таъсири остида сизнинг танангиздан токсинлар ва шлаклар чиқариб юборилади. Аэробика машқлари, югуриш йўлкасида йигирма дақиқа югуриш, яхши масиҳийча видео кўриш, ёки тоза ҳаводаги ҳар кунги сайрлар сизнинг кайфиятингизни батамом ўзгартиришга ёрдам беради.

4. *Худодан, менга сувни тўғри ичишни ўргат, деб сўранг.* Сув бизнинг танамизда бўлиб ўтадиган барча жараёнларда — овқат ҳазм қилишда, алмашинувда, ютишда ва ажралишда қатнашади. У турли тўйимли моддаларни организмга таркатади ва ундан токсинларни чиқариб юборади.

Чанқаш доим ҳам сизнинг организмнингизнинг суюқликка бўлган талабини тўғри кўрсатавермайди, шунинг учун сувни тўғри истеъмол қилишни ўзингиз билишингиз керак. Ҳар куни икки литрдан кам бўлмаган суюқлик истеъмол қилишингиз лозим. Сувни тозалаш учун машҳур компаниянинг сифатли филтрларидан фойдаланинг. Ўзи тозаланишга муҳтож сув организмни тозалаш мумкин эмас.

5. *Худодан, менга рўза ва ибодат ҳақидаги ҳақиқатни оч, деб сўранг.* Ибодат билан биргаликда амалга ошириладиган рўза — бу жуда муҳим қадамдир. Биз буни кейинроқ кўриб чиқамиз. У сизнинг танангиз учун жуда керакдир, чунки организмнингизнинг тозаланиши ва соғломлашувининг табиий вазифасини бажаради. Рўза пайтида овқатни ҳазм қилиш, унинг сингишини ва моддалар алмашинуви учун сарфланадиган энергия организмни тозалашга йўналтирилади.



6. *Худодан, менга тоза ҳавонинг ва қуёш нурининг соғлигим учун аҳамиятини кўрсат, деб сўранг.* Тоза ҳаво ва қуёш нури сизнинг шифо топишингизда жуда катта аҳамиятга эга: улар барча органларнинг фаолиятини тиклайди, ақлий фаолиятни яхшилади. Қуёш нурлари нафақат соғлиқ манбаидир, балки у микробларни ўлдиради, шунингдек, шифобахш ва бўшаштирувчи ҳамдир. Олимлар унинг инсон туйғулари ва иммун тизимида кучли таъсирини исботлаб беришган. Тоза ҳавода амалга ошириладиган ҳар қандай фаол иш нафас олиш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида — организмни чиқиндилардан тозалайди.

Боғда ишлаш — тоза ҳаводаги энг ажойиб машғулотдир. Қўлларингизнинг ерга тегиши сизнинг организмнгизга жуда ажойиб таъсир кўрсатади. Боғни бегона ўтлардан тозалаш ва гуллар ўтқазиш асабларимизни тинчлантиради. Сиз уйдан ташқарида жуда кўп яхши машғулотлар топасиз: кираверишдаги зиналарни супуриш, ўтлоққа сув сепиш, тўкилган барглари бир жойга тўплаш ёки ойналарни ювиш. Тоза ҳавода бир неча дақиқа давомида бажарилган ҳар қандай машғулот сизнинг руҳий ва жисмоний соғлигингизга жуда катта фойда беради.

Албатта, бу вақтда ўз танангизни каттиқ совуқдан ёки жуда исиб кетишдан асраш лозим. Шунингдек, терига ультрафиолет нурларининг тўғридан-тўғри тушишига ҳам йўл қўймаслик керак. Бунга қарши махсус қуёшдан асровчи ва терини қуёшда куйишдан, ўз вақтидан илгари қаришдан ва ҳаттоки саратон касаллигидан ҳимояловчи кремлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

7. *Худодан, менга тўлақонли дам олишининг аҳамиятини тушунтир, деб сўранг.* Сиз дорилар ёрдამисиз амалга ошадиган чуқур ва тетиклантирувчи уйқуга муҳтожсиз. Уйқу вақтида тана тўқималарига озик моддалар етказилади, организмнинг барча тизимлари токсинлардан тозаланadi, сиз уйқу пайтида асаб тизимингиз бўшашган ҳолатда бўлганлиги туфайли ўз кучларингизни тиклайсиз. Аммо уйқудорилар, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар мана

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМА ДЕЙДИ

Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар.

Рим. 12:1

Сизлар яхшиси, аълороқ инъомларга қизиқинглар. Энди мен сизларга энг олий йўлни кўрсатаман.

1 Кор. 10:31

Сизлар ўнгга ёки чапга бурилганингизда, шундай овозни эшитасизлар: «Мана йўл, шу йўлдан юринглар».

Ишаё 30:21

Камбағалга зулм қилган уларни Яратганни таҳқирлаган, муҳтожга ёрдам берган эса Худони улуғлаган бўлади.

Ҳикмат. 14:30

Наҳотки билмасангиз? Сизлар Худонинг маъбадасизлар, Худонинг Руҳи ичингизда яшамокда.

1 Кор. 3:16

Шундай қилиб, сизнинг бурчингиз — Худонинг маъбадига кераклигича ғамхўрлик қилишдан иборат.



шу фойдали жараёнларни тўхтатиб қўяди. Уларнинг ёрдამисиз чуқур, ёшартирувчи уйқуга кетишни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйинг.

Агар ҳаётингизда ҳамма иш силлиқ кетаётган бўлса, соғлом уйқу ўз-ўзидан келади; агар бундай бўлмаса, демак, соғлигингизнинг бир ёки бир нечта омили меъёрида эмас. Ҳеч қачон чарчаб турганингизда ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилманг: тунги қаттиқ уйқу сизнинг фикрингизни ва кайфиятингизни тубдан ўзгартириши мумкин.

Соғлигингиз ҳақидаги ташвишларни худди оғир ва мураккаб ишдай қабул қилманг. Бу ундай эмас. Бундай ташвишлар сизнинг итоаткорлигингизнинг бир томони бўлишини хоҳлайди. Бу ҳақда Муқаддас Китобда шундай дейилган:

Наҳот билмасангиз? Сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Уни сизга Худо берган, сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Қиммат баҳо билан сотиб олиндингизлар. Шунинг учун баданингиз (ва руҳингиз) билан Худони улуғланглар. (Чунки сизлар Худога тегишлисиз.)

1 Кор. 6:19-20

ИТОАТКОРЛИК: ЎЗ НУТҚИГА ЭЪТИБОР ҚИЛИШ

Худованд барча мавжудотни Ўз каломи орқали яратди. Биз Унинг ташқи кўриниши, Унга ўхшаб яратилганлигимиз ва Унинг Рухи қалбимизда яшаётганлиги учун биз ҳам атрофимиздаги нарсаларни сўзимиз билан яратишимиз мумкин. Ўз ҳақимизда ёки ўзимизнинг вазиятларимиз ҳақида доимо ёмон сўзлар айтсак, биз ҳеч қачон ҳаётимизни яхши томонга — ўзимиз айтаётган сўзларнинг тескарисига ўзгартира олмаймиз.

Мен доимо: «Мен омадсизман»; «Мен жирканчман»; «Менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди»; «Мен ҳеч кимга керак эмасман» деб, токи ўз юрагимда Муқаддас Рухнинг: «Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам тилнинг ҳукмидадир» (Ҳик. 18:21) деган сўзларини эшитмагунимгача такрорлар эдим. Мен



ўзим овоз чиқариб, ёки ҳаёлда айтаётган сўзларимга эътибор бериб ўзимни ўзим ўлимга маҳкум қилаётганимни тушундим. Бу янгилик мени даҳшатга солди.

Ўзим ҳақимдаги салбий фикрларнинг яққол намунаси — менинг нутқимдаги камчиликлардир. Болалик чоғларимданоқ бу мен учун катта муаммо бўлиб келарди, худди шу сабабли мактабда ҳам ҳаммага мазах бўлардим. Қанчалар ғалати бўлмасин, нутқдаги камчилик ҳам худди юздаги камчилик кабидир, чунки иккалови ҳам одам учун аламлидир. Ҳамма сизнинг нуқсонингизни эшитади, сиз ҳақингизда шунга қараб ўйлашади, сизга шунга мос муносабатда бўлишади. Мен улғайиб, ўзим пул ишлай бошлашим биланоқ мутахассис ёрдами учун логопедга мурожаат қилдим, ҳар ҳафта унинг қабулига бориб турдим. Мен ҳафталаб, ойлаб, йиллаб машқлар қилдим, аммо ҳеч қандай ўзгариш сезмасдим.

Орадан бир неча йил ўтиб, Майклга турмушга чиққанимдан сўнг, мени бир неча марта жамоатхона йиғилишларида сўзлаш учун таклиф қилишди. Мутахассис ёрдамида ўтказилган машғулотларимга қарамасдан, ҳар доим тахминан маърузаларимнинг ўртасида овозим чиқмай қоларди, чунки томоғимни бир нима бўғиб оларди, натижада ҳеч нима дея олмасдим. Умидсизлигимнинг чеки йўқ эди.

«Мен ҳеч қачон чиройли, равон сўзлай олмайман», — ғамдан йиғлардим мен. Аммо кунларнинг бирида мен шу сўзларни яна такрорлаганимда Худованд менга жавоб қилди: «Сен ўзинг ҳақингда ёлғон гапириб, ўзингни ўлимга маҳкум қияпсан, чунки ўзинг ҳақингда ёлғон гапиряпсан».

«Эй Парвардигорим, бу нима? — сўрадим мен. — Қандай қилиб мендаги кўриниб турган нуқсонни тан олмай бўлади?»

«Сенинг ўзинггагина ҳақиқат бўлиб кўринаётган нарсани гапирма, — давом қилди У. — Сен ўзинг билганингдай, Менинг каломим ҳақиқатини гапир».

«Нутқнинг нуқсони ҳақида Сенинг ҳақиқатинг нимадан иборат? — сўрадим мен яна Худога мурожаат қилиб. — Раббий, уни менга аён қил, уни кўра олишимга ёрдам бер».



Сўнги бир неча кун давомида Муқаддас Ёзувлардаги баъзи бир оятлар менинг эътиборимни ўзига жалб қилди. Олдинига мен Ишаё пайғамбарнинг Китобидан: «...дудуқ одамнинг тили тўла-тўқис бўлади» (Ишаё 32:4) сўзларини ўқидим. Тез орада қавмбоши Джекакшанба ибодатларининг бирида шундай деди: «Оғзингизга сўзларимни солганман, сизларни қўлларим соясига яширганман...» (Ишаё 51:16). Кейинчалик мен қайғуларим ҳақида бирга ибодат қилувчи гуруҳ аъзоларига айтиб берганимда, аёллардан бири Ишаё пайғамбарнинг Китобидан олинган куйидаги мисраларни кўрсатди:

Эгам Раббий менга доно тил берди, токи мени толиққанларга сўз билан мадад берсин дея...

Ишаё 50:4

«Яхши, эй Парвардигорим, — хаёлан мурожаат қилдим мен Худога, — Сенинг каломинг мени тўғри, тез ва аниқ гапира олишимни тасдиқлаяпти, чунки Сен Ўз сўзларингни менинг оғзимга солдинг».

Ўша пайтдан бери, мабодо мен умидсизликка тушсам, шу ҳикматни такрорлардим, Худога мурожаат қилиб: «Раббий, Сен мени силлиқ ва равон сўзлашга ўргатганинг учун Сендан миннатдорман. Исо Масих паноҳида менинг қўлимдан ҳамма иш келади. Худовандим, Сенинг сўзинг мени ҳаётга қайтаргани учун мен Сени шарафлайман. Бу тил ҳадяси учун Сенга раҳмат, чунки у туфайли мен гапира оламан».

Мен онгли равишда ўз нутқимдан барча салбий ифодаларни олиб ташладим. Мен энди: «Мен омадсизман», деб такрорламас эдим, чунки Худо бuni ёлгон деб атайди. «Мендан умид йўқ» дейишни бас қилдим, балки Худо — ҳаётимнинг умиди, деб тарғиб қила бошладим.

Тез орада мендан катта йиғилишда аёллар олдида нутқ сўзлашни илтимос қилганларида, мен ибодатда барча қўрқувларимни Худога топширдим, бўлғуси муваффақиятсизликлар ҳақида бир сўз ҳам демадим. Ўзимнинг одатдаги тушкунлигим ўрнига, мен Худо ҳақиқатини тарғиб



қилдим. Шунда менинг чиқишим силлиқ кечди, нутқим шундай муваффақиятли бўлдики, олдимда жуда ажойиб имкониятлар очилди. Ва бугунги кунда мен ҳар бир оммавий чиқишларим олдидан Муқаддас Ёзувдан олинган мисраларни келтираман, Раббийни шарафлайман.

Қаранг, сиз билан ким гаплашяпти!

Биз тез-тез шайтоннинг ўзимизга айтадиган: «Сенинг ишинг ҳеч қачон юришмайди. Бундан кўра ўлганинг яхшироқ», деган сўзларини ҳақиқат деб билиб такрорлаймиз. Ёки бир неча йил аввал айтилган: «Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан. Сен ҳеч қачон ҳаётда бир нарсага эриша олмайсан», деган гапларни такрорлаймиз.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «...ўз тилингдан илиниб, сўзларинг тузоққа етаклайди...» (Ҳикм. 6:2). Бу бизнинг айтилган ва айтилмаган фикрларимизга бирдай тааллуқли. Агар доимо ўзимизни лаънатлаб, фикрларимиз ва туйғуларимизга ҳалокатли таъсир ўтказиб турсак, биз ҳеч қачон шифо топа олмаймиз. Ким бизнинг ақлимизга мурожаат қилаётганини билишга мажбурмиз. Бу Худо овозими, шайтонникими ёки жисмимизникими?

Ўз ҳақингизда гапираётганингизда умид, шифо, мақсадга интилиш ва руҳан кўтаринки сўзларини айтинг. Уларда сиз учун Худо ҳақиқати бор. Ўзида тушкунлик, шубҳа-гумон, салбий зарраларни ташийдиган сўзларни ўз луғатингиздан ўчириб ташланг. Бу билан мен мутахассис билан мулоқотингизни ёки Худо, ёки дўстингиз олдида ўз қалбингизни тўкиб солаётганингизни айтмаяпман. Ҳар қандай вазиятда ҳам туйғуларингизга тааллуқли барча нарсаларда доимо самимий бўлинг. Ҳақиқатда яхши бўлмаган ҳолатларни яхши қилиб кўрсатиш — бу алдашдир.

Ҳаётингизнинг муваффақиятсиз бўлганидан нолиш ўрнига, шундай деб айтинг: «Бугун мен ниҳоятда хафаман, аммо Худованд менинг ҳаётимни кўриб турибди ва У албатта менинг ишимни рўёбга чиқарар, чунки У Ўзининг яратганларини ҳеч вақт ташлаб қўймайди» (Забур 137:8). Агар сиз ўзингиз ҳақингизда тўғри ўйлай олмасангиз,

НУТҚНИНГ СОФЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМА ДЕЙДИ

Тилини тийган жонини асрайди,
тилига эрк берган эса ҳалокатга учрайди.

Ҳикмат. 13:3

Мен сизга дейманки: инсонлар айтадиган
ҳар бир бекор сўзи учун қиёмат кунда
ҳисоб берадилар.

Матто 12:36

Ўйламасдан айтилган сўз қиличдай жароҳатлайди,
дононинг гаплари эса шифо беради.

Ҳикмат. 12:18

Ўз ўрнида айтилган сўз тилла узукка қўйилган
ёқут кўздайдир.

Ҳикмат. 25:11

Сенга маъқул бўлсин Оғзимдан чиққан
сўзлар, Юракдаги ниятларим, эй Эгам,
Менинг Қоям, Нажоткорим!

Забур 18:15

Солиҳнинг тили марҳамат келтиради,
фосиқнинг тили эса эгрилик.

Ҳикмат. 10:32



бундай денг: «Раббий, ҳолатимнинг ҳақиқий кўринишини намоён қил».

Кейинги вақтларда айтган барча гапларингизни эсланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Мен ўзим ва бошқалар ҳақида ёмон гапира оламанми?
- Менинг ҳаётимни ва одамлар билан бўлган муносабатларимни барбод қилувчи сўзларни гапира оламанми?
- Менинг одамлар ва воқеалар ҳақидаги дастлабки фикрим Худонинг қўлида, деган хотиржам ишонч ўрнига кўрқув, ғазаб, шубҳа-гумон ёки умидсизликка асосланадими?

Агар сиз шу саволларнинг биронтасига ижобий жавоб берган бўлсангиз, демак, сизнинг юрагингиз Худога муҳтождир. Ўз-ўзингизни қоралашга вақт кетказманг, яхшиси, Худога қуйидагича мурожаат қилинг: «Парвардигорим, салбий фикрларим учун мени кечир. Менга фақат ҳақиқатни ва ҳаёт сўзларини гапиришга ёрдам бер. Мени Муқаддас Рухинг билан тўлдир, Унга мени қайта тиклашга ёрдам бер».

Худо сизга ўз ҳақингизда танқидий фикрлар айтишга имкон берганда, сиз қаршилиқ кўрсатманг. Ўзингизга нисбатан раҳмдил бўлинг, ўзингизни ҳурмат қилинг. Довуд сўзларини такрорланг: «...чунон тилим ила дилим бирдир менинг» (Забури 16:3).

ИТОАТКОРЛИК:

РЎЗА ТУТИШ ВА ИБОДАТ ҚИЛИШ

Биринчи учрашувимиз пайтида Мэри Энн менга уч кун рўза тутишни таклиф қилди: мен фақат сув ичишим ва шу кунлар давомида гуноҳларим рўйхатини тузиб, унинг олдига келишим керак эди. Мен у айтгандай қилдим: сув ичдим ва очлик ҳиссини сезган пайтимда ибодат қилдим. Рўзанинг иккинчи куни очлик азоблари камайди, ҳаммаси мен ўйлаганимдан кўра анча осон кечди. Мэри Энн менга



телефон орқали кўнғироқ қилиб, учрашувимизни кейинги ҳафтага кўчирганда, мен яна уч кун рўза тутдим.

«Ҳеч нарса ёрдам бермайди, — ўйладим мен. — Мен йигирма йилдан бери тушкунлик ҳолатидаман, бирон нарсанинг ўзгаришига ишонч йўқ. Мўъжизага ишониш — аҳмоқлик».

Бутун ҳафта давомида тушкунлигим ошиб бораверди, рўза тутиш оғир эди. Мен ҳаммасини ташлашга рози бўлдим, аммо мен итоаткор бўлиш тўғрисидаги ваъдамни буза олмасдим. Руҳшунос билан учрашадиган куним мен мўъжизага умид қилишдан қўрқсам-да, у ҳақда ибодат қилдим. Аммо мен Мэри Эннинг кабинетига кирганим заҳоти ҳамма нарса ўзгарди: фикрларим тиниқлашди, мен ўша пайтда Худонинг борлигини ҳар қачонгидан ҳам аниқ ҳис қилдим.

Кейинги кун мен тушкунликнинг белгиларисиз ўйғондим. Мен ҳар куни унинг қайтиб келишини кутиб яшардим, аммо бундай бўлмади. Ўшандан бери мен ҳатто унинг яқинлашувини сезсам ҳам, бу энди безовта қилмас эди. Рўза менинг озодлигимни ва шифо топишимни анча тезлаштирганини мен биламан.

Биз киммиз? Нега биз рўза тутишимиз керак?

Худони чуқурроқ билишимиз, ҳаётимизда Ўзининг Муқаддас Руҳи борлигини кўрсатиш ва шу орқали бизга шифо бериб, бизни озод қилиш мақсадида У рўзани ўйлаб топди. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳаси — ақлий, жисмоний, руҳий ва ҳиссий томонлари рўза орқали марҳамат қилинади, у душманнинг биздан яширин қурган қалъаларини емиради. Баъзи руҳлар фақат рўза билан ҳайдаб чиқарилиши ҳақида Муқаддас Китобда аниқ қилиб айтилган. Исодан шоғирдлари нега ёвуз руҳлар уларга итоат қилмаслигини сўраганларида, У қуйидагича жавоб берди: «...бу тоифа жинларни рўза ва ибодатдан бошқа йўл билан қувиб бўлмайди» (Мк. 9:29).

Рўза худди бизни шайтондан ҳимоя қилувчи муқаддас зайтун мойи сургандай таъсир қилади. Рўзанинг вазифаси ҳақида Муқаддас Китобда шундай дейилган:



Мен истаган рўза — адолатсизлик кишанларини парчалаш учун, бўйинтуруқ урилганларни халос қилиш учун, мазлумларни озодликка чиқариш учун, ҳар қандай бўйинтуруқни синдириш учун эмасми?!
...яқинларингиздан ёрдамингизни аяманг.

Ишга 58:6-7

Ҳатто агар рўза фақат шу биргина вазифани бажарса ҳам, руҳий шифо томон кетаётган ҳар бир одам итоаткорликнинг бу қадамини қўйган бўлур эди.

Қай биримиз шайтон занжирларидан озод бўлишни хоҳламаймиз? Худонинг кучи ўзининг ҳаётига ва ҳолатига киришига ким муҳтож эмас? Ким ҳеч бўлмаганда битта салбий туйғудан қутулишни хоҳламайди? Биз ҳаммамиз бунини хоҳлаймиз. Унда бизни рўзадан нима ушлаб турибди? Жаҳолат ва қўрқув. Биз Муқаддас Китобда рўза ҳақида нима дейилганини ва унинг ажойиб имкониятлари тўғрисида ҳеч нарса билмаймиз. Агар овқатланмасдан ўринга ётсак, кечаси очликдан ўлиб қолишдан қўрқамиз. Ёки бизни бош оғриғи, кўнгили айниши, заифлик ва бош айланиши қўрқитади. Аммо мен бу бобда рўзани ҳимоя қилиш учун бир нечта исботловчи далиллар келтирмоқчиман, улар рўзанинг ижобий томонларини очиб беради, рўза тутаятганингизда юз берадиган ноқулайликларни енгиб ўтишга ёрдам беради.

Эски ва Янги Аҳд китобларида рўза саксон мартадан кўпроқ тилга олинади. Исонинг Ўзи ҳам рўза тутган. Агар У бизнинг соғлиғимиз учун хавфли бўлса, Муқаддас Китобда рўза ҳақида шунчалик кўп гапирилармиди? Нега Инжил тарихидаги буюк одамлар рўзадан юз ўғиришмаган? Нега Исо қирқ кун рўза тутди?

Рўза — бу руҳий машқдир, рўза давомида биз ибодат билан шуғулланамиз. Худо билан мулоқотга киришамиз. Бу эса бизга ижобий таъсир кўрсатади, биз тартибли бўламиз. Тартиб эса доимо мукофотланади. Жисмоний машқларни бажариб ўз танамиз учун мукофот олганимиз каби, рўза кўринишидаги руҳий тартиб ҳам руҳий мукофот олади. (Шубҳасиз, рўза фойдали жисмоний натижаларга ҳам олиб келади, аммо бу китобнинг фақат руҳий томонларига эътибор қаратамиз).



Биз Худога ёқиш учун рўза тутмаймиз. У бизни бусиз ҳам яхши кўради, рўза тутамизми ёки йўқми — бундан қатъий назар яхши кўраверади. Шунингдек, рўзага Худованддан бирон нарса ундириш воситаси деб ҳам қарамаслик керак. Рўза — бу Унга яқинлаша олишимиз, қалбимизни Унинг Муқаддас Руҳи учун очишимиз, У бизнинг ҳаётимизга қанчалар қудратли таъсир қилишини кўра олишимиз мумкин бўлган даврдир.

Рўзани қандай тутиш керак?

Рўзанинг зарурлигига ва муҳимлигига ишонч ҳосил қилиб, энди биринчи қадамни кўйинг: фақат бир марталик овқатдан воз кечинг, сув ичинг ва шундай сўзлар билан ибодат қилинг: «Парвардигорим, мен бу овқатдан Сенинг шуҳратинг ва менинг ҳаётимда душман қалъаларининг яксон бўлиши учун воз кечаман». Шундан сўнг ҳаётингизнинг озодликка муҳтож барча жиҳатларини санаб ўтинг. Кейин шундай денг: «Раббий, бугун мен онгимда шайтон курган қалъаларни яксон қилиш учун рўза тутаман: айнан тушкунликни, хавф-хатарни, кечира олмасликни ва ғазабни».

Кейинги гал рўза тутганингизда икки марталик овқатдан воз кечинг, сув ичинг ва ибодат қилинг. Ҳафтасига бир марта 24 соат ёки 26 соатлик рўзани тута оласизми, шу ҳақда ўйлаб кўринг. Мен бир йилда қирқ кун рўза тутаман, ёки қирқ ҳафтада бир кундан. Мен учун рўза Худонинг овозини аниқроқ эшитишга имконият берувчи воситадир. Рўза худди бошқа тартибга солувчи ва доимий бажарилувчи машқлар каби борган сайин осонроқ ва енгилроқ бўлиб боради. Ва яна: рўза оралиқларида танангизга сизнинг муносабатингиз қанчалик тўғри бўлса, рўза сиз учун шунчалар ёқимлироқ бўлади.

Кейинчалик сиз ўттиз олти соатлик рўзани осон ўтказишга ўрганасиз, сўнггра йилига бир неча марта уч кунлик рўзани ҳам. Физиологик чекланишлар бўлганда ва рўза пайтида фақат сувнинг ўзи билан кифояланиш мумкин, бўлмаса бир кунлик сабзавотли ёки мевали рўза тутиш мумкин. Бу ҳамманинг кўлидан келади.

РЎЗАНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ЙИГИРМАТА ДАЛИЛ

1. Рўза сизнинг руҳингизни, қалбингизни ва танангизни поклайди.
2. Рўза пайтида биз илоҳий бошқаришга ва ваҳийга эга бўламиз.
3. Рўза бизни Худонинг юзини ахтаришга ва У билан янада яқинроқ муносабатга ундайди.
4. Худонинг овозини яхшироқ эшитишга ва Унинг иродасини тушунишга ёрдам беради.
5. Илоҳий куч учун қудратли оқим бўлиб, бу орқали оқиб ўтишга имкон беради.
6. Бизнинг руҳий ўрнимизни мустаҳкамлайди.
7. Бизнинг ҳаётимиздаги ҳар қандай тобеликни яксон қилади.
8. Ақлимизни тиниқлаштиради.
9. Салбий ва қайғуга солувчи фикрлардан халос қилади.
10. Тушкун кайфиятни енгади.
11. Бизнинг ҳаётимиздаги шайтонистехкомларини яксон қилади.
12. Вазият назорат остидан чиққанда, уни турғунлаштиради.
13. Тана ва руҳни мустаҳкамлайди.
14. Ҳар қандай шаҳвоний нафсни йўқ қилади.
15. Биздаги Худонинг инъомларини очади.
16. Оғир юкни енгиллаштиради.
17. Бизда пок юрак ва адолатли руҳни яратади.
18. Салбий туйғулардан озод қилади.
19. Шифога олиб келади.
20. Биз Худо ёрдамисиз бажаришга қодир бўлмаган ишларни амалга оширишга куч беради.



Рўза ҳақидаги шубҳа-гумонларни енгишда бизга яхши масиҳийча китоблар ёрдам беради. Китобимнинг «Шифо топишда Худонинг йўли» деган бобида сизга фойдали амалиётни яхши ўзлаштиришга ёрдам қилувчи тавсиялар берилган.

Худога маъқул бўладиган рўза

Ишаё пайғамбар китобининг 58-бобида Худо пайғамбар тилидан рўзанинг афзалликлари ҳақида сўзлайди ва унинг мақсади нимадан иборат эканлигини айтади: «...адолат-сизлик кишанларини парчала, бўйинтуруқ урилганларни халос қил, мазлумларни озодликка чиқар, ҳар қандай бўйинтуруқни синдир...» (Ишаё 58:6). Муқаддас Китобнинг ана шу бобида биз учун жуда кўп фойдали тавсиялар борки, мен уни ҳар сафар рўзадан олдин нима сабабдан рўза тутаетганлигингизни, сиздан нималар талаб қилинишини, сизнинг мукофотларингиз қандай бўлишини (шифо, ибодатларга жавоб, озодлик, ҳимоя) эслатиш учун ўқиб чиқишни ўзингизга тавсия қиламан.

Рўза албатта ибодат билан биргаликда ўтказилиши керак, ибодатсиз у одатдаги очликка айланади. Рўза — бу Худони излаш ва Унга яқинлашиш, сиз қаерда Унга муҳтож бўлсангиз, Унинг бошқарувига эришиш вақтидир. Баъзида Муқаддас Рух рўзанинг зарурлиги ҳақида аниқ тушунча беради, аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Лекин нима бўлганда ҳам сизнинг онгингиз ибодатга хайрихоҳ бўлиши керак.

Худованд рўзага ва ибодатга ҳаммани — нафақат қавм-бошиларни, тарғиботчиларни, ўқитувчиларни ёки эллик ёшдан ошган кишиларни, балки Исо Масиҳни Худонинг Ўғли деб тан олган барча кишиларни чорлайди. Худо сизга рўза ҳақида нимани аён қилмоқчи бўлса, шу ҳақиқатни очгин, деб илтимос қилинг. «Ҳар бир танбех ҳозирги замонда севинч эмас, қайғу бўлиб кўринади. Аммо шу тариқа тарбияланганлар учун кейин солиҳлик ва тинчлик самараси униб-ўсади» (Ибр. 12:11). Буни эсдан чиқарманглار.

Рўза — бу душманга қарши қудратли қурол, сизнинг озодлигингиз ва руҳий шифо топишингиз учун калитдир.

ИТОАТКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМА ДЕЙДИ

Берган ваъдангга мувофиқ, эй, Эгам,
Мен, қулингга, яхшилик қилдинг.

Забур 118:165

Агар Менга итоат этсангиз чин кўнгилдан,
Ейсиз, албатта, заминнинг сара ҳосилидан.

Ишаё 1:19

Ўз-ўзингизни алдаб, Худо каломининг фақат
тингловчиларигина эмас, балки ижрочилари
бўлинглар.

Ёқуб 1:22

Шундай қилиб, ким хайрли иш қилишни
билса-ю, уни амалда қилмаса, гуноҳ
ҳисобланади.

Ёқуб 4:17

Уни биламан деб туриб, Унинг амрларига
риоя қилмаган киши ёлғончи бўлади,
унда ҳақиқат йўқ.

1 Юҳ. 2:4



Рўзадан юз ўғирманг. Ҳатто озод бўлганингиздан кейин ҳам шайтон сизга илгариги занжирларни уришга ҳаракат қилади. Итоаткорликнинг ушбу қадами қўяётганингизда унинг назорати остидан, худди кум бармоқлар орасидан тўкилгандай, кетишга бутун кучингизни сарфланг.

ИБОДАТ

Раббий, ҳаётимнинг ироданга итоаткор бўлмаган жабҳасини менга кўрсат. Ҳар бир фикримни, ҳар бир қилмишимни Сенга итоат эттиришга ёрдам бер. Сен юрагимга мурожаат қилганингда, Сенга итоат қилиб яшаи учун Ўзингнинг буйруқларингни эшитишни менга ўргат. Мени Ўзингнинг тақводорлик, шифобахилик ва тинчлик йўллариңдан етакла.

УЧИНЧИ ҚАДАМ: РУҲИЙ ОЗОДЛИККА ИНТИЛИНГ



Мэри Энн маслаҳатда, сен озодликка муҳтож экансан, деб айтганда, унинг сўзлари менинг тасаввуримда жуда кўп сиймолар қуюнини пайдо қилди: қизил кўзли иблислар, яшил қайтариқ массаси, бир жойда туриб гир айланиш... «Наҳотки мен жинни бўлсам?» — ўйладим мен ва бундай фикрдан бутун вужудим титроққа тушди.

Аммо Мэри Энн менга кўрқиш учун сабаб йўқлигини, чунки озодлик бизни олдинги ҳолатимизга қайтаришини, шундан сўнг Худо бизни бошида қандай яратган бўлса, шундай бўлиб қолишимизни айтди.

— Озодлик — инсон ўтмишидаги барча лаънатларни ва мутеликларни ўзининг ҳақиқий «мен»и намоён бўлишига имкон бериш учун йўқ қилади, — деб тушунтирди у. — Ақлдан озганлик ҳақида эмас, балки тушкунлик ҳақида гапириш керак. Ёвуз руҳлар инсон ҳаётига унинг гуноҳлари орқали кириб келади ва шайтонга унинг устидан ҳукмронлик қилишга ҳуқуқ беради.

— Озод бўлганимдан кейин бошқа одамга айланаманми? — сўрадим мен.

— Озодлик сени бошқа одамга айлантирмайди; у сенга ҳақиқатда қандай бўлсанг, шундай бўла олиш имконини беради, — тушунтирди Мэри Энн.

«Агар мен шайтонга мутеликдан озод бўлишга муҳтож бўлсам, умуман мен қутулдимми?» — шубҳаланардим мен. Менинг бу саволимга кейинги чоршанбада бўлиб ўтган кечки жамоат йиғилишида қавмбоши Джек жавоб берди: «Қутулиш ва кечирилиш Исо Масиҳ қони аҳдларига



кирган одамга тўлалигича инъом қилинади. Озодлик Масих биз учун тайёрлаган марҳаматларга йўл очиб беради. Буни ёвуз руҳлар васвасасига ва дўзах ҳукмронлигига ҳеч тааллуқли жойи йўқ — бу ерда сенинг ўтмишининг дўзахий мероси қолдиқларидан қутулиш жараёни амалга ошади. Ўтмиш «қули» кўпинча бизни бошқариб туради. Озодлик у билан алоқаларни узади».

Мен ҳақиқий Худо яратган банда бўлишим учун ўзимга халақит берадиган ҳамма нарсадан қутулишни қанчалар хоҳлар эдим! Кундан-кунга менда озодликка чиқиш истаги мустаҳкамланиб боргани сайин, бошида «озодлик» сўзини ўраб турган сирлилиқ доираси ҳам йўқола борди. Истагим менда яшаётган қўрқувдан кучлироқ бўлганда, агар Исо мени ҳаётимда тўлиб кетган руҳий оғриқлардан қутқармаса, буни ўлим амалга ошира олишини мен тушундим.

Бахтим бор экан, тушкунликдан, қўрқувлардан, душманликдан, аламлардан ва бошқа бир қатор тобеликлардан қутулдим, шунинг учун ҳам ўз тажрибамдан биламанки, Исо ҳақиқий Қутқарувчидир. У берадиган озодликка уни ахтарган ҳар бир киши эриша олади.

ҚЎРҚУВГА САБАБ ЙЎҚ

Озодлик сўзи сизни чўчитмасин. Унда ҳеч қандай шубҳали ёки ғайриоддий нарса йўқ. Озодлик — сизни Худодан бошқа нима ушлаб турган бўлса, барчасидан қутулиш демакдир. Булар — қўрқув руҳи, ғазаб, шахвоний ҳирс, ёлғон бўлиши мумкин, шунингдек, сизда ўзини ҳимоялаш воситаси каби пайдо бўлган тушкунлик ёки тобелик ҳам бўлиши мумкин. Масалан, беихтиёр кўп еб қўйиш ёки одамлардан бекиниш одати. Юқоридан туғулиш, агар биз ҳаётимиздаги лаънатланган жойлар билан алоқаларимизни узсак, бизни ўлим руҳидан озод қилади.

Одамлар жуда кўп ҳолларда озодлик мавзусида гапиршига қўрқадилар. Аммо аслида айнан Муқаддас Китобда жуда кўп марта Қутқарувчи деб аталган Исога хизмат қилишнинг моҳияти ифодаланган-ку: тарғибот, таълимот,



касалларни даволаш ва жинларни қувиш — Унинг ҳаёти мазмуни бўлган.

Исо шундай дейди: «...тўғриси, сен бир оз бўлса ҳам ишона олсанг эди..! Эътиқодли киши ҳамма имконга эга бўлади» (Мк. 9:23). Бу сўзларни бизнинг бутун ҳаётимизга татбиқ қилса бўлади, аммо Исо уларни ёвуз руҳлардан озод бўлишга ундайди. У яна шундай дейди: «...Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар...» (Мк. 16:17). Раббий бизга Худодан бўлмаган ҳамма нарсани ҳайдашга куч ва ҳуқуқ беради, биз буни Унинг номи билан амалга оширишимиз мумкин. У, шунингдек, бизга шайтонни ҳийла-найранг билан енгилга буйруқ беради, аммо биз ўз онгимизни Худовандга ва Унинг халоскорлик кучига қаратишимиз лозим.

Бир куни қавмбоши Джек шундай деди: «Исо худди бизнинг жисмоний хасталикларимизни енггани каби, осонгина руҳий касалликларимизга ҳам бас кела олади. Бу Унинг заминдаги фаолиятининг одатий қисмидир. Беморлар шифога муҳтож бўлганларида, Исо уларга шифо берди; одамларга зулмат руҳлари азоб берганда, Исо уларни озод қилди. Агар иблислар ким томонидандир ўйлаб топилган бўлганларида, Исо улар ҳақида гапирмас эди».

Одамлардан ёвуз руҳлардан, ёки ўзлари халос бўлганларидан сўнг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишларидан қўрқадилар. Аммо биз ҳеч нарсадан қўрқмасак ҳам бўлади. Бутун куч-қудратига қарамасдан, ёвуз руҳлар ҳеч қачон Худога тенглаша олмайдилар, ҳатто Унинг қудратига яқин кела олмайдилар. Бизда Исонинг борлигини ҳеч нима билан йўқ қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам биз ўзимиз учун кутилмаган оқибатлардан қўрқмасак ҳам бўлади. Гап шундаки, агар биз тобе ҳолатда бўлсак, шайтон ҳукмронлигида бўламиз. Биз халос бўлиб Худо ҳукмига ўтиш учун кафолат оламиз.

Одатда одамлар озодлик ахтармайдилар, чунки бу ҳодисанинг моҳиятини билмайдилар ва ўзларида юз берувчи кескин ўзгаришлардан қўрқадилар, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишдан ва ўз қиёфаларини йўқотишдан қўрқадилар. Аммо улар адашадилар, ҳаммаси аксинчадир.



Озодлик натижасида сиз ўзингизни топасиз ва ўзингизга айланасиз.

Одамлар озодликдан бўйин товлайдилар, чунки ўзларини барчасининг айбдори шайтон эканлигини тушунмай, руҳий мутеликларимнинг айбдори ўзимман, деб ҳисоблайдилар, ёки ўзларини озод бўлишга лойиқ эмас деб ҳисоблайдилар. Униси ҳам, буниси ҳам нотўғри.

ОЗОДЛИКНИНГ МОҲИЯТИ

Ҳар қандай мутелик итоатсизликдан келиб чиқади. Ҳар бир гуноҳнинг ортида ёвуз руҳ туради. Гуноҳ қилиб сиз ёвуз руҳга ҳаётингиз эшикларини очиб берасиз, унга ҳукмронлик қилишга имкон берасиз. Бунинг сабабини нодонликдан («Мен буни ёмон деб ўйламадим»), Худога итоатсизликдан («Ҳатто бу ёмон бўлса ҳам, мен шундай қилишни давом эттиравераман»), масъулиятсизликдан («Мен бунинг ёмонлигини тушунаман, аммо бундан кимга зарар?»), ўзини бошқалар гуноҳининг қурбони қилиб кўрсатиш истагидан («Менинг қалбимни жароҳатладилар, шунинг учун мен ҳам шундай қиламан»), барча ёмон нарсаларни ёмон ирсиятга ағдаришдан («Мен нега шундай қилаётганимни биламан, аммо барибир худди отам қилгандай қилавераман») ахтариш керак.

Озодлик шайтонни қувишдан, унинг ҳаётимиздаги яксон қилувчи таъсиридан воз кечишдан ўзга нарса эмас. Худованд бизни руҳий мутеликдан озод бўлишга мажбур қилмайди. Бизга азоб бераётган дардлардан, ёмон одатлардан, салбий туйғулардан ва шахвоний гуноҳлардан халос бўлишни чин дилдан ўзимиз хоҳлашимиз керак. Биз озод бўлишни чин кўнгилдан ишташимиз лозим. Худо бизнинг елкамиздаги оғир юкни олишга тайёр, аммо биринчи қадамни биз қўямиз.

Бу мавзу кўп одамларда машҳур «Экзорцист» кинофильмини эсга туширади, аммо ҳақиқий озодликнинг унга ҳеч қандай тааллуқли жойи йўқ. Аслида, руҳий озодлик — бир мутелик иккинчисининг кетидан йўқоладиган, аста-секинлик ва кетма-кетлик билан амалга оша-



диган жараёндир. Агар сиз Худога ҳаракат қилишга изн берсангиз, У сизга буюк озодлик йўлида бирин-кетин қадам ташлашингизга ёрдам беради. Баъзи мутеликдан, масалан, қўрқувдан анча тез қутулиш мумкин, аммо бошқа хилларидан, айтийлик, ғазабдан қутулиш жуда кўп меҳнатни, аста-секин юз берадиган мукамалликни талаб қилади. Унинг устига бу жараён турлича юз беради. Баъзида сиз Худо билан яккама-якка озодликка эришасиз, бошқа сафар эса сизга ўз маслаҳатлари ва ибодатлари билан ёрдам бериб турувчи тақводор кишилар керак бўлади. Аммо доимо бу Худонинг хоҳиш-иродаси, Унинг вақт-соати билан амалга ошади, бу пайтда сиз ҳеч қандай рол ўйнамайсиз.

МАСИҲИЙНИ ЖИН ЧАЛИШИ МУМКИНМИ?

Агар сиз Исони ўзингизнинг Халоскорингиз деб билсангиз, Муқаддас Рух билан тўлиб-тошган бўлсангиз, ёвуз руҳлар исканжасига тушиш ҳоллари сизнинг ҳаётингиздан чекланади. Сиз Рухдан туғилганингизда, сизнинг руҳингиз Исонинг қони билан ювилади. Шайтон сизга қўл текиза олмайди, «Чунки ичингиздаги Рух дунёда ҳукм сураётган руҳдан устундир» (1 Юҳ. 4:4). Исо сизнинг ичингизда яшайди. Сизнинг ичингизда ёвузлик руҳларига жой йўқ. Бироқ шайтон сизнинг қалбингизга таъсир ўтказиши мумкин ва сиз тушқунлик ҳолатига тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Тушқунликдан қийноқлар, руҳий хасталик, сиқилиш сезасиз ва Худо сизни буларнинг ҳаммасидан озод қилмоқчи.

Сизнинг вужудингизнинг ўзаги уч қисмдан таркиб топган: тана, қалб ва руҳдан. Тана — бу фақатгина устки қобигдир, у руҳ билан қалб орқали алоқада бўлади, қалб эса ўз ичига сизнинг онгингизни (нима ҳақида ўйлаяпсиз), сизнинг ҳис-туйғларингизни (нимани ҳис қиляпсиз) ва сизнинг иродангизни (сиз қандай қарорлар қабул қиласиз) ўз ичига олади. Шайтон сизнинг онгингиз ва ҳис-туйғуларингизни эза олиш хусусиятига эга, аммо сиз



юқоридан туғилган бўлсангиз, у сизнинг руҳингизга яқинлаша олмайди.

Асосий масала қуйидагидан иборат: ёвузлик руҳи гуноҳларингиз орқали намоён бўлиши учун йўл қўясизми? Ҳаётингизнинг бир қисмида сизни бошқараётган илоҳий эмас, бошқа кучлар борми? Ҳатто сиз Муқаддас Руҳни ўзингизга жо этиб, ёвузлик васвасасидан қутулган бўлсангиз ҳам, сиз барибир ўз ҳаётингиз учун жавобгарсиз. Руҳлар фақатгина ўзига рухсат берилган жойагина эгалик қила оладилар. Худо инсон иродаси устидан зўравонлик қилолмайди. Агар сиз ўз хоҳишингиз билан Худо йўлини танламасангиз, У сизни танлайди, зеро сизга дўзахни танлашингизга У имкон бермайди.

Гуноҳларимиз учун тавба қилишимиз орқали биз дарҳол кечирилишга сазовор бўламиз, аммо гуноҳ ҳаётимизга олиб келган тобелиқдан биз воз кечишимиз шарт. Бу нарсаларга эришишнинг энг яхши усули — бу шайтонга йўл бермасликдир. Ҳар куни эрталаб шундай денг: «Раббий, мени Ўзингнинг Муқаддас Руҳинг билан тўлдир, барча Сендан бўлмаган нарсалардан халос эт».

Юқоридан туғилиш инсонни шайтон ҳамласидан фориғ этмайди. Шунинг учун агар бизнинг ҳимоямиз кучсиз бўлса, ёки биз ўтмишимиз таъсиридан қутулмаган бўлсак, иблис ўзининг бошқарув дастагини ишга тушириши мумкин. Парвардигор бизни иблиснинг назоратидан халос этгай, чунки иблис назорати бизга ҳар қанақасига халақит беради, бизни боғлайди ва қийнайди.

ҚАЛБНИНГ ЁВУЗ РУҲЛАР ТОМОНИДАН ИСКАНЖАГА ОЛИНИШИ НИМА ДЕГАНИ?

Одам қуйидаги вазиятда тушкун аҳволда бўлади:

1. *Агар Худонинг буюрганларига риоя қилмаса.* Биз Худо йўлидан юришга мажбурмиз, ўз қонунларимизга асосан яшашга ҳаққимиз йўқ. Қайта-қайта итоатсизлик қилаверсак, биз ҳаётимизга шайтон учун йўл очамиз. Масалан, катта ёлғон доимо битта кичик ёлғондан бошла-



нади; агар бу учун тавба қилмасак, у то ёлғонлар оқимиға айланмагунча такрор-такрор қайтарилаверади, бу оқимни эса қанча истаганимиз билан тўхтатиб бўлмайди, чунки ёлғон руҳи вазиятни ўз назорати остига олиб бўлди. Гуноҳ қилмишларни такрорлаш ёмон одатларнинг пайдо бўлишига олиб келади, унга бўлган енгилтак муносабат эса руҳий мутеликни шакллантиради.

2. *Агар узоқ вақт давомида салбий туйғуларни бошидан кечирса.* Мабодо сиз ўзингизда салбий туйғуларнинг устунлигини кўрсангиз, масалан: кечира олмаслик, қўрқув, ғазаб, жаҳл, хафақонлик, бахиллик, ўзига нисбатан раҳм-шафқат, кўролмаслик, ёки бошқа тавба қилинмасдан қолган ёмон одатлар — билингки, улар сизни албатта тобеликка олиб келади. Бундай туйғулар орқасига бекинган руҳлар сизга ҳужум қилади. Масалан, узоқ вақт умидсизлик ҳолатида бўлиш алам руҳига йўл очади. Агар салбий кечинмалар турғунлаша борса, турли хасталик-дардларга сабаб бўлади. Бунда ҳиссий юкка мўлжалланмаган тана уларнинг босими остида заифлаша боради.

3. *Агар оккультизм амаллари билан шуғулланилса.* Муқаддас Китоб аниқ қилиб бизга, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳатто у безарар бўлиб туюлса ҳам, ҳар қандай оккультизм амаллари билан шуғулланишни ман қилади.

4. *Агар умидсизлик руҳи назорати остида яшасангиз.* Болаликда бошдан кечирилган яқин одамнинг ногаҳоний ўлими, айтайлик, ота ёки онанинг ўлими, ёки вояга етиб турмушга чиққанда умр йўлдошидан ажралиш, боласини йўқотиш қўрқуви, ғам-қайғу, умидсизлик, хавотир ёки ҳаёт вазиятларига бефарқ муносабат туйғуларимиз устидан ҳукмронлик қилишига олиб келади. Вақти-вақти билан ғамга ботиш, қайғуга тушиш — бу бошқа, бас келиб бўлмайдиган умидсизлик руҳи назорати остида яшаш эса умуман бошқадир. Унга тобелик ёқимсиз хотиралар натижасида келиб чиқувчи салбий туйғулар оқибати бўлиши мумкин.



5. *Агар кучли умидсизликни бошдан кечирсангиз.* Бу ҳам-мада ҳам бўлади, лекин кўпроқ болаларда учрайди. Масалан, ширакайф ота уйга келиб боласининг энг яхши кўрган ўйинчоғини синдирди, она ёки ота оилани ташлаб кетди. Бу бола қалбига бир умрлик жароҳат етказадиган, то Худо бу қалбни даволамагунча, у бундан азият чекаверади.

6. *Агар юрагингизда Худога қарши ғазаб бўлса.* Эҳтимол, сиз имонлилар оиласидандирсиз, бутун умр садоқат билан Раббий Исо Масих айтганларига риоя қилиб яшаётгандирсиз. Аммо қандайдир дақиқаларда сизнинг юрагингиз Худодан келган ҳамма нарсага совиб кетганини сезсангиз, шайтонга қармоқ ташлаш имконини бериб, унга юрагингизни очасиз. Масалан, агар сизнинг диққатингиз ўз муваффақиятларингиз билан банд бўлса, сиз уларнинг манбаини Худода кўрмасангиз, демак, сиз мағрурликка йўл очасиз, мағрурлик эса доимо руҳий мутеликка олиб боради.

7. *Агар ота-боболарнинг руҳий мутеликларини мерос қилиб олсангиз.* Руҳшунослар бу фавқулодда ҳодисани «мутеликнинг мультигенерацион занжири» деб аташади. Муқаддас Китоб бу борада «Оталар шаккоклиги оқибатида учинчи ва тўртинчи авлод болалари» (Саҳ. 14:18) жазоланиши ҳақида сўз юритади. Эҳтимол, ота-оналаридан, буви ва боболаридан ва ҳатто энг олдинги авлодларидан руҳий мутеликни мерос қилиб олиш кўз рангини ёки бурун шаклини мерос қилиб олиш билан тенгдир.

Масалан, ҳозирги замон шифокорларининг айтишича, спиртли ичимликларга мойиллик авлоддан-авлодга ўтадиган омилдир. Баъзи одамларга эса мерос қилиб руҳий мутелик берилиши мумкин. Айтайлик, қайсидир оиланинг аъзолари эр-хотин хиёнатини қоралашмайди, умуман, бу одамларга хос нарса деб фикр юритишади. Яна бир мисол: бола ота-онасидан бирининг тийиқсиз ғазабига жуда кўп гувоҳи бўлган. Кейинчалик, ўсмирлик ёшига етганда, ўз муаммоларини ечиш учун ўзи ҳам шу йўлни танлади.



Рухий озодлик «болтаси» билан авлодлар мутелик дарахти илдизини чопиб ташлагандагина, сизнинг юқоридан туғилганингиз эълон қилинганда, янги оилага кириб, Самовий Отангизнинг хусусиятларини мерос қилиб олганингизда, бундай рухий мутеликни йўқ қилиш мумкин. Бундай тобелик занжири худди ўқ ярасига ўхшайди, ундан кейин жароҳат битмайди, чунки ўқ жуда чуқур кирган бўлади. Озод бўлсангиз, сиз бу ўқни шифо топиш учун олиб ташлайсиз.

ТАНАМИ ЁКИ ИБЛИСМИ?

Танага ва иблисга бўлган боғлиқлик орасида катта фарқ мавжуд. Танага бўлган боғлиқлик ўзи учун ҳамма нарсага изн беришдан келиб чиқади: ўз сезгисига, хоҳиш ва ҳавасларига. Тана боғлиқлигини қондиришга бўлган ҳаракат иблисона боғлиқликка олиб келади. Тана хоҳишларини бажаравериш шайтоннинг кириб келишига имконият яратиб беради, шайтон эса у ерда ўз қасрини кура бошлайди. Кўп ҳолларда шайтонга ҳаётимизга бўлган йўлни ўзимиз очиб берамиз. Тана боғлиқлигини ва иблисга бўлган боғлиқликни фарқлаш учун қуйидагиларга аҳамият беринг: сиз танангиз истакларини бажаряпсизми ёки тана сизни ўз хоҳишингизга қарши ҳаракат қилишга ундаяптими?

Агар мени парнография қизиқтирса, демак, мен ўз танамга бўлган боғлиқликдаман. Агар парнографик расмларга қараб туриб, баъзида шахвоний ҳисларга берилсам, демак, мен ҳали ҳам тана боғлиқлигидаман. Агар мен гуноҳ ишларимга бўлган боғлиқликни тан олиб, гуноҳларимга тавба қилмасам, демак, мен иблисона боғлиқликка тушиб қолганман.

Қандай боғлиқликка тушиб қолишдан қатъий назар, сизни озод қилишини Худодан сўранг. Сўнгра халос бўлишингиз учун нималар қилишингиз кераклигини Исодан сўранг. У сизга албатта ёрдам беради.



СИЗНИНГ ХАЛОС БЎЛИШГА МУХТОЖЛИГИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БИЛСА БЎЛАДИ?

Мен хавотирланганимда ёки тушкунлик ҳолатимда, озодликка муҳтожманми ёки йўқми — англашим учун хаёлан ўтган умримни кўздан кечираман. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз мумкин. Қуйида келтирилган далилларни кўриб чиқинг ва ўзингизни ҳозирги ҳаётингизда қўлланг:

- мени доимо қоронғи ўтмишим ҳақидаги хаёллар таъқиб қилади;
- мен қанча ҳаракат қилсам ҳам, менга ёмонлик қилган одамларни кечира олмайман;
- мен оккультизм амалиёти билан шуғулланаман;
- менда наркотик моддаларга ва спиртли ичимликларга қизиқиш бор;
- ғам чекаётганимда ва омад мендан юз ўгирди деб ҳисоблаганимда, овқат еявераман;
- ғазабимни мен зўрға босаман;
- мен болаларим ва қариндош-уруғларимга нисбатан тажовузкорлик ҳиссини сезаман, улардан ғазабланаман;
- мен, оиламдан ташқари ҳам жинсий алоқа қилганман;
- мен тез-тез ёлғон гапириб тураман;
- мен ҳар нарсада Худога ён босгим келади, аммо тушкунлик ҳолатини сезаман;
- мен ота-онамни кечира олмайман, уларга нисбатан меҳр-шафқат ҳиссини сезмайман;
- мен ибодат вақтида Худони ва Унга бўлган тобеликни сезмайман;
- мен айрим ҳолларда, ҳатто Муқаддас Китобни ўқиганимда ҳам вужудимдаги бўшлиқни ва Худодан йироқлигимни сезаман;
- мен Исо билан бўлганимда ҳам ҳеч қандай илоҳий кучни ва Худодан ибодат қилиб сўраган тақдиримда ҳам янгидан Муқаддас Рухга тўлганимни сезмайман;



- мен одамлар билан узоқ вақт мулоқотда бўлолмайман;
- мен энг оддий қарорларни ҳам қабул қилолмайман, ҳаттоки энг осон иш ҳам мен учун бажариб бўлмайдигандай туюлади;
- мен ўз гуноҳларимдан пушаймондаман, менга озор етказган инсонларни кечираман, ҳамма нарсани жой-жойида қилишга интиламан, лекин ҳали ҳам баъзи бир муҳим масалаларни ҳал қила олмайман.

Агар сиз шу фикрларнинг биронтасини тўғри деб билсангиз, худди ана шу борада Худодан озодлик сўранг. Шундан сўнг кейинги қадамингиз қандай бўлишини тушуниш учун ўқишни давом қилинг.

Шуни эсда тутингки, озодлик сизни ўзгартирмайди; у сизнинг асл моҳиятингизнинг намоён бўлишига ёрдам беради. Бундан сизнинг руҳиятингиз, ғалатилигингиз ёки сирлилигингиз ошмайди — сиз фақат янада одамшаванда, янада самимийроқ бўласиз. Сизнинг ҳақиқий «мен»ингиз руҳий кишанларга ўралган ва шаклини ўзгартирган, сиз ўзингизнинг ҳақиқий кўринишингизда намоён бўлолмасиз, худди шунингдек, сизнинг атрофингиздагилар ҳам. Баъзилар хавотир олади: «Агар менга ҳақиқий юзим ёқмасачи?» Менга ишонинг: юзингиз сизга албатта ёқади, чунки Худо сизни шундай яратган. Сизнинг ҳақиқий «мен»ингиз — бу ажойиб, ақлли, ўйлаб иш қиладиган, мақсадга интилувчан, пок, тинчликсевар, гўзал, фаол шахсдир. Мен кафолат бериб айтаманки, сизни Худо қандай қилмоқчи эканлиги сизга ёқади, чунки, пировардида, сиз ўзингизда Унинг аксини кўрасиз.

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА ЕТТИ МУҲИМ ҚАДАМ

Сизнинг озодлигингиз қачон, қаерда ва қай тарзда амалга ошишидан қатъий назар, сиз қуйидаги етти қадамни қўйишингиз зарур. Уларнинг биронтасини назарга илмаслик — ўз ҳаётингизга кириб келадиган руҳий таъсир оқимини беркитиш демакдир.



1. Тавба қилиш

Ҳар қандай тавба қилинмаган гуноҳ — шайтон сизни илдириб олиши мумкин бўлган илгакдир. Эски гуноҳга қайтиш, унга тавба қилмаслик керак дегани эмас. Аксинча, сизнинг ҳаётингиз Худо олдида тавба қилишга очик бўлиши керак ва бу жараёнга ҳеч нима тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Худованд сизга ҳаётингиздаги ёвузлик руҳининг ҳаракатини кўрсатганда, зулмат руҳига ўрнашиб олишга имкон берган барча гуноҳларингизга тавба қилинг». Раббий, мен нотўғри иш қилганимда ўзимни ёлғон руҳи билан боғлаганимни тан оламан. Мени бу ёлғон учун кечир. Мен у учун тавба қиламан ва бошқа ёлғон гапирмаслигимга Сен ёрдам беришингни сўрайман», деб айтинг.

2. Гуноҳдан воз кечиш

Сиз ҳаётингизда ҳамон бор нарсадан озод бўла олмайсиз. Тавба қилиш — бу ўз гуноҳларингизни сўзлар билан тан олишдир, ундан қайтиш эса — гуноҳни йўқ қилиш мақсадида унга қарши ҳужум позицияларини эгаллашга ички қарор қабул қилишдир. Гуноҳдан қайтмасдан ҳам тавба қилиш мумкин, ёки гуноҳдан тавба қилмасдан ҳам қайтиш мумкин. Кўп одамлар гуноҳларидан қайтмасдан тавба қиладилар. Худодан бўлган ҳамма нарсалар билан қўшилиш учун Ундан бўлмаган ҳамма нарсадан ўзингизни ажратиш жуда муҳимдир. Сиз то Худо манбаларидан келмаган ҳамма нарсани инкор қилмагунингизча, озодлик калитларини қўлга кирита олмайсиз.

Гуноҳдан қайтишнинг биринчи босқичида сиз айнан нимадан озод бўлишингиз кераклигини Худодан сўранг. Агар бу ёвуз руҳлар бўлса, Худодан улар қайсилар эканлигини сўранг ва: «Раббий, менга ваҳий бер. Менинг кўркувим сабаби ёвуз руҳми ё йўқми, кўрсат», деб айтинг. Кейин бу руҳни ҳайдашда сиз учун ҳимоя бўла оладиган Ёзувлардан оятлар ўқинг. Сизнинг ҳолатингизга тўғри келадиган оятни танланг, масалан, мана буни: «...Худо бизга кўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қувват, муҳаббат ва нафсни тийиш Руҳини берган» (2 Тим. 1:7). Кейин руҳни



ҳайданг. Унга қўрқмасдан, ишонч билан, Исо сизга ўз номидан буни қилишга ҳуқуқ бергани ҳақидаги ҳақиқатни билиб мурожаат қилинг. Унга тўғридан-тўғри шундай денг: «Мен сен билан гаплашяпман, эй қўрқув руҳи. Мен бошқа сенга жой бермайман, сендан воз кечаман ва сени яшаш ҳуқуқидан маҳрум қиламан. Мен шуни ишонч билан айтаманки, энди менга ҳукмингни ўтказа олмайсан. Мен ўзимни Исо Масих номи ва У берган ҳукмронлик билан боғлайман. Мен сени ўз ҳаётимдан ҳайдаман ва сенга: «Кет!» деб буйруқ бераман».

Муқаддас Китоб шундай дейди: »Ўша куни унинг юкини елкангиздан улоқтираман, унинг бўйинтуруғи бўйингиздан олиб ташланади, бўйинтуруқ йўқ қилинади» (Ишаё 10:27). Қавмбоши, катта дин хизматчиси ёки кучли ишонч-этиқодга эга киши сизга муқаддас зайтун ёғидан сурсин, бошингизга қўлини қўйиб сизнинг устингизда ибодат қилсин. Агар атрофда ҳеч ким бўлмаса, буни ўзингиз қилинг; қўлингизни юрагингизга қўйиб шундай денг: «Исо, Сен менинг юрагимда яшаганинг сабабли, менинг ҳамма нарсам Сенга тегишли, Сен менинг қўлларимни муқаддас қиласан». Бармоғингиз учидан бир томчи ёғ олинг ва: «Раббий, мен ўзимга муқаддас зайтун ёғи суришни амалга ошираман ва мени озод қилишингни сўрайман» деб, ёғли бармоғингизни пешонангизга текизинг. Шу пайтда ҳаётингиз озод бўлишига муҳтож томонни айтинг. Кейин сизга шайтон устидан ҳукмронлик берган Худовандга мақтовлар айтинг. Таъзим сизнинг озодлигингизни акс эттиради. Ҳар сафар ҳайдалган руҳ қайтишга ҳаракат қилаётганини сезганингизда, Худо сизни озод қилгани учун Уни шарафлай бошланг. Зулмат руҳлари Худога айтилган мақтовларни ёқтирмайди.

3. Кечириш

Кечира олмаслик озодликка тўсқинлик қилади. Биз чексиз кечиришни ўрганишимиз керак. Худодан ўтмишдаги воқеаларни эслатишини, ёки сиз кечиришингиз керак бўлган одамни, ҳатто унинг исталган озодликка ҳеч қандай муносабати бўлмаса ҳам кўрсатишини сўранг. Хотиранингизга нима



келса ва бу хотиралар сиз учун қанчалар жирканч ва оғриқли бўлмасин, Худо олдида чин дилдан тавба қилинг, чунки фақат шундай қилиб сиз улардан озод бўла оласиз. Худовандан сизни ўтмишда нима ранжитган бўлса ва нимани сиз кечиришингиз лозим бўлса, эсингизга солишини сўранг.

4. Ҳақиқатни эълон қилиш

Ҳар қандай мутеликдан озод бўлганимизда, Худо қалбларимизда амалга оширганини қувонч билан эълон қилиш орқали бизнинг онгимизда мустаҳкамланади. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Бундай десин Худованд қутқарган, душман қўлидан нажот топган халқ...» (Забур 106:2). Ҳақиқатни шундай эълон қилиш душманга Худодан олинган марҳаматни ўғирлашга имкон бермайди. «Исо мени гуноҳдан озод қилди, мен ўз ҳаётимда бошқа энди гуноҳга ўрин бермайман», деб айтинг.

5. Ибодат

Агар сизнинг ақлингиз Худо Каломи билан тўлган бўлса, сизнинг ибодатингиз янада таъсирлироқ бўлади. Уни ўз юрагингизга киритиб сизга руҳий озодлик ҳадя қилувчи ҳақиқатни билишингизда мустаҳкамланасиз: «...сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади» (Юҳ. 8:32). Муқаддас Китоб яна шундай таъкидлайди: «...имонсиз тили билан қўшнисини ҳалок қилади...» (Ҳикмат. 11:9). Агар Худованд аҳдларини яхши билсангиз, уларга риоя қилиш осон бўлади.

Озодлик Худовандга юрагингизнинг энг тубидан қилинаётган ибодат пайтида келади. Сиз бошқа эътиқод қилувчи билан ёки бир гуруҳ эътиқод қилувчилар билан ибодат қилишингиз мумкин. Агар ёнингизда ҳеч ким бўлмаса ҳам, ибодат қилаверинг. Забурчи мана бундай дейди: «Солиҳлар фарёд этгач, Худованд эшитар, барча дардларидан уларни халос этар» (Забур 33:18).

6. Худовандга ҳамду сано

Озодлик фақат Худо мавжудлиги учун рўй беради, Худога сажда қилиш уни сизга яқинлаштиради. Муқад-



дас Китоб қамоқда ўтирган Павлус билан Сила Худони шарафлаганларида, тўсатдан қамоқхонанинг эшиклари очилиб, уларнинг кишанлари ўз-ўзидан ечилиб кетгани ҳақида ҳикоя қилади (қаранг: Ҳаворий. 16:26). Руҳ тантаналар қилганда руҳий кишанлар биздан худди шундай тушади. Биз Худони мақтаган вақтимизда руҳий ҳаётимизнинг эшиклари очилади ва бизни ўраб турган кишанлар тушиб кетади — биз озод бўламиз. Худони шарафлаш бизга доимо озодлик ва ҳаёт ҳадя қилиб, бизни тўлдирадиган илоҳий севги оқимига эшик очиб беради.

7. Худо ҳузурида юриш

Озодликдан сўнг олдинги фикр-ўйларни, қилиқларни, хатоларни инкор қилиб озод қолиш зарур. Халос бўлиш — бу эски одатларни инкор қилиш ва янгиларини қўлга кириштириш, эскича фикрлаш ва қилмишларга қайтишни мустасно қиладиган ақлнинг янгиланишидир.

Шайтон доимо Худо сизда амалга оширган янгиликларни йўқ қилиш, сизни ва сизнинг янгича яшаш умидларингизни нобуд қилиш имкониятларини қидиради. Унинг ҳужумларини Худо йўлларида онгли равишда ва диққат билан юриш воситаси орқали қайтариш учун эътибор беринг. Қайсидир шахвоний ҳирслардан озодлик олгандан сўнг, унга яна қайтманг. Сизни васвасага соладиган ҳамма нарсадан узоқроқ бўлинг. Унга шундай деб айтинг: «Шайтон, мен сенинг васвасаларингга учмайман, чунки Исо Масих — Халоскорим мени озод қилди. Илгари сен мени бошқарар эдинг, аммо энди менинг ҳаётимда бу руҳ янчиб ташланди, энди мен унга қарши туришга кучим етади. Мен Худога Унинг шифобахш кучи учун миннатдорчилик билдираман». Агар биз Худонинг озодлигида юра олмасак, У бизни қораламайди, аммо У бизнинг шифо топишимиз бундай вазиятда орқага сурилишидан азоб чекади.

Қўп марта Эгамиз уларни кутқарди,
Улар эса атайлаб исён қилган эди,
Гуноҳлари туфайли тубан кетдилар.
Эгамиз эътибор берди уларнинг кулфатларига,

МУҚАДДАС КИТОБ РУҲИЙ ОЗОДЛИК ҲАҚИДА НИМА ДЕЙДИ

У илтижо қилганда Мен жавоб берурман,
Оғир кунларида у билан бирга бўлурман,
Уни қутқариб, унга иззат кўрсатурман.
Узоқ умр билан уни мамнун қилурман,
Унга нажот берурман».

Забур 90:15-16

Солиҳларнинг қайғулари кўп бўлса,
Ҳамма қайғулардан Эгамиз халос қилар.

Забур 33:20

Кулфатда қолганимда, илтижо қилдим Эгамга,
Мени У озод қилди жавоб бериб менга.

Забур 117:5

Кўзи ожизларни билмаган йўлларида
юрдираман, Улар ўзлари билмаган сўқмоқлардан
борадилар. Кўзларидаги зулматни ёруғликка
айлантираман, Ўнқир-чўнқир йўллари текис
қилиб қўяман. Мана шу айтганларимни қилдим,
Уларни тарк этмадим.

Ишаё 42:16

Ўзигагина ишонган аҳмоқдир,
ақл билан юрадиган эса нажот топади.

Ҳикмат. 28:26



Уларнинг нолаларини Эгамиз эшитганида.
Уларнинг ҳақи учун Ўз аҳдини ёдида тутди,
Мўл содиқ севгиси билан уларга шафқат кўрсатди.

Забур 105:43-45

Агар биз доимо Масихга ишонсак, Муқаддас Рух кучи биз орқали қуюлиб ўтади, биз Худо хузурига келамиз. Шунда биз аста-секин салбий туйғулардан ва бизга ҳақиқий Худованд яратган бандалар бўлишга ҳалақит берадиган ёмон одатлардан халос бўламиз. Худо Ўзига интилишимизни, бизга шифо берувчи Ўз қўли билан турмушимизнинг ҳамма қисмида бизга тега олиши учун Унга яқинроқ бўлишимизни хоҳлайди.

ИБОДАТ

Раббий, мени боғлаб турган ҳамма нарсадан мени озод қилишингни илтижо қилиб сўрайман. Менинг ҳаётимда душманнинг ҳаракатини англашни ўргат, унга қарши туриш учун куч бер. Доимо мен ўлим ҳолатлари исканжасида қолганимда менинг илтимосимни эшитганинг учун ва жавоб берганинг учун Сендан миннатдорман. Сен мени қандай яратган бўлсанг, шундай бўлишга ҳалақит берадиган ҳамма нарсадан мени халос қил.

*ТЎРТИНЧИ ҚАДАМ:
ЎЗ ШАХСИНГИЗ ТЎЛА
ТИКЛАНИШИГА ИНТИЛИНГ*



Тўнгич фарзандимиз туғилганда, мен ўзимда йўқ шодландим, энг яхши она бўлишни хоҳладим. Бу дегани — мен ҳамма нарсани онамга ўхшамай қилишга тайёр эканлигимни англатар эди.

Бир куни кечаси бир неча ойлик Кристофер шундай қаттиқ йиғладики, уни сира тинчита олмадим. Уни тинчлантириш учун қанча кўп куч сарфласам, у шунча қаттиқ йиғларди. Тўсатдан менда қандайдир ўзгариш содир бўлди, мен боланинг орқасига, елкаларига ура бошладим. Юзларим ғазабдан ёнарди, мен нафас ҳам ололмай қолдим. Шу пайт агар мен боладан узоқроққа кетмасам, уни янада қаттиқроқ уришим мумкинлигини тушуниб етдим.

Ўзимни қўлга олдим, болани ўрнига ётқиздим. Кейин хонамга кириб, Худо олдида тиз чўкдим. Сўнг то ўғлим ухлаб қолгунча, Худованд олдида йиғлаб ўтирдим.

«Раббий, менга ёрдам қил, — юзимни ёстиққа босиб хўнграб йиғлардим мен. — Менда даҳшатли махлуқ яшайпти. Уни ҳайдаб юбор, Парвардигорим. Менга нима бўлаётганини билмайман ва тушунмайман. Қандай қилиб она яхши кўрган боласининг жонини оғритиши мумкин? Раббий, Сендан илтимос, мени бундай ҳолатдан халос қил». Шундан сўнг то ўзимга келгунимча, Худо қаршисида бир соатдан ортиқроқ ўтирдим. Майкл ишдан келди, болам уйғонди, қалбимни босиб турган айбдорлик ҳиссидан ташқари, ҳеч нима ўзгармагандай эди.

Мен ғазабим жазавасини бир дақиқалик заифликка йўйишга тайёр эдим, аммо бир неча кундан сўнг бу ҳо-



лат яна такрорланди. Бола яна узоқ йиғлади, яна ғазабим қўзиб кетди. Мен уни яна ура бошладим. Аммо бу сафар мен нима бўлаётганини дарҳол англаб етдим. Тезда болани кроватига ётқизиб хонадан чиқдим. Худди биринчи галдагидай тиз чўкдим, Худони ёрдамга чорлаб, хўнграб йиғлай бошладим.

Яна икки марта шундай воқеадан сўнг, мен ниҳоят олдин эримга, сўнгра Мэри Эннга бу ҳодиса ҳақида сўзлаб бердим. Уларнинг иккаласи ҳам ҳикоямни хотиржам тинглашди, чунки мен болага ҳеч қандай зарар етказмаган эдим. Бу пайтга келиб Худо мени етарли даражада халос қилган эди. Мен ўзимни вақтида қўлга олиб, болага зарар етказмасдан унинг ёнидан туриб кетар эдим.

«Сторми, бу сафар, — деб гап бошлади Мэри Энн, — тез озод бўла олмайсан. Энди озодликкача узоқ ва босқичма-босқич йўл босиб ўтасан. Худо сенда бир нимани кашф қилишга ўргатмоқчи».

Сўнгги бир неча ой давомида мен болаларга нисбатан ниҳоятда золим эканлигимга ишонч ҳосил қилдим. Бунинг сабаби болалигимда онам менга нисбатан куч ишлатганида эди. Ўзимнинг даҳшатли ҳолатимдан қутулишнинг ягона йўлини иложи борица кўп вақтимни Худо билан ўтказишда деб билдим. Ҳар гал Унинг олдида айбимни англаб умидсизлик билан тиз чўкар эканман, Унинг севгиси худди шифобахш нур каби менга ёғиларди. Ҳар гал мен Ундан халос қилишини илтижо қилиб сўраганимда, У мурувват ила мени озод қиларди. Ниҳоят, мен ғазабимдан, жаҳлим чиқишидан, адоватимдан тўла халос бўлдим. Унинг марҳаматининг буюк кучини, Унинг меҳрибонлигини, Унинг борлигини ҳис қилдим. Менга Худо севгиси бутун гўзаллиги билан намоён бўлди.

Бир марта халос бўлганимиздан сўнг, биз яна кулфатларимиз билан юзма-юз келамиз, деб ўйламаймиз. Баъзида шундай бўлади ҳам, аммо кўпинча бизнинг руҳий мутелигимиз шунчалар чуқур бўладики, биз ундан бирданига халос бўла олмаймиз. Тобеликлардан халос бўлишнинг тўртинчи қадамидан бошлаб ҳаётнинг барча жабҳаларида сизнинг олдингизда шахсингизнинг тикланиши томон тўғри йўл очилади.



ОЗОДЛИКНИНГ ЯНГИ ДАРАЖАЛАРИМИ ЁКИ ЭСКИ МУТЕЛИКМИ?

Баъзида бирон мутеликдан халос бўлганингиздан сўнг, сизга у худди қайтаётгандай туюлади: яна ўша тушқун ҳолат, таниш руҳий оғриқлар, яна илгариги умидсизлик, агар олдингисидан ҳам баттарроқ бўлмаса. Сизни кўркув қамраб олади: «Яна орқага қайтапманми?» Аммо сиз Худо билан бирга бўлсангиз, бор кучингиз билан Унга манзур бўлишга, Унга итоаткор бўлишга ҳаракат қилаётган бўлсангиз, унда У сизни олдингидан ҳам юқорироқ даражадаги озодликка олиб чиқишига ишонишингиз мумкин. Бу жараён оғриқсиз бўлмаслиги мумкин, аммо Худо сизни олиб бораётган янги руҳий даража тасаввурингиздагидан ҳам юқорироқ ва аҳамиятлироқдир.

Агар бутун умр қоронғу ертўлада ўтирсангизу бирданига чироқлар ёруғига чиқсангиз, кўр бўлиб қолишингиз мумкин. Бундай ёруғликка бирданига ўрганиш жуда қийин. Мана нима учун мутеликдан халос бўлиш аста-секин сизнинг Худо олдидаги руҳий ўсиб боришингизга мос ҳолда юз беради.

Юқоридан туғилиш руҳий эзилганликдан, шайтон хужумларидан ва руҳий фожеалардан халос бўлишга кафолат бермайди. Бир маротаба қўлга киритилган озодлик энди у сизга керак бўлмайди, дегани эмас. Ҳақиқатда шайтон сизнинг ҳаётингиз устидан ўз назоратини қайтаришга ҳаракат қилишини эсдан чиқармаслик керак.

Руҳий озодлик кўпинча бир қатор мутеликлардан кетма-кет халос бўлиш натижасида юз бергани сабабли, бунга кўп вақт керак бўлади. Сизнинг биринчи навбатда қандай тобеликдан озод бўлишингиз, бу қачон юз бериши кераклигини фақат Худо билади. Масалан, бугун одам эътиборсизлик билан овқатланиш ёмон одатидан халос бўла олмайди, аммо мутеликнинг бошқа туридан озод бўлиши мумкин, айтайлик, ота-онасига душманларча муносабатда бўлишдан. Худованд доимо сизнинг ҳар қандай тобеликдан тез орада озод бўлишингизни хоҳлайди. У буни қандай амалга оширади, бу қанча вақтни олади —



буниси муҳим эмас. Муҳими, сиз Унга ишонишингиз, Унинг мукаммал вақт ҳисоби борлигини билишингиз керак. Сиз қачон навбатдаги қадамни қўйишга тайёр эканлигингизни у билади. Балки ҳаммаси биз ўйлаганчалик бўлмас, аммо озод бўлиш доимо ҳаммамизнинг қўлимиздан келади. Сизда доимо Худога тобелик руҳи яшаши керак, токи биз ҳам Довуд каби: «Мен-чи Сенга эътиқод қиламан, эй Худованд, Сенсан менинг Худойим, дейман. Ҳар бир куним Сенинг қўлингдadir. Душманларим ва эзувчиларим қўлидан мени халос қилгин!» деб, айта олайлик.

Агар сиз умидсизликка тушсангиз, руҳий шифо топишингиз жараёни секинлашади, бу ҳолда сабабни сиз ит-оатсизлигингиздан қидиришингиз керак. Агар сиз буни тан олсангиз, муаммонинг ечимини Худодан қидирсангиз, демак, нимадир юз беряпти, олдин руҳий, кейин эса жисмоний даражада.

Баъзида озод бўлишга ҳали тайёр эмаслигимизда Худо бизни озодликка ундайди. Бизни ҳозирги ҳолатимиз қониқтиради, биз ҳеч қандай ўзгаришларга муҳтож эмасмиз. Биз ўз аянчли аҳволимизда ўзимизни яхши ҳис этамиз. Аммо Худо шундай дейди: «Йўқ, Мен сени шундай аҳволда қолдира олмайман, чунки сени жуда севаман. Биз олдинга интиламиз. Сен ўсиб борасан, болалик тасаввурларингдан ажраласан. Мен сенинг ҳаётингнинг бу қисмида сени озод қила бошлайман». Бундай вазиятда сиз томондан кўрсатилган ҳар қандай қаршилиқ сизнинг руҳий талвасангизни чўзади, холос. Сиз озод бўлишни орқага суришингиз мумкин, аммо сизнинг аянчли ҳаётингиз янада бахтсизроқ бўлади.

Ҳаётингизда Худо томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай озодлик кейингиси учун пойдевор тайёрлайди. Бири иккинчисининг устига қўйилади. То озодлик ва сизнинг шахсингизнинг батамом тикланиши ҳаётингизнинг ҳақиқий воқеасига айланмагунча, шундай бўлаверади. Мен ўзим бошимдан кечирган биронта ҳам озодлик бошқасига ўхшамас эди, аммо уларнинг барини бир нарса — Исонинг, яъни Нажоткорнинг борлиги бирлаштириб туради.



Баъзи бир ўхшашликларга қарамай, улар ҳеч қачон бир-бирларига ўхшамас эдилар.

Менинг биринчи ва энг муҳим озодлигим (тушкунликдан) уч кунлик рўза ва ибодатдан сўнг руҳшунос хонасида юз берди. Навбатдаги озодлигим (болаларга тажовузкорликдан) аста-секинлик билан мен Худони ахтарган сайин юз юз берди. Итоаткорликнинг оддий қадамларини қўяётганимда, мен кўркувдан халос бўлганман. Ҳамма нарсада фақат ўзимга ишониш одатидан жамоатхонада — Худованд марҳамати ҳақида Унинг Каломини тинглаётганимда халос бўлганман. Юрагимдаги шафқатсизликдан эса Худо мени бошқа имонлилар билан Уни шарафлаганимда халос қилди. Руҳий оғриқлардан кечалари Парвардигорни ёрдамга чорлаб озод бўлганман. Ана шу тарзда бирин-кетин бутун умр мени боғлаб турган кишанлар — мутелиklar йўқ бўла бошлади. Буларнинг ҳаммаси бир-биридан тубдан фарқ қиларди.

Мен Худонинг мақсадларини ҳатто билиб олишга ҳам ҳаракат қилмасликка ўргандим. Унинг йўллари бизнинг тасаввуримиздан анча юқори; чекланган ақлимиз билан Худонинг ҳаракатлари ва мақсадларини билиб олишимиз учун Унинг ижодий имкониятлари қўп қирралидир. Баъзида Унинг олдида туриб Худонинг йўллари ҳақида сал-пал тасаввурга эга бўлсак-да, биз ҳеч қачон Унинг навбатдаги қадамини айтиб бера олмаймиз. Фақат бир нарсага ишончимиз комилки, то биз У билан бирга эканмиз, У бизнинг руҳимиз озодлиги борасида доимо Ўз ишини амалга ошираверади.

ПРОФЕССИОНАЛ РУҲШУНОС ЁРДАМИСИЗ ҲАМ МУТЕЛИКДАН ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИНМИ?

Агар бунинг иложи бўлмаса, доимо рост гапирувчи Худо шундай деган бўларди: «Сен ўз дардларингдан халос бўлишинг мумкин, бунинг учун яхши руҳшунос топишинг керак». Биринчидан, дунёдаги барча руҳшунос



ёрдамига муҳтож одамларга ёрдам бера оладиган даражада руҳшунослар кўп эмас, етарли бўлган тақдирда ҳам ҳаммаси ҳам уларнинг олдига боравермайди. Худо холисликкача бўлган йўлни кўриб чиққан — у бизнинг Халоскоримиз Исо орқали амалга ошади. Сиз қаерда бўлманг: кимсасиз оролдами, узоқ ўрмондами ёки бир кишилик қамоқхона камерасидами — агар сиз Исони ахтарсангиз, озод бўлиш ҳақида илтижо қилиб сўрасангиз, У ҳамма ерда ҳозир нозир, чунки: «...Раббимиз — Руҳдир. Раббимизнинг Руҳи қаерда бўлса, ўша ерда эркинлик бор» (2 Кор. 3:17) ва «Нажот — Худованддандир» (Забур 3:9), деб ёзилганку. Сиз маслаҳатчи топасизми ёки йўқми, бундан қатъий назар, ушбу оятларда Худо сизнинг озодлигингиз нимада эканлигини кўрсатади.

Худо ҳузурида халос бўлиш — У билан бирга беш дақиқа бўлиб, яна ўз йўлингиздан юришни давом эттириш дегани эмасдир. Бу дегани — У билан доимо бирга бўлиш, танамиз хоҳиш-истаги билан эмас, руҳимиз бўйича яшаш деганидир.

Руҳга асосланиб яшаш — бу: «Мен шайтон хоҳлаган нарсани истамайман, аксинча, Худо нимани хоҳласа, ана шуни мен ҳам хоҳлайман» деб, ишонч билан айта олишдир. Бу — ўз ҳаётингизда дўзах ишларига уруш эълон қилиш, «мен»ингиз ҳеч қандай шубҳа-гумонларсиз улардан воз кечишига, улар билан бирга бўлмасликка шубҳа қилмасликдир, чунки «Башарий табиат амри билан яшайдиганлар башарий фикр юритадилар, илоҳий Руҳ амри билан яшайдиганлар илоҳий фикр юритадилар» (Рим. 8:5). Илоҳий Руҳ асосида яшаш — бутун диққат—этиборни Исога қаратиш, Худо йўлларида юриб яшаш учун қарор қилишдир. Агар сиз шундай йўл тутсангиз, халос бўлиш ва озодлик сиз учун таъминлангандир.

ХУДО ХАЛҚИНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ

Халос бўлиш учун қилинган ибодатлар ва Худони излаш натижа бермаса, демак, сиз мутахассис ёрдамига муҳтожсиз. Руҳшунос руҳий ҳис қила билиш ва ваҳий кўриш



қобилиятига эга бўлиши керак. Фақат шундай мутахасссигина сизнинг муаммоларингизни ҳал қилишда ёрдам бера олади ва Худо сизни озод қила олиши ҳақидаги ҳақиқатни сизга очиб бера олади: «Йўл-йўриқ кўрсатувчиси бўлмаган халқ ҳалок бўлади, маслаҳатчилар кўп бўлса, ғалаба келади» (Ҳикмат. 11:14).

Инсон бутун ҳаёти давомида турли мутахассссларга мурожаат қилиши мумкин. Аммо сиз Худонинг маслаҳатчиларини қидиришингизни ва бу маслаҳатларни англашингизни Унинг Ўзи хоҳлайди. Забурчи шундай дейди: «Саодатли одамдир у, фосиқлар маслаҳатига юрмас, гуноҳкорлар йўлига кирмас, бузуқлар йиғинида ўтирмас» (Забур 1:1). Сизнинг маслаҳатчингиз Ёзувларни яхши билиши ва Худованд қонунларига риоя қилиши керак.

Худо Шоҳлигига руҳий туғилиш ва Исо Масих орқали кирган, Муқаддас Руҳнинг йўл-йўриғи бўйича юрган маслаҳатчигина сизнинг тўла тикланишингизга йўл кўрсата олади. Мен Худога ишонмайдиган руҳшунослар ва психиатрларни танқид қилмоқчи эмасман, улар қилаётган эзгу ишлари учун мен Худодан миннатдорман. Аммо улар ҳам ўзларининг ёрдамга муҳтож эканликларини тан олишлари кераклигини мен биламан. Тўлиб кетган руҳий хасталиклар касалхоналари ва қамоқхоналар — уларнинг ёрдамга муҳтож эканликлари ёрқин далилидир.

Муқаддас Руҳ — энг яхши психотерапевтдир. Исо шундай дейди: «Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. Бу Юпатувчи — Ҳақиқат Руҳидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди» (Юҳ. 14:16-17). Руҳий муаммоларни руҳдан ташқарида ҳал қилиб бўлмайди. Бу фақат Бош маслаҳатчини биладиган маслаҳатчиларнинггина қўлидан келади.

Руҳшунос-масихийларга мурожаат қилганингизда, уларнинг малакаларига талаблар қўйинг ва уларнинг обрўсига эътибор беринг. Нотўғри берилган маслаҳатларнинг даҳшатли оқибатларга олиб келишига мен жуда кўп марта гувоҳ бўлганман. Оталари зўравонлик қилган қизларга уларнинг



ўзлари айбдор эканликлари айтилган: «Бундай бўлишини, қизлар, сиз ўзингиз хоҳлагансиз. Сиз ўз отангизга шундай қилишга йўл қўйиб бергансиз. Бўлиб ўтган ишга сизнинг ўзингиз жавобгарсиз». Бундай маслаҳатнинг оқибатлари — фарзанд ўз ота-онасининг хатти-ҳаракати учун жавобгар бўлганда, кўпинча нохуш воқеалар содир бўлади.

Руҳшуносга мурожаат қилган аёлларнинг кўпчилигини ўша руҳшуноснинг ўзи йўлдан урган ҳолатлар ҳам жуда кўп учраб туради. Ўзини мутахассис деб айтган эркак қаршисида руҳий жароҳатлардан азоб чекаётган, ёрдамга муҳтож аёлга худбинлик билан тажовуз қилса, бунинг оқибатлари ёмон бўлади. Мана шунинг учун мен масиҳий Муқаддас Китоб тамойилларига қатъий риоя қилувчи жамоат аъзосига мурожаат қилишини маслаҳат бераман. Агар ўзи тўғри яшамайдиган одамнинг маслаҳатларига риоя қилсангиз, Худо йўлларида юриш ҳақида, Масиҳ ҳада қилган ҳақиқатни деб қатъий туриш ҳақида тўғри кўрсатмаларга эга бўлолмайсиз.

Ҳақиқий масиҳий маслаҳатчи руҳий ваҳий кўриш қобилиятига эга бўлади. Баъзида бизга ўзимиз кўра олмайдиган, руҳий мутеликни кўра оладиган одам керак бўлади. Инсон муаммоларини кўра билиш учун ўзгача қобилият талаб қилинмайди; аммо шу муаммонинг илдизини кўра билиш ва унга лойиқ руҳий «болта»ни топа билиш учун руҳий дунёда ҳақиқий ваҳийни кўриш қобилиятига ҳам эга бўлиш керак. Ичувчи одамга: «Сиз ичишни ташлашингиз керак» дейиш қийин иш эмас, аммо Худо ваҳийни кўриш қобилияти бор одамга муаммо оғир болалик йилларига бориб тақаладиган шафқатсизлик эканлигини кўрсатади. Ичувчилик — бу бир белги, холос.

Тўйимиздан кейин кўп ўтмай, биз Майкл билан эру хотинларнинг ўзаро муносабатлари бўйича маслаҳатчига мурожаат қилдик, чунки ўша пайтда мутахассис ёрдамига жуда муҳтож эдик. Ҳар биримиз ўтмишимиз билан боғлиқ бўлган салбий туйғулардан азоб чекар эдик. Улар билан қандай курашиш йўллари билмаслигимиз эса ўзаро муносабатларимизга жуда катта зарар етказар эди. Биз мурожаат қилган руҳшунослар масиҳий эмасдилар, аммо



улар яхши обрў-этиборга ва тавсияномаларга эга эдилар. Улар бизга ажралишни маслаҳат беришди. Биз бу муаммонинг ечимини Худо йўли эмаслигини билардик, шунинг учун жамоатимиздагилардан ёрдам сўрадик ва уни олдик.

Масихий руҳшунос муаммонинг илдизи бизнинг муносабатларимизда эмаслигини, балки ҳар қайсимизнинг руҳий мутелигимизда эканлигини тушунтирди. Руҳшунос билан ўтказилган узоқ мулоқотлардани кейин Майкл ўзидаги ғазабнинг сабаби — болалигидаги чуқур умидсизликда эканлигини тушунди. Мен эса руҳшунос билан бўлган суҳбатлардан шуни англадимки, болалигимдаги шафқатсизлик муҳити ҳаётимда шундай из қолдирган эдики, мен Майклнинг ғзаби ва тушқунлигини ўзимга нисбатан нафрат деб тушунганман. Эҳтимол, биз буларни қачонлардир мустақил тушуниб етишимиз ҳам мумкин эди, аммо малакали художўй маслаҳатчилар ёрдамида биз бунга анча эрта эришдик.

МУТАХАССИС ЁРДАМИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛАМАСЛИК

Илгари психотерапевтнинг қабулига фақат ақлий жиҳатдан заиф, руҳий касал ва умуман олганда, иши юришмай қолган одамларгина боради, деган тушунча бор эди. Ҳозир эса унга ҳамма мурожаат қилиши одат тусига кирган. Инсон ҳаётида қандайдир беқарорликлар ва муаммоларнинг бўлиши — бу одамнинг ҳаётда омади келмади дегани эмас, балки у фақатгина стресс вазиятга ёки инсон ўзаро муносабатларининг мураккаб чалкашликларига тушиб қолганини ва у хотиржам ҳаётга эришмоқчи эканлигини англатади. Кўпчилигимиз зарур бўлиб қолганда яхши маслаҳат олишга қодирмиз.

Баъзи одамларнинг қалбида шунчалар чуқур жароҳат излари бўладики, уларнинг хусусиятини фақат Худогина билади. Ёш ўтган сайин бу яширин алам, оғриқ кўпайса кўпаядики, аммо камаймайди. Агар бармоғингизни кесиб олсангиз, сиз ярага пластр ёпиштирасиз, аммо агар уни яхшилаб дезинфекция қилмасак, то инфекция чиқиб кетма-



гунча давом этадиган сурункали яллиғланиш жараёни бошланади. Қалб жароҳати эса қалбга қўйиладиган пластирдан кучлироқ воситага муҳтождир. У худди лазер нурлари каби жароҳатланган жойга кириб, жароҳатнинг шифо топиши учун ундаги ҳамма нарсани тозалайдиган Худо Каломининг ёруғлигига муҳтождир. Масиҳий руҳшунос ана шунга ёрдам бера олади.

Кўпчиликни бошқа одамларнинг фикри қизиқтиради: мабодо сизни руҳшунос ёрдамига мурожаат қилганингизни билган одамлар нима деб ўйлашади? Аммо атрофдагилар сизга худди шахсга қарагандай қарайди, улар сизнинг нечта руҳшуносга мурожаат қилганингиз билан эмас, балки ҳаётингизда қандай ютуқларга эришганингизга қараб баҳолашади. Хотиржам бўлинг ва шуни эсдан чиқармангки, сизга ижобий таъсир кўрсата олишга қодир яхши масиҳий маслаҳатчисини топишни Ёзувлар ҳам маъқуллайди:

Насиҳатга қулоқ сол, панд-ўғитни қабул қил, шунда умринг бўйи оқил бўласан. Инсоннинг юрагига ният кўп, лекин фақат Эгамизнинг айтгани амалга ошади.

Ҳикм. 19:20-21

Менинг вазиятимни фақат мўъжизагина ўзгартира олади, деб ўйлайдиган баъзи одамлар руҳий маслаҳатхоналарга мурожаат қилмайдилар. Улар Худонинг бугунги кунда мўъжизалар ярата олишига ишонмайдилар. Аммо Худонинг айтишича, У ўзгармайди: У кеча, бугун ва эртага ҳам Ўша-Ўша. Нега минглаб йиллар мўъжизалар яратган Худо буни ҳозир қилишдан бош тортади? Мен ўз тажрибамдан биламанки, Худо мўъжиза яратади ва У бугун ҳам бизнинг ҳаётимизда мўъжиза яратишга қодирдир.

ЭНГ АВВАЛО ХУДОГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Руҳшунос билан маслаҳат қилишдан олдин, Худога мурожаат қилинг. Маслаҳатлашишдан олдин ҳар куни бир соатдан Худо билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинг ва



сиз шундан сўнг ўзингизга мутахассис ёрдами керакми, ёки йўқми билиб оласиз. Ибодат нималарга қодир эканлигига қойил қоласиз. Сиз ҳали унинг исталган натижаларини кўрмасдан туриб Худо ва маслаҳатчилар сизга нима демоқчи эканлигини кўришга ёрдам беради.

Доимо руҳшунос сўзларини Худо сўзлари тарозисида тортиб кўринг: агар унинг тавсиялари Худонинг сўзига мос келса, кўрқмасдан уларга риоя қилинг. Агар сизга доимий равишда жамоатхонага боришни, кунига бир соатдан Муқаддас Китобни ўқишни, уйланган эркак билан учрашмасликни маслаҳат беришса, айнан шундай қилинг.

Агар тўғри маслаҳатларни эшитиб уларга риоя қилмасангиз, сиз жуда катта хатога йўл қўясиз. Худонинг маслаҳатларига эътибор бермайдиганлар ҳақида Муқаддас Китоб бундай дейди:

Зулматга, ўлим ваҳимасига келиб қолдилар, темир кишанда ўтириб азоб чекардилар. Чунки Худо амрларига қаршилиқ қилдилар, Худойи Таоло иродасини менсимадилар.

Забур 106:10-11

Агар маслаҳатчи сизга Худо амрини бузишни тавсия қилса, билингки, сиз ёмон маслаҳатчига мурожаат қилгансиз. Дарҳол унинг ёнидан кетинг, сизга ёрдам бера оладиган маслаҳатчини қидиринг.

Агар аввал бошданок, сиз Худони ўзингизнинг бош Маслаҳатчингиз деб билсангиз, У сизни Ўз маслаҳатлари томон етаклаганда Унинг кетидан борсангиз, ишонаверингки, уларнинг маслаҳати сизга озодлик келтиради.

«Орқага — келажак томон» номли кинофильмда арзимас бир воқеа жуда кўп одамларнинг келажакига таъсир қилгани кўрсатилган. Озод ва халос бўлиш воқеасида ҳам худди шунга ўхшаш воқеа содир бўлди, аммо сиз буни англай биласизми, ё йўқми бундан қатъий назар, улар сизнинг ва болаларингизнинг ҳаётига таъсир кўрсатади. Муқаддас Китобда айтилишича, сиз бошингиздан кечирган руҳий кишанлардан халос бўлиш муҳимми ёки йўқми —

МУҚАДДАС КИТОБ ШАХСНИНГ МУКАММАЛ ТИКЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масих
билан мулоқотга чақирган Худо садоқатлидир.

Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масих
номи билан сизлардан ёлвориб сўрайманки,
ҳаммаларингиз ўзаро келишиб яшанглар.
Ўзаро низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда
тамомила якдил бўлинглар.

2 Кор. 1:9-10

Сион ҳақи, мен сукут сақламайман,
Қуддус ҳақи, мен жим турмайман
Унинг тўғрилиги тонг каби нур сочмагунча,
Унинг нажоти машъала каби ёнмагунча.

Ишаё 62:1

Ваъдангга кўра менга таянч бўл, токи
яшайин, Умидим пучга чиқмасин, шарманда
бўлмайин. Суянчиқ бўл менга, токи нажот
топайин, Фармонларингга доим диққат
билан боқайин.

Забур 118:116-117

Кулфатда қолганимда, илтижо қилдим Эгамга,
Мени У озод қилди жавоб бериб менга.

Забур 117:5

Раббим мени ҳар қандай ёмон ишлардан
халос қилади ва Ўзининг самовий
Подшоҳлигига соғ-саломат киргизади. Унга
абадулабад шон-шарафлар бўлсин!

2 Тим. 4:18



келажакда сиз муҳимлигини тасаввур ҳам қила олмайдиган оқибатларга олиб келади.

Баъзида озодлик оғриқларсиз юз беради: сиз осонгина тобеликдан қутулиб, озодликни қўлга киритасиз. Шундай ҳам бўладики, халос бўлиш жараёни сизни руҳий кишанлар билан банди қилган аниқ бир воқеа ҳақидаги хотиралар уйғотган чуқур оғриқлар билан биргаликда кечади. Оғриқлар — халос бўлиш ва руҳий ўсиш жараёнининг таркибий қисмларидир, шунинг учун уларга ҳайрон бўлманг, умидсизликка тушманг ва улардан қўрқманг. Руҳий кишанлардан халос бўлиш одатда руҳий оғриқлар билан боғлиқ бўлади, инсонлар уларга чидай олмасликларидан қўрқадилар. Аммо Худо сиз кўтара олмайдиган оғир юкни сизга юкламасликка ваъда қилган. Худованд билан сиз хавф-хатардан холисиз.

Ўзимизнинг халос бўлишимиз учун биз нима қилмайлик, доимо уни фақат Худогина амалга ошира олишини эсдан чиқармаслигимиз керак. Шунинг учун ҳеч қачон Ундан тонманг ва фақат Ундан ўз шахсингизнинг тикланишини қидиринг.

ИБОДАТ

Раббий, Сенда менга озодлик ва шифо бериш ҳақидаги ажойиб фикр бор. Сен мен учун тайёрлаган чўққиларга доимо интилишим учун менга ёрдам бер. Агар халос бўлишим мен хоҳлаган вақтда содир бўлмаса, умидсизликка тушмаслигим учун менга куч бер. Агар менинг орзу-умидларим рўёбга чиқмаса, мен уларни Сенга бераман. Сенинг ҳақиқий яратган банданг бўлишим учун, Сен билан қадам бақадам юриш учун ўзимни бағишлайман.

БЕШИНЧИ ҚАДАМ: ХУДОДАН ИНЪОМЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГ



Бир куни мен олти яшар қизим Аманданинг туғилган кунига унинг ўзи анча вақтдан бери орзу қилган тақинчоқ солинган кичкина ва чиройли қутича совға қилдим.

Совғани очиб кўрган қизим хурсандликдан қийқириб юборди ва қутичанинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб уни кўздан кечира бошлади: «Вой, ойижон, қандай чиройли! Унинг гулларига, ленталарига қаранг, қандай чиройли қулфчаси ҳам бор экан! Мен бундай чиройли, нафис қутичани умримда кўрмаганман».

Қизим қутичани хонасига олиб кетмоқчи бўлганда, мен унга, қутичани оч-чи, деб айтдим.

«Вой, ойижон, раҳмат! Мен анчадан буён марварид мунчоқ ҳақида орзу қилардим!» Шундай деб у ўз хонасига мунчоқни тақиб кўриш учун югуриб кетди.

Шунда мен ўтирганимча ўйланиб қолдим: «Аманда чиройли қутичанинг ўзини кўрибоқ қанчалар хурсанд бўлди». Мен Самовий Отамиз ҳам бизга совғалар юбориши, аммо биз уларни кўпинча очиб кўрмаслигимиз ҳақида ўйладим, чунки улар айнан бизга юборилганини биз ё кўрмаймиз, ёки билмаймиз.

ИНЪОМЛАРНИ МЕРОС ҚИЛИБ ОЛИШ

Тасаввур қилинг-а, сизга кимдир ялтироқ қоғозга ўралган ва чиройли тасма билан бойланган совға олиб келди. Сиз совға учун чин юракдан миннатдорчилик билдириб шундай дейсиз: «Жуда чиройли қоғоз, устидаги тасмаси



ундан ҳам ажойиб. Мен уни бутун умр асраб юраман». Кейин сиз совгани очмасдан стол устида қолдирасиз. Бундай қилганингиз сизни хурсанд қилиш учун вақтини, маблағини, кучини аямаган одамни қанчалар хафа қилади.

Биз Майкл билан турмуш қурганимизда, мен умримда биринчи марта ўзимни молиявий муаммолардан холи ҳис қилдим. Менинг отам бутун умри давомида жуда кўп ишлаган, аммо кам пул топган, шунинг учун биз доимо муҳтожликда яшардик. У нафақага чиқиб онам билан Марказий Калифорниядаги фермага кўчиб ўтганда, отамнинг нафақаси уларнинг ҳатто энг зарур нарсаларига ҳам етмас эди. Вақти-вақти билан Майкл иккаламиз ота-онамга пул таклиф қилар эдик, аммо онам бу ҳақда ҳатто эшитишни ҳам хоҳламас эди. Жуда совуқ қиш кунларининг бирида мен уларга телефон қилдим ва иккаласи ҳам шамоллаб қолишганини билдим. Улар пуллари етишмаслиги сабаб шу ой ёқилғи сотиб олишмабди, уйда совқотиб ўтиришибди экан. Мен дарҳол уларга ёрдам бериш мақсадида пул олиб бордим. Ёқилғи олиб келгунларича, мана шундай бефойда азобларимиздан бизнинг Самовий Отамиз қанчалар хафа бўлиши ҳақида ўйладим. Исо туфайли туғилиш ҳуқуқига кўра мен Унинг баъзи бир ҳадяларига меросхўр эканлигимни баъзида эсдан чиқариб қўяман, аммо бахтимга буларни кўп вақтга унутмайман, чунки Худо бу ҳадяларни ҳаммамиз учун тайёрлаганини биламан.

Энг аввало Худо бизга Ўз Ўғли Исони (қаранг: Юҳ. 4:10), сўнг Муқаддас Руҳини инъом қилди (қаранг: Ҳаворий. 2:38). Шу икки инъомдан Унинг бошқа ҳадялари келиб чиқади, масалан, ҳақгўйлик (қаранг: Рим. 5:17), мангу ҳаёт (қаранг: Рим. 6:23), башоратгўйлик (қаранг: 1 Кор. 13:2) ва тинчлик (қаранг: 14:27). Булар Худо биз учун тайёрлаган инъомларнинг фақат кичик бир қисмидир.

Кўп сонли бу совғалардан руҳий шифо топишимиз ва тикланишимиз учун энг муҳими куйидаги тўрт инъомдир: Унинг севгиси, Унинг марҳамати, Унинг кучи ва Унинг хотиржамлиги. Аммо биз бу ҳадялар учун ҳаракат қилсак-кина уларни қўлга кирита оламиз.



ХУДО СЕВГИСИ ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Бундан бир неча йил илгари мени аёллар қамоқхонасида жазо муддатини ўтаётган катта бир гуруҳ олдида маърузага таклиф қилишди. Маърузадан кейин менга аёллар билан ёлғиз қолишга ва ким хоҳласа, ўша билан суҳбат қуришга рухсат беришди. Мен уларга ўзим ҳақимда очиқ-ойдин, ҳеч нарсани яширмасдан айтиб берганим учун, улар ҳам менга дилларидаги гапларни яширмай сўзлаб беришди. Кўринишидан тортинчоқ ва нимжонгина ёш бир аёл, мен уни Трейси деб атаيمان, нега қамоқхонага тушгани тўғрисида гапириб берди. У тавба қилди деса ҳам бўлади, чунки у қамоқхонада сирини очмаслик ҳуқуқига эга эди, жазо муддатини ўтаётганлардан бу ҳақда сўраш ман этиларди. Мен бу тўғрида огоҳлантирилган эдим.

Трейси менга ўз тарихини сўзлаб берди. Унинг онаси Трейсининг туғилишини умуман хоҳламаган экан, уни яхши кўрмасди, бу ҳақда доимо гапираркан. Ўғай ота тез-тез уни савалаб турар, зўрларди. Трейси ўз уйида меҳр-муҳаббатдан маҳрум, айти пайтда унга ниҳоятда муҳтож эди.

Ўн беш ёшида у ўсмир дўстидан ҳомиладор бўлиб қолади, онаси ғазабланиб уни уйдан ҳайдаб юборади. Дўсти ҳам ундан юз ўгиради. Шундай қилиб, унинг ёрдам сўраб борадиган ҳеч кими қолмайди. Ҳукуматнинг ижтимоий ёрдами туфайли, у ўзининг эндиgina дунёга келган чақалоқ қизчаси билан бир хонали кичик хонадонда яшай бошлайди.

«Мен шу боламни асраб қолдим, чунки кимнидир севишга муҳтож эдим», — дейди бу ёш аёл самимийлик билан. Аммо у пайтда Трейси жуда тажрибасиз, ёш эди. Унинг ўзи деярли бола бўлгани учун ҳам чақалоқнинг доимий йиғисига чидай олмади. Бир куни тунда барбод бўлган ҳаёти учун уйғонган ғзаби шундай куч билан қўзғалдики, она ўз-ўзини назорат қила олмай қолди. Трейси ёстиқни олиб боланинг юзига босди ва то унинг йиғиси тўхтамагунча, босиб тураверди. Бола ўлган эди.



Виждон азоби ва ўзининг қилган ишидан чорасизлигига қарамасдан, Трейси учун ўз номини газета саҳифаларининг жиноятлар ҳақидаги янгиликлар бўлимида кўриш ёқимли эди. «Мени қамокқа олганларида, суратим рўзномаларда пайдо бўлганидан мен ғурурландим, — тан олди у, — менинг кимлигимни ҳамма билди, энди менга ҳам эътибор қаратишади деб ўйладим».

Бу одамни лол қолдирувчи икром мени ларзага солди, аммо юрагим Трейси ва унинг боласига ачиниш ҳиссидан эзиларди. Болалигида меҳр-муҳаббатга зор бўлган одам уни доимо қидиришини ва бу йўлда ҳар қандай воситалардан, ҳатто ғалати ва ақлсиз усулдан ҳам тоймаслигини мен билар эдим. Одам қанчалик шафқатсиз зўравонликка дуч келса, шунчалар унинг хулқи ғалати бўлади. Агар сизни ҳеч ким яхши кўрмаса, сизнинг ҳаётингиз тўхтаб қолгандай туюлади. Бунинг ваҳимасини тасвирлаб бўлмайди, у инсонни ўзининг дунёда бор эканлигини ҳар қандай йўл билан — салбий йўл билан бўлса-да исботлашга мажбур қилади.

Қалб учун озуқа

Бизнинг жисмоний ўсишимиз учун овқат зарур бўлгандай, севги ҳам бизнинг қалбимиз учун зарур, билим эса бизнинг ақлий ривожланишимиз учун керак. Агар бизнинг қалбимиз меҳр билан озиқланмаса, туйғуларимиз ривожланишдан тўхтайди, шунда биз ўзимиз билмаган меҳрни қидиришга тушиб кетамиз. Аммо агар бизга меҳр кўрсатиши лозим бўлган инсонлар меҳр кўрсатишни хоҳлашмаса (ёки меҳр кўрсата олмасалар) бу меҳрни қаердан олиш керак?

Тана ҳамма нарсага тайёр. Меҳр йўқлигида ҳар қандай диққат-эътибор, майли, у салбий бўлсин, ҳеч нима йўқлигидан яхшироқдир. Ўзгаларнинг диққатини ўзимизга тортиш ва уларнинг севгисини ҳис қилиш учун қилмаслигимиз керак бўлган ишни қиламиз, гапиришимиз керак бўлмаган гапни гапирамиз. Аммо руҳан бошқача йўл тўтилади: бу ерда гап Худонинг севгисини қабул қилиш ҳақида кетяпти.



Мен Трейсига, Худода сенинг ҳаётингга нисбатан фикр ўзинг туғилмасингдан илгарироқ бўлган, деб тушунтирдим. Унинг ота-оналарининг гуноҳлари эса шайтоннинг режасидир.

— Трейси, — дедим мен унга тўғридан-тўғри, — мен сенга бир гапни айтмоқчиман: сен доимо Худога қадрли бўлгансан. У сенинг барча мусибатларинг ҳақида билган, У ҳаммасини кўриб турган, Унинг Руҳи сен билан бирга йиғлайди. У ҳеч қачон буларни сенга раво кўрмаган, У сен йўқотган барча нарсани сенга қайтармоқчи.

Трейси йиғлаб юборди, мен эса уни қаттиқ кучоқладим.

— Аммо менинг қилмишларимдан сўнг Худо мени қабул қилармикан? — сўради у йиғлаб. — Эҳтимол, мен учун кеч бўлгандир?

— Трейси, Худо бизни яхши кўради. Биз қандай бўлсак, шундайлигимизча қабул қилади, аммо У бизни шундай аҳволда қолдирмайди, — дедим мен. — Шунинг учун ҳеч қачон кеч бўлмайди. Бизнинг қандайлигимиздан қатъий назар, агар биз Исога ҳаётимиздан эшик очиб, Уни қабул қилсак, У бизни юрагимизнинг туб-тубидан ўзгартира бошлайди. У сенинг ҳаётингнинг синган парчаларини олиб уларни бирлаштиради, ундан яхши бир нарса тайёрлайди. У сени озод қилади, сендан Ўзи хоҳлаганчалик шахсни яратади.

Худованднинг адолатли севгиси

Мен Исога юрагимни очганимда, унда Худога нисбатан кучли севги борлигини сездим, шу билан бир қаторда У бошқаларни ҳам, аниқроқ қилиб айтганда, ҳаммани севишини тушундим. У мени севишига дарров ишона олмадим. Мен қолганларга Худонинг севгиси ҳақида гапириб бердим, аммо ўзим уни қабул қилолмадим. Мен Унинг йўриқлари билан яшашни ўрганишимга, Унинг хоҳишини билишимга, ўз илтижоларимга жавоб топишга, Унинг сўзлари ҳақиқат эканлигига ишонишимга ва Ундан шифо топишимга жуда узоқ вақт керак бўлди. Буларнинг ҳаммаси Унинг севгиси ҳаётимга кириб келганидан сўнг содир бўлди.

Агар сиз, Худонинг севгисига мен нолойиқман, шунинг учун У мени севмайди, деб ўйласангиз, сиз шу нарсаларни



тушунишингиз керак: У биз севгандай севмайди. Унинг севгиси сизга нисбатан кўпроқ ёки камроқ бўлиши учун, сиз ҳеч нима қилолмайсиз. Муқаддас Китоб шундай дейди: «...Ўша Раб — ҳамманинг Раббидир, исмини чақирганларнинг *ҳаммаси учун* У эҳсонга бойдир» (Рим. 10:12, курсив меники. — С. О.). У сизни ҳам мендек, ёки истаган бошқа одамни севгандек севади.

«Худо сени севади, — деб ишонтирдим мен Трейсини. — Агар сен Унга имконият берсанг, У сен билан шу ерда ҳозироқ учрашади. Сенинг ҳаётингни батамом ўзгартириб юборади».

Худонинг севгисини сезиб, Трейси шу куннинг ўзидаёқ Исони Нажоткори деб тан олди. Қамоқхонадаги аёлларнинг кейинроқ менга айтишларича, Трейсини уч йил давомида йиғлаганини ёки бирон — бир аёл билан баҳслашганини улардан ҳеч бири кўрмаган. Шубҳасиз, унинг қалб торларини нимадир чертиб ўтди, фақат мен эмас. Чунки инсонлар бундай кучга эга эмаслар. Фақатгина Худо севгиси ҳаётни ўзгартира олади. Ўшандан бери мен Трейсини бошқа учратмадим, аммо у учун мен тез-тез ибодат қилиб тураман. У севгидан маҳрум ва ҳеч кимга керак бўлмаган аёл ҳаётининг тубдан ўзгариб кетишига ёрқин намуна бўлди. Бундай оғир қалб яраларига шифо бериш ёлғиз қодир Худонинг севгиси туфайли амалга ошади.

Ишониш — қабул қилиш демакдир

Худо севгиси инъомининг калити биз унинг ҳақиқийлигига ишонишимизда ва унга юрагимизни очишга тайёрлигимизда мужассам. Ўзимиз уни қабул қила олмаслигимиздан ташқари, ҳеч бир нарса бизни Худованд меҳрмуҳаббатидан ажрата олмайди.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «...Худовандга умид боғлаганга илоҳий лутф-карам доим ёр бўлур» (Забур 31:10). Сиз қанчалик кўп: «Раббий, Сенинг севгинга, Каломингда мен ва менинг ҳаётим ҳақида айтган ҳамма гапларингга ишонаман» деб айтсангиз, шунчалар ўз юрагингизда Худо севгисини чуқурроқ ҳис қиласиз.

ХУДОНИНГ СЕВГИ ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Унга узоқдан зоҳир бўлган эдим. Сенга бўлган севгим — мангу севгидир, шунинг учун сенга содиқ бўлиб келдим. Мен сени қайтадан бунёд этаман, сен яна бино бўласан, эй бокира қиз
Исроил! Сен чилдирмаларингни олиб,
қувонч ила рақсга тушасан.

Ерм. 31:3-4

Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал қилади.
Отам ҳам уни севади. Биз унинг ҳузурига келиб,
Ўзимизга маскан яратамиз.

Юҳ. 14:23

Худонинг севгисидан бизни ким жудо қилар экан: қайғуми, сиқилишми, қувғинми, очликми, яланғочликми, хавф-хатарми ёки қиличми?

Рим. 8:35

Мен аминманки, на ўлим ва на ҳаёт, на фаришталар ва на жин-ажиналар, на ҳозирги ва на келгуси ҳодисалар, на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда на яратилган бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас.

Рим. 8:38-39

Содиқ севгинг тасалли бўлсин менга,
Мен, қулингга, берган ваъданга кўра.

Забул 118:76



Худо севгиси инъомини қабул қилиш — бу кимнингдир маъқуллашига сазовор бўлиш, ёки биз атрофдагиларнинг меҳрини қозонмасак, ақл бовар қилмайдиган ишларни қилишга интилишимиз дегани эмасдир. Худо севгиси бизга келганда, биз ҳар қандай инсоний муносабатлар юкидан халос бўлаётганимизни ва қандай бўлишимиз керак бўлса, шундай бўлаётганимизни сезамиз.

Агар сиз Худонинг ўзингизга бўлган севгисига шубҳалансангиз, Ундан, севгингни кўрсат, деб сўранг. Бу ҳақда Муқаддас Китобда нима дейилганини ўқинг ва Унга ишонинг. Худо севгиси туйғу эмас, балки Унинг Руҳидир. Чунки Унинг Ўзи севгидир. Худонинг ҳузурида ибодат қилиш ёки Уни шарафлаш Унинг севгисига эшик очади. Ҳаётингизга шу севгининг киришига имкон беринг.

Агар сиз барча интилишларингизга қарамай Худо севгисини сезмасангиз, демак, сиз қандайдир мутелиқдан халос бўлишингиз керак бўлади. Худодан сўранг: У сизга сабабини кўрсатсин, сиз руҳшунос ёрдамига муҳтожмисиз, ёки йўқми — айтиб берсин. Бу сизнинг озодлигингиз ва шифо топишингизнинг муҳим қисми ва ундан кўз юмиб бўлмайди.

Ўз юрагингизни Худо севгисига очиб, Сиз атрофдагиларни, ҳатто ўзингизга ёқмаган кишиларни ҳам сева оласиз. Атрофга меҳр таркатмоқ — бу атрофингиздагиларга ўзингиздаги Худо севгисини, сизни мукамал қилувчи Худо севгисини намоён қилишдир. Сизнинг қалбингиздаги Худо севгиси бошқа одамларнинг севгисини сизга жалб қилади. Бу эса сизнинг руҳий шифо топишингизга ёрдам беради.

Худо севгиси доимо биз кутганимиздан ортиқ бўлади. Шунинг учун биз Унинг ҳузурида тез-тез йиғлаб турамиз. Ахир, бу бизнинг онгимиздан юқори бўлган Унинг севгиси учун миннатдорчилик кўз ёшлари!

ХУДО МАРҲАМАТИ ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

«Тез машинага ўтир! — дедим мен яқинда уч ёшга тўлган қизим Амандага. — Хув анови ҳайдовчини кўряпсанми, дарҳол у машинасини қўйиш учун биз жой бўшатишимиз-



ни хоҳлаяпти». Харид қилинган нарсалар билан тўла сумкани орқа ўриндиққа ташлаб эшикни ёпдим ва орқадан келган машинанинг бесабрлик билан бераётган сигнаliga жавобан тез рулга ўтирдим.

«Нега бугун ҳамма шошяпти?» — ўйладим мен хавфсизлик тасмасини тақар эканман. Турган жойимдан чиқиб машиналар тўхташ жойини кесиб ўтдим, бир томонлама ҳаракат қилинадиган тор йўлакдан кўчага чиқиш учун рулни ўнгга бурдим. Мен деворни айланиб ўтиб кўчага чиқаётган эдим. Шу пайт биз томонга тез келаётган бошқа машинага кўзим тушди. Унинг ҳайдовчиси тахтачадаги деярли ўчиб кетган «Чиқиш» деган ёзувни «Кириш» деб ўқиган бўлса керак. Бизнинг тўқнашиб кетишимизга бир баҳя қолган эди. Икковимиз ҳам бир вақтнинг ўзида тормозни босдик.

Шошилинча мен қизимга, хавфсизлик тасмасини тақиб ол, деб айтишни эсимдан чиқарибман, натижада у олд ойнага урилиб кетди. Унинг бурнидан ва оғзидан оқаётган қонни дастрўмол билан артар эканман, мен чин дилдан Худога илтижо қилдим: «Эй Раббий, мени енгилтаклигим учун кечир! Илтимос, Амандага Ўзинг шифо бер! Сендан ўтиниб сўрайман, унга ҳеч нима бўлмасин. Шифо бер унга, Худойим!» Мен қизимнинг тишлари ёки бурни синган бўлишидан, ёки энг ёмони — бош мия жароҳати олиши мумкинлигидан қўрқар эдим.

Хайриятки, у жиддий жароҳат олмаган экан. Тишлари ҳам бутун эди, фақат унинг бурни ва лаби, оғзининг ичи ёрилган эди. Амандани мўъжизакор Худо қўли асраб қолганига ишончим комил эди, мен эса ўзим лойиқ бўлмаган нарсага эга бўлдим. Ўзимнинг эҳтиётсизлигим учун жазога лойиқ эдим, аммо бунинг ўрнига Худо марҳаматига сазовор бўлдим.

Хизматимизга яраша эмас

Хочдаги бўлиб ўтган воқеанинг мазмунини тушунишим учун менга ўн беш йил керак бўлди. Мен учун белгиланган ҳамма нарсани — муваффақиятсизликларни, хасталикларни, ғазабни, оғриқларни, изтиробларни, шаф-



қатсизликни, ўлимни Исо Ўзига олгани ҳақидаги оддий ҳақиқатни тушундим. Бунинг эвазига Ўзига тегишли ҳамма нарсани — Ўзининг шифосини, муҳаббатини, хотиржамлигини, севгиси ва ҳаётини менга берди. Буларнинг барчасини мен Худо марҳамати сифатида олдим, шунинг учун мен: «Исо, кел, менда яшагин! Менинг ҳаётимнинг хўжайини бўл!» дейишдан бошқа чорам йўқ.

Мен йигирма ёшдан ошган эдим, шу йиллар давомида бутун ҳаётим севги ахтаришдан иборат бўлди. Ана шундай ҳаёт тарзининг натижаси шу бўлдики, мен икки йил ичида икки маротаба хомилани жарроҳлик йўли билан (унинг устига яширинча) олдирдим, даҳшатли жисмоний ва руҳий ҳолат бўлди. Ўша пайтда мен пушаймондан кўра руҳий енгиллик сезардим. Қилмишимнинг асл маъносини эса ҳаётимда Худо билан юра бошлаганимдан кейингина англадим.

Сўнг биз Майкл билан фарзандли бўлишга қарор қилдик ва бир муаммога дуч келдик: вақт ўтиб борарди, аммо менинг бўйимда бўлмас эди. Олдинлари мен жуда осонликча хомиладор бўлиб қолардим, энди эса қилмишларим учун олаётган жазо бўлса керак, деб ўйлардим.

«Худойим, мен икки марта танамда янги бошланаётган ҳаётни нобуд қилганимдан сўнг яна фарзанд сўрашга лойиқ эмаслигимни биламан, — деб ялиндим мен. — Тўғри, мен фарзандсиз ўтишга лойиқман, аммо Сендан ўтиниб сўрайман, мендан марҳаматингни аяма, мен туғишимга имкон бер».

У менинг ибодатимга жавоб қилди, болаларимнинг туғилиши Худонинг менга нисбатан марҳаматининг ва илтифотининг буюк намоиши бўлди. У менга айнан ўзим лойиқ бўлмаган нарсани инъом қилди.

Худованд марҳаматини Ўзининг Шоҳлигида яшайдиганга ҳадя қилади, Унинг Шоҳлигига Ўзида яшашга рухсат беради. Биз эса Унинг марҳаматини Уни қабул қилмай олишимиз мумкин эмас. Бу Унинг ҳадяси, У бу инъомни Ўз қўлларида ушлайди. Биз Худони қабул қилар эканмиз, Унга ўзимизни қабул қилишга имкон берамиз, шундагина У бизни ўзимиз лойиқ бўлган жазодан халос қилади.

ХУДО ҲУЗУР-ҲАЛОВАТИНИ ИНЪОМ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Ҳа, сизлар Худодан иноят топиб, имонингиз
туфайли қутулгансизлар. Бу — Худонинг
инъоми, сизнинг ютуғингиз эмас.

Эф. 2:8

Аммо Раббим менга шундай деди: «Сенга берган
иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал
бўлади». Шунинг учун, Масихнинг қудрати
менда амал қилсин деб, янада кўпроқ, бажонидил
ўз заифликларим билан мақтанаман.

2 Кор. 12:9

Шундай қилиб, танланиш инсоннинг орзу
ёки ташаббусига эмас, балки Худонинг
марҳаматига боғлиқдир.

Рим. 9:16

У мазах қилувчиларни мазах қилади,
камтарга эса иноят қилади.

Ҳикмат. 3:34

Раҳмдил бўлганлар бахтлидир,
Чунки улар раҳм-шафқат топур.

Матто. 5:7



Фақатгина Унинг Ўзи марҳаматнинг манбаидир. Фақат У марҳамат ҳадя қила олади. Марҳамат доимо кутилмаган бўлади, сиз уни кутмаганингизда келади. Қавмбоши Джек марҳамат ҳақида шундай деган: «Итоаткор киши: «Бу менда йўқ ва мен бунга ўз кучим билан эриша оламан» деганда, Худо шундай дейди: «Бу Менда бор ва Мен буни сенга беришни хоҳлайман».

Баъзида икки йўл ўртасида ҳаракат қилишга уринишларимиз Худо марҳаматини қабул қилишга қаршилик кўрсатади. Биринчиси: мен нимани хоҳласам, шуни қила оламан, чунки Худо марҳамати ҳаммасини қоплаб кета олади; иккинчиси: менинг ҳаётимдаги ҳамма нарса — муваффақиятим, турмушим, болаларим, шифо топишим фақат менинг ҳаракатларимга боғлиқдир. Ҳақиқатда эса буларнинг биронтаси ҳам на марҳамат билан, на илтифот билан боғлиқ. Руҳий жароҳат олган кишилар, одатда, иккинчи йўлга мойил бўладилар. Агар мукамалликка ўз кучлари билан эриша олмасалар, ўзларини ўзлари азоблашади. Агар сизда ўзингизга нисбатан раҳм-шафқат бўлмаса, бу шафқатни қабул қила олмайсиз, уни ўзгаларга кўрсата олмайсиз. Ўзгаларга шафқат кўрсата олиш — бизнинг руҳий шифо топишимиз шартларидан биридир. «Раҳмдил ўз жонига манфаат келтиради, бағритош эса ўзига зарар етказди» (Ҳикм. 11:17).

Худо марҳамати «ҳар куни эрталаб янгиланади» (Йиғи 3:23) ва бизнинг марҳаматимиз ҳам худди шундай янгилиниши керак.

ХУДОНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Кунларнинг бирида кечки пайт бир яшар ўғлимизга йўтал дори олиш учун дорихонага йўл олдим. Уйда болани эрим билан қолдириб дорихона ёпилишидан олдин улгуриш учун тез чопиб кетдим. Одатда ҳар доим машиналар билан тўла бўладиган тўхташ жойида фақат иккитагина машина бор эди. Керак нарсани тез сотиб



олиб дорихонадан югуриб чиқдим, бу пайтда дорихонада аллақачон чироқларни ўчиришган эди. Тўхташ жойида фақат менинг машинам бор эди. Мен ёлғизликда то машинамнинг олдига боргунча ўзимни сал ноқулай ҳис қилдим. Йўлнинг учдан бир қисмини босиб ўтганимда қоронғу бино деворида велосипед минган эркак шарпаси кўринди. Велосипед мени хотиржам қилса ҳам, қадамимни тезлаштирдим, кўлимда машина калитини маҳкам ушлаганимча ибодат қила бошладим.

«Исо, менга ёрдам бер! Раббий, мени ҳимоя қил!» — зудлик билан олдинга интилиб Худога илтижо қилардим мен. Гилдираклари овоз чиқараётган велосипед мен томон тобора яқинлашарди. Машинам олдига деярли етиб келганимда велосипеддан кимдир сакраб тушди ва мени орқамдан кучоқлаб олди. Ўзимни асраш инстинктим менга ғайриоддий бир куч ато қилди ва ўзимни қутқаришнинг ягона йўлига жон-жаҳдим билан ёпишдим.

«Исо Масиҳ номи билан айтаман, менга қўлингни теккизма ёки сен ўласан!» — дедим шундай бир қатъият билан мен. Ушбу ҳодисага қадар, ундан кейин ҳам бундай гапирганимни эслай олмайман. Мени ҳаммадан ҳам лол қолдирган нарса шу бўлдики, мен қўрқиб кетган қурбон сифатида эмас, балки ҳозирги аҳволнинг хўжайини сифатида буйруқона оҳангда гапирдим, яъни қўрққан олдин мушт кўтарар бўлди.

Менга ҳужум қилган одам 18-19 ёшли ёш йигит экан, аммо у анча кучли ва бақувват бўлиб менга бемалол бас кела оларди. У ҳам менга қараган эди, юзидаги ғазабли ифода саросимага айланганини пайқадим. Мен унга тик қарадим, танамдаги ҳар бир мушак таранглашди, аммо мен «қилт» этмасдим.

«Агар сен менга қўлингни текизсанг, Ўша бизни кузатиб туради, сен кетишингга имкон бермайди», — дедим мен ва унинг кўзларидан кўзимни узмаган ҳолда калитни бурадим.

Мен машинага ўтириб ўт олдираётганимда ҳам, эшикни ёпиб машинани ҳайдаб кетаётганимда ҳам йигит қимир этмасдан турарди.



«Исо, Сенга раҳмат! Раҳмат Сенга, Исо!» — такрорлардим мен қалтироқ қўлларим билан хавфсизлик тасмасини тақаётиб. Менинг бутун вужудим қалтирар, иккита нарсага ҳайрон эдим: биринчидан, шундай катта тўхташ жойида бир ўзим жиноятчи олдида мутлақо ҳимоясиз бўлиб қолганимга; иккинчидан, жиноятчини Худо берган куч билан тўхтатиб қола олганимга. Мен бўлиб ўтган воқеага сира ҳам ишонгим келмасди. Албатта, ўшандан бери мен бир марта ҳам Худони синаб кўришга ҳаракат қилмадим, кимсасиз, қоронғу тўхташ жойларига бир ўзим кирмадим, аммо ўша пайтда менда пайдо бўлган Худонинг кучи Унинг инъоми эканлигини мен аниқ биламан. Ишонаманки, Худо ҳаммасини кўриб турган, агар ўша йигит ёвуз ниятини амалга ошира олганда эди, бу мен учун ҳам, жиноятчи учун ҳам катта фожеа бўларди. Аммо ўшанда тилим билан унга Худонинг сўзи айтилган эди.

Юқоридан юборилган ажойиб кучни қабул қилиш

Бизнинг қалбларимиз шифо топиши учун Худо бошқа ҳадялар билан бир қаторда Ўз кучини ҳам беради, чунки руҳий соғлиқ ва тикланишни истаган ҳар бир кимса бу инъомга муҳтож ва уни ола билиши керак. Худованд: «Биз, имонлиларга таъсир ўтказаётган Унинг ҳадсиз-поёнсиз куч-қудрати буюклигини ҳам...» (Эф. 1:19) ва «У Ўзининг улуғвор бойлиги билан бизларни куч-қудратли қилишини, Ўз Руҳи билан ички борлигимизни бақувват қилишини...» (Эф. 3:16) ҳам сиз билишингизни хоҳлайди. Худонинг кучини қабул қилиш учун сиз Уни қабул қилишингиз, англаб етишингиз, ким сизнинг душманингиз эканлигини билиб олишингиз, Худонинг кучи душман кучидан юқорироқ эканлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Унинг кучига эришиш учун Исо сизга берган очкичлардан фойдаланишни билишингиз керак, зеро У шундай деган: «Осмон Шоҳлигининг очкичларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади» (Матто 16:19).



Шоҳлиқнинг очқичлари

Қавмбоши Джек Самовий Шоҳлиқ калитлари ва ўзининг машинаси калити ўртасидаги ўхшашликни таққослади. «Менинг машинамнинг калитида деярли ҳеч қандай куч йўқ, — тушунтирди у, — аммо усиз машинамнинг мотори ўт олмайди. Ўзим соатига 60 мил юра олмайман, аммо менда шундай тезлик билан юришга имкон берадиган калит бор.

Исо шундай дейди: «...Осмон Шоҳлиқининг очқичларини сенга бераман». Калитлар куч-қудратга, ҳокимиятга ва имтиёзларга йўл очади. Шундай нарсалар борки, то уларни иш ҳолатига келтирмагунча ишланмайди, худди шундай то ўчирмагунча улар ишлашдан тўхтамайди. Калит двигателга қувват бермайди — калит уни озод қилади».

Қавмбошининг Худо Шоҳлиғи деб айтгани — Унинг чексиз ҳукмрон эканлигига ишончи комиллигидан. Биз Унинг ҳукмронлигига мутлақо тобе бўлишимиз учун ўз иродамизни Унга батамом бўйсундиришимиз лозим. Қавмбоши айтганидек, «Унинг калити бизнинг шоҳлиғимизга мос келади, Унинг кучи буйруқ билан озод бўлади, аммо бу бизнинг инжиқликларимизни қондириш учун бўлмайди».

Худодан келган кучни қабул қила олинг

Мен Унинг иродасига итоат қилиб яшаганим учун, Унинг хочда кўрсатган қахрамонлиғи туфайли Унинг кучига эриша оламан. У туфайли ибодатларим кучга кирди. У мени қоронғуда автомобил тўхташ жойида қутқарди. Мен Унинг йўлларида юрар эканман ва Унга итоат қилар эканман, Унинг Шоҳлиғи калитларини қўлга кирита оламан.

Агар сиз ўзингизни вазиятингиз олдида заиф ва кучсиз сезсангиз, сиз заиф, Худо эса кучли эканлиғи учун Унга миннатдорчилик билдиринг. У шундай дейди: «...Менинг қудратим заифликда тугал бўлади» (2 Кор. 12:9). Исо батамом заиф пайтида хочга тортилиб, бугун ҳам Ўз кучининг тўлалигича яшаётгани каби, биз ҳам заиф ҳолда Унинг олдига келганда кучга тўламыз. Кучимиз бизда Ўз ишини амалга ошираётган Муқаддас Рухдан келиб

ХУДОНИНГ ҚУДРАТИ ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

У толиққанга куч беради, Заифнинг
кучини оширади.

Ишаё. 40:29

Гарчи У заифлик ҳолатида хочга
михланган бўлса-да, Худонинг қудрати
туфайли тирикдир. Шунга ўхшаб, биз
Масихнинг заифлигига шерик бўлсак ҳам,
сизларни деб Худонинг қудрати туфайли
Масихнинг ҳаётига ҳам шерикмиз.

2 Кор. 13:4

Эй фарзандларим, сизлар Худодансизлар
ва сохта пайғамбарларни енгдингизлар.

Чунки ичингиздаги Руҳ дунёда ҳукм
сураётган руҳдан устундир.

1 Юҳ. 4:4

Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас,
балки куч-қувват, муҳаббат ва нафсни
тийиш Руҳини берган.

2 Тим. 1:7

Мана, Мен сизларга илону чаёнларни
эзиб ташлаш ҳамда душманнинг
бутун куч-қудратини оёқ ости қилиш
иқтидорини берганман. Ҳеч нарса
сизларга зарар етказмайди.

Лк. 10:19



чиқади. Исо Ўз шоғирдларига шундай деган: «Қуддус шахридан кетиб қолмай, балки Отамнинг берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъда-ни мендан эшитгансизлар... < ... > ...Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда сизлар қувват оласизлар. Қуддусда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар» (Ҳаворий. 1:4,8). Ўз юрагингизда Муқаддас Рухга жой бермай, сиз ўз ҳаётингизда Худованд кучининг ҳаракатини чеклаб қўясиз.

Инсон табиати шундайки, уни доимо илгариги тобеликка тортади, шунинг учун бизга доимо Муқаддас Рухнинг янги оқими керак. Ҳар куни эрталаб Муқаддас Рух билан тўлишни сўранг ва кунда эрталаб шундай денг: «Раббий, мен яна Сенинг менда ҳаракатланаётган Муқаддас Рухинг ёрдамига муҳтожман. Менинг кучим кам, аммо Сен қудратлисан. Бугун Ўз кучингни менда намоён қил». Бу ибодат албатта сизга ёрдам беради.

Ўз ҳаётингизни фақат инсоний имкониятлар билан ўлчаманг, илоҳий куч сизни ҳаёт қўйган тўсиқлар устидан кўтариб боришига имкон беринг. Сизнинг оқилона тузилишингиз учун берилган кучдан фойдаланинг, аммо доимо эсда тутинг: шайтон бу кучга кўз олайтириб туради. Шайтонга ўз мақсадига етишга имкон берманг.

Бизга Худо берган калитлардан нима фойда, агар биз ҳаётга олиб борадиган эшиклардан биронтасини ҳам очмасак?! Худо сизга ҳадя қилган кучдан нима фойда, агар сиз уни қабул қилмасангиз ва ҳеч қачон ундан фойдаланмасангиз?! У сизга ҳадя қилган куч инъомини очинг. Сизнинг ҳаётингиз шунга боғлиқ.

ИЛОҲИЙ ХОТИРЖАМЛИК ИНЪОМИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

«Сенда руҳий нотинчлик бор, Сторми, — деди менга бир куни Мэри Энн. — Баъзида мен буни аниқ кўраман».

Унинг кабинетида бўлган биринчи учрашувимиздан бери ўтган ўн уч йил давомида биз у билан яқин дўст бўлиб



қолдик. У доимо менинг ҳолатимга тўғри баҳо берарди, аммо бу гал унинг гапига шубҳа билан қарадим.

«Раббий, бу ҳақиқатдан ҳам шундайми, менга айт. Мен бундай нарсани кўрмайман, аммо агар шу гап тўғри бўлса, менинг нотинчлигим сабаби нимада?» — деб ибодат қилардим ёлғиз қолганимда.

Ҳафтанинг охирида Мэри Эн менга шундай деди: «Тушимда, Худо менга айтдики, сенинг руҳий нотинчлигинг сабаби — отанга қарши шафқатсизлигинг экан, шуни менга аён қилди». Мен шу заҳотиёқ бу гапни рад қилдим. Ахир, у менинг отамни умуман билмасди-ку. Отам менга ҳеч қачон ёмонлик қилмаган.

Бир куни ёлғизликда унинг сўзлари ҳақида хаёл суриб, мен Худодан: «Мэри Энн ҳақми?» — деб сўрадим. Бирданига менда отамга нисбатан оғриқ, ғазаб, нафрат ва муросасизлик туйғулари пайдо бўлди: ахир, у бирон марта ҳам мени қамаб қўйган омборхонадан озод қилмаган, бирор марта ҳам онамнинг телбанома ҳужумларидан мени ҳимоя қилмаган. Доимо у мен тарафда эмаслигини сезардим. Мен қаттиқ ҳўнграб йиғлаб юбордим, бутун танам ларзага келиб титрар эди. Шундан сўнг елкаларимдан оғир юк тушганини сездим.

Мен бу ҳақда Мэри Эннга айтганимда, у отамга менинг шафқатсиз муносабатимдан бутунлай халос бўлишим учун ибодат қилди. Мен яна йиғладим, аммо бу қуюлиб келаётган кўз ёшлар қаердан эканлигини тушунмас эдим. Мен отамни доимо севганман, аммо ўшанда янада кўпроқ севиш қобилиятини менда намоён қилган янги озодликни қўлга киритдим. Бировни кечирсак, биз унга бошқача кўз билан қарай бошлаганимизни мен ҳайрат билан тушундим.

Менинг отамга нисбатан бўлган яширин алашим эркаларга ишонч билан қарашга йўл қўймас эди. Ҳаттоки Худога мен бутунлай ишона олмасдим. Мен доимо ўз ишим учун жавобгарликни бўйнимга олар эдим. Бу сезилар-сезилмас ғайри ихтиёрий туйғу эди, у ҳатто менда қаршилик туйғусини ҳам уйғотмади, аммо менинг қалбимни хотир-жамликдан маҳрум қилди. Менинг иштирокимсиз ҳеч нарса бўлмаслигига ишончим комил эди.



Ана шу озодликдан кейин мен Худода шундай хотиржамликни қўлга киритдимки, бундай хотиржамликни илгари сира билмаганман. У Худованд томонидан мен учун тайёрланган эди, аммо ўзимнинг яширин гуноҳим туфайли уни илгари қўлга кирита олмаган эдим.

Ҳозирда отам 92 ёшда. У биз билан то синглимникига қўчиб кетгунча олти йил яшади. Шу йиллар давомида у менинг болаларим учун содиқ дўст, эрим учун биргаликда спорт билан шуғулланувчи ўртоқ бўлди, менга эса унинг борлиги доимо шодлик ва далда бўлиб хизмат қилди. Менинг вақтим йўқлигида у биз учун мазали таомлар тайёрлар эди, мен бирор ёққа кетганимда болаларга қараб турарди. Отам уйда менга ҳеч қачон ёқмаган каминни тозалаш ва ахлатни чиқариб ташлаш каби оғир ишларни ўзи қиларди. Ўйлашимча, агар мен отамни кечирмаганимда, бизнинг ана шундай тил топишишимиз амалга ошмас эди.

Унда хотиржамлик топиш

Хотиржамлик Муқаддас Китобда «жон лангари» (қаранг: Ибр. 6:19) (Муқаддас Китобнинг Синодал таржимасида: «...умидимиз қалбимиз учун лангар...»). — *Изоҳ тарж.*) деб аталган, у ҳаётий вазият бўронли денгизида адашиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳолат дам олингандан кейинги енгиллик туйғусига ёки қаттиқ тунги уйқудан кейинги ёқимли бўшашиш туйғусига ўхшамайди, чунки атрофимизда нима бўлаётганидан қатъий назар, қалбнинг бундай ҳолатидан биз Худо ҳузурида ҳақиқий хотиржамликка эга бўламиз.

Исо шундай дейди: «Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман» (Матто 11:28). У бизнинг юрагимизга хавотирликни киритмасликка, хавотирга ўзидан хотиржамлик олиш қатъиятини қарши қўйишни буйруқ қилади. Биз: «Худойим, бугун мен Сенинг хотиржамлигингга киришни хоҳлайман. Буни қандай қилишни менга кўрсат», деб айтишимиз керак.

Агар биз шундай хоҳиш билдирсак, Худо бизнинг йўлимиздан тўсиқларни олиб ташлайди. Хотиржамликка



эришиш — куйидаги насихатга амал қилиш деганидир: «Бутун ғамларингизни Худога ташланглар, Унинг Ўзи сизларга ғамхўрлик қилади» (1 Бут. 5:7). Ҳар қандай вазиятга кўникишни ўрганинг, шунингдек, доимо: «Худо кўриб турибди, мен бу ҳақда ибодат қиламан. У менинг муҳтожлигимни билади. Мен Унга ўз ихтиёрим билан бўйсунаман ва хотиржамлик ҳолатида бўла оламан», — дейишга тайёр эканлигингизни кўрсатинг.

Хотиржамликка эришишга бизга нима халақит беради?

Шундай қилиб, биз нега хотиржамлик топа олмаймиз? Нега чўкаётган одам хас-чўпга ёпишгандай, тўғри келган нарсага умид боғлаймиз: уйқу дориларига, спиртли ичимликларга, гиёҳванд моддаларга, телевидениега, транквилизаторларга — фақат бўшашиб ҳеч нарса ҳақида ўйламаслик учунми? Муқаддас Китобда айтилишича, руҳий хотиржамликнинг душмани гуноҳ, итоатсизлик ва нотинчликдир.

1. *Гуноҳ.* Гуноҳ бизни Худонинг барча инъомларидан, шу жумладан, Унинг хотиржамлигидан ҳам ажратади. «Аммо ёмонлар тўлқинланган денгиз кабидир, шундай денгизки, тинч тура олмайди, сувлари лой, балчиқ олиб келади. «Ёмонларга тинчлик йўқ», дейди Эгамиз» (Ишаё 57:20-21).

Албатта, У гуноҳкор деб бизни айтмаяпти, аммо хавотир олганимизда, шубҳаланганимизда, шафқатсизлик қилганимизда, Худога ишонмаганимизда ва доимо дам олиш вақтидан тўғри фойдаланмаганимизда, биз ҳам гуноҳ қиламиз.

2. *Итоатсизлик.* Агар Худога итоат қилишдан бош тортсак, биз итоатсизмиз. Бизнинг юракларимиз Худо биз учун тайёрлаган йўлдан адашса, биз хотиржамлик жойини йўқотиб қўямиз. «Шунинг учун бу наслдан безор бўлиб дедим: булар доим дилидан адашган бир қавмдир, Менинг йўлларимга риоя қилмайдилар. Мен ғазабланиб, онт ичдимки: улар Менинг фароғатимга кирмаслар» (Иброн. 3:10-11).

ХУДОНИНГ ИНЪОМЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Ҳар бир неъмат, ҳар бир мукаммал
ҳадя юкоридан, самовий нурлар Отасидан
тушади. Унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ,
ўзгарувчан кўланка ҳам йўқ.

Ёқуб. 1:17

Сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга
яхши ҳадялар беришни билсангиз, боз устига
осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга
мўл-кўл неъматни беради!

Матто 7:11

Худо сизларга ҳар турли қобилият берган.
Ҳар бирингиз шу қобилиятингизни ишга
солиб, бир-бирингизга хизмат қилинглار,
Худонинг бой эҳсонларини парвариш
қилувчилар каби кун кечиринглар.

1 Бут. 4:10

Биз ҳар биримиз Масих иноят этганига кўра
бирон инъом олдик.

Эфес. 4:7

Сизлар яхшиси, аълороқ инъомларга
қизиқинглар. Энди мен сизларга энг олий
йўлни кўрсатаман.

1 Кор. 12:31



3. *Нотинчлик*. Бунга Довуд жуда яхши тавсиф берган: «...менга қўрқув ва титроқ келди, ваҳима босиб олди юрагимни; кошки кабутарнинг қаноти менда бўлса эди, учар ва роҳат ҳам топар эдим, дедим» (Заб. 54:6-7).

Бизда бундай ҳолат тез-тез бўлиб турадими? Ҳар томондан бизнинг устимизга ғазаб, ҳаяжон, хавотирлик, оғриқ, қўрқув ва даҳшат бостириб келади. Бунинг ягона йўли деб биз қочиб кетишни ва яширинишни биламиз. Аммо Худованд бизни ибодат қилишга, онгли равишда Ундан хотиржамлик ва тасалли топишга чорлайди.

Худо бизга ҳафтасига бир кунни дам олиш учун ҳада қилди, бу билан У ҳам бизнинг қалбимиз хотиржамлигини, ҳам танамиз учун дам олишни кўзда тутди. Бу кун бизга Худо томонидан ташвишлардан ва муҳтожликлардан узоқлашишимиз, ҳал қилинмаган муаммоларни, мажбуриятларни ва ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни эсдан чиқаришимиз, У билан бирга вақт ўтказишимиз учун берилган, чунки: «Худо олдида менинг қалбим тинч, фақат Ундан келар менга нажот» (Заб. 61:2) дейилган Муқаддас Китобда. Агар Худонинг Ўзи хотиржамлик кунига риоя қилган бўлса, биз бу кунга риоя қилмасдан қандай яшашимиз мумкин?!

Сиз: «Ҳаётимдан Худонинг хотиржамлик инъомини қабул қилишимга ҳалақит берадиган барча нарсани олиб ташла», деб Ундан сўранг.

ИБОДАТ

Раббий, ҳар қандай эзгу ният Сендан эканлигини мен биламан, Сенинг ҳамма инъомларингга эга бўлишни хоҳлайман. Менга ўз юрагимни улар учун очишни ўргат. Мен ўз ҳаётимда уларга қандай эриша олишимни менга кўрсат. Биламанки, уларсиз Сен мен учун тайёрлаган тўлақонли ҳаётни яшай олмайман.

ОЛТИНЧИ ҚАДАМ: ШАЙТОН ҚОПҚОНЛАРИДАН АЙЛАНИБ ЎТИНГ



«Ҳозирча бу одам эмас, балки бир парча гўшт. Юрак ва руҳ боланинг танасига туғилаётганда киради. Бундан ташқари, бу менинг ҳаётим, нима қилишни ўзим биламан», — дердим мен ўзимга ўзим, қолаверса, бу ёлғонга ўзим ҳам ишонардим. Мен ўзимни ўзим алдардим, бошқа мавжудотни ҳаётдан маҳрум қилганимдан заррача афсусланмас эдим. Аммо бу нарсa ишнинг моҳиятини ўзгартирмас, менинг қилмишимнинг салбий оқибатлари бундан камайиб қолмас эди.

Бунинг ёлғонлиги шунда эдики, менинг барча фикрларим, қилмишларим ва туйғуларим худди менинг ўз ҳақлигимга ишончим сингари, Худо йўлларига қаршилиқ қилар эди. Атрофимиздаги нарсаларни нотўғри қабул қилганимиз учун биз алданамиз. Шайтон ёлғончи ва биз у билан тил бириктирганимизда ўз-ўзимизни алдаймиз.

Ёлғондан халос бўлиш учун, бутун ҳаётингизни ҳақиқатни очувчи Худо каломини нурига олиб чиқиш зарур. Биз бу дунёнинг тушунчалари билан яшамаслигимиз керак, чунки у омонатдир. Ҳомилани сунъий йўл билан тўхтатиш қонуний, демак, унинг ёмон томони йўқ, деб ўзимизга таскин бериб алданамиз. Аммо иш ўзга бир одамнинг ҳаётига бориб тақалганда, бу менинг шахсий ишим, бу менинг шахсий ҳуқуқим, бу менинг шахсий танловим бўлмайди. Бу ерда ўзга одамнинг ҳаётини ҳисобга олиш керак, ҳисобга олмаслик эса тўла маънода алданишдир.

Мен икки маротаба хомиламни суъий йўл билан тўхтатганимдан кейинги мушкул аҳволга тушганимни яхши



эслайман. Ўшанда мен бундай аҳволимнинг сабаби ёмон кайфиятдан деб билардим ва ҳатто то Худо билан учрашамагунимча, Худо ҳақиқатига менинг кўзларимни очган ҳақиқат Рухини қабул қилмагунимча абортнинг ўзи ахлоқсиз эканлигига шубҳам ҳам йўқ эди:

...Мен сени онангни вужудга келтиришимдан олдиноқ танлаган эдим. Туғилмасингдан олдин сени Ўзим учун ажратиб олган эдим, сени халқлар учун пайғамбар қилиб тайинлаган эдим.

Ерм. 1:5

Бутун ичларимни Сен бунёд этдинг, онам қорнида мени ташкил қилдинг.

Заб. 138:13

Мен тиббиётга оид мақолаларда беш ойлик чақалоқлар яшашига қобилятли эканлиги, улар она қорнида ёруғликни ва овозни сезишлари ҳақида ўқидим. «Она қорнидаги чақалоқлар кўрадилар, эшитадилар, таъмни сезадилар, яхши-ёмонни ҳис қиладилар», — дейди Жон Гроссман «Онгли равишда туғилган» (Health Magazine, March 1985) китобида. Мен онгли равишда Худо яратган иқтидорли бандани ўлдирдим, деб тан олишимга тўғри келди. Мен шу банда учун аза тутдим. Аборт — бу ёлғон ва бу ёлғонга ишонган ҳар қандай кимсани пойлайдиган шайтон қопқонидир.

Албатта, Худо марҳамати туфайли биз ўз қилмишларимизга яраша жазо олмаймиз, аммо йўл қўйган номаъқулчиликларимизнинг изи қолади. Мен аборт қилдириб, сўнг: «Мен мутлақо хотиржамман, қилган ишимдан хурсандман, мен шундан сўнг яхши яшай оламан, ўзим ҳам мукаммал шахс бўлдим», — деган аёлни учратмадим. Абортдан сўнг менинг ҳаётим ўзгарди: шахсий сирларимнинг шусиз ҳам бой коллекциясига яна бир қайғули саҳифани қўшдим, албатта, бундан мен ўзимни яхши ҳис қилмадим.

Ёлғон — ҳар қандай ёвузликнинг манбаидир. Шайтон бизни гуноҳни қабул қилишга, Худованд йўлларига қарши туришга бошлайди. У бизнинг танамизни васвасага



солади, биз кулрангни аслида қора эмас, балки оқ деб қабул қилишимиз учун вазиятимизни шайтон кулрангга ўраб бизни адаштиради.

ЧИЗИҚНИ БОСИБ ЎТМАСЛИК

Худо ва шайтон шоҳликлари ўртасидан чегара ўтказилган, унинг икки томонида ҳам одамлар мавжуд. Одам душман томонида бўлиб қолиши унча қийин эмас, шунда шайтон одамларнинг юраги устидан назоратни ўз қўлига олади, ҳатто имонлининг юраги бўлса ҳам. Бунинг учун: «Бу менинг танам», «Бу менинг ҳаётим», «Менинг ўз ҳуқуқларим бор», «Мен ҳеч кимга ёмонлик қилмаяпман», ёки «Бу менинг ҳаётимни осонлаштиради» каби ёлғонларга ишонишнинг ўзи етарлидир. Бу ёлғон ўз кетидан озроқ шаҳвоний ҳирсни, озроқ ёлғонни, озроқ ўз оиласига хиёнатни, озроқ ўғрилиқни, озроқ қотилликни эргаштириб келади. Шундай бўлса ҳам ҳар қандай ҳаракат ёки ҳақиқий ўғирлик, қотиллик, хиёнат, ёлғон бўлади. Сиз ё Худонинг Шоҳлиги томонида бўласиз, ёки аксинча, шайтон томонида бўласиз.

Абортнинг шайтон қопқони негизида ёлғон ва қотиллик руҳи туради. Бундан, ушбу руҳ билан мен иттифоқ тузиб, одамларни ўлдиришга бел боғладим, деган хулоса чиқмайди, балки бундан менинг руҳим Худо инъом қилган ҳаётни қадрлаганим учун тўлов тўлади деган хулоса келиб чиқади. Мен ҳаётни тўла ҳис қила олмасдим, чунки менинг ичимда ўлим ҳаракат қиларди. Гиёҳванд моддаларни, спиртли ичимликларни истеъмол қилишим ва буларнинг оқибатида ўзимни ўлдириш ҳақидаги фикрларим эса шу ўлим руҳининг намоён бўлишидан ўзга нарса эмас.

Ҳаммамиз ёлғонни ҳақиқат деб қабул қилишга мойил бўламиз. Бизни алдаш — шайтоннинг мақсади. Аммо эзгу хабар ҳам бор: биз душман ёлғонини эшитмаслигимиз керак. Биз ҳаёлларимизга келган ҳар қандай фикрга ишониб тўғри иш қилдик, деб ўйлаймиз, аммо бу нотўғри. Биз ўз фикрларимизни Худо Каломи ҳақиқатига мос ёки мос эмас деб таҳлил қилсакки, тўғри йўл тутган бўламиз.



Ёлгоннинг орқасига доимо зулмат руҳи беркинган бўлади. Бу — ҳар қандай ёлгон ўзи билан тобеликни олиб келади деганидир. Ундан эса бизни Худо ҳақиқати ва Унинг йўлларида юриш халос қилади. Худо Каломи ҳақиқати билан ақлимизни тўлғазиб, ёлгонни ажрата билишимиз мумкин. «Раббий, мени ёлгондан Ўзинг асра» деган ибодатни ҳар куни такрорлаб, ёлгонни ўзингиздан ҳайданг. Сизнинг Худо ҳақидаги етарли бўлмаган билимингиздан шайтон ўзингизга қарши фойдаланади.

Худо сизни гуноҳлар занжиридан — биз уни билиб қилдикми ёки билмай қилдикми, ўз айбимизни сезамизми ёки сезмаймизми, бундан қатъи назар, халос қилишни хоҳлайди. Агар сиз ўзингиз ёлгон оқимига тушиб қолганингизни ва у сизни оқизиб кетаётганини кўрсангиз, дарҳол ўз гуноҳингизни тан олинг ва тавба қилинг. Агар абортлар ҳақидаги ёлгонга ўзингизни қамраб олишга имкон берган бўлсангиз, шундай денг: «Раббий, мен ёмон иш қилганимни тан оламан. Мен ўзимни оқламайман, чунки Сен менинг аҳволимни ва менинг юрагимни биласан. Сен ҳар биримизни она қорнида вақтимиздаёқ билишингни Ўзингнинг Каломинг менга менга аён қилди. Мен энди ўзим нобуд қилган одам ҳақидаги Сенинг режаларинг амалга ошмаслигини биламан. Мен бундан пушаймонман ва ўз гуноҳим учун тавба қиламан. Доимо Сенинг йўлларингдан юришимга ва доим ҳаётни танлашимга ёрдам бер. Мени марҳаматингдан дариг тутма, мендан ўлимни қайтар — бу менинг гуноҳим учун жазодир. Исо номи билан Сенга илтижо қиламан».

Чин дилдан тавба қилиб, ибодатингизни тугатганингиздан кейин, шайтон сизни айблашига йўл қўйманг. Чунки Худо сизни Ўз авфи билан сиз учун тайёрлаган ҳаётда яшашингиз учун халос қилди.

Бу бобда мен сизни ёлгоннинг ҳаётда кўп учрайдиган турлари билан таништирмоқчиман. Улар ўн беш турдан иборат. Биз ушбу ёлгонларнинг ҳар бир турига шунчалар мойилмизки, баъзида бу ёлгонларни сезмай ҳам қоламиз. Мени ўзим бир неча марта шундай ёлгонлар қопқонига тушганман. Шу ёмон хусусиятларга тобе ҳам бўлганман. Бу рўйхат сизга шайтон қопқонларига тушмай туриб, улар-



ни англаб етишингизга ёрдам беради, деб умид қиламан. Ҳаётингизнинг ҳеч қайси жабҳасида ёлғон тўрларига тушмасликка ҳаракат қилинг.

ШАЙТОННИНГ ҒАЗАБ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Биз тез-тез қўзиб турадиган ғазабимизни оқлаб шундай деймиз: «Энг асосийси — бу менинг ҳуқуқларим, агар ўзгалар уларни бузсалар, мен норозилик билдиришга ҳақлиман». Бу тасдиқнинг қалқони шундаки, биз шайтондан бошқа ҳаммадан ғазабланишга ҳақлимиз, деб ишонамиз. Ҳақиқатда эса бизнинг ғазабимизга сабаб бўлган вазият ва одамлар — шайтоннинг бизга қарши ишлатадиган куроллариدير.

Мен ўзимда чуқур илдиз отган онамга нисбатан нафратимдан қутулганимдан сўнг, ҳар бир учрашганимизда, шайтон мени ҳақоратлар, мен эса нафратимни зўрға жиловлар эдим.

«Сторми, шайтон онангдан сенга қарши фойдаланяпти, — тушунтирди менга Мэри Энн мен унинг олдига ёрдам сўраб борганимда. — Сенинг онанг шайтон идишидир, чунки уни ёвуз руҳлар назорат қилиб туради. Сен у билан эмас, шайтон билан жанг қиялпсан».

Ғазабимни онамга эмас, шайтонга қаратиш — менга жуда қийин бўлди, айниқса, онамнинг олдида мен ўзимга тўхтовсиз равишда душманам ким эканлигини эслатиб турганимда. Аммо онам билан бир оз мулоқотда бўлганимдан сўнг у билан шайтон ўртасидаги чегара ўз-ўзидан йўқола бошлади. Ниҳоят, мен ўз ғазабимни нафақат ундан узоқда жиловлай олдим, балки мен унинг ҳузурида бунга эришмасимдан онам вафот этди. Ҳар гал онамнинг кўз ўнгиде мен ғазабим ҳақида Худога айтишимга, Ундан ёрдам сўрашимга тўғри келарди.

Худодан хафа бўлмоқ

Кўп ҳолларда кучли ғазабнинг илдизи инсонларнинг Худодан ранжишида бўлади. Одамлар Уни ўз бахтсиз-



ликларининг айбдори деб билишади. Кўп ҳолларда бундай вазият обрўли одамлар томонидан ҳақоратланган ва камситилган инсонларда, ёки улардан кўнгли совиганларда кўпроқ учрайди. Одатда, одамлар тушунмаган ҳолда отоналарининг, бобо-бувиларининг, ўқитувчиларининг ёки ҳақиқий Худо табиатига ҳеч тўғри келмайдиган бошлиқларининг феъл-атворини Худодан кўрадилар. Агар сизнинг ота-онангиз пасткаш, ёвуз, бағритош, ақлсиз, сусткаш, лоқайд ва заиф мавжудотлар бўлишса, сизга Худо ҳам улардан ҳеч фарқ қилмайдигандай туюлади. Ана шундай тасаввурлар сизни Худога қарши қилиб қўяди.

Эрим билан менинг умумий дўстимиз бор, жуда истеъдодли одам, аммо у, Худо йўл ҳалокатида опамнинг ҳаётига зомин бўлган, мен ногирон бўлиб қолдим, натижада спортдаги муваффақиятларим чиппакка чиқди, бунинг ҳаммасига Худо сабабчи, деб билиб Ундан юз ўгирган. Ўша ҳалокатга ўн беш йил бўлди, у эса ҳалигача Худодан хафа, нега У шу фалокатнинг олдини олмади, деб ҳамон сўрайверади. Аммо ҳақиқатда эса бу бахтсиз ҳодиса Худонинг режасида йўқ эди. Ўлдириш — бу шайтоннинг мақсади, ўлим унинг режасининг ажралмас қисмидир. Бу яхши одам эса умидсизликда ва тобеликда яшашда давом қиляпти, бу эса унинг ҳаётига жуда катта таъсир ўтказди.

Худони айблаб биз ўзимизни ноқулай аҳволга солиб қўямиз, Худовандни тан олиш эса бизнинг халос бўлишимиз учун ягона йўлдир. Худони айблашлар адолатсиз ғазабга олиб келади, агар бу ғазаб инсоннинг юрагига йўналтирилган бўлса, уни касал, ҳаётдан кўнгли тўлмаган ва ҳеч нарсадан қайтмайдиган мавжудотга айлантиради, ёки агар у ташқарига чиқса одамнинг яқинларини, атрофдагиларини жароҳатлайди. Бундай нуқтаи назар албатта мағлубиятга учрайди.

Агар сиз Худодан ачиққанган бўлсангиз, Худонинг олдида бундан тан олинг. Қўрқиш керак эмас — сиз Худонинг хафа қилиб қўймайсиз, чунки У доимо бу ҳақда билади. Унга мурожаат этиб шундай ибодат қилинг: «Ота, мен мана шу ... (вазиятни айтинг) туфайли Сендан хафа эдим. Менинг қалбимдаги итоаткорлик Сенга нисбатан



айбловлар билан алмашди. Илтимос, мени кечир, ғазаб ва аламлардан халос бўлишимга ёрдам бер. Сен ҳақингдаги нотўғри фикрлардан мени халос қил, Сени яхшироқ билиб олишимга ёрдам бер».

Қалбдаги ғазабни қандай жиловлаш мумкин?

Муқаддас Китобда биз ғазабланмаслигимиз керак, деб ёзилган, аммо у бизнинг ғазабимизнинг иккита фарқли томонини белгилайди: биринчидан, биз ўзгаларни на сўзимиз, на ҳаракатимиз билан ҳақоратлашга ҳаққимиз йўқ, иккинчидан, биз ғазабимизни ичимизда сақлаб, шу билан ўзимизни оқламаслигимиз, дарҳол Худо олдида ғазабимиз учун тавба қилишимиз керак.

Ғазаб қалбимизни чулғаб олган пайтда биз унда шайтоннинг қўли борлигини кўра билишимиз ва ғазабимизни онгли равишда унга қарата олишимиз керак. Атрофдагиларга — эримизга, хотинимизга, боламизга, дўстга, ҳукумат кишиларига, нотаниш одамга ёки ўзимизга ғазабимизни тўкиб солиш — нишонни нотўғри олиш демакдир. Бизнинг вазифамиз — ғазабимиз тўла кучга киргунча шайтон бизни бошқаришига имкон бермасликдир.

Мэри Энн менга онам билан ёлғиз қолмасликни маслаҳат берди, чунки ҳар сафар бу мен учун ҳақиқий азобга айланарди. Мен ва эрим бунга рози бўлдик. Ота-онамни фақат бирга — оилавий равишда бориб кўришга қарор қилдик. Ташрифларимиздан олдин биз ибодат қилардик, онамда яшайдиган руҳлар менга ҳужум қилишларини таъқиқлаб, боғлаб қўярдик. Мен Худодан: «Онамга нисбатан менда Ўзингнинг муҳаббатингни, уйғот, мен ғазабимни шайтонга йўналтирай, менга шуни эслат», деб сўрардим. Бу жуда яхши ёрдам берарди. Худога қилган илтижоларим ҳар доим ҳам менга ёрдам берарди, деб айта олмайман, аммо нима бўлганда ҳам, мен ўзимда онамнинг ҳақоратларига итоаткорлик билан чидашга куч топардим.

Ғазабга бас келиш учун ғазабни Худованд олдида рост-гўйлик билан тан олиш керак, бўлмаса, ёлғон билан мустаҳкамланган ғазаб сизни бошқара оладиган ғазаб руҳига айланиши мумкин. Агар сизда ғазаб хуружлари бўлиб турса,



ёки сизнинг ғазабингиз тийиб бўлмайдиган даражада кучайса, уни жиловлай олмасангиз, шунда сиз ғазаб руҳига дуч келган бўласиз. Ғазабга мойиллик баъзида ота-онадан болаларига мерос бўлиб ўтади, ёки фарзанд ота-онасида тез-тез юз бериб турадиган ғазаб хуружларининг гувоҳи бўлса, болада ҳам ғазаб пайдо бўлади. Агар сиз қачонлардир қандайдир ғазабнинг қурбонига айланган бўлсангиз, тошбағрлик ва унутиб бўлмас хотиралар сизда ғазаб хуружларининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Мен ғазабнинг сабаби нафрат эмас, балки ички дард эканлигини тушундим.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ҳар қандай ёмон ният ва гина-қудурат, ҳар қандай қаҳру жаҳл, нолиш ва ғийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирларингизга қўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар» (Эф. 4:31-32). У яна огоҳлантирадики, биз ғазабга ихтиёримизни топшириб, Муқаддас Руҳни хафа қиламиз.

Агар сизда ғазаб руҳи яшар экан, сиз ҳеч қачон хотир-жамликка, руҳий тикланишга эриша олмайсиз, ўзингизни ҳеч қачон собит одамдай ҳис қилолмайсиз. Ҳар бир ғазаб хуружи сизни орқага суриб орзу қилган мақсадингиздан узоқлаштиради, сизнинг ибодатларингиз эса жавобсиз қолади.

Агар сиз ғазабли руҳга тобелик сезсангиз, шайтонга баланд товуш ва ҳукмронлик билан шундай денг: «Эй ғазаб руҳи, мен сени биламан, Исо номи билан сени боғлайман. Мен шуни баланд овоз билан айтаманки, сен энди менинг устимдан ҳукмронлик қила олмайсан, мен ғазабимни фақат сенга йўллайман. Мен сени ғазаб хуружларим орқали ҳаётимни ўғирлашингга йўл қўймайман. Исо менинг ҳаётим Худоси эканлигини, У менинг ақлимни, қалбимни, руҳимни назорат қилишини баланд овоз билан айтаман. Эй ғазаб, Исо номи билан айтаман: мени тинч қўй». Кейин баланд овоз билан: «Эй Худойим, Сени шарафлайман, Сен ҳар қандай ёлғон руҳидан чексиз кучли эканлигинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман», деб шукроналар айтинг.

МУҚАДДАС КИТОБ ҒАЗАБ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Ғазабланиб, гуноҳ қилманглар. Қуёш ботгунча,
ғазабдан қайтинглар. Иблисга фурсат
берманглар.
Еф. 4:26-27

Уришқоқ билан дўстлашма, баджаҳл билан
юрма. Бўлмаса сен ҳам уларнинг йўлига тушиб
қоласан, жонингни тузоққа илинтирасан.
Ҳикмат. 22:24-25

Сержаҳл одам жанжал чиқаради, серзарда
эса кўп гуноҳ қилади.
Ҳикмат. 29:22

Лекин Мен сизга айтаман: кимки биродарига
беҳуда ғазабланса, жавобгарликка тортилади.
Кимки биродарига аҳмоқ деса, олий маҳкамада
жавоб беради. Кимки биродарига телба деса,
жаҳаннам оловида жавоб беради.
Матто 5:22

Жаҳлдор бўлмагин, чунки жаҳл нодонларнинг
юрагида уй қуради.
Вовз 7:9



Биз ғазабимизни ўзгаларга сочамиз ёки уни ўзимизда сақлаймиз, бу билан ўзимизни касалликларга, тушкунликка маҳкум қиламиз ёки уни шайтонга йўналтирамиз. Нима қилиш эса барибир бизнинг ихтиёримизда.

ШАЙТОН ХИЖОЛАТГА СОЛИШ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Бир куни эрталаб (ўшанда ушбу китоб устида ишлардим) мен шундай бир ваҳимали туйғу билан уйғондимки, худди атрофимда ҳамма нарса вайрон бўлаётгандай эди. Мен олдимда на бирон мақсадни, на келажакни кўрмасдим. Оилам менга бегона ва мендан узоқ одамлар гуруҳи бўлиб туюларди. Барча ҳаётий қадриятларим мен учун бирданига ўз маъносини йўқотди: уйим («Бу ердан кетиш вақти келди»), оилам («Ким у менинг эрим?»), дўстларим («Мен билан кимнинг иши бор?»), ижодим («Мен одамларнинг эътиборига лойиқ бирор нарса айта оламанми?») хуллас, мени ҳеч нарса хурсанд қила олмасди, ҳамма нарса маъносиз туюларди.

Ниҳоят, мен Худога қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдим: «Менинг бу фикрларим қаердан пайдо бўлди? Нега улар мени таъқиб қилади? Эй Раббий, мен биладан, бу туйғулар Сендан келмаган. Нима бўлди ўзи?»

Кечагина ҳаммаси яхши эди. Мен шу кунлар арафасида нималар бўлганини эслай бошладим. Ўша куни болаларимиз оқшомни дўстлари билан ўтказмоқчи эдилар, биз Майкл билан камдан-кам ёлғизликда қолар эдик, бугун шундай имконият туғилди. Биз кинога боришга қарор қилдик, газета афишасидан фильм танлай бошладик.

«Булар ҳеч нимага ярамайди — рейтинги паст, буни-си эса фақат зўравонлик ҳақида. Бунда эса умуман ақли нарса йўқ, унисида фақат жирканчли ҳирс акс этган», — изоҳ берардим мен фильмлар рўйхатини кўздан кечирар эканман. Шундай қилиб, бирин-кетин барча фильмларни яроқсизга чиқардим.

Биз ўзимиз учун нотаниш бўлган фильмда тўхтадик. Мен қайси фильм кўришга арзирли эканини билиш учун



Ўзим тузган аннотацияларни кўриб чиқдим, аммо ҳеч қандай маълумот топа олмадим.

«Бу кинофильм ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган, аммо уни кўриш тўғрисида ҳеч қандай чеклов йўқ, — дедим мен. — Қизиқ, у қандай кинофильм экан?» Ниҳоят, биз кинотеатрда барибир бирга бўламиз-ку, деб ўйлаб, у ерга иккимиз боришга қарор қилдик.

Фильм меҳнаткаш эр билан ўзини ёлғис ҳис қилган аёлнинг ишқий саргузаштлари ҳақида эди. Саргузаштлар экранда очикчасига намоён этилмаса-да, мен ўзимни ёмон ҳис қилдим, чунки барча саҳналарда ошкора равишда Худоба қаршилиқ ҳоллари бор бўлиб, ҳаётга бундай салбий қарашлар маъқулланган.

Бу ҳақда эслаб шуни тушундимки, фильмда тарғиб қилинаётган «кадриятларни» мен маъқулламаслигимга, қабул қилмаслигимга қарамай, қалбимдан улар учун йўл очдим, натижада хижолатчилик руҳи пайдо бўлиб, менга таъсир қилди. Агар биз кинотеатрдан Худонинг биринчи огоҳлантиришидаёқ кетганимизда эди, кейинги куни менда шундай кайфият бўлмас эди. Шундай бўлдики, Муқаддас Рухнинг пок оқими ташқи дунёнинг ифлос оқимидан кирланди, менда пайдо бўлган ва Худодан келмаган умидсизлик эса менинг юрагимга хижолат кирганидан дарак берарди.

Бу оддий тасодиф эдими? Ёки менинг ортиқча таъсирчанлигим мевасими? Бундай эмас. Ҳақиқий пулларни пайпаслаш орқали қалбакисидан ажрата оладиган банк кас-сирига ўхшаб мен ҳам Муқаддас Рух ҳузурида вақтимни ўтказиб душман руҳини фарқлашни ўргандим. Қалбим Худо руҳи таъсирига эмас, фильмни кўриш жараёнида хижолатчилик руҳи таъсири остига тушди.

Хижолат чекиб, биз одатда бу туйғунинг келиб чиқиш сабабларини ўзимиздан қидирамиз, ўзимизда нимадир меёрида эмас, деб ўйлаймиз. Ҳақиқатда эса, биз хижолат руҳи манбаи — шайтоннинг таъсирига тушган бўламиз. Агар сизнинг ҳаётингиз Исога берилган бўлса, гарчи сизнинг ҳаётингиз вазиятларингиз мураккаб бўлишига қарамай, унда ҳеч қачон хижолатга ўрин бўлмайди.



Рухий хижолат ва дунёнинг таъсири

Хижолат — фикримизда кераклича тартиб йўқлиги, қарама-қаршиликларнинг фикримизда тартибсиз жойлашгани натижасидир. Хижолатнинг сабаби — бу зулмат ва ёруғликнинг аралашиб кетишидир. Қаерда илоҳий тартиб-интизом ва Худованд билан бирлик бўлмаса, ўша жойда хижолатпазлик юз беради. Ҳозирги замонда дунё тартибсизликлардан иборат, чунки ёвузлик эзгулик билан бир қаторга қўйилади, эзгулик эса уйдирма дейилади. Тартиб-интизом йўқ ҳаёт шароитида тартибсизлик ва чалкашлик зулматини ёриб чиқишнинг ягона йўли — Худодан ва Унинг каломи ҳақиқатидан паноҳ излашдир.

Хижолат — бу руҳий жараён эканлигини билиш фойдалидир. Худо билан яқин муносабатда бўлган ҳар қандай одам ўқлар ёмғири остида қолиши мумкин. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...Чунки Худо тартибсизлик Худоси эмас, тинчлик Худосидир. Худонинг барча азиз жамоатларида шундай бўлади» (1 Кор. 14:33). Агар сизнинг ҳаётингиз хўжайини Худо бўлса, сиз аниқлик, оддийлик ва хотиржамлик каби эзгу мевалардан татийсиз. Агар аксинча бўлса, сиз руҳий саросималик, чалкашлик ва хижолатнинг темир қисқичлари орасида қоласиз.

Саросима қандай қилиб руҳингизни эгаллаб олиши мумкин?

Бу учун сиз ёмон фильмларни кўришингиз шарт эмас. Фақатгина Худо сўзини эшитиш пайтида бегона фикрларга кулоқ солишингизнинг ўзи кифоядир. Худованд сўзига ҳар қандай қаршилиқ сизнинг ҳаётингиздан хижолатчилик руҳига йўл очади. Муқаддас Китобда айтилишича, спиртли ичимликлар инсон онгига чалкашлик олиб киради, аммо чалкашлик Худодан бўлмаган ҳамма нарсадан пайдо бўлади: бу дунё «қадриятлари» билан тўлган ғийбатлар, беҳаёлик, жинсий муносабатларда бефарқлик, гиёҳванд моддалар, ойнаи жаҳон фильмлари ва журналлардир. Биз ўз ҳаётимизда бир-бирига мос келмайдиган нарсаларни ўзаро боғламоқчи бўлсак, хижолат тортиб қоламиз. Масалан, биз жамоатларга бориб турамиз, хайр-эҳсонлар



қиламиз, рўза тутамиз, ибодат қиламиз ва айни пайтда хаёлимизда қавмбошининг гўзал ёрдамчиси ёки келишган аёл ҳамкасбимиз билан бўладиган саргузаштлар ҳақида ўй сурамиз.

Ҳар қандай ҳирсий хоҳиш онгни саросимага солиб қўяди. «...Чунки қаерда ҳасадгўйлик ва худбинлик ҳукм сурса, у ерда тартибсизлик ва ҳар хил ярамаслик пайдо бўлади» (Ёқуб. 3:16). Ўз-ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш ҳам саросималик руҳига йўл очади.

Саросимадан қандай қутулиш мумкин?

Онгингизга саросима руҳи таъсир қилиб, сизни аҳмоқона ёки шошилинч қарорлар қабул қилишга мажбур қилади. Ёки умуман сизнинг тўғри фикрлаш қобилиятингизни тўхтатиб қўяди ва сизни ҳар қандай тўғри қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Аммо шуни яхши билингки, сиз ҳеч қачон ва ҳар қандай вазиятда бу руҳнинг назорати остида яшамаслигингиз керак. Бу муаммо тўғрисида Худога мурожаат қилинг, унинг ҳар бир таркибий қисми учун ибодат қилинг: «Раббий, мен руҳий саросимада яшашни хоҳламайман. Бу саросима Сендан эмаслигини биламан. Мен Сендан нима келишини биламан, булар: қувват, муҳаббат ва онг равшанлигидир. Мен Сенинг йўлларинг оддийлигини ҳам биламан. Биз ўз ҳаётимизни ўзимиз чалкаштирамиз. Раббий, менинг туйғуларим ва фикрларим ҳақидаги оддий ҳақиқатни менга кўрсат. Мен ҳаётимга кириб келган саросимага қаердан эшик очганимни менга кўрсат, токи мен бу гуноҳим ҳақида Сенинг олдинда тавба қилай, ундан покланай. Мен саросималик руҳидан воз кечаман, саросималик менинг устимдан ҳукмронлик қилишига ҳеч қандай ҳукуқи йўқ деб баралла айтаман. Исо Масих томонидан берилган ҳуқуқим билан мен бу руҳни ҳайдайман. Эй Раббий, мен Сени шарафлайман, менга Масихдан берилган донишмандлик, поклик ва оддийлик учун Сенга миннатдорчилик билдираман».

Шундай деб ибодат қилиб Худони шарафлашни бошланг ва фикрларингизда олдинги равшанликка эришмагу-

МУҚАДДАС КИТОБ ХИЖОЛАТПАЗЛИК ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Аслида бошқа Инжил йўқ. Фақат баъзилар
сизларни чалғитиб, Масих Хушхабарини
бузиб кўрсатишни хоҳлайдилар.

Гал. 1:7

Раббим ҳақи ишончим комилки, сизлар
бу хусусда бошқача фикр қилмайсизлар.
Фикрингизни чалғитувчи ким бўлмасин,
шунга яраша жазосини олади.

Гал. 5:10

Мабодо Момо Ҳавони илон ўзининг
ҳийлагарлиги билан алдаганига ўхшаб,
сизларнинг ўй-фикрингиз ҳам бузилиб,
Масихга хос соддаликдан айрилиб
қолмасангизлар, деган хавотирдаман.

2 Кор. 11:3

Ҳолингизга вой, эй ёмонни яхши,
Яхшини ёмон деб айтадиганлар, Зулматни
нур билан, Нурни эса зулмат билан
алмаштирадиганлар! Эй аччиқни ширин,
Ширинни аччиқ дейдиганлар!

Ишаё 5:20

Кўзларинг ғалати нарсаларни кўради,
юрагингда эгри фикрлар бўлади.

Ҳикмат. 23:33



нингизча давом қилинг. Чалкашлик ва тартибсизликлар Худо борлигига ҳеч ҳам мос келмайди, ана шунинг учун саросималик руҳига қарши қурол — Худога таъзим қилиш, Уни мақташ ва Унга миннатдорчилик билдиришдир.

Сизни хижолатга солувчи руҳ таъсирида бўлиш сизнинг руҳий соғлигингизга, ҳаётий бахт-саодатингизга, Худони англай олишингиздаги ўсиб боришингизга таҳдид солади. Йўлларингизни Худо иродасига итоаткорликда яшаётганингизга ишончни сақлаган ҳолда кузатинг, ўзингиз саросима руҳи қопқонига тушмаслигингиз учун Худодан, менга тўғри йўл кўрсат, деб сўранг.

ИБЛИСНИНГ ҲУКМ ҚИЛИШ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Бошқаларни танқид қилаётганимизда ишонаётган ёлғонимиз қуйидагича хулосага олиб келади: «Мен улардан яхшиман». Аммо биз ўзимиз: «Улар мендан яхши» деган фикрни тан олишга қўрқамиз. Ўзимиз ишонаётган ёлғонимишунга олиб келадики, биз Худодан бошқа ҳамма одамларга қозилик қилишга ҳаққимиз бор, деб ҳисоблаймиз.

Илгари одамлар мендан қанчалик яхши эканликларини билиш учун, менда доимо бошқаларни танқид қилиш одати бор эди, ҳақиқатда эса ўзим бундан кўрқардим, одамлардан турли камчиликлар ўйлаб топардим. Бу менга қувонч бағишламас эди, чунки натижада мен ўзимга янада кўпроқ танқидий назар билан қарардим. Аммо мен Муқаддас Китобда қуйидаги сўзларни ўқидим: «...Сизлар қандай ҳукм қилсангиз, сизга ҳам шундай ҳукм ўтказилади. Сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангиз, сизга ҳам шундай ўлчов татбиқ этилади» (Матто 7:2). Натижада менга шу нарса аён бўлдики, ўзингиздаги камчиликлар сабабли ўзгаларни қоралаш нафақат менинг ҳаётимда Худонинг ҳаракатланиш имкониятларини чеклаб қўяди, балки менинг ҳаётимга ҳукм қилиш руҳини ҳам жалб қилади.



Ҳукм қилиш руҳидан халос бўлиш

Кимни болалигида жуда кўп хафа қилган бўлсалар, кўпинча уларда бошқаларни қоралаш одати пайдо бўлади. Ёшлик давридаги камситилишлар туфайли, инсонда, ўзини бошқалар кўзи ўнгида кўтариш учун, ўзгаларни камситиш истаги пайдо бўлади. Бундай одамнинг бағри тош бўлиб бораверади, чунки у бошқаларга мурувватли бўла олмайди.

Бошқаларга нисбатан мурасасизлик тез орада инсон хулқининг бир жиҳатига айланади, бу эса инсоннинг ўзига зарар етказади, чунки овоз чиқариб айтилмаган қоралаш ҳам танқидий руҳга олиб келади. Бу руҳ одамнинг ҳар бир фикрига ва ҳар бир сўзига соя солиб туради, уни шодликдан маҳрум қилади. Вазиятга ва ҳаёт шароитларига мурасасизлик ҳам одамларни мурасасизлик каби ҳалокатга элтувчидир, чунки у бизни эзма ва мижғов одамга, бошқача қилиб айтганда, ҳеч ким мулоқот қилишни хоҳламайдиган одамга айлантиради. Агар ҳамма сиздан қочса, руҳий шифоланиш учун шундай зарур бўлган муҳаббатни ва қўллаб-қувватлашни топиш жуда қийин!

Норозилик юракдан муҳаббатни сиқиб чиқаради. «Агар башоратгўй бўлсам, агар бутун сирлардан воқиф бўлиб, ҳар қандай илмни билсам, агар тоғларни кўчирадиган имонга эга бўлсаму, лекин севгим бўлмаса, мен ҳеч нарса эмасман» (1 Кор. 13:2). Агар бизнинг юрагимизда севги бўлмаса, биздаги ҳиссий ривожланиш ва руҳий шифо топиш жараёни тўхтаб қолади. Агар доимий равишда ўзимизни Худо муҳаббати билан тўлдириб борсак, Унга мақтовлар айтиб миннатдорчилик билдирсак, доимий норозиликдан қутулиш мумкин.

Агар сиз болалигингиздан бошқаларни танқид қилишга ўрганган бўлсангиз, сўзларингизга ва юрагингизга «ҳимояловчи мослама» қўйинг. Танқид қилиш руҳининг ўзига хос ёқимсиз таъсирини билиб олишга, танқидий фикрларни ва сўзларни онгли равишда бошқалари билан — одамлар ва вазиятлар ҳақида ижобий маълумотларга эга бўлган эзгу фикрлар билан алмаштиришга ўрганинг.

Агар сиз ўзингизда танқид қилишга енгилмас ва барта-раф қилиб бўлмайдиган иштиёқ сезсангиз, мана бундай

МУҚАДДАС КИТОБ ҚОРАЛАШ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Бир-бирингизга қарши ёмон ният қилманглар,
ёлғон қасам ичманглар, чунки Мен бу
нарсалардан нафратланаман.

Зак. 8:17

Сизлар Худонинг эрк берадиган
Қонуни бўйича ҳукм қилинувчилар каби
гапиринглар ва ҳаракат қилинглар. Чунки
ҳукм шафқатсизга шафқатсиздир. Шафқат
эса ҳукмдан устун келади.

Ёқуб. 2:12-13

Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз чиқмасин.
Лекин эҳтиёжга кўра, тингловчиларнинг жонига
ора кирадиган яхши сўзлар гапиринглар.

Эф. 4:29

Сизнинг ичингизда ким бегуноҳ бўлса, ўша
биринчи бўлиб аёлга тош отсин.

Юҳ. 8:7

Аввало бир-бирингизни ихлос билан севинглар.
Чунки севги кўп гуноҳларни ювади.

1 Бут. 4:8



ибодат қилинг: «Раббий, менинг фикрларим ва сўзларимни танқид руҳи бошқаришини хоҳлайман. Эй Худойим, фақат Сенгина ҳар қандай вазият ҳақида ҳақиқатни очишингни мен биламан. Менга мурувватли, бошқаларни танқид қилмайдиган, ўз ҳаётидан зорланиб вайсамайдиган одам бўлиш учун менга ёрдам бер. Кечиримли бўлганинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман. Бошқаларга нисбатан шафқатли бўлишни ва уларни кечиришни менга ўргат».

Мен ҳар доим шундай ибодат қилдим. Шу кунгача Худо менга дунёга ижобий назар билан қарашимга, инсонларнинг фақат яхши томонларини кўришимга ёрдам бериб келмоқда. Бу дегани — мен ўзгаларнинг гуноҳларидан кўз юмаман дегани эмас, балки менда инсонни гуноҳи учун танқид қилишга ҳаққим йўқ. Мен ўзгалар учун ибодат қилишим мумкин, уларга Худонинг сўзини айтишим ҳам мумкин, аммо ҳеч қачон одамларни фош қилиб айблай олмайман.

Сизга мурувватли юрак ато қилишини Худодан сўранг. Танқид руҳи сизни марҳаматлардан маҳрум қилади ва ўзингиз хоҳлаган мақсадга интилувчан киши бўлишингизга ҳалақит беради.

ИБЛИСЛАРЧА ИТОАТСИЗЛИКДАН ЎЗИНГИЗНИ ОЛИБ ҚОЧИНГ

Менинг руҳий касал онам, мен соппа-соғман, деб ўзини ишонтирар, атрофдагиларни эса касал деб ҳисоблар эди. Бу ўзини ўзи алдаш эди. Отам онамнинг касаллиги ҳақида биларди, аммо нима қилиш кераклигини билмасди. У хотинини ёшлигида даҳшатли фильмларда кўргани каби, бутун умр руҳий касаллар шифохонасида яшашидан хавотир олгани сабабли, руҳшуносларга мурожаат қилмас эди. Отам, бир кун келиб хотиним соғайиб кетар, деган умид билан ўзини ўзи юпатар ва бу муаммога эътибор бермасликка ҳаракат қиларди. У ҳақиқатни инкор қилиб яшарди.

Алданиш — бу ёлғонга ишониш ва буни англамасликдир. Бошқа томондан, инкор қилиш — бу ҳақиқатни билиш,



аммо ўзини билмагандай қилиб кўрсатишдир. Ҳақиқатни инкор қилиш — бу ўз-ўзини алдаш демакдир.

Синди исмли ёш аёлни отаси доимо жинсий алоқага мажбурлаган, оиланинг бошқа аъзоларини эса калтаклаб турган. Шу сабабли Синди отасини ўзининг иттифоқчиси деб билган. У ота ва қиз ўртасидаги жинсий алоқанинг жирканчлигини билса-да, оиласида фақат угина отанинг зулмидан қутулиб қолиши мумкинлиги сабабли ҳақиқатни инкор қилган. Ҳақиқатни тан олишга эса унинг кучи етмаган.

Отаси уни алдаётганини, уларнинг ораларидаги муносабат гуноҳ эканлигини тушуниши учун Синдига психотерапевт бир йил ёрдам кўрсатди. У илгари кечиримни ортиқча деб ҳисоблаган бўлса ҳам, даволаниш унга отасини кечиришга ва илоҳий шифони қабул қилишига ёрдам берди.

Ҳақиқатни инкор қилиб яшаш — бу ёлгон ботқоғига ботиб яшашдир, чунки биз шак-шубҳасиз ҳақиқатларни тан олишдан бош тортамиз. Биз ўзимизга ўзимиз: «Агар мен буни бўлмайти деб ишонтирсам, бу ўз-ўзидан йўқолади» ёки: «Агар мен ўзимни ўзим бу умуман бошқа нарса деб ишонтирсам, бу бошқа нарсага айланади», деймиз. Аммо вазият назорат остидан чиққанда, ўз-ўзини ҳимоялашнинг бу усули ёрдам бермайти. Нима қилиб бўлса ҳам ўзимизни қутқариш учун биз уни ўз онгимизга беркитамиз ёки унинг мавжудлигини инкор қиламиз.

Ўз-ўзингизни алдаш ёвуз эканини фақатгина Муқаддас Рух ёриб ўта олади. Қоидалардагидек ҳақиқатни рад этиб яшайдиган инсон билан тўғридан-тўғри тўқнашиш кутилаётган натижаларни беради. Ўз ҳимоясида бўлган ғалабага элтувчи курашдан бош тортмоқ — у учун ўзининг терисини шилиб олиш билан баробар бўлади, оғриқ эса чидаб бўлмас даражада. Бу ерда фақатгина ўлик терини шилиб олиш эмас (бу ерда ёлгон тери ҳақиқийси билан бирикиб кетган), балки у ичидан шифо топиши зарурдир, бундай шифо топиш натижасида ортиқча терилар ўз-ўзидан туша бошлайди. Ҳақиқатни тан олмай яшовчи инсонни даволаш учун жуда кўп ибодатлар қилиш лозим ва албатта,



шифо изловчи инсон ўзини Муқаддас Рух ихтиёрига тўла топшириши зарур.

Ҳақиқат билан юзма-юз

Кўпчилик одамлар ўз ўтмишига назар ташлашни истамайдилар. Ўзларини оқлаш учун улар ҳаворий Павлуснинг сўзларини қўллайдилар: «Биродарлар, мен ўзимни муродимга етишганман деб ўйламасам-да, фақат бир нарсанигина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб, олдимдагиларга кўз тикаман» (Филип. 3:13). Аммо Павлус бу ерда бошқа нарса ҳақида гапирган — ўзимиз ҳалос бўлган ўтмишимиз билан яшамаслигимиз керак. Биз Худонинг Каломини ёмон кўришлиқдан ва Унинг Каломи мағзини чақмаслиқдан ҳеч қачон қутула олмаймиз. Фақатгина Унинг ҳақиқат нурларида биз паноҳ ва шифо топамиз, фақат шу ҳолдагина биз ўтмишни унутиб, келажакка қараб интиламиз.

Агар рад қилишни давом эттираверсангиз, сиз бу муаммога қайта-қайта дуч келаверасиз. «Нимага ҳеч нарса ўзгармаяпти? Нега мен бу муаммони ҳал эта олмаяпман?» — деб сўрайсиз сиз. Жавоб эса жуда оддий: ҳақиқат руҳи муаммоларингизга нур беришига ўзингиз йўл қўймайсиз.

Сиз ҳаётингизга диққат билан назар ташлашингиз ва куйида келтирилган саволларга жавоб топишингиз керак. Бу рўйхатни ўқир экансиз, Худодан, ҳаётимнинг рад этувчи қисмини очиб бер, деб сўранг. Сўнг Худо Каломи ҳақиқатини бирор муаммога боғланг. «Худованд раҳмону меҳрибондир, У узоқ сабрли, жуда иноятлидир. Худованд ҳар бир инсонга ҳиммат айлар, барча махлуқотга раҳм-шафқат кўрсатар» (Забур 144:8-9).

Ҳис-туйғуларингизни таҳлил қилинг:

1. Сўнгги маротаба ўзимни бахтсиз ҳис қилганимда, куйидаги воқеалар содир бўлган эди (масалан, эрим (хотиним) хизмат бўйича сафарга кетган эди);

2. Бунгача куйидаги воқеалар бўлиб ўтган (менинг яқин дўстларим дам олишга кетишди, аммо мени таклиф этишмади);



3. Болалигимда ўзимни бахтсиз ҳисоблардим (чунки отам узоқ вақт мени ташлаб кетган эди);

4. Бу ҳодисаларнинг барчасида қандайдир боғлиқлик борми? (менинг севган кишим, яқин дўстларим ва отам ташлаб кетганида, ўзимни ёлғиз ва ҳеч кимга керак эмасдай ҳис қилардим);

5. Мен ўзимни бахтсиз ҳисоблайман, чунки (мен ёлғизлигимни ҳис этаман).

Одамлар билан муомалангизни таҳлил қилинг:

1. Охирги марта оила аъзоларим ёки дўстларим билан менинг ўртада келишмовчилик юзага келди, чунки (масалан, менинг билдирган фикрларимга улар шубҳа билан қарашди, гўёки мен мустақил тўғри қарор қабул қилолмасмишман);

2. Бошлиғим билан менинг ўртамизда нохуш келишмовчилик бўлиб ўтди, чунки (у мени текшираётгандек, ишимдаги ҳар хил икир-чикирлар билан ҳам қизиқди);

3. Ёшлигимда ота-онамдан жуда жаҳлим чиқарди (чунки улар доимо қаерда бўлганимни ва нималар қилганимни суриштириб сўрашар эди);

4. Балки, оила аъзоларимга, дўстларимга ва бошлиғимга бўлган нафрат (отам мени қаттиқ назорат қилгани билан боғлиқ бўлиши мумкин).

Худога бўлган муносабатларингизни таҳлил қилинг:

1. Мен Худога (масалан, мендан баркамоллик талаб қилаётган ҳокимдай) муносабатда бўламан;

2. Ота-онам менинг тасаввуримда (жуда талабчан ва қаттиққўл) бегона одамлардай.

3. Балки онамга (отамга) бўлган менинг салбий муносабатим Худога бўлган муносабатларимга ўз таъсирини ўтказаётгандир.

Ўзингиз тўғрингиздаги, ҳаётингиздаги ва ўтмишингиздаги ҳақиқатни тан олиш — сизнинг руҳий тикланишингиз учун ниҳоятда зарурдир. Ўзингизда мавжуд муаммоларни



қанчалик кўп рад этсангиз, шифо топишингиз шунчалик қийинлашиб бораверади. Агарда отам онамнинг руҳий касаллигини олдинроқ тан олганда эди, юқори малака-ли руҳшунос олимлар, тиббиёт ходимлари ва мавжуд дори-дармонлар ёрдамида онам аллақачон шифо топган бўларди. Камситиш ва кўркувга тўла узоқ йиллар бўлмаслиги мумкин эди.

Ҳақиқатни рад этишга йўл қўймаслик

Бизни рад этиш руҳидан халос этишга фақат Худога куч бор. Шунинг учун ибодатимиз қуйидагича бўлиши керак: «Раббий, мени ёлғондан халос қил, Сенинг ҳақиқатингни рад этишдан қутулишимга Ўзинг ёрдам бер. Агар мен бирор нимада алданаётган бўлсам, Ўз Сўзингни баён қил, Руҳинг ҳақиқати раҳбарлик қилиши учун ҳаётимнинг шу жабҳасига юбор. Нималар учун тавба қилишим керак? Қандай муаммони ҳал қилиб қутулиш ўрнига, беркитаётганимни намоён қил. Қаерда хатони тан олиш ўрнига, ўзимни оқлаётганимни кўрсат. Сендан ўтиниб сўрайман, эй Эгам, буларни менга аён қил, чунки мен ҳақиқатни билишни истайман».

Доимо эсингизда тутинг, гуноҳ — бу нишондан четга отилган ўқдир. Ҳар нарасада ўзимизни ҳақ деб билиб, кимларни алдамоқчи бўламиз? Мен бир аёлни биладан, дўстлари уни қайсарлиги ва ҳақиқатни тан олмаслиги учун айблаганларида, аёл дўстларига кулоқ солишдан бош тортди. Кейин у бошқа дўстларига мурожаат қилди, улар масалани тушунмай туриб аёлга ўзларича маслаҳат бердилар. Аёл эса Худога қуйидагича: «Раббий, менга ҳақиқатни намоён қил. Агар бу инсонлар ҳақ бўлишса, бунини мен тушунишимга ёрдам бер, мабодо ундай бўлмаса, уларга ҳам мен сингари ёрдам бер» деб ибодат қилиш ўрнига уларнинг фикрига кўшилди. Оғриқларимизга малҳам бўлгувчи ёлғоннинг этагини тутганимиз сари, биз Худодан узоқлашаверамиз, охир-оқибатда У биз учун ҳозирлаб қўйган марҳаматлардан тобора йироқлашиб кетаверамиз.

Ҳаммамиз бир кунмас-бирор кун алдовларимиз қурбонига айланамиз, унинг устига жуда осонликча. Шунинг

**МУҚАДДАС КИТОБ ҲАҚИҚАТНИ
РАД ЭТИШ ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА
НИМАЛАР ДЕЙДИ**

Юракда Сен истайсан ҳақиқатни,
Қалбимнинг тўрида ўргатгин доноликни.
Забур 50:8

Кекса одам яна қандай туғила олади?
Онасининг қорнига иккинчи гал кириб туғила
оладими? — деб сўради Никодим.
Юҳ. 3: 4

Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса
сизларни озод қилади.
Юҳ. 8:32

Ноҳақлик қилиб ҳақиқатни оёқ ости қилаётган
барча бетавфиқ ва фосиқ инсонларга кўкдан
Худонинг ғазаби тўкилишга тайёр.
Рим. 1:18

Буларни сизларга Менда хотиржам бўлишингиз
учун айтдим. Дунёда қайғу-алам чекасизлар;
лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим.
Юҳ. 16:33



учун биз ҳеч қачон ҳақиқатни рад этаётган одамларни ёмонламаслигимиз керак, аксинча, уларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб, кўзлари очилиши учун ибодат қилишимиз лозим. Орамизда ҳаётимизни ёритувчи Худо нуруни изламайдиган инсонлар ўз хавфсизликларига ва алдов қурбони бўлмасликларига кафолат беролмайдилар. Ҳаётимизда учраб турадиган, ҳақиқатни рад этувчи ҳар қандай руҳга Худонинг кучи таъсир кўрсатиши учун тўхтовсиз ибодат қилиш керак.

ИБЛИСЛАРЧА РУҲИЙ АЗОБЛАНИШДАН ЎЗИНГИЗНИ ОЛИБ ҚОЧИНГ

Қандайдир руҳий ҳолатга тушганимизда ишонадиган ёлғонимиз қуйидагича талқин қилинади: «Мен бошқа бундай яшашни истамайман, лекин бирор нимани ўзгартириш менинг қўлимдан келмайди». Бундай ҳаёллар қуюқ туман сингари онгимизни қамраб олади. Биз ундан қутулиб чиқиш имконини топа олмаймиз. Бу вазият умид йўқлигидан дарак беради. Ноиложлик туйғуси онгимизга астагина, билинтирмай кириб олади, то зимистон бизни ютиб юбормагунча унинг мавжудлигини англаб етмаймиз.

Ўтган йиллар мобайнидаги ҳис-туйғуларингизни таҳлил қилинг ва қуйида Муқаддас Китобдан келтирилган оятларнинг қай бирлари сизга тегишли эканлигини белгиланг:

- «Мен оҳ-зор қилавериб ғоятда чарчадим, ҳар кеча кўрпам нам бўлади, кўз ёшим-ла ҳўллайман тўшагим. Кўзим нури қайғудан адо бўлди, ёву агёр мадоримни тамом қилди» (Заб. 6:7-8).
- «Ҳатто Македонияга келганимиздан кейин ҳам танамизга ҳеч қандай роҳат тополмадик, аксинча, ҳар томонлама сиқилган эдик: ташқаридан хужумлар, кўнгилда қўркувлар бор эди» (2 Кор. 7:5).
- «Шунда Исо ёнидагиларга: — Менинг жоним ўлим олдидалигини сезиб, жуда қийналмоқда. Шу ерда қолиб, Мен билан бирга сергак турунглар, — деди» (Матто 26:38).



- «Қачонгача қийнар эканман жонимни, туну кун тал-васада тўлғаниб қалбим? Токайгача душман мендан ғолиб чиқар экан?» (Забур 12:3).
- «Душман жоним пайига тушди, ҳаётимни оёқ ости қилди. Дунёдан ўтиб кетганлар каби, мени қоронғида яшашга мажбур этди» (Забур 142:3).
- «Танимдаги руҳим жуда тушкун, сийнамдаги қалбим аламзада» (Забур 142:4).

Агар сиз ушбу оятлардан биронтасини ўзингиз учун танлаган бўлсангиз, унда сиз руҳий ҳолатдан азоб чекаётган бўласиз: кечалари уйқусизлик, юрак хуружи, дармонсизлик ва қўрқув; гўёки сиз чуқур ва қоронғу ўрага тушиб кетаётгандай бўласиз. Эрталаб кўзгуда хомуш юзингизни ва сўнган кўзларингиз аксини кўрасиз, кундузи эса одамлар билан мулоқот қила олмаслигингизни, улар ўзини сиздан олиб қочаётганларини сезасиз. Руҳий ҳолатдан азоб тортган одамларга бу вазият маълум, шу жумладан, Худога ниҳоятда яқин бўлган, буюк икки инсонга — одам ўлдирган шоҳ Довуд ва ҳаворий Павлусга ҳам маълум, гарчи улар Худони севган бўлишса ҳам. Руҳий ҳолатда азият чекишдан фақат Худонинг Ўзи фориғ қилади. Чамаси, нодир ҳодиса ҳисобланган руҳий ҳолат Худога яхши таниш бўлса керак.

Агар бундай ҳолат фақат менда содир бўлади, деб ўйласангиз, ниҳоятда алданган бўласиз. Одамлар минг йил олдин қийналганларидек, ҳозирда ҳам миллионлаб инсонлар руҳий ҳолатдан азоб чекмоқдалар. Бу тўғрида гапиришимиз сизнинг ҳолатингизни енгиллаштирмаса-да, сиз ёлғиз эмаслигингиздан бохабар бўласиз.

Руҳий ҳолатнинг аломатлари қуйидагичадир: уйқусизлик, ёки аксинча кўп ухлаш, доимий чарчоқ, вазн йўқотиш, ёки ниҳоятда кўп овқат истеъмол қилишдан семириб кетиш, фикрни бир жойга жамлай олмаслик, хотиранинг пасайиши, ўзингиздан қоникмаслигингиз, аниқ бир қарорни қабул қила олмаслик, ўз жонига қасд қилиш ҳақида хаёллар, танҳоликда ёлғиз қолиш иштиёқи, атрофдагилар тўғрисида салбий фикрлар, хайрли ишни охирига етказмаслик,



заифлик, изтироб чекиш, оддий масалаларни ҳам ҳал қила олмаслик.

Буларнинг ҳаммаси вужудимизга шунчалик «сингиб» кетганки, ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб қолган. Аммо бундай бўлмаслиги керак. Руҳий азоб чекиш Худо режалаштириб қўйган ишлар қаторига кирмайди. Руҳий азобга қарши мен ўттиз йилдан ортиқроқ кураш олиб бордим. Ҳаётимнинг ўзгаришидан умид қолмагач, ўз жонимга қасд қилишга аҳд қилдим. Худони тан олгач, эришган биринчи ғалабам — руҳий азобдан қутулганим бўлди. Ҳаётимни қамраб олган ва тавба қилинмаган гуноҳлар мени Худодан ва Унинг кучидан ажратиб турарди. Ҳозирги кунда руҳий азоб аломатларини сезишим биланоқ турмуш тарзимга синчковлик билан назар ташлайман. Демак, ҳаётимнинг бирор жабҳасида ёки ўй-фикрларимда англашилмовчилик мавжуд. Зудлик билан вақтни ўтказмасдан Худо ҳузурига ошиқаман.

Руҳий азобга қарши чоралар кўриш

Агар ўз вақтида руҳий азобга қарши бирон чора кўрилмаса, у вайрон қилувчи тоғ кўчкисига айланади. Ҳеч нима сизнинг кайфиятингизни кўтармайди: на ўзингиз, на одамлар, руҳий азобларингиз кучаяётган пайтда сиздан тобора узоқлашаётган Худо ҳам.

Агар сиз вақти-вақти билан руҳий азобларнинг хуружига қарши курашаётган ёки ҳозирда азоб чекаётган бўлсангиз, унда Худованд олдида туриб мен берган саволлар билан Унга мурожаат қилишингизни сизга маслаҳат бераман. Ушбу саволларни бир пайтлар мен ҳам Унга берганман:

1. *Руҳий ҳолат менинг соғлигим билан боғлиқ эмасми-кан?* Руҳий азоб физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, гармонлар ўзгарганда, ёки наркотик моддалар, спиртли ичимликлар ва баъзи бир кучли таъсир этадиган дорилар қабул қилинганда. Руҳий ҳолатга чарчаш, уйкуга тўймаслик, толиқиш, касаллик, кам ҳаракат қилиш ва нотўғри овқатланиш салбий таъсир кўрсатади.



Руҳий азоб табиий касаллик натижасида пайдо бўлмадимикан, албатта Худодан сўранг.

2. *Руҳий азобимнинг сабабчиси одамлар ёки маълум бир вазият эмасмикан?* Руҳий ҳолатнинг сабаби аниқ, масалан, агар сиз ўзингизга ёқмаган ёки бошқа руҳий азоб чекаётган одам билан бир уйда яшасангиз. Агар шундай бўлса, вазиятдан қандай қилиб чиқиш учун Худога мурожаат қилинг. Балки ўша одам билан гаплашиб кўрарсиз, жуда бўлмаса бирорта чорасини топарсиз. Балки сиз билмайдиган қутулиш йўли бордир? Баъзида руҳий ҳолат вазиятни кескин ўзгартиришни талаб этади. Ҳаётингизда нимани ва қандай қилиб ўзгартиришингизни Худодан сўранг.

3. *Руҳий азобнинг сабаби кечирилмаган гуноҳ бўлиши мумкинми?* Руҳий ҳолатнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Баъзида ташқи сабаб, масалан, одам Худога қарши иш тутганда, баъзида эса шайтон сизга хужум қилганда, айниқса, Худованд сизнинг ҳаётингиздаги улкан ўзгаришларни амалга ошираётганда. Аммо кўп ҳолларда руҳий азобнинг негизи нотўғри фикр юритиш ва хулқ-атворингизга боғлиқ бўлади (одамга ёки вазиятга ўйламай қилинган жавоб). Бошқа одамга нисбатан бўлган ҳар қандай салбий ҳис-туйғулар, ёмон мулоқот ва энг муҳими — кечиришни билмаслигимиз тўғрисида дарҳол Худованд олдида тавба қилишимиз керак. Ахир, руҳий азобнинг қурбони айнан сиз бўласиз — ку, шунинг учун ҳозирок Худодан, ҳаётимнинг барча жабҳаларида авф этилиши керак бўлган вазиятларни менга намоён қил, деб Ундан сўранг.

4. *Руҳий азобдан қутулиш учун ибодат қиламанми?* Энг катта ёлғон — бу руҳий ҳолатда ўзингизни кучсиз сезишингиздир. Сиз шифо топиш учун ибодат қилмайсиз, чунки руҳий азобни ҳаётингизнинг бир бўлаги деб биласиз, руҳий азоб касаллик эканлигини тан олмайсиз. Бу касалликни ҳам шамоллаш ёки тумов сингари ўтказиб юбормай даволаса бўлади. Сиз ҳис-ҳаяжонларингиз ҳақида Худога айтишингиз ва Ундан шифо сўрашингиз керак.



Ёдингизда тутинг: Худо сиз томонда, шайтон эса — душманингиздир. Қавмбоши Джек менга шундай насиҳат қилган эди: «Агар сен зимистонда бўлсанг, сенинг жойинг Исонинг оёқлари остида. Тун қанчалик узун ва қоронгу бўлмасин, сен Раббий оёқлари остида бўлсанг, тонг отиши ҳақида У қайғуради». «...Оқшомда йиғи ҳукм сурса, саҳарда шодиёналик келур» (Заб. 29:6).

Агар сиз кечаси юрак ҳуружидан кўрқиб уйғониб кетсангиз, дарҳол ибодат қилишни ва Каломни ўқишни бошланг. Иложи бўлса бориб тўшака ётинг, эртасига ҳам ибодат қилишни давом эттиринг. Айрим ҳолларда одамлар ибодатларига жавоб олмай, Худога ибодат қилишни ташлаб қўядилар, ўзларича азобдан қутулишга ҳаракат қилдилар. Ҳеч қачон бундай қилманг.

5. *Мен қандай ёлгонга қулоқ соляпман?* Агар сиз руҳий кайфиятда бўлсангиз, демак, сиз ёлгонни ҳақиқат ўрнида кўряпсиз: «Менинг омадим келмаяпти. Мендан ҳеч қандай яхшилиқ чиқмайди. Мен ҳеч нарсага ярамайман. Мен ночор одамман». Аммо булар сизнинг ажойиб ҳунар ва қобилият сохиби эканлигингизни тасдиқловчи Муқаддас Ёзувга зиддир. Агар дунё истеъдодингизни тан олмаса, ўзингизни истеъдодсиз ва нотава деб ҳисобламанг. Ёлгон ўрнини Худо Каломи ҳақиқати билан тўлдиринг.

6. *Менинг ҳолатимга тўғри келадиган Худонинг қай бир сўзларини мен овоз чиқариб айтишим керак?* Худонинг Каломи шундай дейди: «Юракдаги қайғу-алам одамни эзади, ширин сўз эса юракни шод этади» (Ҳикм. 12:25). Бундай яхши сўзларни сизга қавмбоши, дўстингиз, хотинингиз, эрингиз, қариндош-уруғингиз ёки бўлмаса яхши одам кўчада айтиши мумкин, аммо одамларга ишонманг. Сизнинг юрагингизни фақат Худо Ўз Каломи орқали хурсанд қилиши мумкин. Бундай сўзлар жуда кўп, бу бобда мен бир нечасини айтиб ўтаман. Сизнинг муаммонгизга мос келадиган Худонинг эзгу сўзини ўқиганингизда уни қоғозга ёзиб олиб, хонангиздаги ойнага ёпиштириб қўйинг. Руҳий ҳолатни сезганингизда бу сўзларни баланд овоз билан ўқинг.



Ҳатто бундай ҳолатга тушмаганингизда ҳам ушбу сўзларни қайтараверинг, чунки охир-оқибатда сизнинг руҳингиз ва қалбингиз умид, ҳақиқат даъватига садо беради.

Муқаддас Ёзувдаги сўзларни ҳаётингизга татбиқ этиш учун, масалан, ушбу оятни айтинг:

Сувларни сен кечиб ўтганингда, Мен сен билан бўлурман, дарёларни сен кечиб ўтганингда, сувлар устингдан босиб ўтмайди; олов ичида юрганингда ёнмайсан, олов сени қуйдирмайди.

Ишаё 43:2

7. Руҳий кайфиятга тушганимда мен Худони мақташга, итоат қилишга ва шукроналар айтишга кўп вақт ажратаманми? Сизнинг эзилган ҳолатингиз ўзингиз билан ўзингиз овора эканлигингиздан дарак беради. Худони улуғлаш — ўзимиздан диққат-эътиборни четга тортиш ва Унга ўз юрагимизни қаратишнинг самарали воситасидир. Ўз муаммоларингизни унутиб, шундай денг: «Раббий, мен Сени шарафлайман, сенга миннатдорчилик билдираман. Мен Сени мақтайман, Сени яхши кўраман. Мен ўз ҳаётимдан тушкунликка жой бермайман, менинг кучим Сен менга берадиган шодликда бўлганлиги учун, эй Эгам, Сени мадҳ этаман». Худо сизга берган инъомлари учун Унга миннатдорчилик билдиринг, чунки сизнинг миннатдорчилигингиз — бу сизнинг онгингизни эгаллаб олган ўз-ўзини танқид қилиш тўлқинини тўхтатишнинг энг қулай ва яхши усулидир.

Мен руҳий азоб чекаётган пайтимда, чапак чалиб Худони мақтасам, руҳим енгиллашишини ва ғамгинликдан халос бўлишимни сездим. Албатта, сизнинг ҳолатингиз бундай ҳаракатларга мос эмас, аммо сиз бундан сўнг тушкунликда яшамаслик ва Худо сиз учун нима тайёрлаган бўлса, барини қўлга киритиш учун қарор қабул қилишингиз лозим. Бу жангда ғолиб бўлмагунингизча, орқага чекинманг.

Ҳеч нарса ёрдам бермаган пайтда

Агар барча саволларга жавоб бериб, таклиф қилинган ҳамма нарсаларни амалга оширганингиздан кейин ҳам,

РУҲИЙ ТУШКУНЛИК ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Эгамизга нола қилдилар кулфатда қолганларида,
Эгамиз сақлади уларни азоб-уқубатлардан.

Уларни зим-зиё зулматдан олиб чиқди,
Уларнинг кишанларини парча-парча қилди.

Забур 106:13-14

«Оёқларим қоқилади», деб ўйлаганимда,
Содиқ севгинг, эй, Эгам, мени қўллади.

Ичим тўлиб кетганда хавотирликка,
Сен берган тасалли қувонч келтирди менга.

Забур 93:18-19

Тақводорлар ёлворар, Эгамиз эшитар,
Барча балолардан уларни Эгамиз қутқарар.

Кўнгли чўкканларга Эгамиз яқиндир,
Руҳан эзилганларни У қутқарар.

Забур 33:18-19

Худодан умид қилганлар янгидан куч олади,
бургут сингари қанот қоқади. Югуриб улар
чарчамаслар, Юриб улар толиқмаслар.

Ишаё 40:31



Ўзингизда ҳеч қандай ўзгариш сезмасангиз, сиздан руҳий тушкунлик аримаса, демак, сизга масиҳий руҳшунос керак. Агар сизда тез орада у билан учрашишга имконият бўлмаса, эрта туришга ва қуйидаги ишлардан камида иккитасини бажаришга ўзингизни мажбур қилинг: идишларни ювишингиз, ўрнингизни йиғиштиришингиз, полиздаги бегона ўтларни юлишингиз, гаражни супуришингиз, кирларни кир ювиш машинасига солишингиз, автомашинани ювишингиз, омборхонадаги нарсаларни тартибга солишингиз мумкин. Иш билан машғул пайтингизда бошқа нарса ҳақида ўйламанг. Шундан сўнг Муқаддас Китобингизни қўлга олиб, Худо билан ёлғиз қолинг, ҳаётингизда тартиб борлигидан, мен ҳам қандайдир фойдали иш қилишга қодир эканман, деб ўзингизга тасалли беринг.

Сиз юқоридан туғилганингизда, тушкунлик сизни четлаб ўтиши мумкинлиги ҳақидаги ёлғон гапларни айтадиган раҳмсиз ва кеккайган одамларнинг сўзларига кулоқ тутманг. Қани, улар бу гапларни шоҳ Довудга ёки ҳаворий Павлусга айтиб кўришсин-чи!

Сиз руҳий тушкунликни Исо кучи билан енга оласиз.

ИБЛИСОНА ҲАСАДГҲЙЛИК ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Бундан бир неча йил олдин мен бир дўстимникига меҳмонга бордим. Унинг уйи кенглиги, ёруғлиги, тоза ҳавоси менга жуда ёқди. «Қачонлардир менинг ҳам шундай уйим бўлишини хоҳлайман», — ўйладим мен, чунки уларнинг уйи менга керак эмас, уларнинг шундай яхши уйи борлиги мени ҳеч ҳам хафа қилмади. Мен уйимга қайтганимда, ўзимнинг уйим менга аввалгидай жуда ёқди. «Мени ҳам худди уларникига ўхшаган уйим ҳозироқ бўлишини хоҳлайман!» — деб айтмадим. «Менга ана шу уйга ўхшаган уйлар ёқади, агар мен қачонлардир танлаш имконига эга бўлсам, албатта худди шунга ўхшаганини танлайман», — деб ўйладим. Орадан ўн йил ўтиб биз Майкл билан ўзи-



мизга уй танлаганимизда, биз ойналари кўп, катта уйни танладик, у ҳам дўстимнинг уйи каби кенг ва ёруғ эди. Мен бегона уйнинг афзалликларини тан олдим, аммо ҳасад қилмадим.

Ёзувчи сифатида мен ўзим яхши кўрган ҳамкасбларимдан кам бўлмасликка ҳаракат қиламан, аммо ҳеч қачон уларнинг эришган муваффақиятларини ўзлаштириб олиш, ёки уларнинг обрўларига путур етказадиган мақтовларни эшитиш истаги бўлмаган. Мен ҳеч кимга тақлид қилишни хоҳламайман. Дўстларимнинг ҳеч бирига муваффақиятсизликлар тиламайман; фақат ўзим улар каби инсонлар юрагига ижобий таъсир ўтказишни хоҳлайман. Менда ҳасад йўқ, мен фақат хавас қилиб завқланаман.

Агар мен ҳар сафар ўзимникидан яхшироқ уйни кўриб хафа бўлсам, ёки ҳар гал ўзимникидан яхши китобни ўқиб жаҳлим чиқса, ўзимнинг ҳасадгўй инсон эканлигимни тан олишим керак бўларди.

Биз ҳасад қилган пайтимизда қуйидагича ёлғонга ишонамиз: «Мен шу нарсага муҳтожман, шу одамда бор нарсага лойиқман». Аммо ҳақиқат шундаки, бизнинг ҳаётимиздаги ҳамма нарса бизга Худо томонидан берилган. Бошқа бировда бор нарсадан ёки унинг устунлигидан хафа бўлиш, алам ёки ғазабланиш эса Худо бизга берган ёки беришга қодир нарсани инкор қилишимизни кўрсатади. Ҳасад қопқони шуки, Худода биз учун ҳеч қандай яхши нарса йўқ деб ҳисоблаймиз. Шунда бошқа бир одамда бор нарса бизнинг хотиржамлигимизга путур етказади.

«New Bible Dictionary» луғати «очкўзлик» сўзига «худбинларча хоҳиш» деган таърифни беради, бу эса «ўз-ўзига сиғиниш» деганидир. Бу бутпарастликнинг ўзидир, бутпарастлик эса ҳасаднинг илдизидир. Муқаддас Китобда айтилишича, биз ўзимиздаги «...нопоклик, ёмон ҳирсу ҳаваслар ҳамда бутпарастлик билан тенг бўлган тамагирликни» (Кол. 3:5) ўлдиришимиз керак, чунки у Худо мақсадининг амалга ошишига халақит беради. Бу ҳақда «Ҳикматлар» Китобининг муаллифи очиқ-ойдин шундай деб ёзади: «Хотиржам юрак танага ҳаёт бахш этади, ҳасадгўйлик эса суякларни чиритади» (Ҳикм 14:30).



Очкўзлик турмушимизнинг асосини вайрон қилади, бизни ички кучдан маҳрум этади. Агар кечира олмаслик руҳимизни нобуд қилса, ҳасадгўйлик уни қуритади!

Ҳасадгўйлик ва завқланиш ўртасидаги чегара

Ҳасадгўйлик мени ўтмишда таъқиб қилган, чунки мен ўзимни яхши нарсага лойиқ эмасман, деб ҳисоблардим. Мен доимо ўзимда боридан кўпроғини қўлга киритишни хоҳлардим, чунки менда деярли ҳеч нарса йўқ эди. Мен ўзимда шу нарсани қўлга киритиш имконияти йўқлиги сабабли ўз-ўзимга ачинардим. Аммо мен шу нарсаси бор одамлардан ғазабланмасдим. Лекин тоза ва равон гапира оладиган ёки маромига етказиб қўшиқ куйлайдиган одамларга ҳасад қилар эдим. Мен қанча ҳаракат қилмай, менинг овоз пайчаларим болалигимдан бери мен учун жуда катта муаммо эди. Мен ўзимни алданган ҳис қилар эдим.

Бир куни Муқаддас Китобни ўқиётганимда, мен юрагимда Худонинг сўзларини ҳис қилдим: «...Қаерда ҳасадгўйлик ва худбинлик ҳукм сурса, у ерда тартибсизлик ва ҳар хил ярамаслик пайдо бўлади» (Ёқуб. 3:16). Худо айнан менинг юрагимни кўрсатиб гапиргандай бўлди: «Ҳозир сенинг ҳаётингда тартиб йўқ, чунки сенинг юрагингда ҳасадгўйлик ва худбинлик бор».

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим: «Ҳасадгўйлик? Менда?» Аммо мен шуни тушундимки, доимо ўзимни бошқаларга қиёслаб, мен ҳасад уруғини сочардим, ҳозирча ўша уруғлар менда ҳам бор эди, шунинг учун менинг ҳаётимга хотирjamлик кира олмасди.

Халос бўлиш учун мен қуйидагиларни бажаришим шарт:

- Худо менга берган инъомларни миннатдорчилик билан қабул қилишим;
- камчиликларимни тан олишим ва ўзимни бошқалар билан қиёслашни бас қилишим;
- ўзгаларнинг истейодолари, ҳадялари ва қобилиятлари учун Худога миннатдорчилик билдиришни ўрганишим;



- Худо менга инъом қилган истеъдод ҳақида эслаб юришим ва бегона ҳадяларга кўз олайтирмаслигим лозим.

Мен қуйидаги сўзларни айта оламанми ёки йўқми — муаммо мана шунда эди: «Раббий, Сен мени яратгансан ва тўлақонли ҳаёт учун менга нима кераклигини биласан. Ўзга одамларнинг қобилиятларига ҳасад қилган бўлсам мени кечир. Мени ҳасадгўйлик руҳига мутеликдан ва менга тегишли бўлмаган нарсага эга бўлиш истагидан халос қил. Сен мен учун барча истакларимдан афзалроқ бир нарса ҳозирлаб қўйганингни биламан».

Юрагингизда ҳасад ёки завқланиш мавжудлигини бил-ишингиз учун қуйидаги фикрларни диққат билан ўқинг ва ўз ҳаётингиз билан таққосланг:

- мен доимо ўзимни бошқалар билан солиштираман;
- мен ўзгаларнинг муваффақиятсизликлари ва бахтсизликларидан яширин қониқиш ҳиссини сезаман;
- агар кимдир ўз ишида муваффақият қозонса, ҳамма нарсани тўғри баҳолаш ўрнига ўзимни ношудликда айблай бошлайман;
- мен истеъдодли, қобилиятли, чиройли одамлар билан бирга бўлишни ёмон кўраман, чунки уларнинг ютуқлари менинг асабимга тегади;
- дўстларим ёки қўшниларим янги нарса сотиб олганлари менга ёқмайди (машина, кийим, мебель);
- ўзгаларда янги нарса кўрсам, менинг ҳам худди шундай нарсам бўлишини хоҳлайман;
- мен одамлар ҳулқидаги ёмон хусусиятларни кўрсам, бошқалар ҳам уни кўришини истайман;
- мен ўзимникидан чиройлироқ ва бойроқ уйларга меҳмон бўлиб боришни ёқтирмайман, чунки ўзимнинг уйим нақадар ёмон эканлигини кўра бошлайман.

Агар сиз бу рўйхатдан бир нечтасини белгिलाган бўлсангиз, демак, ҳасад сизнинг юрагингизга кирибди. Дарҳол унга тўсиқ қўйинг, тавба қилинг ва ундан воз кечинг.

ҲАСАД ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Худони тан олишни лозим кўрмаганлари учун, Худо уларни бузуқ фикрга, лозим бўлмаган ишларни қилишга гирифтор қилди. Улар ҳар турли ҳақсизлик, зино, ёвузлик, тамагирлик ва гина-кудуратга тўлиб, ҳасадгўйлик, қотиллик, жанжалкашлик, фирибгарлик ва бадфеълликка муккасидан кетгандирлар... Бундай ҳаракат қилувчилар ўлимга сазовор, деган Худонинг адолатли ҳукмини улар билган ҳолда, нафақат бу ишларни ўзлари қиладилар, балки бу ишларни қилувчиларни қўллаб-қувватлайдилар.

Рим. 1:28-29, 32

Чунки бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил эҳтирос ва завқларга қул эдик, гина-кудурат ва бахилликка тўлган, бир-биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик.


Тит. 3:3

Сизлар ҳали ҳам бу дунёнинг одамларидай юрибсизлар. Орангизда ҳасад, жанжал ва келишмовчиликлар бор экан, дунёвий эмасмисизлар? Бундай ҳаракат қиларкансизлар, бошқа одамлардан нима билан фарқланасизлар?

1 Кор. 3:3

Севги сабрли ва кўнгилчандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймас, шишинмас.

1 Кор. 13:4



Қўшнингизнинг уйига ҳавас қилиб,
кўз олайтирманг. Қўшнингизнинг хотинини,
қулини ёки чўрисини, молини ёхуд эшагини,
унга қарашли бирор нарсани орзу қилманг.

Чуқ. 20:17



Ҳасад сизнинг йўлингизда жуда кўп тўсиқлар яратади. «Жаҳл — золим, ғазаб бир тошқиндир, рашк олдида ким бардош бера олади?!» (Ҳикмат. 27:4). Ким унинг вайрон қилувчи оғирлигига бардош бера олади?! Ҳасад сизнинг қалбингиздами ёки сизга қарши ҳаракат қиладими, барибир, у ҳар доим ёвузлик бўлиб қолаверади. Худо эга бўлган нарсаларга шайтон кўз олайтиргани учун у самодан улоқтириб юборилган эди. Агар сиз ўзингиздаги ҳасадгўйликка эрк берсангиз, сиз билан ҳам худди шу нарса содир бўлади. Сиз ҳеч қачон Худо яратган мукаммал шахс бўла олмайсиз. Худо сизга неки ҳадя қилган бўлса, ўшандан хотиржамлик топишга ҳаракат қилинг.

ИБЛИСОНА ҚЎРҚУВ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Мен то Исо Масихдан нажот сўрамагунимча қўрқув ҳаётимда асосий ўрин эгаллаганича қолаверди: мен муваффақиятсизликка учрашдан қўрқардим, жисмоний майибликдан, руҳий жароҳатлардан, кеккайишдан ва ҳеч кимга керак бўлмай қолишдан қўрқардим. Менинг бутун ҳаётим ўзининг доимий ҳамроҳлари — ўзимни ўлдириш ҳақидаги фикрлар, умидсизлик, хавотирланиш ва ночорликни ҳаётимга олиб кирган оғриқли қўрқув руҳи дастидан шол бўлиб қолган эди. Мен сув юзида қолиш ва чўкиб кетмаслик учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қилардим. Аста—секин менинг ҳаётдан қўрқувим ўлим олдидаги қўрқувни енгди, ўзимни ўлдиришим менга энг эзгу орзу бўлиб туюлди.

Агар ҚЎРҚУВ сўзига аббревиатура деб қаралса, қуйидагича талқин қилиш мумкинлигини бир неча марта эшитганман: «рост бўлиб туюладиган ёлғон гувоҳлик» (Гап инглиз тилидаги «Қўрқув» FEAR сўзи ҳақида кетмоқда, ҳар бир ҳарф «False Evidence Appearing Real» деб талқин қилинади. — *Изоҳ тарж.*) Иблис ёлғонни ҳақиқат деб кўрсатганда, биз шу ёлғонни эшитишни, ёки бўлмаса Худога ишонишни танлаш имкониятига эгамиз.

Қўрқувнинг яна шундай бир тури борки, у одатда болалигида жиддий руҳий жароҳат олганларга хос бўлиб, бу



бошқа одамларнинг фикридан қўрқишдир. Унинг таъсири остида биз ўзимизга: «Агар одамлар мен ҳақимдаги ҳақиқатни билсалар, улар мендан юз ўгирадилар», деймиз. Аммо пайғамбар Ишаё шундай дейди: «Инсонларнинг таънасидан қўрқманглар, уларнинг ғийбатидан ваҳимага тушманглар» (Ишаё 51:7). Бошқаларнинг ўзимиз ҳақимиздаги фикрларидан биз ҳеч қўрқмаслигимиз керак, чунки биз билан Исо бор.

Қалблари жароҳат олган кишилар кўпинча яна жароҳатланишдан қўрқадилар. Илгарилари мен ҳатто кундузлари ҳам уйда бир ўзим қолишга қўрқардим, тунлари эса ухлай олмасдим, чунки дунёнинг бор ёвузликлари менинг устимга йиқилаётгандай бўлиб туюлаверарди. Энди эса, мен Худонинг ҳимоясида яшаётганимда мендаги бу қўркувлар ўз-ўзидан йўқолиб кетди.

Қўркув остида биз ишонадиган ёлғон мана бундай: «Худо мени ва мен учун азиз бўлганларнинг беҳавотирлигини таъминлай олмайди». Албатта, бу дунёда кўп нарсалардан қўрқиш мумкин, аммо қўркув бизнинг Худога бўлган ишончимиздан кучлироқ бўлганда, қўркув руҳи бизнинг шахсимизнинг бир қисмига айланиши мумкин. Агар болалигимизда биз камситилишларни, шафқатсизликларни бошимиздан кечирган бўлсак, биз бу ёлғонга ишонамиз, чунки Худо бизнинг вазиятимизни назорат қилмаган, деб ўйлаймиз.

Ишонч қўркувга қарши туради. Биз одатда ҳаётимизда юз берган воқеаларни ё қўркувга, ёки ишончга боғлаймиз. Қўркув бизнинг туйғуларимизни ишдан чиқаради. Биз ўзимизга етмаслигидан қўрқамиз, шунинг учун бермаймиз. Биз ўзимизни ранжитишларидан қўрқамиз. Шунинг учун меҳр бера олмаймиз. Биздан фойдаланишади деб, биз қўрқамиз, шунинг учун ўзимиз хизмат қилмаймиз. Биз рад қилинишдан қўрқамиз, шунинг учун ўз қобиғимиздан чиқмаймиз ва Худонинг қаҳриқларига жавоб бермаймиз.

Агар қўркув сизни эгаллаб олган бўлса, нима қилиш керак?

Агар сиз қўркув Худодан эмаслигини билиб, бу вазиятдан ҳавотирга тушмаслигингизни тан олсангиз, мана шу



қилган ишингиз халос бўлишингиз учун биринчи қадам ҳисобланади. Қўрқувни енгиш учун қўйишингиз керак бўлган бир неча қадамни айтиб ўтаман.

1. *Худо олдидаги қўрқувни тан олинг ва Ундан, мени халос қил, деб сўранг.* Қўрқувингизни рад этманг, у ҳақда Худога айтинг, қўрқувдан қутулиш учун ибодат қилинг. Худога яқинлашганингиз сари Унинг севгиси сизнинг ҳаётингизга кириб бораверади, қўрқувни сиқиб чиқаради.

Агар қўрқув бениҳоят ошиб кетса, уни бошқариб бўлмаса, демак, сиз қўрқув руҳи назорати остидасиз. Сиз ундан дарҳол қутулишингиз керак. Бу ҳолда шундай денг: «Раббий, мен ўз қўрқувимга Сенинг олдиндаги гуноҳим сингари тавба қиламан ва мени кечиритишингни сўрайман. Сенга ва Сенинг Каломингга бўлган ишончни мустаҳкамла. Эй қўрқув руҳи, сенга Исо номи билан ҳаётимдан йўқ бўлишингга буйруқ бераман. Раббий, менга равон фикр, муҳаббат ва қўрқув руҳи ўрнига куч ато этганинг учун, Сендан миннатдорман. Мени Ўз севгинг билан тўлдир ва гумонлардан халос қил».

2. *Сизга хавф-хатар таҳдид қилмаяптимики, текшириб кўринг, агар бўлса, уни бартараф этишга ҳаракат қилинг.* То сиз ўзингизни беҳавотир, юрагингизда тинчликни ҳис қилмагунингизча, бошқа имонлилардан сиз билан бирга ибодат қилишларини сўранг.

3. *Етти кун давомида фақат Худога суянишга қарор қилинг.* Кейинги ҳафта давомида, Худо Каломининг ҳар бир берган инъоми фақат менга қаратилганига ишонаман, деб айтинг. Ҳар куни Забурнинг 90-саносини ўқинг, чунки унда Қодир Тангри соясида яшаш тўғрисида айтилган. Кунда биттадан оятни баланд овозда айтинг ва Худо сиз билан бирга бўлгани учун Унга миннатдорчилик билдиринг. Бу оятларнинг ҳар бир мисраси Худо меҳри билан тўлган. Бу мисралар сизнинг юрагингизда жо бўлади, ундаги қўрқувни сиқиб чиқаради.



4. Раббийнинг шон-шуҳратини оламга ёйинг. Мақташ — бу сиз ишлатишингиз мумкин бўлган самарали қуролдир. Унинг меҳр-муҳаббати учун қарсак чалинг, қўшиқлар куйланг, мақтанг ва Унга шукроналар айтинг. Худонинг севгисини қанчалик кўп мақтасангиз, юрагингиз шунчалик уни қабул қилишга кенг очилаверади.

Сиз ёки атрофингиздагилар билан нима содир бўлган тақдирда ҳам, шуни билиб қўйингки, агар сиз Худонинг йўлларидан бораётган бўлсангиз, У албатта сизни Ўз ҳимоясига олади. Қаерда бўлишингиздан қатъий назар, У сизни ҳимоя қилишга ваъда берган. Қай пайтда ва қандай мусибатлардан ҳар куни Худо бизни қутқаришини биз билмаймиз, лекин менинг ишончим комилки, Унинг ёрдами биз ўйлаганимиздан ҳам зиёда бўлади. Бизни бостириб келаётган ҳар қандай душмандан ҳам У кучли. Душман бизга ҳар қанча зиён етказмасин, биз ундан устун чиқамиз, чунки бизни ғолиб қилишга У ваъда берган.

Бизда яшаши мумкин бўлган ягона қўрқув — бу Худонинг куч-қудрати олдидаги қўрқувдир. Худо олдидаги қўрқув — Уни йўқотиб қўймаслигимизни, севгиси учун Ундан миннатдор бўлишимизни, бу севгидан айирилиб қолмаслигимизни назарда тутати.

ИБЛИСОНА ШАҲВАТ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Биз баъзан шаҳвоний ҳирсга қул бўлиб қоламиз. Биз ишониб қоладиган энг катта ёлғон мана шудир: «Бу ҳақда ўйлаш мен учун ёқимлидир — ахир, мен ёмон иш қилмаяпман-ку». Ҳақиқатда эса ҳар бир ахлоқсиз қилмиш у ҳақдаги оддий фикрлардан бошланади. Биз ўзимизни турли васвасаларга дош бера оладиган даражада кучли ёки тақводор ҳисоблаб, ўзимизни алдаймиз. Васваса доимо бизнинг қаршилигимиз заифлашган ёки қалбимиз ҳимояланмаган вақтда келади.

Шаҳват ҳар қандай шаҳвоний ҳирсни қониқтиришнинг кучли истагидир. Аммо мен ҳозир жинсий истак — сизнинг ҳаётингизни вайрон қилишга қодир, энди қилмасликка



қарор қилган ишингизни қилишга мажбур қиладиган ўзгача руҳ ҳақида гапиряпман.

Бу руҳ менга турмушга чиққанимнинг бешинчи йили — хизматимнинг янги босқичига ўтишимдан олдин ҳужум қилган эди. Мен ҳужум қилган эди дедим, чунки ўзимни заррача ҳам қизиқтирмаган кишига ногаҳон лол қолдирувчи интилиш қаердандир менда пайдо бўлди, мени уммон тўлқинлари каби қамраб олиб, оқизиб кетди. Баъзилар бунга тақдирнинг кескин ўзгариши ёки буюк севги, ёки ўз «ярми»ни учратиш деб қарашларини мен биламан. Аммо мен бунинг ёлғонлигини билардим, чунки эрим билан мени Худо бирлаштирган, бошқа ҳеч ким билан топишишни хоҳламас эдим.

Бу воқеа рўй берганда, мен Худо олдида тиз чўқдим, Унга ўз туйғуларим ҳақида сўзлаб бердим, шаҳват руҳидан тондим, Худодан, халос қилгин, деб ёлвориб ёрдам сўрадим. Бу кураш бир неча кун давом қилди, мен шу кунларни фақат Худога сиғиниш (ибодат қилиш, шукроналар айтиш, Каломни ўқиш) билан ўтказдим, У эса мен учун курашди. Учинчи куни эрталаб уйқудан уйғониб қалбимни қамраган васвасалар бутунлай йўқолганини тушундим. Агар шундай бўлмаганда, мен масиҳий руҳшуносга мурожаат қилган бўлар эдим. Аммо мен ғалаба қилганимни билардим, чунки ўша одам билан бўлган учрашув менда ҳеч қандай туйғуни чорламади. Мен ҳатто ҳайрон қолиб ўйладим: «Қандай қилиб мен бу васвасага берилдим?»

Ўз юрагига эмас, Худога ишониш

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ўзигагина ишонадиган аҳмоқдир, ақл билан юрадиган эса нажот топади» (Ҳикм. 28:26).

Агар мен ўз юрагимга ишонсам жуда катта ҳатога йўл қўйган бўлар эдим, ҳамма нарсани йўқотган бўлар эдим. Ҳозир иблис мени йўлдан уриш учун келганини билдим. Аммо Худо қачонлардир Йўабга ҳақиқат қарор топишига ёрдам бергани каби, менга ҳам ёрдам берди. Ўшанда қабул қилган қарорим ҳаётимда тўғри йўл танлашимга ёрдам қилганига шубҳам йўқ.



Шаҳвоний истак руҳининг кучини мен ўз тажрибамдан биламан. Кимнинг Худога ишончи заифроқ бўлса, у шаҳвоний истакка қарши тура олмайди. Аммо вазиятни жиддий таҳлил қилиш натижасида ўзимизнинг ва турмушимизнинг заиф томонлари аён бўлади. Масалан, мен ва эрим иш билан шу даражада банд бўлганимиз, ҳатто бир-биримизни эр-хотин эканлигимизни ҳам унутиб қўйганимиз менга аён бўлди. Майкл иш билан бандлиги туфайли менинг эҳтиёжларим билан қизиқмай қўйганди. Мен эса унинг ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолгандим. Вазият иблисга ҳаётимизда йўл очиб берган эди.

Эр-хотинлар хиёнатдай оғир гуноҳга ўзлари йўл очадилар, ёлғиз одамлар эса ўз жинсий муаммоларига ўралашиб қоладилар. Чунки шаҳват руҳи уларни сохта фикрлар билан йўлдан оздиради. Масалан, мана бундай фикрлар:

- «Ҳеч ким билмайди».
Ҳақиқат шундаки, Худо ҳамма нарсани билади;
- «Бу менинг қўлимдан келади».
Ҳақиқат шундаки, инсон жуда заиф ва у шаҳват руҳига бас кела олмайди;
- «Бунинг ҳаммаси жиддий эмас, ҳаммаси ҳазил».
Ҳақиқат шундаки, шаҳват руҳининг орқасида иблис туради, унинг сизни нобуд қилиш ҳақидаги мақсадлари доимо жиддий;
- «Нима қилаётганимни ўзим яхши биламан».
Ҳақиқат шундаки, шаҳват руҳи назорати остида бўлган ҳар қандай одам алданади, чунки сиз ўз қилмишларингизга тўғри баҳо бера олмайсиз.

Ўз фикрларингизни назорат қилиб боринг. Ҳар гал шаҳват ҳисси борлигини сезсангиз, эҳтиёт бўлинг. Агар сиз турмушга чиққан (ёки уйланган) бўлсангиз, қуйидагиларни эслаб қолинг:

Оила қурганлар учун ўзларида шаҳват руҳи борлигининг белгилари:



- мен турмуш қурмаган кишига озгина интилиш сезаман;
- у ҳақдаги фикрлар менга тинчлик бермайди, мен доимо шу одам билан ёлғиз бирга бўлишга орзу қиламан (ресторанда, сайрда...);
- мен кийинаётганимда ҳам, иш қилаётганимда ҳам шу одам ҳақида ўйлайвераман;
- мен унинг ёнида ўзимни анча дадил сезаман;
- мен у билан учрашиш учун сабаб қидираман;
- у мен ҳақимда, менинг ташқи кўринишим ҳақида ёки нима билан шуғулланишим ҳақида ўйлайдими ёки йўқми — бу мени жуда қизиқтиради;
- ўзга одамга бўлган қизиқишимни эрим (хотиним) сезмаслиги учун эримга (хотинимга) ортиқча диққат-эътибор қаратаман;
- мен ўз тасаввуримда шу одам билан яқин муносабатда бўламан;
- мен бу киши ҳақидаги фикрларим учун ўзимни айбдор сезаман.

Агар сиз оилали бўлмасангиз, қуйидагиларга эътибор беринг:

Ёлғиз киши учун шахват руҳи борлигининг белгилари:

- бошқа одам ҳақидаги жинсий хусусиятга эга фикрлар мени тўхтовсиз таъқиб қилади;
- мен бу одамга нисбатан ўзимда жуда кучли иштиёқ сезаман, бу иштиёқни синдира олмайман, деб қўрқаман;
- мен бу одам ҳақида Масихдаги акам (синглим) деб эмас, жинсий шерик сифатида ўйлайман;
- интилишларимнинг асосий мақсади — бу одамга Худо яратган банда бўлишга ёрдам бериш эмас, балки ўз эҳтиёжларимни қондиришдир;
- бу одамга нисбатан ўзимдаги чуқур туйғуларим туфайли Худо олдида тавба қилишга куч топа олмаяпман;
- мен Худога мурожаат қилганимда бу одам ҳақидаги фикрларим учун ўзим уяламан;



- мен Муқаддас Китобдан ўзимнинг шу одамга бўлган туйғуларимни оқлайдиган оятларни ахтараман;
- бу одам билан ёлғиз қолиш ўзим учун яхши эмаслигини билсам-да, барибир ёлғиз қолишни хоҳлайман.

Агар ўзингизда кучли иштиёқ бор одам билан алоқа қилган бўлсангиз, дарҳол бунда шайтонни айбланг. Унга шундай деб айтинг: «Мен сени боғлаб ташлайман, иблис, менинг ҳаётимни васваса билан вайрон қилишингга йўл қўймайман. Жинсий гуноҳ Худога ёкмайди, мен бу гуноҳни инкор қиламан. Муқаддас Рух кучи билан мен шаҳват руҳи измида бўлишдан бош тортаман».

Шундан сўнг Худога ибодат қилинг, Унинг олдида тиз чўкиб, шундай деб айтинг: «Эй Раббий, мен бу одамга бўлган интилишларимни, менинг миямга келадиған жинсий фикрларни тан оламан. Мени кечир, улардан халос қил. Эй Эгам, нега мени шайтон бу борада йўлдан ура олаётганини ва менга ҳужум қилаётганини ўзимга аён қил. Ўзимни алдашдан мени асра, аммо вазиятни тўла англашимга ёрдам бер. Эй Раббий, Сен менинг йўлимда турган ҳар қандай васвасадан кучлироқ бўлганинг учун мен Сени шарафлайман». Худо билан қолинг, Унинг марҳамати, севгиси ва баракаси учун Унга то елкангиздан оғир юк тушганини сезмагунингизча ҳамду санолар айтинг.

Агар Худо сизнинг руҳий курашингизни Ўз назорати остига олмасдан Унинг назорати остидан чиқсангиз, хавф остида қолишингиз мумкин. Шунда душман сизни ё нобуд қилади, ё қаттиқ яралайди. Олов билан ўйнашманг, чунки бундай олов сизга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин бўлган портловчи модда билан бирикади.

Йиқилгандан сўнг

Агар сиз шунга қарамай васвасага қарши тура олмасангиз ва жинсий гуноҳ қилиб шайтон қопқонига тушиб қолсангиз, тавба қилишингиз, бу қопқондан халос бўлишингиз лозим. Ёрдам сўраб масиҳий руҳшуносга, қавмбошига, катта жамоатхона хизматчисига, ибодат қилувчи гуруҳга ёки сизнинг тавбангиз сирини сақлай оладиган катта ёшдаги

МУҚАДДАС КИТОБ ЭҲТИРОСЛАР ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Худонинг иродаси шу: муқаддас бўлинглар,
зинодан ўзингизни сақланглар. Ҳар бир одам
ўз хотинини эплаб, муқаддас ва ифбатли
сақласин. Худони танимаган халқлар каби
шаҳвоний ҳирсга берилманглар.

1 Сал. 4:3-5

Бошингизга оддий инсоний васвасадан
бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир,
У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга
йўл қўймайди, лекин васваса билан бирга тоқат
қилишингиз учун иложини ҳам беради.

1 Кор. 10:13

Эй севганларим, сизлардан ўтиниб
сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс
эҳтиросларидан сақланинглар. Чунки сиз
бу дунёда ғарибу мусофирсизлар.

1 Бут. 2:11

Тўғрининг солихлиги нажот беради,
сотқин эса ёмон ниятлари туфайли тутилади.

Ҳикмат. 11:6

Синовга сабр-тоқат қилган одам бахтиёрдир.
Чунки у синовдан ўтгач, Раббимизни
севувчиларга насиб бўладиган ҳаёт тожиги
сазовор бўлади.

Ёқуб. 1:12



тақводор кишига мурожаат қилинг. Ушбу одамлар албатта сизнинг халос бўлишингиз учун ибодат қилишсин. Бусиз ҳеч нарса қила олмайсиз. Халос бўлганингиздан сўнг шифо топишнинг узоқ йўлига тайёрланинг. Аммо сизга бу йўлда ҳам ёрдам керак бўлади.

Ҳар гал сизни яна шаҳват руҳи йўлдан урмоқчи бўлса, буни дарҳол тан олинг. Сирингизни яшира оладиган тақводор одам олдида тавба қилинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингиз иштиёқ сезадиган одамингиз билан ёлғиз қолманг. Энг яхшиси, у билан умуман учрашмасликка ҳаракат қилинг, аммо агар бунинг иложи бўлмаса, доимо ёнингизда учинчи одам бўлсин.

Масиҳий сифатида биз ёвузликнинг илк белгилариданок ундан узоқлашишга ҳаракат қилишимиз керак, бу жинсий гуноҳга ҳам тааллуқли. Биз оддий томоша билан йўлдан оздирадиган ва бир-биримизга қараб ҳам васвасага тушишимиз мумкин бўлган шаҳват ўртасидаги чегарани билишимиз керак. Ўзингиздаги шаҳват сизга бошқа қайтиб келмаслиги учун, ҳар қандай йўл билан ундан халос бўлиш учун ҳозироқ қарор қабул қилишингиз керак.

Ҳаётингизнинг хусусиятларини таҳлил қилинг, сизни гуноҳга нима етаклаётганини билиб олинг: турмушдаги муаммоларми, тобеликларингиздан бирими ёки, эҳтимол, ўтмишда сизга етказилган қалб жароҳатими. Ёки сизнинг Худо олдидаги хизматларингиз иблиснинг мулкларидан бир қисмини йўқотишга сабаб бўляптими? Агар шундай бўлса, у сизни ҳар қандай йўл билан тўхтатиш учун шаҳват руҳини (ёки бошқа руҳни) ёрдамга чақиради. Бунга жуда жиддий муносабатда бўлинг. Биз бир неча марта шайтоннинг ғалабасини кўрганмиз. Шаҳват — ҳар биримиз учун тайёрланган қопқон. Ўзингиз, бу қопқонга тушиб, шайтоннинг лаззатланиши учун сабаб бўлмай, деб қарор қабул қилинг.

ИБЛИСОНА ЁЛҒОН ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Ёлғон инсон қалбига қанчалар зарар етказишини кўп одамлар ҳатто англаб етмайдилар. У бизни Худодан узоқ-



лаштиради, чунки Худо йўлидан четда биз тўлақонли ҳаёт кечири олмаймиз. Агар Унинг ҳақиқати сизнинг юрагингизда бўлмаса, Худо сизни Ўзига жалб қила олмайди.

Иблисона ёлгон қопқони шундан иборатки, биз ёлгон ҳаётимизни енгиллаштиради, деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатда эса, бунинг тескариси бўлади. Ёлгончи отаси иблис бўлган ёлгон руҳи билан иттифоқ тузади. Ёлгон гапириш — бу иблисга ва унинг шохлигига ўз юрагининг бир қисмини бериш демакдир. Сиз қанчалар кўп ёлгон гапирсангиз, у сизни шунчалар қаттиқроқ сиқади. Ниҳоят, сизни ёлгон руҳи билан шунчалар банди қиладики, сиз энди ёлгонсиз тура олмайсиз.

Мен болалигимда ёлгон гапиришга ўрганганман, чунки ҳақиқатни гапирганларни жазолаганларини кўрганман. Бунинг устига менинг беҳаловат ҳаётим тажрибаси шуни кўрсатадики, одамларга ҳақиқатдан кўра ёлгонни эшитиш ёқимлироқ экан. Кўпинча мен ёшим ҳақида ёлгон гапирардим. Вайоминг штатига қарашли шаҳарчамизда фақат биттагина мактаб бўлиб, у жуда кичкина эди, барча ўқийман деганларни сиғдира олмасди. Шунинг учун ҳам ўқув йили бошида, 14 сентябрда олти ёшга тўлмаган бола кейинги ўқув йилини кутишга мажбур эди (у ерда болалар боғчалари йўқ эди). Менинг туғилган куним 16 сентябрда бўлгани учун менга кейинги ўқув йилини кутишга тўғри келган. Бир неча йилдан сўнг биз Калифорнияга кўчиб келганимизда, мен тўртинчи синфда ўқишим керак эди. Калифорнияда ўқув йили 17 сентябрда бошланарди. Бундан бир кун олдин мен ўн ёшга тўлган эдим, синфдаги бошқа болалар эса тўққиз ёшда эди. Синфдошларим ҳақиқатни — мен улардан бир ёш катта эканлигимни билганларида, мен ҳазил-мазах объектига айландим, Чунки улар мени синфда иккинчи йилга қолган, деб ўйлашди.

Яна бир марта, биз бошқа шаҳарга кўчиб ўтганимизда, мен яна ёшим ҳақидаги ҳақиқатни яшироқчи бўлдим. Бу ёлгон мактаб йилларида ҳам, коллежда ўқиб юрган давримда ҳам, телевидениеда кўшиқчи, раққоса, актриса бўлиб ишлаётган даврларимда ҳам мени таъқиб қилиб келди. Кўнгил очар ўйинлар ёшларга мўлжаллангани учун



ҳам, мен баъзида ёшимни беш йилга кичрайтирардим. Доимо ёлғоннинг чуви чиқишидан кўрқиб яшардим. Ниҳоят, ёлғон фош бўлди, уятдан ер ёрилмадию мен ерга кириб кетмадим.

Шундан сўнг мен Худога эътиқод қилиб, Унинг йўлидан кетдим. Шунда мен бир вақтнинг ўзида ҳам Муқаддас Рух билан, ҳам ёлғоннинг отаси билан иттифокда бўлиш мумкин эмаслигини англадим. Мен одамларда танлаш имконияти бўлиши учун уларга ўзим ҳақимдаги ҳақиқатни очишга қарор қилдим: мен қандай бўлсам, улар шундайлигимча қабул қилишлари ёки мени рад этишлари мумкин эди. Ёлғонларим учун фош бўлишимдан халос бўлганимда, шундай енгил тортдимки! Ўша вақтдан буён мени ҳеч ким ёшим ҳақидаги ҳақиқат учун рад қилмади. Биз доимо ҳақиқат билан яшасак, ўзимизга берадиган баҳойимиз ошишига ҳайрон қолади, киши.

Ёлғон — тирик қолиш воситаси сифатида

Кўп ҳолларда қалби жароҳатланган одамлар ёлғондан ўзларини ҳимоялаш воситаси сифатида фойдаланадилар. Бу мақсад табиий туюлгани билан ёлғон ёлғонлигича қолади, у руҳий барқарорликнинг бузилишига, ҳатто руҳий касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Ёлғончи аста-секин ёлғонига кўникади. У учун ёлғон шунчалар одатий ҳолга айланадики, ўзи ҳам бунга ишона бошлайди.

Онам билан айнан шундай воқеа содир бўлган экан. У ўн бир ёшга кирганда, тўсатдан онаси фожеали равишда ҳалок бўлибди. Отаси унга ва иккита синглисига етарлича ғамхўрлик қила олмабди, қизларни турли оилаларга берибди. Онам янги оиласига ўрганиб улгурмай, оила бошлиғи тўсатдан ўзини ўзи ўлдирган экан. Яқин одамнинг ўлими, кейин эса боқиб олган отасининг ўлими онам учун шундай оғир синов бўлдики, у бу руҳий изтиробдан ўзига кела олмабди.

У менга кўп марта, ана шу икки ўлимда ўзимни айбдор деб ҳисоблайман, деб гапирганди. Онам ва бувим ўртасида жанжал чиқади. Ўша куни кечкурун онаси касалхонага тушиб, ўша ерда вафот этади. Ўшандан бери онам-



ни айбдорлик туйғуси тарк этмайди. Шунингдек, онамни асраб олган отасининг ўзини ўзи ўлдириши ҳам унинг янги уйга кўчиб келиши билан боғлиқлигига ишонарди. Буларнинг бари Буюк тушкунлик йилларида содир бўлди, онам оилага ортиқча нонхўр бўлган. Айбдорлик туйғуси онамни жуда эзарди. У ўзигина яшайдиган, ёлгон ҳақиқатга айланган, ҳақиқат юзига тик қараганда, уни рад қилишни истамайдиган дунёни ўйлаб топди. Агар у ўшанда масиҳий руҳшуноснинг сифатли ёрдамани олганда эди, агар ҳеч бўлмаганда унинг оиласи доимо онам учун ибодат қилганда эди, албатта, унинг бутун ҳаётини зулматга айлантирган руҳий касалликка дучор бўлмасди. Онамнинг мисолида ёлгон руҳига мутеликнинг энг юқори даражасини кўриш мумкин.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ёлгон билан бойлик топадиганлар чиқиб кетадиган буғ кабидир, ўз ўлимини излайди» (Ҳикм. 21:6). Бундан ҳам аниқроқ қилиб айтиш мумкинми?! Ҳақиқатни гапирадиганлар ўлим билан ҳеч умумий нарсаси бўлмаган мевалардан татийди.

Агар сиз ўзингизда ёлгонга мойиллик сезсангиз, дарҳол бу ҳақда Худо олдида тавба қилинг. Лабларингиздан ёлгон сўзлар чиқиши биланоқ шундай деб айтинг: «Эй Раббий, Сенинг олдингда мени иблис билан боғлаган ёлгонимни тан оламан. Мени авф эт, ҳар қандай ёвузликдан мени халос қил. Эй шайтон, мен сенинг ёлгонинг ва ёвузлигининг бир қисми бўлишдан бош тортаман. Исо номи билан сенинг ёлгон руҳинг даф бўлсин, деб буюраман. Эй Раббий, мен Сенга ҳамду санолар айтаман, чунки Сен қудратлисан, янги нарсалар яратишга қодирсан».

Шундан сўнг Худо ҳақиқати ва Унинг Каломи билан мустаҳкамландинг. Ҳақиқат Руҳидан, Муқаддас Руҳ мен орқали оқиб ўтсин, ҳар қандай ёлгондан мени покласин, деб сўранг. Яна Ундан ҳаётингиздаги ҳар қандай ёлгонни, шунингдек, сизнинг лабларингиздан чиқадиган ёлгонни ҳам сизга кўрсатишини сўранг.

Ёлгон сизни одамлар билан бўладиган соғлом муносабатлар лаззатидан маҳрум қилади (қаранг: Ҳикмат. 26:28) ва сизни Худо ҳузуридан узоқлаштиради: «Ҳийлагарлар

МУҚАДДАС КИТОБ ЁЛҒОН ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Солиҳ ёлғондан нафратланади,
фосиқ эса уятли ва шармандали ишлар қилади.

Ҳикмат. 13:5

Ёлғончи тил Эгамизга жирканч,
тўғрилиқ билан иш қиладиганлар эса
Унинг севинчидир.

Ҳикмат. 12:22

Ёлғончи лаблардан, маккор тилдан,
Жонимни асрагин, эй Эгам!

Забур 119:2

Ёлғончи тил ўзи яралаганни ёмон кўради,
хушомадгўй эса ҳалокат келтиради.

Ҳикмат. 26:28

Сохта йўллардан мени сақлагин,
Илтифот ила қонунингни менга ўргатгин.

Забур 118:29



менинг ҳузуримда яшамас, ёлгончилар турмас ҳеч қаршимда» (Забур 100:7). Унинг ҳузуридан ташқарида эса ижобий ҳис-ғуйғулар ва шодлик бизга бегонадир.

Сиз томондан айтилган ҳар қандай ёлгон юрагингизнинг бир қисмини шайтон ихтиёрига ўтказишади. Шайтон эса қалбингизни руҳий хасталикларга, ўлимга сабаб бўлувчи саросимага тўлдиради. Иблисга бундай мамнунликни ҳадя қилманг. Бунинг ўрнига ҳақиқат йўлини танланг.

ИБЛИСОНА ЎЗ-ЎЗИНИ КАМОЛОТГА ЕТКАЗИШ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Доимий равишда камолотга интилиб бориш нақадар қийин! Унинг устига ниҳоятда чарчатади. Биз бошқаларга ва ўзимизга ёқиш учун камолотга интиламиз. Аммо биз қанча кўп ҳаракат қилсак, атрофдагилар кўзига шунча ёмон кўринар эканмиз. Одамлар бошқалардан мукаммалликни ахтармайдилар — улар муҳаббатни ахтарадилар. Ўзини мукаммал қилишга интилиш — Худодан бошқа жойда мукаммаллик қидиришга ундайдиган адашишдир.

Йиллар давомида мен эътиборга лойиқ ҳеч нарса ёза олмадим, чунки менинг китобларим мукаммал эмас, деб ўйлардим. Мен уйимга меҳмон таклиф қилмасдим, чунки менинг уйим ва ошпазлик қобилиятим ўзимга мукаммал туюлмас эди. Менинг ташқи кўринишим мукаммалликдан узоқ пайтда мен ўзимни одамлардан олиб қочардим. Ҳеч ким билан телефонда ҳам гаплашмасдим, чунки бу учун кўп ҳолларда ўша сабаб туфайли кайфиятим бўлмасди. Ҳаётим давомида мукаммаллик кетидан доимий қувдим, аммо бу менинг аҳволимни танг қилиб қўйган эди.

Муҳаббатда камолга етинг

Кунларнинг бирида бир журналда менинг мақолаларимдан бири чоп этилди, унда қуйидаги фикр илгари сурилган эди: «Худо ҳеч қачон биздан мукаммаллик талаб қилмайди. У биздан фақат Ўзининг иродасига итоаткорлик йўлларида юришимизни сўрайди». Менинг мақоламга:



«Агар Матто 5:48 да «...осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар» деб очик-ойдин айтилган бўлса, сизнинг шундай деб ёзишга қандай қўлингиз борди?» деб ёзилган хат олдим.

Жавоб мақоласида мен «мукаммал» сўзининг *New World Dictionary* луғатида берилган изоҳини келтирдим: «барча муносабатларда тўғри, бенуқсон, хато қилмайдиган, ҳеч қандай камчиликсиз, энг олий хусусиятларб билан фарқ қилувчи». Бу изоҳга асосланиб Исо сўзларини қуйидагича талқин қилиш мумкин: «Сиз бенуқсон, ҳеч камчиликсиз ва мутлақо тўғри бўлишингиз керак». Аммо бунақа бўлиши мумкин эмас-ку!

Худо биздан ана шу даражадаги мукаммалликни талаб қилади, деб ўйлайдиганлар унга эришиш учун зўр бериб ҳаракат қила бошлайдилар. Кейин эса қўлларида ҳеч нима келмаслигини тан оладилар, бениҳоя тушқунликда қоладилар. Бахтимизга, Худо Каломи бу муаммога бошқача ёндашади.

Исо: «...осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар» деб айтганда нимани назарда тутган экан? Бу сўзларнинг асл маъноси ундан олдинги оятда намоён бўлади. Унда Исо шундай дейди: «Қардошингни севгин, душманингдан нафратлан», — деб айтилганини эшитгансизлар. Лекин Мен сизга айтаман: душманларингизни севинглар. Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун, сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар» (Матто 6:43-44). Кейин бу мавзу давом эттирилади: агар биз Худо севгандай севсак, худди ўзимизнинг Самовий Отамиз каби мукаммал бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, агар биз ҳамма ишларимизда бўлган севгига айланадиган Худо севгисидан яқинларимизга фойдалансак, унда биз мукамалликка эришамиз. Мукаммаллик тўғридан-тўғри инсон юрагининг ҳолати билан белгиланади.

Бир куни олти ёшли қизим Аманда гулларни жуда яхши кўришимни билиб, мени хурсанд қилмоқчи бўлибди ва уйимизнинг орқа ҳовлисида бир нечта атиргул узиб олиб-



ди. У гулларни солиб қўйиш учун токчадан менинг севимли вазамни олаётганда қўлидан уни тушириб юборади ва синдириб қўяди. Бу воқеадан қизим ҳам худди мендай хафа бўлди. Аммо мен қизимни жазоламадим, чунки қизим ўйлаган иш муваффақиятсиз чиққан бўлса-да унинг юраги комил эди. У мени севганидан бу ишга қўл урди, аммо уни кўнгилдагидай қила олмади. Худо бизда айнан ана шундай мукамалликни қидиради.

Худого муҳаббат билан тўлган пок юрак Унга итоат қилишни истайди. Ҳатто агар бизнинг қилмишларимиз унча мукамал бўлмаса-да, юракларимиз мукамал бўлиши мумкин. Биз ўзимизни мукамал тарзда тута олмаслигимизни билган Худо бизга Исони юборди. У орқали фақат Раббийгина бизга ҳадя қила оладиган мукамалликка йўл очди.

Болалигида яқинларининг шафқатсизларча муносабатидан азоб чекканлар ўзларининг номукамалликларини жуда оғир қабул қиладилар. Мен ва менга ўхшаганлар Худо бизда мукамал ишларни эмас, мукамал юракларни кўришни истабини билиш жуда муҳим. Худо бизнинг юрагимизга қараб, унда Исони кўрса, шунинг ўзиёқ бизни Худо кўз ўнгида мукамал қилиб кўрсатишини билишимиз зарур. Агар биз буни тушунмасак, унда доимо юксакларга интиламизу аммо уларга етиша olmay, ниҳоят, ўзимиз лозим даражада ҳам керакли бўла олмаслигимизга, қобилиятсиз эканлигимизга ишонч ҳосил қилиб, ҳаммасини ташлашга маҳкумимиз.

Худонинг айтишича, у бизни инсоний мукамалликдан афзалроқ бўлишимизни хоҳлайди. У Ўз севгиси воқитида сизни мукамал шахс қилмоқчи бўлади ва сизни шундай даражага кўтаришни хоҳлайдики, унда сиз ўз ҳаётингизда Унинг севгисини аниқ кўрасиз. Шу туфайли, мен бугун уйимга меҳмонларни таклиф қила оламан, улар учун зиёфатлар уюштираман, улар билан суҳбатлашаман, улар учун ёза оламан. Мен ўзимнинг мукамаллигим ҳақида хавотирланмасам ҳам бўлади, чунки Унинг севгиси Масиҳнинг мукамаллиги орқали менга қуюлади.

Агар кўзгуга қараб сиз унда Исонинг мукамал гўзаллиги аксини кўрсангиз, демак, сиз ўз шахсингизнинг

МУҚАДДАС КИТОБ БИЗНИНГ МУКАММАЛЛИГИМИЗ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Масих эса гуноҳлар учун битта қурбонлик
бағишлагандан кейин, Худонинг ўнг томонида
абადий ўтириб олди. Ўша вақтдан бери У
душманларининг Ўз оёқлари остига йиқилиб
қолишларини кутмоқда. У биттагина қурбонлик
келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди
ва абადий камолга эриштирди.

Ибр. 10:12-14

Шунга кўра, биз Масихга ишонган ҳар бир одам-
ни мукаммал ҳолда Худога тақдим этмоқчимиз.

Ҳар бир одамга ақл ўргатиб, бутун донолик
билан таълим-тарбия бериб, Масихни тарғиб
қилмоқдамиз.

Кол. 1:28

Мен аллақачон муродимга етишганман ёки алла-
қачон камолотга эришганман, деб айтаётганим йўқ.
Лекин Исо Масих менга етиб олганидек, мен ҳам
мўлжалга етиб олиш учун жон куйдирмоқдаман.

Флт. 3:12

Худо ҳар хил меҳру иноятнинг манбаидир.
Исо Масих орқали У бизни Ўзининг абадий,
улуғвор жаннатига даъват этган. Қисқа бир
муддат азоб чекканингиздан кейин, Ўзи сизларни
мақсадингизга эриштиради, куч-қудратли,
саботли ва мустаҳкам қилиб қўяди.

1 Бут. 5:10

Мени қудратли қилувчи Худодир, Йўлимни
Ўзи бехатар қилар.

Забур 17:33



ҳақиқий қимматини сезасиз. Ҳар доим сиз Худо мукам-
маллигидан завқланганингизда, шахсингизнинг ўзгариши
содир бўлади.

ИБЛИСОНА МАНМАНЛИК ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Рухий жароҳат олган одам учун манманлик жиддий
муаммо бўлиши анча ғалати. Уни англаб олиш осон эмас,
чунки у қалбимизнинг энг тубида яширинган ва ўзига
паст баҳо бериш билан боғлиқ туйғулар ортига беркинган.
Мен ҳам ўзимда кибр, манманлик йўқ деб ўйлардим, бун-
дан ҳатто яширинча ғурурланардим ҳам. Аммо ҳақиқатда
бундай эмас эди. Мен телевидениеда ишлаганимда, му-
ваффақият ишайдан ҳам кўра муваффақиятсизликлардан
ўлгудай кўрқардим. Аммо юз бериши мумкин бўлган
муваффақиятсизликлар олдида менинг кўрқувим итоатга
эмас, кибрга асосланарди. Мен ўзимни муваффақиятга ло-
йиқ деб ҳисоблардим, аммо ҳақиқатда эса мендаги кибр-
ҳаво турли муваффақиятсизликлар учун замин тайёрлар эди.

Кибру ҳавога учиб ишонадиган ёлғонимиз тахмин-
ан мана бундай: «Мен ўз ҳаётимни бошқара оламан, мен
ишларимни ўзим хоҳлаганимдай амалга ошира оламан». Агар
бизда итоаткорлик хусусияти бўлганда эди, биз бош-
қача фикр юритардик: «Худосиз мен ҳеч нима эмасман,
аммо мени кучга тўлдирувчи Масих орқали қўлимдан ҳам-
ма иш келади».

Агар биз кибру ҳавога учиб ўзимизни, бизнинг иродамиз
Худо иродасидан муҳимроқ, деб ишонтирсак, ўзимизни
алдаган бўламиз. Шайтоннинг енгилишига сабаб шу бўл-
дики, у Худонинг Худо бўлишига имкон бермади, Худо
иродасининг тантанасига тан бера олмади. Мана шайтон
самолардан пастга ташланаётганда, унинг айтган сўнги
сўзлари: «...Мен чиқиб бораман самоларга, Худонинг
юлдузлари тепасига тахтимни қўтараман...» (Ишаё 14:13).
Шайтон, то юрагига кибр ўрнашиб олмагунча, мукам-
мал эди. Шунда у ўз иродасини Худо иродасидан юқори
қўйишга қарор қилди. Лекин «Худо мағрурларга қарши,



аммо камтарларга иноятлидир» (Ёкуб. 4:6). Худонинг марҳаматисиз биз пастга қулаймиз.

Қўрқувни яширадиган ниқоб

Одам ўзига паст баҳо беришидан кибр пайдо бўлади ва уни қуйидаги мантиққа риоя қилишга мажбур қилади: «Мен бошқалардан яхшироқман, мен одамларни ўзимни севишга мажбур қиламан, чунки уларнинг кўз ўнгиларида эътиборсиз кўринишдан қўрқаман». Қарама-қарши томонда эса бошқача изоҳ берилади: «Агар мен ўзгалардан яхшироқ бўла олмасам, унда улардан ёмонроқ бўлиб қоламан. Агар мен уларни ўзимни севишга мажбурлай олмасам, уларни мендан нафратланишларига мажбурлаган бўламан». Бугунги кунда қамоқхоналар ана шу мантиққа риоя қилган одамлар билан тўла.

Биз руҳий етукликка эришганимиз сайин Худосиз ҳаммамиз ҳеч нарса эмаслигимизни яхшироқ тушуна борамиз, чунки фақат У бизга инсоний қадр-қиммат туйғусини инъом қилади: «Агар бирор киши, гарчи ҳеч нарса бўлмаса ҳам, ўзини муҳим киши ҳисобласа, у ўзини алдаган бўлади» (Гал. 6:3). «Ҳикматлар» Китобининг муаллифи бизга мана бундай маслаҳат беради: «Ўзингни доно ҳисоблама, Эгамиздан қўрқ. Ёмонликдан юз ўгиргин. Шундай қилсанг, жисминг соғ, жонинг омон бўлади» (Ҳикм. 3:7-8).

Шифо топганингизда сизнинг «мен ҳеч нарсаман» деган туйғу ўрнига, Исо ҳузурида қадр-қимматга эга эканлигингизни тан оласиз, фақат Худодан узоқда сиз ҳеч нима эканлигингизни тушунасиз. Бу содир бўлганда айнан сизда яшайдиган Худо ўзингизни мукаммалликка бошлайди. Ўзингизга Худодан итоаткор юрак ато этишини сўранг, У сизга, албатта жавоб беради.

ИБЛИСОНА ИТОАТСИЗЛИК ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Худосиз ҳаммамиз кўзғолончилармиз, холос. Аммо бизнинг итоатсизлигимиз Худо билан учрашганимиздан ва итоаткорлик йўлига тушганимиздан кейин ҳам намоён

МУҚАДДАС КИТОБ МАНМАНЛИК ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Мағрурликнинг ортидан ҳалокат келади,
такаббурликдан сўнг эса одам қоқилади.

Ҳикмат. 16:18

Улар айбларини тан олганларини Эгамиз
кўргач, Шамаёга шу сўзларини аён қилди:
«Улар гуноҳларига иқрор бўлдилар, шунинг
учун уларни қириб ташламайман. Лекин
Шишах ҳужум қилганда, буларга нажот
бераман, Шишахнинг қўли орқали
Қуддусга ғазабим сочилмайди».

2 Сол. 12:7

Очкўз жанжал чиқаради,
Эгамизга ишонган эса тўқ яшайди.

Ҳикмат. 28:25

Одамнинг мағрурлиги уни паст қилади,
камтарин эса иззат— ҳурмат топади.

Ҳикмат. 29:23

Барча такаббурлар Эгамизга жирканч,
улар жазосиз қолмайдилар.

Ҳикмат. 16:5



бўлиши мумкин. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда итоатсизлик қилишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтдаги тақводорлар орасида энг кўп тарқалган итоатсизликнинг шаклларида бири руҳий лоқайдликдир. Агар биз спиртли ичимликлар дўконига ўғриликка тушсак, кимнидир ўлдирсак ёки турмуш ўртоғимизга хиёнат қилсак, биз бу ҳақда албатта билардик. Аммо биз ҳаётимизда ҳаракатланаётган Муқаддас Рух ҳақида унутиб қўйсак, итоатсизлигимизнинг намоён бўлишига лоқайд қараган бўламиз.

Бундан бир неча йил илгари мен болалигимда олган жароҳатдан кейин пайдо бўлган бир камчиликни тузатиш учун жарроҳлик операциясини бошимдан кечирдим. Шифокорлар менга қуйидаги тавсияларни беришди: «Икки ойгача уйда бўласиз, ҳеч нарса кўтармайсиз, эгилмайсиз, югурмайсиз, машқлар ва қаттиқ ҳаракатлар қилмайсиз, умуман ҳар қандай зўриқишдан ўзингизни асрайсиз». Бир сўз билан айтганда, ҳеч қандай ҳаёт йўқ дегани.

Бир неча ҳафтагача мен Муқаддас Китобни ўқиш ёки кўпроқ ибодат қилиш учун жуда дармонсиз ҳолда бўлдим. Шу сабаб илгари ҳеч қачон қилмаган ишим билан машғул бўлдим: доимо телевизор кўрдим, журналларни варақладим. Бир қарашда бу хавфсиз машғулоти бўлиб туюларди, аммо буларнинг бари менга нима ҳақида ўйлашим, нимани кўришим, нимани сотиб олишим ва сотишим, қандай қилиб оилавий ҳаётни бошқаришим ва рўзгор ишларини қилишим учун йўл-йўриқ кўрсатувчи бу дунё руҳи билан суғорилган эди.

Тузалганимдан сўнг мен аста-секин илгариги ҳаётимга қайта бошладим. Аммо нимадир ўзгарган эди. Мен энди Муқаддас Китобни ўқишга кўп вақт ажратмас эдим, узокроқ ибодат қилиш учун ҳам вақт топа олмасдим. Мен тезроқ ибодат қилиб бўлишга, бошқа ишларни қилишга шошилардим. Тез орада мен ўзимни қўллаб-қувватлаган Раббийнинг қўлига суяниш ўрнига, ўзимнинг кемамда сузиб кетадиган бўлдим.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг эса мен аллақачон Худо билан маслаҳатлашмасдан муҳим ҳаётий қарорлар қабул қила бошладим. Мен ҳеч нарса сезмасам ҳам,



қилмишларим меваси менга бутун ҳақиқатни очиб берди: мен итоатсизлик йўлидан юра бошладим, эҳтиёжларимни ўзимнинг кучим билан қондира бошладим.

Худога итоатсизлик йўлига тушиб, ишонадиган ёлғонимиз қуйидагича: «Бу менга тўғри келади, деб ўйлайман, чунки Худо ва яна кимларнингдир нима дейишларидан қатъий назар, мен барибир ўз билганимча иш тутаман». Худога зид келадиган йўлга тушиб олиб, биз, танлаган йўлимиз Худонинг йўлидан яхшироқ, деган ёлғонга ишониб қоламиз. Итоатсизлик — амалий тимсол олган манманликдир.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ўзбошимчалик — сеҳр-жоду сингари гуноҳ, итоатсизлик эса бут-санамга бош эгиш билан тенгдир» (1 Шоҳ. 15:23). Албатта сеҳр-жоду Худога қарши туришдир. Аммо бу оятда итоатсизлик ва бутпарастлик орасида тенглик белгиси қўйилган. Ўзбошимчалик бизни итоатсизлик томон етаклайди. Ўжарлик бизни итоатсизликда ушлаб туради. Худога ҳар қандай ўжарлик қилаётган киши ҳаётда ўз бутига эгадир. Ушбу бутни таниш ва уни йўқ қилиш — Худо билан иттифоқни тиклашнинг ягона йўлидир. Бизнинг хоҳишларимиз фақат ўзимизнинг хоҳишларимиз бўлиб қолади. Уларни диққат билан таҳлил қилсангиз, бир нарсани тушунасиз: нимаики Худо иродаси билан мос келмаса, бу сизнинг санамингиздир.

Рухий лоқайдлик

Биз Худони таниганимизда ва Унинг йўлларида юра бошлаганимизда бизни бир хавф таҳликага солиб туради: биз аллақачон ҳамма нарсани билиб олдик, деб ўйлаймиз. Биз Муқаддас Китобни ўқиймиз, Худонинг марҳаматларини оламиз, энди хотиржам бўлсак ҳам бўлаверади деб ҳисоблаймиз, чунки ҳамма нарса ўз-ўзидан изга тушиб кетади. Биз нимага ўрганган бўлсак, фақат шу билан кифояланиб қоламиз. Жамоатхонага бориш кейинга қолдирилади, ўзимизни назр қилиш ҳақидаги истагимиз сусаяди, биз энди бошқа томонга қараймиз, чунки итоаткорлик йўлидан қадам ташлаб четга чиқдик. Энди йўлнинг нариги томонидан душман писиб келаётганини кўрмаймиз.



Айнан мана шундай итоатсизлик сабабли жуда кўп руҳий жанглар бой бериб қўйилган. Фақат негадир итоатсизликни биз етуклик деб аташни маъқул кўрамиз, бирон ҳодиса юз бергандан сўнг эса — аҳмоқлик деб атаймиз. Биз ҳаммамиз руҳий лоқайдликка мойил бўлганимиз сабабли, «Демак, биз эшитганларимиздан қайтмаслик учун буларга жуда кўп диққат қилишимиз керак» (Иброн. 2:1).

Сиз руҳий лоқайдлик ҳақида нима биласиз? Қуйида сиз уни таниб олишингизга ёрдам тариқасида бир нечта белгилар келтирилган. Вақти-вақти билан бу рўйхатни кузатиб боринг ва қайси белгилар ўзингизда борлигига эътибор қилинг:

- мен Муқаддас Рухга эмас, балки телевидение, журналлар, кинофильмлар, китоблар каби маълумотлар манбаларига ўзимни кўпроқ ишонтираман;
- мен Худо Каломига эмас, балки кўпроқ дўстларимнинг сўзларига қулоқ тутаман;
- мен руҳий очликни сезаман, чунки ҳар куни Худо сўзи билан озиқланмайман, Унинг ҳузурида Унга мақтовлар ёғдириб ибодат қилаётганимда мамнун бўлмайман;
- мен ҳар куни Муқаддас Китоб дарсларига бориш ва жамоатхонага қатнашни ортиқча деб ҳисоблайман, чунки буларнинг барини мен аллақачон биламан деб ўйлайман;
- менинг янги туйғуларим ёнига яна илгари мени ўзига жалб қилмайдигани қўшилди;
- мен Худодан маслаҳат сўрамай қарорлар қабул қиламан, чунки бу менга тўғри бўлиб туюлади;
- муҳим бирон нарсани сотиб олиш учун Худо билан маслаҳатлашиш истаги менда йўқ эди, аммо мен шу нарсанинг ўзимда бўлишини шунчалар хоҳладимки, уни мен худди Худо иродаси билан сотиб олаётгандай бўлдим;
- мен ўзимни ёмон иш қиляпман, деб ҳисобламайман, шу боис ҳам ўз гуноҳим учун тавба қилишга эҳтиёж сезмайман.



Агар сиз юқорида келтирилган рўйхатдан қайсиларинидир белгилаган бўлсангиз, ҳалокатга олиб борувчи йўлдан қайтиш учун дарҳол Худо олдида тавба қилинг.

Худонинг иродаси йўлдан юриш

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Шундай йўл борки, инсонга тўғри бўлиб кўринади, аммо охири ўлимга олиб боради» (Ҳикм. 16:25).

Биз ўзимизни, мутлақо ҳақмиз, деб ўйлашимиз мумкин, аммо ҳақиқатда эса биз қаттиқ адашган бўламиз. Шунинг учун ўзимизга тўғри йўл танлашга қодир эмасмиз. Буни фақат Худо билади. Худонинг иродасини билиш ва унга бўйсуниб учун Унга мурожаат қилишимиз зарур, чунки фақат шундагина биз хавфлардан тўла холи бўламиз. Унинг иродаси бўйича юриш — итоаткорликда юриш демакдир.

Мен Майкл билан тўйимизгача учрашиб юрганимда, ташаббусни ўз қўлимга олиб, бу билан ҳаммасини бузиб қўйиб хавфидан жуда ҳаяжонланар эдим. «Эй Худойим, Майкл билан бўлган ўзаро муносабатларимизда Сен мени Ўз ироданга итоаткор бўлишим учун асрагин», деб қайта-қайта ибодат қилардим. Мен бундан олдин узоқ давом этмаган турмушимда йўл қўйган хатоимга ўхшаш яна бир хатони қилишни ҳеч хоҳламас эдим.

Беихтиёр бу ишга аралашиб, барчасини ўз фойдамга ҳал қилишдан ўзимни зўрға ушлаб турардим. Масалан, Майкл менга бир муддат қўнғироқ қилмаганда, ўзимни қанчалар ёлғиз ҳис қилмай, унга биринчи бўлиб қўнғироқ қилиш истаги билан курашардим. Мен чин дилдан муносабатларимни давом қилдиришни хоҳласам-да, бундай пайтларда мен умуман у билан учрашишдан ўзимни олиб қочардим. Ниҳоят, у менга турмуш қуришни таклиф қилганда, буни ўзимнинг айёрликларим натижаси эмас, балки Худо хоҳиши билан қилинган иш, деб тушундим.

Худо иродасини англашнинг калити шундаки, биз ягона тўғри қадамни қўйишимиз керак. Бу — ҳамма нарсани тўлалигича Худо қўлларига тутқазиш, ибодат қилиш, Унинг мукамал иродасини мадҳ қилиш, кейин эса жавоб

МУҚАДДАС КИТОБ ИТОАТСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Ўша кун Мисрнинг ўртасида Эгам учун
бир қурбонгоҳ, чегарада бир муқаддас тош
ўрнатилади. Булар Сарвари Олам учун Мисрда
бир белги ва гувоҳ бўлади. Халқ золимлар
дастидан Эгамизга ёлворганда, Эгамиз
уларни қутқарадиган бир ҳимоячи
юборади. У халқни қутқаради.

Ишаё 1:19-20

Улар гуноҳкордир, жазола, эй Худо!
Ниятлари ўзларининг бошига етсин. Сенга
қарши улар исён қилганлар. Уларни
ҳайдагин гуноҳлари кўплиги учун.

Забур 5:11

Баъзилар ўтирардилар зим-зиё зулматда,
Асирлар азоб чекардилар кишанда.
Худонинг сўзларига қарши улар исён
қилгандилар, Худойи Таолонинг йўриқларини
менсимадилар. Шу боис Худо мажбур этди
уларни оғир ишларга, Улар йиқилганда,
бир кимса бўлмади ёрдам беришга.

Забур 106:10-12

Лекин шунга қарамай, улар яна итоатсизлик
қилиб, Сенга қарши исён қилдилар. Сенинг
қонунларингга орқаларини ўгирдилар,
пайғамбарларинг уларни Сенга юз бурдирмоқчи
бўлган эдилар, пайғамбарларингни ҳам ўлдириб,
ғоятда шаккоклик қилдилар. Шунинг учун
Сен уларни ғанимлари қўлига бердинг,

ғанимлари уларга зулм ўтқаздилар. Улар
азоб тортган пайтларида Сенга нола қилишди,
Сен уларни самодан туриб эшитдинг. Улуғ
рахм-шафқатинг туфайли уларга
нажоткорларни юбординг. Нажоткорлар
уларни ғанимлари қўлидан қутқаришди.

Нахм. 9:26-27



кутиш деганидир. Худо иродасига бўйсуниб бизни мутлақо хавфсизлик ва илоҳий шодлик туйғуси билан тўлдиради. Хавфсизлик ва тинчлик — бу эса бизга энг керак нарсалардир.

Худо хоҳиш-иродасини бажариб, Унинг йўлларида юрганимизда, ҳаётимиз енгиллашади. Освальд Чамберс шундай дейди: «Биз ўзимизнинг мақсадимизга интилишимиз билан Худо болаларининг ҳаёт тарзига хос бўлган оддийликни ва енгилликни нобуд қиламиз» (*My Utmost for His Highest*, p. 159). Бу дегани — бўронлар ва изтироблар бизни четлаб ўтади, дегани эмас. Синовлар, қийинчиликлар бўлади, аммо ҳар қандай инсоний тушунчадан афзал тинчлик ҳукм сурадиган жой ҳам бўлади.

Худонинг хоҳиш-иродаси бизнинг ҳар қандай ҳолатимиздан кучлироқдир. Ҳатто биз Худога бир неча бор итоатсизлик қилсак ҳам, У марҳаматини биздай аямайди. Агар сиз муаммоларингизнинг сабабини итоатсизликда деб билсангиз, булар учун Худо олдида тавба қилинг. У Ўз муруввати билан сизнинг яна мақсадни кўра олиш қобилиятингизни тиклайди.

ИБЛИСОНА БАҒРИТОШЛИК ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Биринчи марта онам қамаган қоронғу ертўлада ўтирганимда, мен ўзимни хўрланган деб ҳис қилдим. Агар бу бир марта бўлганда унчалик кўрқинчли бўлмас эди, аммо бу ҳолат жуда кўп такрорланарди. Хўрлик туйғуси менда ўсиб борарди. Шунчалар менинг қалбимни қамраб олган эдики, ҳеч қандай руҳий маслаҳат энди ёрдам бермасди.

Одамлар орасида мақтовга эришиш мен учун энг асосий мақсадга айланди. Одамлар мени танишлари, менинг муваффақиятларимга етарлича баҳо беришлари умидида мен кўп ишлардим. Одамлар менинг фазилатларим тўғрисида билсалар, мен ҳақимдаги ижобий фикрларини ўзгартиришларига ишончим комил. Одамлардан мен хўрликдан бошқа ҳеч нарса кутмасдим.



Бундан бир неча йил илгари мен тўсатдан бир танишимни учратиб қолдим. Мен телевидениеда ишлаган пайт-имда бир йигит билан орамизда жиддий алоқалар бўлганди. Танишим ўша йигитнинг яқин дўсти эди. Биз ўтган кунларни эсладик ва, шубҳасиз, менинг олдинги дўстим ҳақида гаплашдик.

— Сен Рон билан алоқангни узганингдан кейин у жуда қайгурди, — деди танишим.

— Наҳотки? — ҳайрон қолдим мен. — Мен эса унга барибир деб ўйлардим, шунинг учун агар ажрашсак яхши бўлади, деб ҳисобладим.

— Йўқ, йўқ! — эътироз билдирди суҳбатдошим. — Сен у учун жуда азиз эдинг. Умуман олганда ўша ёзда Рон сенга турмуш қуришни таклиф қилмоқчи эди, шунинг учун нега сен у билан алоқани узганингни тушунмай қолди.

Мен лол қолган эдим. Аҳмоқлигим туфайли Рон билан ажралишганимдан пушаймонда эмасдим. Мени ҳайратда қолдирган нарса — ўша пайтда мени кўр қилган хўрлик туйғусининг чуқурлиги эди.

Ўзимизни хўрланган ҳис килиб биз куйидаги ёлғонга ишонамиз: «Мен ҳеч нимага арзимаيمان, шунинг учун одамлар мендан юз ўгиришлари мутлақо табиийдир». Хўрлик руҳи бизни бунга ишонтиради, биз бошқаларнинг ҳар бир сўзи ва ҳаракатини ана шу туйғу орқали қабул қиламиз.

Қайси биримиз ўзимизни кимлар томонидандир хўрланган ҳис қиламиз: қариндошимиз, дўстимиз, ўқитувчимиз, нотаниш ёки тасодифий танишимиз бизни хўрламаганми?! Агар бизнинг руҳимиз соғлом бўлса, бундай воқеалар бизга зарар етказа олмайди, биз уларни тезда унутамиз. Аммо агар қалбимизда ўзгалар бизни хўрлаган бўлса, олинган жароҳатлар изи бўлса, унда бизни ҳар бир шундай воқеа жуда қаттиқ жароҳатлайди.

Турмуш қурганимиздан кейин бир неча йил ўтгач, биз Майкл билан доимий равишда бир-биримизни тўғри тушуна олмаслигимиз сабабли боши берк кўчага кириб қолганимизни тушундик. Шунда ўзимизнинг муаммомизни ҳал қилишда ёрдам бера оладиган малакали мутахассисни излай бошладик.



«Сизнинг ўзаро муносабатларингизда ҳўрланганлик руҳининг борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди, — деди руҳшунос. — Сизлардан бирингиз бирор нима деганингиз ёки қилганингиз заҳоти ҳўрланганлик руҳи иккинчингизни турмуш ўртоғингизнинг бу сўзларини ва қилмишини бошқача тушунишга мажбур қилади. Сиз бирингизнинг жавобингиздан ҳўрликни эмас, аксинча, бир-бирингизни тушуниш туйғусини олишга умид қилиб, бир-бирингиз билан муомала қилишни ўрганишингиз керак».

Мен: ҳўрлик руҳи мавжуд, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим, аммо мутахассис сўзлари устида қанчалик кўп фикр юритсам, ўзимда бу руҳнинг ҳаракатини шунча очиқроқ кўрдим. Майкл уйда кам бўлгани, унинг иш куни нормада бўлмагани учун, мен бу ҳолатни ҳўрлик деб қабул қилар эдим. Биргина дам олиш кунида ҳам у дўстлари билан гольф ўйнашга кетганда, мен буни у томондан қилинган ҳўрликнинг аниқ белгиси деб баҳолайдиган бўлдим. У мен билан очиқчасига гаплашишдан бош тортганда ҳам мен оғир руҳий ҳолат ёки ички бир дардни эмас, балки ҳўрликни кўрдим. Жавоб ҳаракатимнинг сабаби ўзимдаги ҳўрланганлик туйғуси эди.

«Ҳўрлик руҳи ҳар кунги озуқани талаб қилади, — деди руҳшунос, — уни йўқ қилишнинг ягона йўли — уни оч қолдиришдир. Инсоннинг ўзи ҳақидаги салбий фикрлардан у озуқа олиб, ўсади. Агар у ҳаёт учун зарур озуқани ололмаса, у ўлади, унинг бўш қолган ўрнида Худо севгиси ва марҳаматидан озуқланувчи шахс шаклланади.

Албатта бу руҳни ҳайдаш учун Худонинг қудрати етади, аммо У инсонни ўзи қалбидан жой бериб турган нарсадан озод қила олмайди. Агар дайди итга овқат берилса, у ўзи овқатланган жойда қолади. Худди шу сингари, ҳўрлик руҳи озиқлантириб турилса, у ҳам ҳеч қаерга кетмайди. Унга қарши энг кучли восита — Худо бизга инъом қилган сеvgи ва эътирофни тўлалигича тан олишдир».

Руҳшунос бизга Муқаддас Китобдан Худо бизни қабул қилишини тасдиқловчи оятларни топиб ўқишимизни тавсия қилди. Бир неча ҳафта давомида биз эрим билан ана шундай оятларнинг узун рўйхатини тузиш билан банд

МУҚАДДАС КИТОБ ХЎРЛАНГАНЛИК ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Сени ернинг тўрт бурчидан олиб келдим, Ернинг
узоқ бурчакларидан чақирдим. Айтдимки: «Сен
Менинг кулимсан, Сени танладим, рад этмадим».

Қўрқма, Мен сен билан биргаман, Ваҳимага
тушма, Мен сенинг Худойингман. Сенга куч
бераман, Ўзим сенга ёрдамга келаман,
Солиҳ ўнг қўлим билан сени қўллаيمان.
Мана, сенга қарши бўлганларнинг ҳаммаси
Шармандаю шармисор бўлиб қолади,
Душманларинг йўқ бўлиб, нобуд бўлади.

Ишаё 41:9-10

Эй Эгам, тарк этмайсан Ўз халқингни,
Ташлаб қўймайсан Ўзинг танлаган элатингни.

Забур 93:14

Чунки сизлар Худойингиз — Эгамизнинг муқаддас
халқисиз. У сизларни ер юзидаги бутун халқлар
орасидан Ўзининг азиз халқи қилиб танлаб олди.

Амрлар 7:6

Эй Раббимиз севган биродарлар, сизлар учун
ҳамиша Худога шукр қилиш бизнинг бурчимиз.
Чунки сизлар Муқаддас Руҳ орқали муқаддас
қилиндингизлар ва ҳақиқатга имон келтириб,
нажот топдингизлар. Ана шу мақсадда Худо
азалдан сизларни танлади,

2 Сал. 2:13

Эгамиз сизларни Ўзининг халқи қилди. У Ўзи
танлаган халқдан юз ўгирмайди. Акс ҳолда
Ўзининг улуғ исмини бадном қилган бўлади.

1 Шоҳ. 12:22



бўлдик. Руҳшунос билан машғулотларимизнинг сўнгги олтинчи ҳафтаси охирига келиб бизда Худо севгиси ва биз уни қандай қабул қилишимиз ҳақида анча чуқур тасаввурга эга бўлдик. У ҳар биримизнинг хўрлик руҳидан халос бўлишимиз учун ибодат қилди. Натижада бизнинг Майкл билан муносабатларимиз янгича тус олди, ҳар қайсимиз қалбимизга шифо топдик.

Худо танлаган бандаси каби яшаш

Худо Ўз Каломида шундай деган: «...Мен сизларни дунёдан танлаб олдим...» (Юҳанно 15:19). Биринчи бўлиб Исони биз танламаганмиз, балки У бизни танлаган. Биз Худо танлаган кишилар каби яшашга мажбурмиз.

Агар кимнингдир сўзлари ёки қилмишлари сизда хўрлик туйғуларини чорласа, Исо сизни танлаганини эсингиздан чиқарманг. Агар сиз ўзингизда ҳеч қандай яхши нарса кўрмасангиз, демак, шайтон сизнинг келажагингизни ўтмиш манзаралари билан беркитган.

Ҳар гал сиз хўрланиш руҳи фаолиятини сезсангиз, унга албатта қарши турунг. Жисмингиз қанчалар унга рози бўлмасин, барибир, шундай деб айтинг: «Эй, хўрлик руҳи, мен сени ҳайдайман! Худо менда бор нарсани севади. Ҳатто дунёдаги ҳамма одамлар мени инкор қилганларида ҳам, У мени қабул қилади. Бундан кейин мен хўрлик аламлари билан яшашдан воз кечаман. Худо мени танлади. Мен Унинг муҳаббати ва эътирофи билан яшаш учун қарор қилдим. Эй Раббий, Сен мени Ўз мукаммал банданг қилиб яратганинг учун Сендан миннатдорман».

Ўзингизни Худо севгиси ва эътирофи учун намоён қилинг, уларни юрагингизга қабул қилинг. Ахир, бунга сизнинг руҳий соғлигингиз боғлиқ-ку.

ИБЛИСОНА АЧИНИШ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ОЛИНГ

Болалигида қалби жароҳат олган одамлар, одатда, вақт ўтиши билан ўзлари ҳақида салбий фикрларга эга бўладилар. Бундай одамлар қуйидаги ёлғонга ишонадилар:



«Мен бир бечораман. Мен билан доимо ёмон нарсалар юз беради». Сиз ҳар куни ўзингиздан қониқмасликка жой берсангиз, ўзингизни ёвузлик руҳига йўналтирган бўласиз. Ўзингизга бўлган ачиниш руҳи ҳаётингизни доимо, ҳар хил сабабларга кўра қайғуга солади. Арзимаган кўнгилсизлик, масалан, калитларни йўқотсангиз ёки бирон жойингизга арзимаган жароҳат етказсангиз, Худо сиз томонда эмаслигининг белгиси бўлиб туюлади. Ҳатто биз аллақачон халос бўлган нарса яна қайтиб келади ва бизни ранжитади.

Освальд Чамберс шундай дейди: «Ўзингга ортиқча диққат-эътибор қилма, чунки у билинтирмасдан иблис манбаларидан куч олувчи ўзига ачиниш туйғусига айланади» (*My Utmost for His Highest*, p. 170). Ўзига ачиниш иблиснинг ишидир, унинг мақсади эса сизнинг ҳаётингизни ўғирлаш, сизни нобуд қилишдир. Буни эсингиздан чиқарманг. Ўз ҳаётингизда яхшилик кўрмаган пайтингизда ўзингизга ачинишингизда, албатта, ҳеч бир ёмон нарса йўқ. Аммо бу ҳолатнинг узоқ давом қилиши — ҳаётингиздан Худо кучига ўрин бермасликни билдиради. Иблис эса худди шунга интилади. Ўзингизга доимий ачиниш сизга Худо томонидан тайёрланган марҳаматларни батамом сиздан беркитишга қодир тўсиқ бўлиши мумкин.

Бутун диққат-эътиборни Худога қаратиш

Ўзига ачиниш бизга муаммолардан юз ўгиришга имкон бермайди. Ўз ичига йўналтирилган диққат-эътибор ташқарига — Худога йўналтирилган диққат-эътиборга қарама-қаршидир. «Муқаддаслаштирилган одамнинг ўй-хаёли ўзини кўрсатишга эмас, балки Исо Масиҳни ўрганишга қаратилган» (*My Utmost for His Highest*, p. 140). Ўз фикрларимизни ҳозирги замон қонунларига мослаштириб бориб, ўзимизга бўлган ҳаддан зиёд диққат-эътибор бахтли ва тўлақонли ҳаётни таъминлайди, деб хато ҳисоблаймиз. Аммо бу — ёлғон, чунки ўзига диққат қилиш руҳий касалликлар учун замин тайёрлайди. Хаёлимизда ўз муҳтожликларимиз ва туйғуларимиз ҳақида ўйламасдан, онгимизни Худо ҳақидаги фикрлар билан тўлғазишимиз керак.

МУҚАДДАС КИТОБ
ЎЗИНГИЗГА АЧИНИШИНГИЗ
ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Энди яшаётган мен эмас, балки Масиҳ
менинг ичимда яшаяпти. Энди танада
яшаётганимга келсак, мени севган ва мен
учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига
бўлган имон билан яшаяпман.

Гал. 2:20

Азбаройи Худо келадиган хафагарчилик
ўқинтирмайди, аксинча, одамларни тавбага
келтириб, нажот топишига имкон яратади.
Дунёда бўладиган хафагарчилик эса фақат
ўлимни келтириб чиқаради.

2 Кор. 7:10

Ўз-ўзингизни текширинглар: имонда
турибсизларми? Ўзингизни синаб кўринглар:
Исо Масиҳ ичингизда эканини билмаяпсизларми?
Билмасангизлар, мақбул эмассизлар.

2 Кор. 13:5

Ўзини тута олмайдиган одам
деворсиз вайрона шаҳар кабидир.

Ҳикмат. 25:28



Бизнинг диққатимиз марказида фақат Худо туриши керак. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Юраги қингир ўз эгрилигидан, яхши одам эса тўғрилидан мамнун» (Ҳикм. 14:14). Агар тўхтовсиз равишда Худони Унинг марҳаматлари учун, Унинг борлиги учун миннатдорчилик билдирсак, бутун диққат-этиборимизни Худога жамлаш мумкин. Агар қалбимизда Худони шарафласак, ўзимиз ҳақимизда кўп ўйлашимиз, ўзимизга ачинишимиз мумкин эмас.

Ўзингизга ачиниш ҳақида бошқа гапирмасликка ҳаракат қилинг. Овоз чиқариб баланд овоз билан шундай денг: «Мен фақат ўз муҳтожликларим ва туйғуларим ҳақида фикр юритишдан бош тортаман. Мен ўтмиш, ҳозирги пайт ва келажак ҳақида йиғлашни хоҳламайман. Эй Раббий, мен онгли равишда Сени ва Сенинг марҳаматларингни танлайман. Сен менинг барча кам-кўстларимни тўлдирасан, деб умид қиламан. Сен уларни мендан яхшироқ биласан».

Иблиснинг ўзига ачиниш қопқонидан ўзингизни четга тортинг, бутун диққат-этиборингизни Худога қаратинг, Яратганга шукроналар айтинг. Сизнинг руҳий соғлигингиз шунга боғлиқ.

ЎЗ ЖОНИНГИЗГА ИБЛИСОНА ҚАСД ҚИЛИШ ҚОПҚОНИДАН ЎЗИНГИЗНИ ЧЕТГА ТОРТИНГ

Мен ўн тўрт ёшлик пайтимда шундай руҳий азобларни бошимдан кечирдимки, келажак мен учун умуман йўқ эди. Мен ўзимга жуда ярамас, ортиқча, аҳмоқ ва ҳеч нарса қўлидан келмайдиган, ҳеч ким яхши кўрмайдиган, ҳеч кимга, айниқса, ота-онамга керак эмасдай кўринар эдим. Бир куни кечқурун онам қилмаган ишим учун айблаб, менга бутун ғазабини сочди. Мен бундай қахр-ғазабдан бекинишга жой топа олмай қолдим, ўзимни ёлғиз ва ёрдамга жуда муҳтож ҳис қилдим. Қайғу ва умидсизлик мени шунчалар эгиб қўйдики, ҳаётимни ўзгартириш имконини сира кўрмасдим. Менда яшаш учун хоҳиш ҳам йўқ эди. Ўша кечаси жуда кўп миқдорда уйку дори қабул қилдим. Мен буни ўзимга этибор қаратиш ёки одамларнинг менга



ачинишлари учун қилганим йўқ: мен хат қолдирмадим, ҳеч кимга қўнғироқ қилмадим. Мен бошқа уйғонишни хоҳламадим, холос.

Бошқа йўл йўқ. Бу ўзини ўзи ўлдириш ҳақидаги фикр билан тўқнашиб биз ишонадиган биринчи ёлғондир. Биз аҳволимизга умид йўқ, деб ишонамиз, кейин эса олдимизда ўлимдан бошқа йўл йўқ деган ёлғонни қабул қиламиз. Аммо агар сиз Худо билан бўлсангиз, вазиятингизнинг бутун даҳшати ва ночорлигига қарамай, бу ҳеч қачон ҳақиқат бўла олмайди. Қалбингизда яшайдиган Худо барча қийинчиликларингиздан кучлироқ ва устунроқ, чунки фақат Угина сизга озодлик ва нажотни инъом қилишга қодирдир.

Ўз жонига қасд қилиш ҳақида азоб берувчи фикрлар

Қалбида оғриқли жароҳатлар бор деярли ҳар бир одам ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлайди. Агар сизда ҳам шундай фикрлар бўлса, шуни билингки, унинг манбаи шайтондир. Ўлиш истаги на Худодан ва на сиздан чиқади. Сиз жисмоний ёки руҳий оғриқлардан халос бўлиш йўлларини қидирасиз, бу эса табиий ҳол. Аммо ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар дўзахдан сизни нобуд қилиш учун юборилган ўлим руҳи томонидан пайдо бўлади. Бу сизнинг тақдирингиз эмас! Сизда яшайдиган Худо руҳи доимо ҳаётга элтувчи қарорларни сизга кўрсатади.

Агар сиз ўз жонингизга қасд қилиш ҳақида фикр юритсангиз, баъзи бировларда ҳам бундай фикрларнинг борлигига менинг шубҳам йўқ. Мен сизга шуни айтмоқчиман: мен ҳам сиз ҳозир тушиб қолган шу тубсиз умидсизлик ўрасида бўлганман. Менга ҳам сизнинг аламларингиз ва оғриқларингиз жуда таниш. Мен ҳам сиз ҳозир ишонаётган ўша шайтон ёлғонига ишонганман. Мана у:

- Сен ўлсанг яхшироқ бўларди. Қани бўл, буни бажар.
- Бу даҳшатларга, бу бўшлиққа нуқта қўй.
- Бунинг оқибатлари ҳақида хавотирланма. Сен ҳеч кимга керак эмассан. Ростини айтганда, улар бундан мамнун бўлишади.



- Сен бу оғриқларга чидай олмайсан. Улардан тезроқ қутулиш учун, ҳозироқ ўз жонингга қасд қил.

Баъзи одамлар ўз жонига қасд қилишни, диққатини тўлалигича ўзига қаратган одамнинг худбинларча қилмиши, деб ҳисоблашади. Аммо мен шуни биламанки, ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлайдиган одам нафақат худбиндир. Қалбининг тубида у яшашни хоҳлашига, фақат ҳозир яшаётганидай яшашни хоҳламаслигига мен ишонаман. Ички бир овоз сизга, ўлимдан бошқа йўл йўқ, деб такрорлайди. Сиз умид ахтариб ўзингизни ҳар томонга урасиз, аммо яна ўша овоз аҳволингизнинг чорасизлигини қайта-қайта такрорлайди. Сиз бу ёлғонга ишонасиз, чунки уни рад қилиш учун сизда на ақлий, на руҳий куч бор. Аммо ҳақиқат шундаки, сиз жон-жаҳдингиз билан яшашни хоҳлайсиз.

Бахтимга, ўн тўрт ёшимда мен ўйлаган ишимни охирига етказа олмадим, чунки мен уйқу доридан одамни ўлдириши мумкин бўлган миқдорда ичмаган эканман. Эртасига ўлиш ўрнига мен жуда ёмон аҳволда уйғондим. Уйғонгач, умуман ўзимни бошқа одамдай ҳис қилдим. Менинг ҳаётимда ҳеч нима ўзгармаган бўлса ҳам, ҳаётимнинг аянчли ва бахтсиз ботқоғидан чиқиш учун курашга тайёр эдим.

Агар ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар хаёлингизни чулғаса, билингки, ҳар бир дақиқада сизнинг ҳаётингизда нимадир ўзгариши мумкин. Ўзгариш бўлиши турган гап. Ҳеч қачон ўзгармайдиган — танҳо Худодир: «Чунки Мен — Раббийман, Мен ўзгармайман...» (Мал. 3:6). Худо доимо сизнинг манфаатингиз учун меҳнат қилади. Бугун сиз ўз жонингизга қасд қилган бўлсангиз ҳам, эртага сизнинг фикрларингиз тубдан ўзгариши мумкин.

Ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрларни рад этиш

Агар сиз бир неча марта бирин-кетин: «Мен энди яшашни хоҳламайман», дея олсангиз, демак, сиз ўз жонига қасд қилиш руҳи назорати остига тушиб қолгансиз. Ўз сўзларингиз орқали сиз бу хира ўлим руҳини ҳаётдан



қасд олиш истагингизни амалга ошириш учун ёрдамга чақирасиз. Агар сиз Исо билан бўлсангиз, бу фикрлардан осонгина қутуламан, деб ўйламанг тагин. Сизнинг ўлиш ҳақида қачон гапиришингизнинг аҳамияти йўқ, ўз жонига қасд қилиш руҳи доимо уни амалга ошириш учун тайёр.

Сизда ҳозир шундай фикрлар борми ёки йўқми, бундан қатъий назар, сиз Худо олдида улар учун тавба қилишингиз керак. Ҳаётингизда ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар бўлганини тан олишингиз керак. Ундан сўнг шундай деб айтинг: «Эй шайтон, ўлиш истагини сен менга юборишингни биламан. Мен сени Исо номи билан ҳайдайман. Мен сенинг ёлғон руҳингдан воз кечаман. Худо ҳақиқати бўлган ягона ҳақиқатни қабул қиламан. Чунки шу ҳақиқат орқали Худо менинг ҳаётимга режа тузди. Шунинг учун менинг келажагим умидсиз эмас. Мен яшашни ва Самовий Отамни шарафлашни хоҳлайман. Исо номидан берилган ҳуқуқларим билан мен ўз жонимга қасд қилиш руҳини тор-мор қиламан. Мен ўлимга лойиқ эканлигим ҳақидаги овозни эшитишдан бош тортаман. Эй Исо, Сен Ўз ўлиминг билан менинг ҳаётимга соя солган ҳар қандай ўлим руҳи ҳуқуқини йўқ қилганинг учун Сендан миннатдорман».

Агар керак бўлса, бу ибодатни бир кунда йигирма маротаба айтинг. Мен ўз жонига қасд қилиш руҳидан озод бўлишни руҳшуносим Мэри Эннинг кабинетида олдим. Ўшандан бери у мени безовта қилмади. Ҳатто Худо билан бўлиб ҳам, унинг мавжудлигини бир неча марта сезиб турдим. Аммо шу ибодатнинг сўзларини айта бошлашим биланоқ, ўз жонимга қасд қилиш ҳақидаги фикрлар мени тарк этарди. Бу руҳга ўз ҳаётингиздан заррача ҳам жой берманг.

Сиз ўлиш истагидан воз кечганингиздан сўнг, биринчи навбатда, истагингизнинг сабабларини топишга ҳаракат қилишингиз керак. Эҳтимол, сиз ўзингизни хафа қилган одамларни, ёки сизнинг фикрингизча, қилиш керагу аммо қилмаган ишлари учун Худони, ёки яна сизнинг фикрингизча бўлишингиз керак одам бўлолмаганингиз учун ўзингизни кечиришингиз зарурдир. Худодан тўла



кечирымни олишингиз учун тавбангизда ҳеч нимани тушириб қолдирманг.

Ҳеч қачон ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги оғир фикрларга бир ўзингиз бас қилишга уринманг, сизга ёрдам бера оладиган одамларга ҳозироқ ёрдам сўраб мурожаат қилинг. Энг яхшиси, масиҳий руҳшуносдан ёрдам сўранг. Агар бундай имконият бўлмаса, «ўз жонига қасд қилувчиларга тезкор ёрдам жамияти»га қўнғироқ қилинг. Руҳшуносга, қавмбошига, маслаҳатчига, дўстингизга, руҳан кучли масиҳийга мурожаат қилинг. Сиз билан бирга ва сиз учун ибодат қила оладиган бошқа тақводорларга қўшилинг, албатта жамоатхонага боринг, чунки у ерда сиз узоқ вақт Худони шарафлаб ибодат қила оласиз. Сизга энг керак бўладиган нарсаси — бу ички ўзгаришдир.

Энг яхшиси ҳали олдинда

Қавмбоши Джек ҳар доим бизни ҳаётимизнинг энг яхши қисми ҳали олдинда эканлигига ўргатар эди. Исо билан ўтган йигирма йиллик ҳаётим давомида бу тасдиқланди. Чунки болалагида ҳаётининг энг кўп қисмини қоронғу ертўлада ўтказган кичкина қизчанинг ҳозир севувчи эри, Худони севувчи болаларининг ғамхўр отаси бор. Улар шодон яшашади, самарали меҳнат қилишади. Мен ўз жонимга қасд қилиш ҳақида ўйлаганимда, ҳатто бундай дуолар ҳақида орзу ҳам қила олмасдим. Агар ўшанда мен режамни амалга ошира олганимда, буларнинг баридан мен маҳрум бўлар эдим.

Сиз буни тасаввур қила оласизми ёки йўқми, муҳим эмас. Аммо Худо сизнинг ҳаётингизда ажойиб ишларни амалга оширишни режалаштирган. Исо шундай дейди: «Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келадди. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман» (Юҳанно 10:10). Сиз буни ишонч билан қабул қилишингиз керак. Яна сиз шуни билишингиз керакки, Исо сизни чиқара олмайдиган чуқурликнинг ўзи йўқ. Шайтон сизни кўр қилиб қўйган; Худо доимо сизнинг ҳолатингизни ўзгартира олади. Бунинг вақти келди. Агар сиз ҳаётдан кетсангиз, ҳеч қачон Худо сиз учун тайёрлаган ажойиб

МУҚАДДАС КИТОБ ИБЛИСОНА ҚОПҚОНЛАРДАН ҚУТУЛИШ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЙДИ

Шундай йўл борки, инсонга тўғри бўлиб
кўринади, аммо охири ўлимга олиб боради.

Ҳикмат. 14:12

Уларнинг устиларига босқинчиларни
юборганинга, уйларида дод-фарёдлар
кўтарилсин! Чунки улар мени йиқитмоқчи
бўлиб, чуқур қазидилар, оёғимни сиртмоққа
илинтирмоқчи бўлдилар

Ерм. 18:22

Ахир ўликлар диёри Сенга шукр
қилмайди, Ўлим Сенга ҳамду сано айтмайди.
Жаҳаннамга борадиганлар Сенинг
садоқатингдан умид қилмайди.

Ишаё 38:18

Эгамиздан кўрқиш — ҳаёт манбаидир,
у ўлимдан қутқаради.

Ҳикмат. 14:27

Эгам қутқариб қолди жонимни ўлимдан,
Кўзларимни — ёш тўкишдан, Оёғимни —
қоқилишдан. Юравераман Мен Эгамнинг
олдида, Тирикларнинг диёрида.

Забур 114:8-9



келажакни кўра олмайсиз. Шундай экан, нега ундан воз кечишингиз ва ҳаётингизнинг энг яхши қисмини йўқотишингиз керак?! Шунинг билан, Исо туфайли сизнинг ҳаётингиз охиригача яшаш учун муносибдир.

ИБОДАТ

Эй Раббий, Сендан илтимос: менинг оёқларимни душман кишанларидан, қалбимни эса душман мен учун тайёрлаган машаққатлар ва ўлим васвасасидан халос қил. Мени Ўз қанотларинг соясига беркит. Менинг қўргоним, менинг қалқоним ва менинг кучим бўл. Менга ҳақиқатни ва ёлгонни ажрата билишни ўргат. Ҳақиқат учун кўзларимни оч, менинг нотўғри фикрларимни тез билиб олишига мени ўргат. Мен ўз ҳаётимни Сенга бераман. Сен мен учун танлаган йўлдан мени бошла.

ЕТТИНЧИ ҚАДАМ: ҲАҚИҚАТ УЧУН ҚАТЪИЙ ТУРИНГ



Телефон жиринглаши билан мен гўшакни кўтардим. Ўша куни биз дугонам Диана топширган таҳлиллар натижасини билмоқчи бўлиб турган эдик. Чунки у кўпдан бери бетоб, охирги пайтда оғриқ жуда кучайган, шифо топишдан дарак йўқ. Биз бу оғриқлар оғир кечган грипп касаллигининг асорати деб ўйлаган эдик. Биз Диана билан бундан йигирма саккиз йил олдин мактаб драма тўғарагида танишдик, ўшандан бери ажралмадик. Икковимизнинг ҳаётимизда жуда кўп ўхшаш томонлар бор эди, ҳатто оилавий ҳаётимиз ҳам ўхшаш эди. Мен имонли бўлганимда, жамоага дугонамни ҳам олиб келдим. Ҳар якшанбада биз у билан жамоа йиғилишига борардик, ҳафтасига бир неча марта телефонда ибодат қилардик. Мен унинг ибодатларисиз биронта ҳам муҳим қарор қабул қилмасдим.

Шу қўнғироқдан икки йил илгари Диана кўкрагида шиш борлигини билди. Жарроҳлик йўли билан иккала кўкраги ҳам олиб ташлангандан кейин, қилинган таҳлиллар фақат салбий натижа берарди. Шундай бўлса-да, у доимо касаллик яна қайталанишидан қўрқарди.

— Сторми... — ғайритабиий равишда секин ва аянчли овоз эшитилди гўшакнинг нариги томонидан.

— Диана, доктор нима деди?

— Ҳеч бир яхши аломат йўқ...

— Нима демоқчисан? Таҳлиллар нимани кўрсатди?

— Касаллик яна қайтибди.

— Қаерга қайтибди?

Мен нафасимни ичимга ютиб, жавоб кутардим.



— Сторми, у ҳамма ерда — томоғимда, ошқозонимда, суякларда, эҳтимол, мияда ҳам.

— Воҳ, азиз Исо! Бизга ёрдам бер! — дея олдим мен ва иккаламиз ҳам йиғлаб юбордик.

Иккаламизнинг ҳам аччиқ йиғлашимиз қанча вақтга чўзилди, билмайман. Биз ўзимизни босиб олиб, яна гаплаша бошлаганимизда, Диананинг саккиз ёшли ўғли Джон Дейвид ҳақида сўзлашдик.

— У катта бўлганда кўришни жуда истардим, — йиғлади Диана.

Биз шифокор тавсия қилган даволаниш ҳақида гаплашдик. Дианага жуда кўп миқдорда химиотерапия тавсия қилишган эди. Яна нурланиш ҳам кўзда тутилганди. Булар худди ўлим жазосига ўхшарди. Биз биргаликда Худодан мўъжиза кутиб ибодат қилдик.

Бизнинг бу суҳбатимиз июнда бўлиб ўтган эди, Джон ёзги таътилни бизникида ўтказди. Унинг отаси эса бу пайтда Дианани парвариш қилди. Дугонамнинг аҳволи жуда оғир эди. Диана борган сари азоб чекиб, руҳи тушиб борарди. 13 сентябрда у бизни тарк этди. У Худо билан бирга эканлигини билсак-да, бу жудолик бизнинг юракбағримизни қон қилди.

Бошимга тушган ғамга чидаб бўлмайдигандай эди. Диана кундан-кунга сўниб бораётганда, унинг ўлимидан сўнг бир неча ой мен ўзимдаги касалликларим билан курашдим (уларнинг сабаби, шубҳасиз, менинг йигирма ёшдан кейинги нотўғри ҳаёт тарзим эди). Тез орада менга якунловчи ташхис қўйишди — кенг қўламли гистереостомия. Мени жарроҳлик йўли билан даволаганларидан кейин, орадан бир неча ҳафта ўтди. Биз уйимизни ва ишимизни сотиб, янги жойга кўчиб ўтдик. У ерда янги студия сотиб олдик. Кейин мусиқа бозоридаги вазиятнинг тўсатдан ўзгариши натижасида биз оғир молиявий аҳволга тушиб қолдик. Ўз навбатида бу Майкл билан орамиздаги ўзаро муносабатларнинг жиддий ёмонлашуви-га сабаб бўлди. Зиммамга тўсатдан тушган бу муаммолар таъсири остида менда оғир руҳий ва жисмоний танглик бошланди.



«Эй Раббий, мени ҳаёт тарк этмоқчига ўхшайди, — деб йиғлардим кечалари. — Бу йўқотган нарсаларнинг ўрнини қандай тўлдириш мумкин? Нега мен Диананинг ўлиmidан сўнг ҳеч хотиржам бўла олмайман? Мен энди илгаригидай яшай олмайман. Раббий, менга ва Майклга ёрдам бер. Наҳотки бизнинг ўзаро муносабатларимиз Сенга ёқмайди? Уй ва янги студия сотиб олиб биз хато қилдикми? Эҳтимол, биз сенинг иродангни нотўғри тушунгандирмиз. Биз йил бўйи ибодат қилдик, Сен бизни бошқараётганингга мен ишонардим. Аммо бунга энди чидаб бўлмайди. Эгам, менда бошқа куч қолмади».

«Яхши. Энди Мен сенинг юкингни Ўзимга олишимга рухсат бер, — мен юрагимда Раббий овозини эшитдим. — Сен фақат Менинг ҳақиқатим ҳақидаги билиmlарингга қатъий тур, Мен эса ҳаммасини Ўзим тўғрилайман».

Худодан келган юпатувчи сўзларга қарамай, мени мудҳиш воқеаларнинг кўплиги ларзага соларди. Ҳаёт дарахтимнинг шоҳларини шамоллар синдириб ташлаган бўлса-да, Худо менга амр қилганидай илдизларимни қаттиқ ушлаб турардим. Ички оғриқларим ва ҳаётимнинг беқарорлигига қарамай, атрофимдаги барча нарса вайрон бўлгандай туюлганда ҳам ўз олдимга қўйган мақсадим туйғуси билан яшашда давом этавердим. Худо сўзида қатъий турардим: мен ибодат қилардим, Худога шукроналар айтардим. Унга ўзимни ва ўз ҳаётимни ишониб топширдим. Ҳатто кучим қолмаганда ҳам Унинг кетидан юрдим. Бўрон қутуриб ўтганда ҳам мен унга бардош бердим. Шунда ўзимнинг мустаҳкам заминда турганимни, Худога бўлган эътиқодимни янада ўстира олганимни кўрдим.

Ниҳоят, барчаси ўз ўрнига туша бошлади. Диананинг ўлиmidан сўнг Худо менга таскин берди. Бошқа одамлар билан ҳамда Худо билан муносабатларим изига тушди. Касалим тузалди, мен ўзимни илгаригидан яхшироқ сеза бошладим. Эримнинг бизнесида ҳам ажойиб ўзгаришлар рўй берди, уйимиз ва студиямизни сақлаб қолдик. Эрим билан менинг муносабатларимиз ҳам ажойиб тарзда изга тушди. Шубҳасиз, ўша пайтдан буён ҳаётимни бахтли



десам бўлади. Аммо ҳақиқат шундаки, ҳаммаси уму-ман бошқача бўлиши ҳам мумкин эди: банкрот бўлиш, ажралиш, хафагарчиликлар, касалликлар. Яхши одамларда бу нарсалар доимо юз беради. Аммо Худога сиғиниб мен нафақат барча қийинчиликларни енгиб ўтдим, балки янада кучлироқ бўлдим. Фақат Худогина бизни дўзахдан олиб чиқа олади ва тирилтиради. Фақат муваффақият калитини топа олиш керак — ҳеч нарсага қарамай, Худога бўлган ишончда қатъий туриб, тўғри иш қилиш керак.

ҲАР БИР ҚАДАМИНГИЗНИ ХУДОГА ИШОНИНГ

Ўз шахсининг мутлақо озодлиги ва тўла тикланишига интиладиган одам шундай дейиши керак: «Мен бунга ишонаман; мен шундай яшайман; мен шуни хоҳлайман ва шундай бўлади». Бизда ҳақиқат учун қатъият билан туриш, ҳеч нарсага қарамасдан ҳақиқатни билиш биздан талаб қилганидай яшаш истаги бўлиши керак. Освальд Чамберс шундай ёзган эди: «Масихийча ҳаёт муаммолардан халос бўлишни кўзда тутди деб ҳисобланади. Ҳақиқатда эса бу муаммолар ўпқонидан халос бўлиш деганидир, бу эса бир-биридан фарқ қилади» (My Utmost for His Highest, p. 157).

Муқаддас Китоб бизга муаммолар ва қийинчиликлардан озод бўлишни ваъда қилмайди, аксинча, у шундай деб башорат қилади: «Солиҳнинг дардлари кўп бўлар, бироқ Худованд уни барчасидан халос этар» (Заб. 33:20). Биз ҳеч нарсадан қўрқмасак ҳам бўлади, чунки Худо бахтсизликларимизни бизнинг фойдамызга ҳал қилади, фақат биз уларни ибодат орқали Унга етказишимиз, Унинг сўзига бўйсунишимиз керак. Кўпинча ёвузлик яхши одамларнинг ҳаётига кириб олади. Аммо Худо ҳеч қачон бунинг бўлмаслиги ҳақида гапирмаган-ку. У ҳаётни адолатсиз деб ҳам атамаган. У Ўзини адолатли дейди ва озодлик ҳамда ҳаёт келтираман, деб айтади.



ХУДОГА БЎЛГАН ЭЪТИҚОДНИНГ ЎСИШИ

Бир куни кетишимиздан бир неча кун илгари мен Мэри Эннинг олдига бир муаммо билан келдим. Бу муаммони ҳозир ўзим ҳам эслолмайман. Аммо унинг сўнгги маслаҳати аниқ эсимда. Бу менга меҳр билан айтилган бир неча сўз эди: «Сенинг эътиқодинг ўсиши керак».

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлдим мен.

— Ўсиш вақти келди, Сторми, — такрорлади у хотир-жам оҳангда.

Онам шу сўзларни менинг юзимга қараб айтганда, бу сўзлар жуда дилимни оғритган эди, Мэри Эннинг айтганларини эса мен Муқаддас Рухнинг ўсиши каби қабул қилдим.

— Ўсиш? — қайта сўрадим мен тафсилотларини билиш мақсадида.

— Ҳа, Сторми, вақти келди, Сен Худо билан гаплашадиган, Унга менга берган саволларингни берадиган вақт келди. Кейин Худо нима деганини менга айтасан.

Мэри Эннинг гаплари ўшанда менга ёқиб тушди. Мен бу ҳақда Майклга сўзлаб бердим: «Рухшунос олдига ёрдам сўраб бориб, ўшининг кераклигини эшитсанг, бу сенга ғалати туюлишини тан олишинг керак. Ана шунинг ўзиёқ рухий шифо топа бошлаганингнинг белгисидир».

Мен Мэри Эннинг маслаҳатига амал қилиб, Худога саволлар бера бошладим, У эса менга рухшуносим башорат қилганидай жавоб бера бошлади. Айти ўша пайтда ҳаёт учун барча зарур нарсалар ўзимда, энг аввало қиладиган ишим — Худога бўлган эътиқодимда қатъий туриш эканлигига ишонч пайдо бўлди. Менда шундай туйғу пайдо бўлган эдики, худди бўйим баландроқ бўлиб, елкаларим ростлангандай бўлиб қолди.

Худога бўлган эътиқодингиз жараёнида шундай дақиқалар келадики, сиз етарли маслаҳатни — рухий озодликни, Худо йўллари ҳақидаги билимларни, бошқача қилиб айтганда, йўлингизда собит туриш ва: «Мен ишонч билан ўзимнинг ҳаёт йўлимдан бораман» дейишингиз учун керак бўладиган барча йўл-йўриқларни олиб бўлганингизни сезасиз. Биз бутун умр кимнингдир қўлидан тутиб юра



олмаймиз. Кимдир бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб беришига умид қилиб яшай олмаймиз. Биз ўсишимиз ва ўз ҳаётимиз учун бутун жавобгарликни ўз зиммамизга олишимиз керак. Биз вазиятлар қурбони бўлмаслигимиз керак, чунки Худо боши берк кўчалардан чиқиш йўллари бизга белгилаб қўйган. Биз ўз кучимизга умид қилмаслигимиз керак, чунки Худо ҳақиқати йўлида қатъий туришга қақирилганмиз.

«...Заиф шундай десин: «мен кучлиман» (Йўэл 3:10). Бу сизнинг: «Менинг бунга кучим етади деб ўйлайман» ёки: «Эҳтимол, мен буни қила оларман» дейишингиз кераклигини билдирмайди. Йўқ, сиз ишонч билан: «Ҳа, шундай, мен Худога бўлган эътиқодимда қатъий тураман. Мен қатъият билан душманга қарши тураман, йиғламайман, дод-вой қилмайман, йўқотганларимга ачиниб куймайман, бор нарсамга ва Худонинг ишларига хурсанд бўламан». Шундай қилиб, сиз ҳақиқатни билишингиз, ўсишингизга ишонишингизда қатъий туриш учун қарор қабул қиласиз. Айнан мана шунда руҳнинг қайта тикланиши мазмуни мужассамдир.

ҲУЖУМ ҚИЛАЁТГАН ДУШМАН ОЛДИДА ҚАТЪИЙ ТУРИШ

Сизда ҳамма нарса силлиқ бўладиган пайтлар ҳам учраб туради. Аммо тўсатдан, негадир, тушкунлик қора булут каби онгингизни чулғаб олади. Шунинг кетидан ўзингизда ишончсизлик пайдо бўлади. Ёки тўсатдан қандайдир одамга бўлган ғазаб сизни қамраб олади. Сизнинг ўзаро муносабатларингизга дўзахнинг бутун кучлари қарши тургандай бўлиб туюлади. Ёки қаерда озодликка эришган бўлсангиз, ёки шифо топган бўлсангиз, ўша жойда кўнгилсизликлар бошланади ва сизга ҳамма нарса умидсиздай туюлади. Бунинг бари сиз иблис ҳужумига дуч келганингизни кўрсатади. Аммо сиз кўрқманг. Бундай ҳолат ҳаммамиз билан қачондир юз бериши мумкин.

Шундай пайтда сиз Исо ортидан бораётганингизда, ҳеч қачон орқага қайтмайман, деб ишончингизда мустаҳкам



туришингиз зарур. Худо Ўз Каломида аниқ ва равшан қилиб, агар бизнинг кўзларимиз Худога тикилган бўлса, биз шарафдан шарафга, кучдан кучга ўсиб боришимиз ҳақида гапирган. Ҳаворий Павлус шундай дейди: «Биз ҳаммамиз очиқ юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг улуғворлигига қараб турибмиз. Улуғворликдан улуғворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз; бу эса Раббимизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда» (2 Кор. 3:18). Забурчи ижрочилар эса шундай кўйлашади: «Улар қадам босган сари кучаявериб, Сионда Худонинг ҳузурида ҳозир бўладилар» (Забур 83:8).

Орқага қайтиб, сиз Худога тескари қарайсиз, тагин буни онгли равишда қиласиз ва қарама— қарши томонга юрасиз. Унга қараб турганингизда эса фақат олдинга юрасиз. Нимани ҳис қилишингиз муҳим эмас, бу чиндан ҳам шундай эканлигига ишонсангиз, бас.

Хижолат бўлманг. Худо сиз томонда. У на сизнинг сеvimли кишингизнинг фожеали ўлимида, на сизнинг ажрашишингизда, на эрингиз ичишида, на ишингиздан маҳрум бўлганингизда, на бахтсиз ҳодиса юз беришида, на оилангизда тинчлик йўқлигида, на касалликларда, на сизнинг ўзингизга паст баҳо беришингизда айбдор. Буларнинг барига иблис айбдордир. Фақатгина у сизнинг душманингиз, сиз унинг ёлғонига ишонишингизни хоҳлайди. Сизнинг заиф (айниқса жисмоний) дақиқаларингизда, у қалбингизга сизиб киради. Сиз унинг ёлғонига тезроқ ишонишингиз учун озгина ҳақиқат кўшади.

Дугонамнинг ўлимига аза очиб йиғлаб юрганимда, мен ўзим ўлишим мумкинлиги ҳақидаги қўрқув хуружидан азоб чекардим. Биз у билан йигирма саккиз йил давомида яқин бўлганмиз. Унинг ўлими мени ларзага солиб қўйганди. Бу ҳақдаги фикр мени то ўша якшанба тонгигача — мен Худо олдида тиз чўкиб менга берилган ҳаёт учун Унга мақтовлар ва шукроналар айтмагунимча давом қилди. Айнан ўша ерда ва ўшанда мен душман ҳужумига дуч келганимни аниқ кўрдим. Мен ҳам жисмонан, ҳам руҳан жуда заифлашганим сабабли, онам ва дугонам саратон хасталигидан вафот этишгани учун, мен ҳам худди шу касал-



лик билан ўлсам керак, деган фикр орқали иблис онгимни хужумга тутган.

Ўша жамоатхонадаги ибодатда на онамга ва на Дианага ўхшамаслигим ҳақидаги барча ҳақиқатни Худо менга кўрсатди. Агар Худо мени ўз ёнига чақирмоқчи бўлса, бу улар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ва У хоҳлаган вақтда рўй беради. Мен ҳаётим, эришган орзу— умидларим учун Унга шукроналар билдираётганимда, кўзларимдан хурсандчилик ёшлари оқди.

Менинг ҳикоям жуда кўп художўйларнинг иблис хужумларига қарши гувоҳликларидан фақат биттасигина, холос. Агар сизнинг ҳаётингизда ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлган бўлса, иблис сизни таҳқирлашига йўл қўйманг. Агар иблис сизни қашшоқликка, касалликларга ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга дучор қилган бўлса, руҳан собитлигингизни йўқотманг. Худо сизга иблис устидан ҳукмронлик берганига ишонинг. Ҳа, сиз ҳозир азоб чекапсиз, аммо азобларингиз албатта барҳам топади. Худо сизни ҳеч қачон тарк этмайди, Ундан куч олиб яшанг.

Иблис ҳужумини билиб олишнинг тўрт усули

Қачон сизнинг ҳаётингизда Худо ҳаракат қилганда, одатдаги ҳаёт тарзингиз асослари издан чиқади, жисмингиз жунбушга келади. Бу унча ёқимли эмас. Аммо сизга иблис бостириб келгандаги туйғулар ҳам ундан ёқимлироқ эмас. Чиндан ҳам нима бўлаётгани ҳақидаги ҳақиқатни сизга фақат Муқаддас Рух Худонинг Каломи орқали очиши мумкин. Сиз бу янгиликни Унга эътиқод қилиб, мақтовлар ёғдириб, Унга таъзим ва ибодат қилиб билиб оласиз. Ундан: «Бу сенмисан, Раббий, ёки иблис ҳаракат қиляптими?» — деб сўранг. У сизга жавоб қилади.

Кўп одамлар бошларига тушган бахтсизликларни ўринли жазо деб ҳисоблайдилар, душманга айнан шу кераклигини билмайдилар. Шунинг учун душман ҳужумини билиб олиш жуда муҳим.

Мен ҳаммасини соддалаштириб формула сифатида беришни хоҳлайман. Аммо баъзида асосий йўналишни танлаш учун бу зарур бўлади. Душман ҳужуми кучи шунчалар



кўп бўладики, сиз худди кучли ёруғликдан сўнг анча вақт-гача кўриш қобилиятини йўқотгандай бўласиз, фаолият кўрсатишингиз учун тўғри йўналишни танлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Кўпинча бу қалбида чуқур яралари бор инсонларга тааллуқлидир. Чунки иблис ўзларига берадиган баҳо учун уларга қаттиқ зарба беради. Буни ҳисобга олган ҳолда, оғир пайтларда бажарганингизда тўғри йўлни танлашингизга ёрдам берадиган тўрт қоида билан мен сизни таништирмақчиман.

1. *Худо қалбини тушуниш учун Уни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинг.* Агар мен Диананинг касаллиги ва ўлими пайтида жисмонан ва руҳан эзилган бўлмаганимда эди, иблис овозини тезроқ таниб олган бўлардим. Аммо мен шунчалар заиф эдимки, бу овозни эшитмай қолдим. Бугунги кунда ўша пайтларга назар ташлаб қандай қилиб Худо менга: «Сенинг онанг ва энг яхши кўрган дугонанг саратон касаллигидан вафот этдилар, сен ҳам шу касалликдан ўласан», — деганига ишонганимни ўзим ҳам тушунмайман. Бу овоз Худо овозига асло ўхшамасди. Мен Худога эътиқод қила бошлаганимда, бу ҳақиқатни тушуниб етдим. Шу воқеадан бир оз вақт ўтгач, менга бир дугонам кўнгироқ қилди ва кичкина ўғли қаттиқ касал бўлиб қолганини айтди. «Ибодатни тарк этганим учун, Худо мени ўғлимнинг касали билан жазоламаяптимикиан», деб сўради.

— Сен Худонинг юрагини тушунмайсан, Мэри, — жавоб бердим мен. — Худо ҳеч кимни касаллик билан, болаларимизни бизнинг хатоларимиз ва гуноҳларимиз учун жазоламайди. Бундай фикрлар сенга иблисдан келган, биз иблис билан курашишимиз керак. Агар барча нарсада сен Худога суянсанг, албатта ғолиб бўласан. Сен бу вазиятда сира мағлубиятга учрамаслигинг керак.

Сизнинг Худони ўрганиш ва Унинг ҳузурида бўлиш истагингиз шундай кучли бўлсинки, ҳеч қачон шайтонга ён босманг. У доимо сизни мағлубиятга учратмоқчи бўлади, аммо сиз бунга йўл қўйманг. «Мен таслим бўлмайман. Худо менинг ҳимоячим, мен сени ҳаётимга киришингга изн бермайман», — деб айтинг.



Доимо Худо ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлинг. Ўзингизни ўраб турган ёлғонлар орасидан ҳақиқатни танлай билинг. Мэри ибодатга бормаганлиги учун Худо уни жазолагани ҳақидаги фикрлар Худонинг марҳаматидай фазилатларига зид келади. Атрофингизда нима бўлаётганига қараманг, ичингизда Ўтирганга қаранг. Худога ва Унинг табиатига хос хусусиятлар билан танишишни сизга тақлиф қиламан. Ҳар сафар шайтон васвасаси таъсирига тушиб қолганингизда уларни баланд овозда айтинг.

2. *Иблис ҳақидаги ҳақиқатни билиб олинг.* Эҳтимол, сиз мана бу тарзда фикр юритасиз: «Мен иблис билан жанг қилишни ва у билан уруш қилишни истамайман. Мен умуман бу ҳақда ўйлашни хоҳламайман». Аммо Худо сизнинг ҳаётингиз учун шайтон билан кураш олиб борапти. Бу рад қилганингиз билан ҳеч нарса ўзгармайдиган ҳақиқат. Агар сиз тақводор бўлсангиз, сиз Ғолиб томондасиз. Аммо сиз Худо иродаси билан яшамасангиз, унинг ҳузурида ва ҳақиқати томонида бўлмасангиз, Унга итоат қилмасангиз, агар сиз Унинг ҳимоясидан четга чиқсангиз, унда сиз қарама-қарши олов остида қолишингиз мумкин. Кўп ҳолларда одамлар бундай жангда мағлубиятга учрайдилар, чунки ғалаба уларга ўзидан ўзи келишига ишонадилар. Аммо бундай эмас. Биз душманни таний билишимиз, жанг тактикасини танлай олишимиз, ҳақиқатни ҳимоя қилаётган ғолиб жангчи эканлигимизга ишонишимиз лозим.

Ўша куни жамоат йиғилишида Худога ҳамду санолар ўқиб, мен душманам иблис эканлигини тушундим. Чунки фақат у менинг ўлимимни хоҳлайди. Менинг ҳаётимдаги Худо ишини нобуд қилиш учун у жуда кўп куч сарфлаётганини, мен ҳам ғолиб эканлигимни эсладим, чунки мен Худонинг бандасиман-да.

Шайтоннинг мақсадини олдиндан билиш учун у ҳақдаги ҳақиқатни билинг. Бу бобда мен иблис ҳақидаги баъзи бир ҳақиқатни очмоқчиман. Улар сизга иблиснинг ҳақиқий табиатини намоён қилади.

Баъзида бахтсизликка йўлиққанимизда — касаллигимизда, ёки қашшоқлигимизда ўзимизни ўзимиз айблаймиз.

БИЛИШ КЕРАК БЎЛГАН ХУДО ҲАҚИДАГИ ЕТТИ ҲАҚИҚАТ

1. Худо бахт-саодат ато қилишини мен биламан. *«Худованд мурувватли ва адолатлидир...»* (Забур 24:8).
2. Худо мен томонда эканлигини мен биламан. *«Худованд мен томонда...»* (Забур 117:6). *«...Худо мен томонда»* (Забур 55:10).
3. Худо қонунлари ва йўллари менинг бахтим учун берилганини биламан. *«Худованд фармони ростдир... уларга риоя этган киши буюк мукофот топура»* (Забур 18:9-12).
4. Худо ҳар доим мен билан эканлигини биламан. *«...сени ҳеч ташлаб кетмайман ва асло тарк этмайман...»* (Иброн. 13:5).
5. Худо менинг қайта туғилишимни исташини биламан. *«...Ўзинг бўлдинг Нажоткорим менинг!»* (Забур 117:14).
6. Худо ваъдалари барқарор, ҳақиқий эканлигини биламан. *«...Сенинг садоқатинг наслдан-насла ўтади»* (Забур 118:90).
7. Худо доимо Ғолиб эканлигини биламан. *«Худо душманларига қарши Ўзини қудратли қилиб намоён этади»* (Ишаё 42:13).

Агар сиз бу ҳақиқатнинг бирортасида бўлса ҳам шубҳалансангиз, Муқаддас Ёзувларнинг шу оятлар олинган бобларини охиригача ўқиб чиқинг. Худодан, менинг юрагимда Ўзингнинг ваъдаларингнинг ҳақиқат эканини оч, деб сўранг.



Аммо жавобгарликни ўз зиммамизга ола билиш билан ўзини ўзи ҳамма нарасада айблашнинг фарқини билиш керак. Баъзида биз душман билан учрашиб қолганимизга айбдор бўлмаймиз. Иблис тактикаси шуки, у одамлар елкасига ўзи қилган ишларининг айбини қўяди. У ниқоб кийиб олиб, олдингизга сизнинг қиёфангизда келиши мумкин. Сиз эса, ҳеч бўлмаганда, бу ўзингиз эканлигингизга ишонасиз. Шайтоннинг мақсади — бунга озгина имкон туғилганда сизни янчиб ташлашдир. Бунга сиз йўл қўясизми ёки йўқми — ўзингиз ҳал қиласиз.

3. *Душман ҳужуми пайтида сизнинг ҳимоянгизни нима заифлаштириши мумкинлигини билинг.* Кўп ҳолларда ўзимиз беихтиёр қилиш керак бўлган ишни қилмай, қилмаслик керак бўлган ишни қилиб, шайтон ўқлари нишонига айланамиз. Масалан, Диананинг ўлиmidан сўнг мен ҳам жисмонан, ҳам руҳан танг аҳволда қолдим. Натижада Худога бўлган эътиқодим ҳам сезиларли даражада камайди. Мен жуда заифлашиб қолдим. Кунига Ёзувлардан бир-иккитадан ортиқ санони ўқимасдим. Бирга ибодат қилувчи севимли дугонамни йўқотгач, мен ибодат қилишни ҳам камайтирдим. Бу аччиқ йўқотиш дардидан доимо томоғимга бир нарса тикилар, Худога ҳамду санолар ўқиш истаги менда умуман йўқ бўлган эди. Мен жамоатхонага боришни канда қилмаган бўлсам ҳам, художўйлар орасида ўзимни ёлғиз ҳис қилардим. Ўшанда менинг ҳаётимда янги давр бошланган эди (турмушимда, бошқа одамлар билан муносабатларимда, молиявий аҳволимда), аммо мен буни сезмасдим. Мен жуда тушкунликда қолган эдим, ҳаётим тамом бўлди, деб ҳисоблардим. Аммо мен жамоатхонада жойимда бўлганим учун, Худо менга Ўз ҳақиқатини намоён қилди, душман менга қарши уруш олиб бораётганини кўрсатди.

Агар биз ўз ҳаётимизга иблис учун йўл очиб бераётган омилларга диққат қилсак, иблис ҳужумларининг кўп қисмини даф қила оламиз. Ўз ҳаётингизга диққат билан назар солинг. Унинг ҳар бир жабҳасида заиф жойларини топишга ҳаракат қилинг.



*Душман сизга ҳужум қилиши
мумкин бўлган етти сабаб*

- Мен Худо Каломини ўқимайман, Унинг ҳақиқатини тушунмайман. Шунинг учун ёлгонни танишга мени ўргатувчи асосларни йўқотаман.
- Мен ибодат қилмайман, чунки иродам кучи мени тарк этапти.
- Мен Худога ҳамду санолар ўқишга ва Унга сажда қилишга кам вақт ажратаман. Натижада менга куч ато қилувчи Худонинг мавжудлигини сезмайман.
- Мен доим ҳам Худо сўзини тингламайман, шунинг учун ҳам ёвуз руҳлар ҳаётимга кириб олган.
- Мен ҳаётимнинг қандайдир жабҳасида жуда катта заифликни сезяпман, аммо бунинг ҳақиқат эканлигига шубҳаланаман.
- Мен Худога манзур бўладиган ишларни қилмайман.
- Мен Худога сажда қилишнинг янги даражасига кўтариламан, аммо бунда ибодатдан ҳимоя ахтармайман.

Агар юқоридаги рўйхатдан биронтаси сизнинг ҳаётингизда ҳам бор деб билсангиз, буни Худо олдида тан олинг. Сизнинг кейинги фаолиятингизни бошқаришни Ундан илтимос қилинг.

4. *Бостириб келаётган ҳужумнинг белгиларини билинг.* Агар сиз иблис ҳужумининг яқинлашаётганини билсангиз, ўзингизни яхшироқ ҳимоялай оласиз, душман ҳужумини қайтарасиз. Акс ҳолда сиз унинг ёрдамчисига айланасиз. Сизга ҳужум қилаётганда, иблис сизнинг ақлингиздан, туйғуларингиздан, жисмингиздан, одамлар билан ўзаро муносабатларингиздан ёки турли вазиятлардан фойдаланади. Агар сиз салбий туйғуларни — кўркувни, айбдорлик туйғусини, тушқунликни, хижолатни, таҳликани тезроқ аниқлай олсангиз, сизнинг ҳимоянгиз анча мустаҳкам бўлади. Бу туйғулар сизнинг душманингиздан келиб чиқади. Шунинг учун улар сохтадир. Қуйидаги рўйхатда келтирилган сабабларни таҳлил қилинг ва уларнинг орасида сизнинг

ИБЛИС ҲАҚИДА БИЛИШ КЕРАК БЎЛГАН ЕТТИТА ҲАҚИҚАТ

1. Иблис — душманам эканлигини мен биламан. *«...Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир» (Эф. 6:12).*
2. Иблис — ўғирлик, қотиллик эканини, ҳамма нарсани нобуд қилишини мен биламан. *«Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман» (Юҳ. 10:10).*
3. Иблис — ёлғончи эканлигини мен биламан. *«Азалдан иблис қотил эди. У ҳақиқат томонида турмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганда, ўзига яраша сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир».*
4. Иблис — моҳир муғомбир эканлигини мен биламан. *«... Чунки шайтоннинг ўзи ҳам нурли фаршитанинг қиёфасини олади» (2 Кор. 11:14).*
5. Иблис ҳеч қачон ёвузлик қилмасдан тура олмаслигини мен биламан. *«Ҳушёр ва бедор бўлинглар. Душманингиз иблис бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўқириб кезиб юрибди» (2 Бут. 5:8).*
6. Худо менинг ҳаётимда қилган ҳамма нарсани иблис нобуд қилишга ҳаракат қилишини биламан. *«Йўл ёқасига тушган уруғ шундайларни билдиради: уларнинг юрагига илоҳий калом сепилади. Бироқ улар эшитган ҳамон шайтон*

келиб, қалбларига сепилган каломни ўғирлаб кетади» (Марк 4:15).

7. Иблис Худо билан бўлган курашда мағлублигини мен биламан. «*Ҳозир бу дунё ҳукм қилинади, ҳозир бу дунёнинг ҳокими ташқарига чиқариб ҳайдалади» (Юҳ. 12:31).*

Агар сиз бу фикрларнинг биронтасига шубҳа қилсангиз, Муқаддас Китобни олинг ва шу сатрлар келтирилган бобларни тўла ўқиб чиқинг. Худодан менинг юрагимда Ўзингнинг ҳақиқатингни оч, деб сўранг.



ҳаётингизга хавф солаётганлари бор ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Шайтон ҳужумининг еттита белгиси

- Мени ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум қиладиган ногаҳоний кўрқув шол қилиб қўяди.
- Мен Худо олдида тавба қилишимга ва ўз йўлларимни тузатиш учун қилган ҳаракатларимга қарамасдан, мени тарк этмайдиган айбдорлик туйғуси азоб беради.
- Менда кўпинча руҳий зиклик бўлади ёки руҳий зиклик узоқ давом этади.
- Дўзахнинг барча кучлари менинг онгим, жисмим, туйғуларим ва менинг ҳаётим устига, айниқса, менинг озодлигим юз берган ҳаётимнинг қисмига ҳамла қилгандай туюлади.
- Ҳаётимнинг баъзи бир воқеалари менда кучли хавотирга сабаб бўлади.
- Илгари менга аниқ бўлган вазиятларни энди тушунмаётганим сабаб жуда хижолатга тушаман.
- Менинг онгимда Худо иродасига мутлақо қарама-қарши фикрлар пайдо бўлади.

Агар сиз шунга ўхшаш нарсаларни ўз ҳаётингизда кузатсангиз, ибодат қилинг. Худодан иблис ҳужумини тўхтатишини сўранг. Агар сиз билан битта ёки бир нечта худо-жўй киши ибодат қилса, жуда ҳам яхши бўлади.

Душман ҳужум қилганда нима қилиш керак

Душман ҳужум қилиши биланок, қуйидагиларни амалга оширинг:

1. *Ҳаётингизнинг ҳар бир қисмида Исонинг ҳукмронлигини эълон қилинг.* Баъзида биз ҳатто Уни сезмай ҳаётимиздан чиқариб юборамиз. Сиз шундай денг: «Исо — менинг онгим Ҳукмронидир», «Исо — менинг маблағларимнинг Ҳукмронидир», «Исо — менинг одамлар билан ўзаро муносабатларимнинг Ҳукмронидир». Душман энг



кўп хавф соладиган ҳаётингизнинг қисмига кўпроқ эғтибор қилинг.

2. *Худо Каломига қониқиб тўйинг.* Овоз чиқариб, вазиятингизга тик боқиб, душманнинг ҳақиқий хужумига тааллуқли бўлган Худо аҳдларини ўқинг. Сиз олдинги бобда келтирилган иблис қопқонлари рўйхатига мурожаат қилишингиз ва билимларингизни ушбу вазиятда қўлласа бўладиган Ёзувлардаги оятлар билан мустаҳкамлашингиз мумкин.

3. *Доимо ибодат қилинг.* Худодан, менга вазиятим ҳақидаги ҳақиқатни оч, деб сўранг. Ундан муаммоларингиз билан юзма-юз учраша олишингиз учун куч-қувват, ҳимоя ва сизни бошқаришини сўранг. Шуни билингки, иблиснинг шоҳлигида бирдамлик йўқ, шунинг учун ҳатто иккита энг кучсиз имонлилар ҳам ибодатда бирлашсалар, зулмат шоҳлигининг бутун қудратидан кучлироқ бўладилар.

4. *Ўзингизнинг ноқулай шароитларингизга қарамай, Худони мақташни давом эттиринг.* Шуни эсингизда тутингки, Худо Ўз халқининг сўзларида яшайди. Унинг ҳузурида сиз доимо бежавотир бўласиз.

5. *Итоатсизлигингиз аниқ нимада мужассам эканлигини сизга кўрсатишини Худодан сўранг.* Итоаткорликнинг етишмаслиги доимо сизни душман олдида ожиз қилиб қўяди.

6. *Рўза тутинг ва ибодат қилинг.* Бу — душман сизга қарши қўйган тўсиқларни емирувчи жуда кучли қурол.

7. *Иблисга қарши турунг.* Душмандан қочманг, аммо сизнинг имконингизда бўлган руҳий қуролни қўллаб, очиқчасига унга қарши турунг. Ўзингизда яшайдиган Исо туфайли сиз шайтон устидан тўла ҳукмронликка эгасиз. Иблисдан сизнинг кучингиз устунроқдир.

8. *Худодан хотиржамлик топинг.* Агар сиз ўзингиздан талаб қилинган ҳамма нарсани қилган бўлсангиз, ишонинг:

**СИЗГА ХУЖУМ ҚИЛАЁТГАН
ДУШМАН ҚАРШИСИДА ҚАТЪИЙ
ТУРИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС
КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ**

Синовга сабр-тоқат қилган одам
бахтиёрдир. Чунки у синовдан ўтгач,
Раббимизни севувчиларга насиб бўладиган
ҳаёт тожига сазовор бўлади.

Ёқуб. 1:12

Куюндан кейин фосиқлар йўқ бўлади,
солиҳлар эса абадий мустаҳкамдир.

Ҳикмат. 10:25

Дунёнинг ҳар ёғидаги биродарларингиз
худди шундай азобларга дучор бўлаётганларини
билиб, мустаҳкам имон билан иблисга
қарши туринглар.

1 Бут. 5:9

Эгам юқоридан қўл узатиб, мени тутди,
Баҳайбат сувлардан мени чиқариб олди.
Мени кучли ғанимларим қўлидан, Мендан
нафратланган ёвларимдан қутқарди, Улар
мендан кучли эдилар.

Забур 17:17-18



Исо — ғолибдир, Раббий курашда ғолиб бўлди. Ана шундан ўзингизга куч олинг.

Кураш авжига чиққанда, билингки, сиз Худога бўлган ишончингизда қатъий турар экансиз, сизга ҳеч қандай ўқ зарар етказмайди. Агар дўзахнинг бутун кучлари сизга қарши тургандай туюлса, билингки, Худо самонинг барча кучларини сизга ёрдамга юборади. Ҳолатларга ўз ожизлигингиз нуқтаи назаридан эмас, балки илоҳий куч нуқтаи назаридан қаранг. Иблис сизнинг мағлубиятингизни томоша қилиб мамнун бўлишига йўл қўйманг.

ИБОДАТЛАРИНГИЗ ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАНДА ИРОДАЛИ БЎЛИНГ

Баъзида ибодатларингиз жавобсиз қолиши мумкин, ёки сиз кутган пайтда ўзингиз ўйлаган натижа бўлмаслиги мумкин. Ўшанда Худога ишонинг, У ҳамма нарсани яхшироқ билишини эсдан чиқарманг.

То Диананинг ўлимигача мен ҳам, уни билганлар ҳам дугонаминг шифо топиши учун ибодат қилишдан тўхтамадик. Юзлаб художўйлар тинмай Худога ибодат қилдилар. Агар унинг шифо топиши бизнинг ибодатимизга ва ишончимизга боғлиқ бўлганда эди, у албатта тузалиб кетарди. Аммо бизнинг барча ибодатларимиз жавобсиз қолди, аниқроғи, жавоб биз кутгандай эмас эди.

Жавобсиз ибодатдан кейин қалбимизда қоладиган аччиқ алам ҳаммамизга яхши таниш. Аммо баъзида бундай ибодат бизни Худога — Унга янада кўпроқ сажда қилишга қаратадиган воситадир. Баъзида эса бизнинг ибодатларимиз кутаётганимиздан шунчалик кўп фарқ қиладики, биз уни бошида сезмаймиз. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг эса тушуна бошлаймиз. Муҳими, ибодатимизга жавоб олдикми ёки йўқми — бундан қатъий назар, Худога бўлган эътиқодимизда сабот билан туриш керак.

Бизнинг ибодатларимиз узоқ вақт жавобсиз қолса, биз чорасизликка тушамиз, умидларимизни йўқотамиз, Худо бизни унутди деб ўйлаймиз. Биз ибодат қилишни тўхта-



тамиз, ибодатхонага бормай қўямиз, Муқаддас Китобни ўқимаймиз, Худо иродасига ҳам итоат қилмай қўямиз. Ўзимизга: «Бундан нима фойда?» — деб сўраймиз. Баъзида Худодан ғазабланамиз. Биз жавобни на икки ҳафта, на икки ой, на икки йил — умуман ҳеч қанча кутишни хоҳламаймиз. Жавоб ҳеч қачон келмаса-чи? Бу жуда оғир, биз эса азоб чекишни хоҳламаймиз.

Азоб чекишнинг маъноси

Азоб-уқубат ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Ҳаммамиз у билан вақти келганда учрашамиз. Ҳеч ким бундан мустасно эмас. Баъзида азоб-уқубатларимизнинг сабаби ўйлаб қилинмаган ишларимиз ёки гуноҳларимиз бўлиши мумкин, баъзида эса иблиснинг ҳаракатлари ҳам бунга сабаб бўлади. Баъзида биз Худо амр қилганидай иш қилганимиз учун азоб чекамиз. Баъзида одамлар Худо иродасини бузганларидан сўнг, жазо уларга дарҳол келади. Демак, жазо мени четлаб ўтди, деб ўйлайдилар. Кейин барибир жазо келганда, улар буни бир-бири билан боғлай олмайдилар.

Худо бизнинг ички покланишимиз учун азоб-уқубатлардан фойдаланади. У бизнинг елкаларимизга азоб-уқубатларни юкламайди. Биз қанча ҳаракат қилиб ибодат қилмайлик, азоб-уқубатлардан қутулмаймиз, чунки фақат у орқали Худо Ўз мақсадини амалга оширади.

Ҳеч ким ўз хоҳиши билан азоб чекишни истамайди. Ҳатто Исо Худодан Ўзини, агар мумкин бўлса, хоч азабларидан қутқаришни сўраган. Аммо эзгу хабар шундаки, азоб-уқубатларнинг меваси улардан олдинги машаққатлардан устун бўлади. Чунки уларнинг ўрнини боса олмайди, аммо улар учун ўрнак бўла олади: «Ўйлайманки, бизга зоҳир бўлажак улуғворлик олдида шу он азоб-уқубатларини айтиб ўтиш ҳам арзимасдир» (Рим. 8:18). Бу оятдан кўриниб турибдики, Худо азоб-уқубатларимизни камайтирмайди, аммо азоб-уқубатларга У келажак кўзи билан қарайди. Ҳақиқат йўлида қатъий турадиган одамларнинг истиқболи шунчалар катта, қутилганидан шунчалар устунки, уларнинг олдида азоб-уқубатлар ердаги бутун умр билан қиёсланганда дақиқа бўлиб кўринади.

ИБОДАТЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАНДА ҲАҚИҚАТДА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУСТАҲКАМ ТУРИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Эй севганларим, сизларни синаш учун
бошингизга келаётган оташли имтиҳонни
ажиб воқеа деб, ҳайрон бўлманглар. Аксинча,
Масихнинг қанча азобларига шерик бўлаётган
бўлсангиз, шунча хурсанд бўлинглар! Шунда У
шон-шараф ила осмондан тушиб зоҳир бўлгач,
кўнглингиз яна кўпроқ қувончларга тўлади.

1 Бут. 4:12-13

Шу сабабдан беҳад хурсандсизлар.
Ҳозир турли васвасалар туфайли бироз
қайғуришингизга тўғри келса-да, лекин бу
васвасалар имонингизни синаш учун
фойдали эканлигини билинглар. Ҳатто фоний
олтин ҳам оловда тобланиб, синалади.
Шу сингари, олтиндан ҳам қимматли бўлган
имонингиз синовдан ўтиб, Исо Масих
осмондан зоҳир бўлгач, сизларга мақтов ва
шон-шараф келтирсин.

1 Бут. 1:6-7

Худо ҳар хил меҳру иноятнинг манбаидир.
Исо Масих орқали У бизни Ўзининг абадий,
улуғвор жаннатига даъват этган. Қисқа бир
муддат азоб чекканингиздан кейин, Ўзи сизларни
мақсадингизга эриштиради, куч-қудратли,
саботли ва мустаҳкам қилиб қўяди.

1 Бут. 5:10



Мен иккинчи ҳомиладорлигимни ҳам биринчисидай оғир кечирганман. Ҳеч қачон — на кейин, на олдин шу каби жисмоний машаққатларни бошимдан кечирмаганман. Бунинг ҳаммасини яна бошқатдан ҳис қилишга менда заррача бўлса-да хоҳиш йўқ эди. Аммо менга ато қилинган совға — ўғлим ва қизим бошимдан ўтказган барча азоб-уқубатларимдан шунчалар устунки, ўша азоб-уқубатлар ҳақидаги хотираларимни қоплаб кетади. Агар мен ҳомиладорлигим пайтида ўзимни яхши ҳис қилиш ҳақидаги ибодатларим жавобсиз қолганини билсам ҳам, мен шундай мукофот олиш учун яна ҳаммасини бошқатдан бошимдан кечиришга рози бўлардим.

Сиз агар ибодатларингизга жавоб олмасангиз, билингки, бу пайтда Худо сизга Ўз марҳаматини ва Ўз кучини намоён қилаётган бўлади. Кучларимизни чегараланганини биз аниқ тушунишимизни У хоҳлайди. Баъзида Худо Ўзининг ҳомийлигидан четда барча имкониятларимиздан биз фойдаланишимизни, фақат Угина ҳаёт йўқ ерга ҳаёт олиб кела олишга ишонч ҳосил қилишимизни кутади. Баъзида эса биз Унга ёрдам сўраб мурожаат қилишимиз учун ҳаётимиздан ниманидир олади. Худо бизга қанчалар марҳамат қилмасин, биз Унга тобелигимизни тушунишимизни Ўзи истайди. У Ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳаётингизда азоб-уқубатларга йўл очиб беради.

Зулматда сақланаётган хазина

Худди ҳаётимизнинг ёруғ кунларидаги каби, қайғули кунларда ҳам Худо доимо Худо бўлиб қолади. Баъзида бизни ўраб турган қоронғулик ўлим зулмати эмас. Аммо бу, тўғрисини айтганда, ички, яъни қориндаги зулматдир. Биз унда туғилиш учун тайёрланиб ривожланамиз. Бола она қорнидан ташқарида ўзини кутаётган дунё ҳақида ҳеч нарсани билмаганидай, биз ҳам Худо ҳаётимиз учун тайёрлаган буюк мақсад ҳақида билмаймиз. Муқаддас Китоб шундай дейди: «...қоронғуликда сақланаётган хазиналарни сенга бераман...» (Ишаё 45:3). Фақат зулмат пайтида биз учун Худо билан бўладиган мулоқотнинг қандайдир қимматли тажрибасига йўл берилади.



Диана вафот этганда, унинг ўғли Джон Дейвид саккиз ёшда эди. Шундан саккиз йил кейин унинг отаси автомобил ҳалокати оқибатида оламдан ўтди. Диана ва эрининг васиятига кўра уларнинг ёлғиз фарзанди Джон Дейвид бизнинг оиламиз аъзоси бўлди. Бу пайтлар ҳар биримиз учун жуда оғир бўлди, аммо айнан ўшанда биз яна бир маротаба Худога бўлган эътиқоднинг чуқур мазмунини кўрдик.

Худо билан бўладиган яқин мулоқотимнинг кўп қисми айнан оғир даврларга — мен Худога мурожаат қилиб Унинг руҳининг қудратли кучини жон-жаҳдим билан ахтарган пайтларга тўғри келди. Бу бутун ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган қимматли, унутилмас дақиқалар эди. Ўша пайтларда мен Худонинг бир қисмини — ҳозирда ҳеч нарсага алмаштиришни хоҳламаган хазинани ўзимда топдим.

Тушкунликка тушманг. Жавобсиз қолган ибодатлар ва кутишлар, зулмат абадий эмас. Бу сизнинг руҳингиз ҳаётининг даврларидан бири, холос.

Зулмат вақтида қандай ўсиш керак?

Худога бўлган ишончингизга, ҳамду-саноларингизга ва ибодатларингизга қарамай, барибир сиз умидсизликда ва таҳликада қўрқиб яшасангиз, барча умидларингиз пучга чиқса, нима қилиш керак? Биринчидан, Худо менинг айбим туфайли жавоб бермаяпти, деб ўйламанг. Агар сиз гуноҳингиз сабаб ибодатларингизга жавоб олмасангиз, тавба, ибодат қилинг. Шунда Худо ҳамма нарсани ўзгартиради.

Иккинчидан, вазиятингиз сизга таъсирини ўтказишига ва сизни Худога орқа ўгиртиришига имкон берманг. У сизни эсдан чиқармаганини, сизни барча қийинчиликлардан олиб ўтишини эсдан чиқарманг. Худо сизнинг ҳаётингизни бошқариши ва Унинг кучи муаммоларингиздан кучлироқ эканлиги ҳақидаги фикр сизни хотиржам қилсин. Айнан шундай пайтларда биз ё Худо йўлларида адашамиз, ёки эътиқодимиз янада мустаҳкамланади. Албатта: «Бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслиги аён, шунинг учун жон куйдириш керакмикан», деб мағлубиятни тан олиш ҳам мумкин. Биз ё бўронни ўз кучларимиз билан енгамиз, ёки



бўронга бас келиб бизни қаттиқ ерга — бизнинг ҳаёти-мизга ҳеч нарса хавф солмайдиган жойга олиб чиқадиган Худо билан бирлашамиз. Узоқ кутилган жавоб ёнимизда бўлганда, жуда кўп одамлар аллақачон хафсаласи пир бўлиб, тушкунликда қолган бўладилар.

Ҳатто сизнинг ибодатларингиз жавобсиз қолса ҳам эътиқодда қатъий туриш — бу кута билиш демакдир. Чунки чидам кутишдан пайдо бўлади. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...Сабр-бардош билан жонингизни сақлаб қоласиз» (Лк. 21:19). Чидашни ўрганиб, сиз ўзингизни жиловлай олишни ва қалбингизда ёруғлик ёки зулмат ҳукм сурадимиз — бундан қатъий назар, ўзингизни Худо қўлига топширишни ўрганасиз. Ҳаётингизнинг ҳар қандай даврида — шодликдами ёки қайғудами — У сизнинг Худонингиз бўлади. Агар сиз Уни шундайлигича қабул қилсангиз, сиз мустаҳкам ва барқарор турган бўласиз.

Худо ҳаракатларини кутаётган пайтда биз қандай нуқтаи-назарни танлашимиз жуда муҳим: ё биз Худога мушт ўқталиб таҳдид қиламиз ва «Нега мен?» деб қичқирамиз, ёки Унга ибодат қилиб юрагимизни очамиз: «Раббий, менинг вазиятимни ўзгартир. Мен Сенга эътиқод қилар эканман, мавжудлигинг билан мени мукаммал қил. Тўғри йўлни танлашга мени ўргат, ҳамма нарса менга фойда келтирсин».

Худодан жавоб келишини кутиш — ўзингиз ҳеч нарса қилмайсиз дегани эмас. Бу пайтда ўзингизда тўғри руҳий кайфиятни ушлаб туринг. Бунинг энг яхши усули — Худога шукроналар айтиш, Унга сажда қилишдир. «Раббий, мен кўнгилсизликларим ичидан Сени юксалтираман. Менинг ибодатларим жавобсиз қолади, деб қўрқишимни тан оламан. Мен абадий кута олмайман, менда курашиш учун куч етмайдиганга ўхшайди. Эй Раббий, Сенга ишонмаслигим учун мени кечир. Сендан илтимос: мени кучли одамга айлантир, менга умид инъом қил. Сенинг борлигингни ва Сенинг севгингни ҳис қилишни менга ўргат. Сенинг овозингни эшитишимга, Сенинг кетингдан бора олишимга ёрдам бер. Менинг ҳаётимни Ўзингнинг тўла назоратинг остига олганинг учун Сендан миннатдорман».



Хатто Худо сизни эшитмаётгандай туюлса ҳам ибодат қилишдан тўхтаманг, ибодатга кетган вақтингизга ачинманг. Худо сизнинг ҳар бир ибодатингизни эшитади. Сизга ҳеч нарса юз бермаётгандай туюлади, аммо билингки, сиз ибодатингизда ҳар куни ўзингизни ва ўз ҳаётингизни Худога ишониб топширасиз. Худо муҳаббати, шифоси ва гуноҳларни ювиш даргоҳи эшигини тақиллатишни давом эттирасиз.

СИЗНИНГ ИБОДАТЛАРИНГИЗГА ХУДОДАН ЖАВОБ КЕЛГАНДА ҚАТЪИЙ ТУРИШ

Ўзларининг ўтмиши саҳросидан руҳий янгиланишининг обод ерларига келган одамлар ҳайрат билан бу ерни қўлга киритиш учун курашишлари керак бўлганда, бу ерларда девлар борлигини кўрадилар. Биздан нафратланадиган иблис ҳеч қачон бизга зарар етказишдан, бизнинг гуллаб-яшнашимизга, муваффақиятимизга, озодлигимизга ва шифо топишимизга халақит беришдан тўхтамайди. Бундай шароитда биз қулай пайтларда ҳамда оғир пайтларда душманга қарши тура олиш учун истеҳкомларимизни мустаҳкамлашимиз керак.

Диана вафот этган йили иблис бизнинг турмушимизни, бизнесимизни, соғлигимизни, оиламизнинг моддий аҳволига путур етказиш йўли билан вайрон қилмоқчи эканлигини мен билан Майкл аниқ кўрдик. Аммо энг даҳшатлиси шу эдики, иблис шундай муваффақиятлар қозонишига ўзимиз йўл очиб бердик. Бунгача бизнинг молиявий ишларимиз унча ёмон эмасди. Биз булар учун етарлича жиддий, доимо ибодат қилишни тўхтатдик. Аммо тўсатдан бизнесимиз беқарор бўлиб қолганда, Майкл ва мен Худо олдида тиз чўқдик, молиявий ишларимиз учун ибодат қилишга етарлича диққат қилмаганимиз учун тавба қилдик. Биз жамоатхонага назрлар келтириб турган бўлсак-да, Худодан бизнинг даромадларимизни бошқаришни сўраб қилган ибодатларимиз бирмунча заифлашди. Биз Худодан молиявий аҳволимизни назорат остига олишни, уни мустаҳкамлашини тиладик. Ҳар бир кунни биз зўр бериб



ибодат қилишдан бошлайдиган бўлдик. Тез орада бизнинг муносабатларимиздаги ва соғлигимиздаги муаммолар ҳал бўла бошлади. Кейин эса бизнесда ва молиявий аҳволимизда ҳам яхши томонга ўзгаришлар пайдо бўлди.

Биз узоқ вақт кутган, ибодат қилганимиз шартнома имзоланганда, катта миқдордаги пулга чек олганимизда, ўзимизни жуда бахтли ҳис қилдик. Биз Худони шарафладик, хурсандчиликдан рақсга тушдик, Унга ҳамду санолар айтдик. Эртаси куни эрталаб ухлаб қолибмиз, шошилишда ибодат қилишга улгурмай уйдан югуриб чиқдик. Яна бир неча кун биз иш билан шунчалар банд бўлдикки, бизда ибодат қилиш учун бир дақиқа ҳам бўш вақтимиз қолмади. Тўғриси айтганда, биз илгарилари оғир дамларда ибодат учун доимо вақт топар эдик. Шубҳасиз, биз бошимизга кулфат тушганда Худога мурожаат қиламиз, аммо ҳаётимиз изига туша бошлаганда, У ҳақда унутамиз. Ўшанда биз ўз вақтида эсимизни йиғиб олдик, ҳаммасини тузатдик.

Биз қанчалар тез унутамиз!

Инсонларда бир хусусият бор: осуда, тинч жойга етиб борганимиз заҳоти Худони унутамиз. Эски Аҳд китобини ўқиб, мен яхудийларнинг қандай тиришқоқлик билан Худони излаганларига, тавба қилиб ибодатда бўлганларига ҳайрон қолдим. Худо уларнинг ибодатларини эшитди, уларга жавоб берди. Аммо ҳаётлари эндиgina изга тушганда, улар ким эканликларини, қаердан келганларини ва Худо улар учун нима ишлар қилганини унутиб, йўлдан адашдилар. Аммо қийин пайтларда улар яна Парвардигорни эслаб қолишди, тўғри йўлга тушиб олишди. Роҳат-фароғатда эса улар яна гуноҳга қўл уриб, Худодан юз ўгирдилар. Доимо шундай бўлиб келди.

Биз ҳам сизлар билан ўша одамлардан кўп фарқ қилмаймиз. Фароғатли кунларда ҳам, оғир кунлардаги каби, ибодат қиламан деб нечтамыз айта оламиз? Ишончим комилки, бундайлар кўп эмас. Агар бизнинг ибодатларимиз жавобсиз қолган пайтларда ҳам ўшандай содиқлик билан ва қизгин ибодат қилишда давом қилганимизда эди, ҳаётимизда азоб-укубатлар камроқ бўларди, ёки умуман



бўлмасди. Бу ҳаёт умуман ташвишлардан холи бўларди, дегани эмас. Чунки бу тўғри эмас, биз бекордан-бекорга азоб чекмасдик, холос. Аммо шундай бўлади ва Муқаддас Китоб шундай дейди: «Шунинг учун, ўзининг мустаҳкам-лигига ишонган киши йиқилмаслик учун эҳтиёт бўлсин» (1 Кор. 10:12). Агар сизда ҳаммаси яхши бўлса, эҳтиёт бўлинг, огоҳ тулинг!

«Паҳлавонларни» кўздан қочирмаслик

— Муқаддас Китобда айтилган жаннатмисол ер — бу қайта туғилиш амалга ошадиган жойдир, — тушунтирди менга Мэри Энн. — Яна бу жой шундай жойки, у ерда ҳаётингизда вайрон бўлган, ўғирланган, йўқолган нарсаларни бари қайта тикланади. Жаннатмисол ерга кирар эканмиз, биз «паҳлавонлар» ҳақида эмас, балки сут ва асал ҳақида, биз халос бўлганимизда ва қайта туғилганимизда, ҳаётимиз қанчалар фаровон бўлиши ҳақида ўйлаймиз. Қасрдадир бизнинг ёнимизда ёвузлик бор эканлигини биламиз. Аммо ҳаммаси яхши пайтда бу ҳақда ўйлашни хоҳламаймиз. Шунинг учун душман ҳужуми бизни ғафлатда қолдиради. Жаннат ерга кираётганда «паҳлавонлар» билан юзма-юз учрашишга тайёр бўлиш керак.

— У қанақа «паҳлавонлар»? — қизиқдим мен.

Мэри Энн Сахрода Китобида тасвирланган душманларни санаб ўтди. Улар биз кураш олиб борадиган жисми-мизда намоён бўладиган гуноҳларга мос равишда шундай деб аталганини тушунтирди: улар кўрқув, хижолат, ғамгин-лик, кек, итоатсизлик ва ўзгалардан норозиликдир. Рухий соғайишим пайтида шу «девлар» менга хавф туғдирарди. Ҳатто энг тинч вақтда ҳам бизнинг куролимиз ана шуларга қаратилган бўлиши керак.

Тошларга ёзиш

Бундан бир неча йил илгари қавмбоши Джэк жамоати-миздаги барча оилаларга ва унинг ёлғиз аъзоларига бит-тадан тош топишни ва унда қуйидаги сўзларни ёзишни: «...мен ва менинг хонадоним Раббийга хизмат қилади» (Ёшуа 24:15) ва бу тошни уйимизнинг энг кўринарли

ҲАҚИҚАТДА МАҲКАМ ВА ҚАТТИҚ ТУРИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Ниҳоят, Раббимиз билан иттифоқ бўлиб, Унинг
куч-қудрати таъсирида қувватли бўлинглар.

Эф. 6:10

Сабр-бардош билан жонингизни сақлаб қоласиз

Лк. 21:19

Агар бирор киши бу мактубда ёзган
сўзларимизга риоя қилмаса, уни ажратиб
қўйинглар, у билан муносабатни узинглар,
токи у уялсин.

2 Тим. 3:14

Адашманглар, Худо ҳақоратланмайди.
Инсон нима экса, шуни ўради. Ўз нафси
даласига уруғ экса, нафсдан завол ўриб олади.

Рух даласига уруғ экса, Рухдан абадий
ҳаёт ўриб олади. Шундай экан, яхшилик
қилишдан безмайлик. Агар бўшашмасак, ўз
вақтида бунинг ҳосилини ўриб оламиз.

Гал. 6:7-9

Шунинг учун, эй севимли биродарларим,
қаттиқ ва маҳкам туринглар. Ҳамиша Раббимиз
хизматида бўлиб, янада ғайратли бўлинглар.

Шуни билингларки, Раббимиз йўлида қилган
меҳнатингиз фойдасиз бўлмайди.

1 Кор. 15:58



жойига қўйишни буюрди. Майкл билан биз унча катта бўлмаган кулранг тош топдик ва унинг силлиқ томонига Муқаддас Китобдан олинган юқоридаги оятни ёздик. Кейин ҳар сафар унга қараб Худога хизмат қилишга ва Унинг йўлларида сабот билан туришга ваъда берганимизни эслаб туриш учун меҳмонхонадаги каминнинг ёнига тошни қўйдик. Уйимизга келган ҳар бир инсон уни кўради, шу жумладан, шайтон ҳам бу тошни кўришини биламан. Бу тош шайтонга ва бизга Худони эслатиш учун хизмат қилади.

Мана сизга ҳам топшириқ: шунга мос келадиган тошни топинг. Тошга ўчмайдиган сиёҳ билан юқоридаги сўзларни ёзинг ва бу тошни уйингиздаги энг кўринарли жойга қўйинг. Сиз қаерда яшашингиздан қатъий назар: бир хонали уйда, ёки қирқ хонаси бор данғиллама қасрдами, ёки бировнинг уйида ижарада яшайсизми — Муқаддас Китобдан олинган бу байт доимо сизнинг кўз ўнгингизда туриши керак. Бу — Муқаддас Ёзувлар ҳақиқатини, нуқтаи назарингизни, «девлар» ёнида сизга куч-қувват бериб турувчи, бошингизни тик кўтариб юришингизга ёрдам берувчи нарсаларни эълон қилишингиздир.

Агар ҳозир сизнинг барча ишларингиз олдингидан яхши бўлса, ҳеч қачон Муқаддас Китобни ўқишга, ибодат қилишга, Худовандга ҳамду санолар айтишга ва Унга итоаткор бўлишга зарурат йўқ, деган ёлғонни қабул қилманг. Илоҳий янгилашнининг жаннатмакон ерида бежавотир яшаш учун ҳаттоки ўз ибодатларингизга жавоб олганингизда ҳам Худо йўлидан боришга қатъий қарор қабул қилинг.

ХУДО ЯРАТГАН ҲАҚИҚИЙ БАНДА БЎЛИНГ



Сиз руҳий соғайиш томон етти қадам қўйдингиз. Ҳатто сиз бу йўлда бир қадам қўйган бўлсангиз ҳам, ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар албатта рўй беради. Ҳозирча улар сиз хоҳлаганчалик кўп бўлмаса ҳам барибир чекинманг. Ўшанда ундан кўпроғини кўрасиз. Худо шундай ваъда беради: «...сизларда бошланган хайрли ишни то Исо Масиҳнинг келадиган кунигача тамом қилишга аминман» (Флп. 1:6).

Мен шуни айтмоқчиманки, агар сиз бу китобни шу варағигача ўқиган бўлсангиз, демак, Худо сиз учун тайёрлаган ҳамма нарсани чиндан ҳам олмоқчисиз. Бу жуда яхши, чунки Худо яратгандай мукаммал шахс бўлиш ҳақида сизнинг истагингиз юрагингизда пайдо бўлади. Бу — фақат Парвардигоргина қондира оладиган, Унинг мавжудлигига бўлган кучли руҳий очлик ва ташналикка айланади. Агар шундай бўлса, сиз тўла тикланишингиз томон тўғри йўлдасиз, деб ҳисобласа бўлади.

Энди Худо билан ўз ваъдаларингизни мустаҳкамлаш ва ишонганингизга биноан яшаш вақти етди. Бу сизга руҳий соғлиққа эга барқарор киши бўлишингизга, бу барқарорликни одатдаги ҳолатга айлантиришингизга имкон беради. Агар ўзингиз ҳақингизда ҳам, туйғуларингизда ҳам, фикрларингизда ҳам фақат ҳақиқатга амал қилсангиз, шу мақсад йўлида муваффақиятга эришасиз.



ТУЙҒУЛАРИНГИЗНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

Энди сиз руҳингизнинг қайта туғилишига элтувчи йўлга қадам қўйганингизда, қалбингизда рўй бераётган нарсаларга диққат қилишингиз керак. Бундан сиз кун бўйи ўтириб туйғуларингиз ва ҳисларингизни таҳлил қилишингиз керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Исо — мана ким сизнинг диққат марказингизда бўлиши керак. Агар сиз Парвардигорга интилсангиз, агар Унинг иродасига итоат қилиб яшасангиз, туйғуларингиз қиладиган ишларингизда Исо намоён бўлганда уларга бас кела оласиз. Ўзининг «The Road Less Traveled» («Ўрганилмаган йўл») номли китобида Скотт Пек шундай дейди: «Руҳий соғайишга интилиш — бу қандай қилиб бўлса ҳам ҳақиқатга мурожаат қилишнинг узлуксиз жараёнидир» (New York: Simon and Schuster, 1980, p. 51). Ўз туйғуларини беркитишга уриниш — қарама-қарши хусусиятли жараёндир.

Ҳар биримизнинг қалбимизда тўкилмаган кўз ёшлари бор. Уларни яшириб, биз кўпчилик ичида йиғламаймиз, чунки бу одоб қоидаларига тўғри келмайди, ёки бир томчи кўз ёшнинг кетидан тўхтовсиз кўз ёшлар оқими келади. Биз унга бас кела олмаймиз, деб кўрқамиз. Ҳаётимизда шунчалар кўп оғриқлар борки, шу оғриқларни сал бўлса-да, билинтирмаслик учун юрагимизни бешафқат қилишимизга тўғри келади. Чунки оғриқ ўтмаслашганда биз йиғламаймиз. Аммо ростини айтганда, тирик қолишнинг бундай воситасини тўғри йўл деб бўлмайди, чунки Муқаддас Китобда шундай дейилган:

Ҳамма нарсанинг ўз вақти соати бор, ҳар қандай нарсанинг вақти осмоннинг тагида... йиғлаш вақти, ва кулиш вақти; зорланмоқ вақти, ва рақсга тушиш вақти...

Воиз 3:1-4

Буларни эсдан чиқармаслик учун доимо ақл билан иш тутинг.



Кунларнинг бирида мен бир шифокордан шундай гапни эшитдим: «Шамоллаш — бу инсон жисмида йиғилиб қолиб, унинг ҳаёт фаолияти тизимини ёпиб қўядиган ва тўкилмаган кўз ёшлар натижасидир». Бу фикрнинг илмий жиҳатдан қанчалик асосланганини билмайман. Аммо ишонаманки, бизнинг туйғуларимиз жисмимизга ўйлаганимиздан кўра ҳам фаолроқ таъсир қилади. Биз йиғлашга эҳтиёж сезмаслигимиз, кўз ёшлар ўз-ўзидан қуйилиб келишига йўл қўймаслигимиз керак. Парвардигор ҳузуридаги кўз ёшлар бизга шифо келтиради. Улар ўз йўлларида тўсиққа дуч келмасликлари керак.

Сизнинг ҳаётингиздаги ҳар қандай бахтсизлик учун — армонга айланган орзулар, машаққатли болалик, жисмоний заифлик, муваффақиятсиз турмуш, азиз одамингизнинг ўлими ёки ҳаётингизнинг бутун бир даврини йўқотиш учун — «йиғлаб аламдан чиқиш» ҳуқуқига эгасиз. Қайғу-ғам аста — секин чекинади, шунинг учун шошмаслик керак. Сиз бошқасига ўтишдан олдин аниқ бир руҳий жароҳатингиз билан боғлиқ бир босқични охиригача босиб ўтишингиз керак. Уларнинг ҳар бири сизнинг руҳий шифо топишингиз йўлида қўйилган янги қадамдир. Бу босқичларни босиб ўтишдан қўрқманг, ғам сизни қамраб олади, аммо бу йўл сизга озодлик олиб келади.

Туйғуларимиз бизни бошқармаслиги керак бўлса ҳам, улардан кўз юмиб бўлмайди. Ўтмишдан халос бўлиш албатта, ҳозирги кунга алоқадор бўлади. Ўз туйғуларингизга кулоқ солинг, Худодан, туйғуларимни таҳлил қилишга, уларга тўғри муносабатда бўлишимга мени ўргат, деб сўранг. Нима учун айнан шу туйғулар сизда устун эканлигини тушунишга ҳаракат қилинг. Уларга эътибор беринг, ҳар қандай вазиятда ҳам уларни тушунишга ўрганинг.

ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДАГИ ҲАҚИҚАТНИ ЭСДАН ЧИҚАРМАНГ

«Сен овсарсан! Сен нотаваонсан! Сен аҳмоқсан! Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан!» Бу каби сўзларни мен доим онамдан эшитар эдим. Аммо унинг шафқатсиз юрагида



муҳаббатнинг йўқлиги ҳамма ҳақоратларни янада чуқурлаштирарди. Биз фермада яшаганимиз, атрофда бир неча километргача ҳеч ким йўқлиги учун, на танишларимиз, на дўстларимиз, на қариндошларимиз бор эди. Мен бу ҳақоратли сўзларни ҳар куни эшитардим. Катта бўлганим сайин бу ҳақоратларга кўпроқ ишонардим.

Ўзимнинг ҳеч нимага ярамаслигимга ишониб, мен қўлимдан иш келишини ҳаммага исботлашни жуда хоҳлардим. Мен ҳаётимда юз берган вақеаларни қабул қилиш ўрнига, уларни йўналтиришга ҳаракат қилардим; атрофимдагилар менинг ишларимни маъқуллашларига, менга эътибор қилишларига жуда муҳтож эдим. Меҳр-муҳаббатга зорлигим сабабли, кўпинча ўзимни ҳалокатга бошловчи ахлоқсиз муносабатларга бутун вужудим билан талпинардим. Аммо на менинг зарралардан йиққан севгим, на маъқуллашлар, на ҳурмат менинг ҳаётимнинг тубсиз упқонини тўлдира оларди. Чунки мен ўзим ҳақимдаги ёлгонларга ишониб яшардим.

Биз ҳаммамиз ўзимизни бошқаларга керак эканлигимизни ҳис қилишни хоҳлаймиз. Аммо ҳақиқат шундаки, Худо ҳаммамизни аллақачон кимдир қилиб яратган ва биронта ҳам инсон ҳаёти Унинг кўзи ўнгида бемаъни тасодифнинг натижаси бўлмайди. У ҳар биримизга мақсад ва вазифа ато қилган. Ўзимиздаги Худо инъом қилган хусусиятларни инкор қилиш ҳеч ҳам итоаткорлик эмас, чунки аслида гап ўзига бериладиган баҳони пасайтириш ҳақидадир.

Ўз-ўзига юқори баҳо бериш — инсон ўзига Худо нуқтаи назаридан қарашни, Худо Ўз ҳаद्याларини — қобилият ва мақсадни берган ва шу билан ҳеч кимга ўхшамайдиган шахснинг ноёблигини эътироф қилишни билдиради. Бу сўзларни эслаб қолиш учун уларни ўчмайдиган сиёҳ билан қўлингизга ёзинг ва кунига овоз чиқариб эллик мартадан айтинг. Чунки уларда ўзингиз ҳақингиздаги ҳақиқат бор — уни сиз кўрасизми, ёки йўқми — бунинг аҳамияти йўқ.

Мен онгли равишда Парвардигорга ўзимда бор яхши нарсалар учун миннатдорчилик билдирганимдан сўнг, ўзимга Худо кўзлари билан қарашни ўргандим: «Раббий, мен ўзимнинг тириклигим учун, юра олишим, гапира оли-



шим, кўра олишим, овқат пишира олишим, хат ёза олишим, ўзимнинг саранжом-сариштали уй бекаси эканлигим, болаларимни севишим, Исони билганим учун сенга миннатдорчилик билдираман. Парвардигорим, Сен мени мақсадга интилувчан ва ҳурматли шахс қилганинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман». Биз Худога қандайдир аниқ марҳаматлари учун шукроналар айтсак, Уни ўзимизга яқинлаштирамыз. Бу эса ўзгаришларимизнинг бошланишидир. Одам ўзи ҳақидаги ёлғонга ишонмасликнинг мен билган гиёҳлар ичидаги энг фойдалиси шудир.

Агар сиз ўз яқинларингиздан, дўстларингиздан ёки тасодифий танишларингиздан: «Умид қилма. Сен ҳеч нарсага эриша олмайсан. Бу ҳеч қачон сенда бўлмайди!» деган гапларни эшитсангиз, уларга диққат қилинг, бу гапларнинг орқасида ким турганини аниқланг. Иблисга шундай денг: «Иблис, мен ўзим ҳақимдаги ёлғонни эшитишдан бош тортаман. Сен менга уқтирмоқчи бўлаётганингдай, мен бемаъни тасодифнинг натижаси эмасман. Менинг ўз вазифам, мақсадим, қобилиятларим ва имконларим бор. Мен ҳақимда Худо шундай дейди, мен ўзимнинг Самовий Отамга қарши бормайман. Мен сенинг ёлғонингни инкор этаман, ёлғонингни эшитишдан бош тортаман».

Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...ўз ичидан бўлинган хонадон хароб бўлади...» (Лука 11:17). Бу шуни билдирадики, ўзига қарши бораётган одам дунёда ҳеч нарсага эриша олмайди. Ўз ҳақингиздаги ёлғонга ишониш руҳий оғриқларингизнинг эҳтимолдан узоқ бўлмаган сабаби бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда менга ишонган ягона мавжудот Худо бўлган, аммо шунинг ўзи мен учун етарли эди. Ҳозир мен шуни яхши биламанки, агар Унга ишонсам, У менга ишонса, мен кўп нарсаларни рўёбга чиқара оламан. Сиз ҳам шундай қила оласиз!

Азалдан Худонинг ниятида сизнинг шахсингиз тўла шифо топиши ва қайта туғилиши бор эди. Сиз шу ҳақиқатни билиб яшашингиз керак. Ўз Каломида Худо сиз ҳақингизда жуда кўп ажойиб сўзлар айтган. Уларнинг ичида энг муҳим еттита фикрни мен бу бобда сизга тақдим қилмоқчиман. Уларни яна бир марта ўқиб чиқинг. Сиз ҳам

ХУДО СИЗ ТЎҒРИНГИЗДА АЙТГАН ЕТТИ ҲАҚИҚАТ

1. Сиз Худонинг фарзандисиз ва Ундан мерос олишга ҳақлисиз. *«Уни қабул қилганларга эса, барча Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш эркини беради» (Юҳ. 1:12).*
2. Худо сизнинг ҳаётингизда белгилаб қўйган мақсадингиз бор. *«Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган» (1 Кор. 2:9).*
3. Сиз туғилганингиздан бошлаб алоҳида вазифангиз бор. *«...Лекин ҳар бир кишининг Худодан олган ўз қобилияти бор, бириники бу бўлса, бошқаники удир» (1Кор. 7:7).*
4. Сиз ёлғизликдан азоб чекмайсиз. *«...Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан» (Матто 28:20).*
5. Сиз ҳақингизда эслайдилар. *«Худо азалдан билган Ўз халқини рад этмади» (Рим. 11:2).*
6. Сизни севадилар. *«Отам Мени қандай севган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай севдим...» (Юҳ. 15:9).*
7. Сиз ғалаба қозонасиз. *«Аммо бизни Севганнинг соясида буларнинг ҳаммаси устидан улкан ғалаба қозонамиз» (Рим. 8:37).*

ҲАҚИҚИЙ ХУДО ЯРАТГАН БАНДА БЎЛИШ ТЎҒРИСИДА МУҚАДДАС КИТОБ НИМАЛАР ДЕЙДИ

Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса,
у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди,
энди [ҳаммаси] янги бўлди.

2 Кор. 5:17

«Олдинги нарсаларни эсламанг, Эски
нарсаларни ўйламанг. Мен янги нарсани
яратайман, Ҳозир пайдо бўлади-сезмаяпсизми
уни? Мен саҳрода йўл қиламан, Чўлда
дарёлар яратаман.

Ишаё 43:18-19

Сизларга ростини айтай: Менинг сўзларимни
тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши
абдий ҳаётга эга бўлади. У ўлимдан ҳаётга
ўтгани учун ҳукм қилинмайди.

Юҳ. 5:24

Ҳозир ва тоабад қаерга борсанг ҳам,
Эгамиз сени доим асрайди.

Забур 120:8

Ҳар турли ҳукмронлик ва ҳокимиятнинг
боши Масих билан алоқада бўлиб, сизлар
ҳам тўла-тўқис бўлдингизлар.

Кол. 2:10

Қалқинг, нур сочинг, нурингиз келди,
Эгамнинг шуҳрати устингизга келди.

Ишаё 60:1



уларнинг ҳар бири ҳақиқат эканлигига, ишонч билан яшашингизга умид ҳосил қилинг. Уларда — сиз ҳақингизда ҳақиқат бор!

Кўп йиллардан бери мен ҳаётда Худо билан бирга қадам ташляпман. У доимо Ўз ваъдаларини бажариб келган ва доимо менинг ҳаётимда ҳаракат қилган. Кўп марта менга У келмайдигандай туюлган, аммо У келаверган. Тўғри, бу мен кутганимдай ва мен хоҳлаган вақтимда содир бўлмаган. Раббийга шукрлар бўлсинким, бу мен тасаввур қилгандай эмас, балки ундан анча яхши бўлган. Уларга ажратилган вақт доимо энг қулай ва У фойдаланган усул эса доимо тўғри бўлган. Ўзим Худодан олган ҳамма нарсани, ундан ҳам кўпроғини сизга ҳам тилайман.

Баъзида сизнинг руҳингизнинг шифо топиши учун кураш сизга оғир туюлса ёки сиз бу учун зарур бўлган ишларни қила олишингизга шубҳалансангиз, шифо топишингизни ўзингиз эмас, балки Худо амалга оширишини ўзингизга эслатинг. Парвардигорга ҳаракат қилишга имкон беринг. Худога, Сенинг йўллaring меники бўлади, Сен мен учун тайёрлаган йўлларни хоҳлайман, деб айтинг.

ИБОДАТ

Эй Раббий, Ўзингда қатъий туриш учун менга ёрдам бер. Менга ҳаёт йўлимни ўтишга, орқага чекинмасликка куч бер. Душман билан курашга мени мустаҳкам қил, йиқилсам туришимга ёрдам бер. Мен Сенга Табибимга ва Халоскоримга қарагандай қарайман. Мени Ўзинг яратгандай мукаммал шахс қил.

МУНДАРИЖА

<i>Миннатдорчилик</i>	3
<i>Рух шифоси томон қўйилган қадамлар.....</i>	4
<i>Биринчи қадам:</i>	
<i>ўтмишингиздан озод бўлинг</i>	14
<i>Иккинчи қадам:</i>	
<i>итоаткор бўлиб яшанг</i>	33
<i>Учинчи қадам:</i>	
<i>руҳий озодлик томон интилинг</i>	83
<i>Тўртинчи қадам:</i>	
<i>шахсиятингиз тўла тикланишига интилинг</i>	100
<i>Бешинчи қадам:</i>	
<i>Раббийнинг ҳадяларини қабул қилинг</i>	113
<i>Олтинчи қадам:</i>	
<i>шайтоннинг тузоқларидан нари юринг.....</i>	135
<i>Еттинчи қадам:</i>	
<i>ҳақиқат учун қатъият билан курашинг.....</i>	212
<i>Раббийнинг ҳақиқий ижод намунаси бўлинглар</i>	241

Омартиан Сторми
Рухнинг тикланиши

Напечатано на узбекском языке